

ISSN 2181-8738

ВОДИЙНОМА

ОКТАБРЬ-ДЕКАБРЬ

2022 ЙИЛ

№4 (27)



МУНДАРИЖА

«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
2022 йил №4 (27)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди

Ҳамкоримиз: Андижон давлат университети

Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

Таҳрир ҳайъати:

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Абдулла Расулов – т.ф.д., профессор

Жамшид Жўразода – т.ф.д., профессор

Кудияров Алишер – т.ф.н., доцент

Мамбет Қойгелдиев – т.ф.д., академик

Муҳаммаджон Алихожиев – т.ф.н., доцент

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Нурмонжон Ғафуров – т.ф.д., профессор

Улуғбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор

Эргаш Юсупов – т.ф.н., доцент

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

Масъул котиб:

Худоёров Абдумухтор

Техник муҳаррир:

Азизбек Маҳкамов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам
билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри
Университет кўчаси 129-уй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 15.09.2022 й
Қоғоз бичими 60x84 1/8, Босма тобоғи: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 400 дона.

Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 3

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr
NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўгалли ота
кўчаси 5-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги
239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича
илмий журналлар рўйхатига киритилган.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА УНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Ҳайкали Туркияда ўрнатилган машҳур ўзбек

саркардаси Андижонда ёд этилди 2

Р.Т.Шамсутдинов

Бош қўмондон Шермуҳаммадбек жасорати

ҳужжат ва материалларда 7

ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Р.Т.Шамсутдинов, Б.Алимов

Туркистон, Бухоро ва Хоразм тарихига оид муҳим манба 15

Б.Алимов, М.Худоёров, Д.Ҳомидов, А.Маҳкамов

Дукчи Эшон тўғрисида ҳақиқатга зид даъволар 27

ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

М.Худоёров

1898 йилдаги Андижон қўзғолони ҳақида ҳужжатлар 35

Андижоннинг истило қилиниши тарихидан 46

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ МЕРОСИДАН

Р.Шамсутдинов, Ш.Қаҳҳоров

«Дархон» газетаси: советларнинг «босмачилик»ка

қарши «тинчлик» йўлидаги кураши 88

А. Маҳкамов

Ўзбек киносаноатининг асосчиларидан бири 102

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК

К.Балтабаева, М.Худоёров, Д.Ҳомидов

Тарихчилар илмий ҳамкорлигининг уфқлари 108



ҲАЙКАЛИ ТУРКИЯДА ЎРНАТИЛГАН МАШҲУР ЎЗБЕК САРКАРДАСИ АНДИЖОНДА ЁД ЭТИЛДИ



Сўнги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очиқлик-ошкоралик сиёсати натижасида сиру синоатга тўла архив ҳужжатларини ўрганиш имкони пайдо бўлди. Натижада миллий озодлик ҳаракатининг қўмондонларидан бири, машҳур саркарда Шермуҳаммадбек ҳақида ҳужжатли фильм (дарвоқе, мамлакатимиз вилоятлари орасида биринчи бўлиб Андижон давлат университетидан) яратилди. Мазкур фильмда саркарданинг ҳаёт йўли, жасоратини атрофлича ёритиш орқали муҳим маънавий-маърифий вазифа сифидилдан бажарилган. Фильм кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларимизга манзур бўлиши шубҳасиз.

Мустақиллик байрами арафасида Андижон давлат университетининг катта мажлислар залида саркарда ва қўмондон Шермуҳаммадбек ҳақидаги ҳужжатли фильмнинг тақдими бўлиб ўтди. Анжуман бошланишидан олдин ватан озодлиги, истиқлол йўлида қатағон қи-

линган, шаҳид кетган жамики юртдошлар ҳақида атаб Қуръон тиловат қилинди.


Тақдимот маросимида Андижон давлат университети ректори А.Йўлдошев, фильм муаллифлари профессор Р.Шамсутдинов, Н.Раззоқов, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этишди. Тадбирни ректор Акрамжон Йўлдошев фильм ҳақидаги фикрлари билан очиб берди.

Дарвоқе, фильмнинг яратилиш тарихи ҳақида таниқли табиатшунос, ҳукумат органларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган, бадий асар ва мақолалар ёзган, Қўқон шаҳрининг ажойиб фарзанди Мансурхўжа Хўжаев «босмачилик» мавзуси, айниқса, Фарғона қўшинлари қўмондони Шермуҳаммадбекнинг ҳаёт йўли билан ниҳоятда қизиқиб, анча изланишлар олиб борган. Натижада 2008 йили «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Шермуҳаммадбек кўрбоши» номли, 2021



йили «Akademnashr» нашриётида чоп этилган «Шермухаммадбек ва қўрбошилар жасорати» номли китоблари нашр юзини кўрди. Хуллас, «босмачилик» мавзуси, ҳусусан, Шермухаммадбекнинг ҳаёти ва тақдири Мансурхўжа Хўжаев илмий изланишларининг бош мавзуси бўлиб қолди. Шу эзгу иши туфайли Мансурхўжа Хўжаев билан бизнинг ҳамкорлигимиз, биродарлигимиз, дўстлигимиз юзага келган. Лаънати пандемия оқибатида дўстим, биродарим Мансурхўжа Хўжаев 2020 йил 23 сентябрда бандаликни бажо келтирди. Унгача Мансурхўжа ака «Зомин» санаториясида дам олаётган, Тошкентга келганида мен пандемияга чалиниб, шу ерда даволанаётган

эдим. Менга қўнғироқ қилган, жуда мароқли суҳбат қурган эдик. Тез орада дийдорлашамиз деб келишган эдик. Нашрдан чиқиш арафасида турган китоби ҳақида яқин 5 – 10 кун ичида қўлимга тегади деган эди. Жуда хурсанд бўлган эди. Афсуски, ўша телефондаги суҳбатимиз сўнггиси бўлди ва нашр этилган китобини кўролмай дунёдан ўтди. На қилайлик, армонли дунё экан. Аммо Мансурхўжа Хўжаевнинг Шермухаммадбек ҳақидаги икки забардаст китоби халқимиз учун ёдгорлик бўлиб қолди. Унинг тўнғич фарзанди Юлдузхон, синглиси Сабохон Хўжаева ва бошқа яқинлари анжуманимизда иштирок этишди ва ўз эсдаликлари билан ўртоқлашишди.





УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84-44(5Ў)
Х 98

Х 98 Хўжаев Мансурхўжа
Шермухаммадбек ва қўрбошилар жасорати [Матн]: тарихий-бадий / М.Хўжаев. – Тошкент: «Akademnashr», 2021. – 384 б.
ISBN 978-9943-6502-9-9

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84-44(5Ў)

«Шермухаммадбек ва қўрбошилар жасорати» китоби узоқ йиллар мобайнидаги машаққатли иланимлар, шу билан бирга, шарафли, хайрли меҳнат натижасидир. Бу асар, ёшидан қатъи назар, ҳар бир ўқувчида қизиқиш уйғотади деб ўйлаймиз. Унинг муаллифи ҳам тарихнавис адиб, ҳам ёзувчи сифатида миллий қадромонларимизнинг ҳаёт йўлини, жасоратини имкон қадар атрафлича ёритиб беришга интилиб, муҳим маънавий-маърифий вазифани сифидидан бажариши бахтига мўъассар бўлган ватанпарвар, миллатпарвар инсондир. Мазкур асар кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларимизга манзур бўлишига чин дилдан ишонамиз, алоҳатта.

Масъуъл муҳаррир:
Рустамбек Шавқутдинов
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
тарих фанлари доктори, профессор

Таҳрирчилар:
Шодмон Ҳайитов
тарих фанлари доктори, профессор
Ботиржон Тожибоев
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жасурбек Ҳасанов
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ISBN 978-9943-6502-9-9

© Мансурхўжа Хўжаев
«Шермухаммадбек ва қўрбошилар жасорати»
© «Akademnashr», 2021





Шермухаммадбек ҳақидаги китоб муаллифи Мансурхўжа Хўжаевнинг қизи Юлдузхон, ўғли Ахрорхон, «Шермухаммадбек» номли ҳужжатли фильм муаллифи профессор Р.Т.Шамсутдинов ва Наби Раззоқов



Ректор Ақромжон Йўлдашев, сценарист Наби Раззоқов, профессор Р.Т.Шамсутдинов



2022 йил 8 март куни Туркиянинг Адана шаҳрида Туркистон миллий-озодлик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири Шермуҳаммадбек хотираси учун тикланган ёдгорликнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



АндДУ тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи 4-залидаги стенд



АндДУ тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи 4-залидаги стенд



БОШ ҚҶМОНДОН ШЕРМУҲАММАДБЕК ЖАСОРАТИ ҲУЖЖАТ ВА МАТЕРИАЛЛАРДА

Р.Т.Шамсутдинов



борганлардан бири, чекист, арман миллатига мансуб Георгий Сергеевич Оғабековнинг Тур-

Бундан чорак аср олдин, 1997 йили «Фан ва турмуш» журнаlining 2-сонида бизнинг «Фарғона қўрбошилари» номли мақоламиз эълон қилинган эди. Унда Ўзбекистонда қатагон сиёсатини олиб

муҳаммадбек унга қарши раддия ёзагагига ишонган ва чекист Оғабековнинг мақоласини чоп этишни лозим кўрган. Айни пайтда, мақолага шарҳ берган. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«... Биз ҳақиқий Туркистон миллатчиси бўлгон Шермуҳаммадбекнинг бу чекистлар томонидан унинг устига отилмоқда бўлгон ифлос доғни тозалаб олажағига ишонамиз.

Мана, энди Шермуҳаммадбек ўз раддиясини юбориб ўтирибдур. Бу раддия бўлмаса ҳам, бизнинг Шермуҳаммадбекка нисбатан ишончимиз камайгани йўқ эди. Бу Шермуҳаммадбекка раддияси ила большевикларнинг шайтонлигини яна бир дафъа ортиқ майдонга чиқарган бўладир».

Журнал шу шарҳ билан Шермуҳаммадбекнинг Кобулдан йўллаган мактубини айнан келтиради:

ҚҶРБОШИ ШЕРМУҲАММАДБЕК МАКТУБИ

Бошқармадан: Муҳтарам қўрбоши Шермуҳаммадбек афандининг тубанда босиб турдиғимиз раддиясини биз кўбдан берли кутар эдик. Локин у кишининг ўзидан бўлмаган сабаблардан бу раддия эндиgina келиб турибдир ва биз ҳам уни чин юракдан қувончимиз ила босмоқдамиз.

Бурунғу чекист Оғабекуф вақтила Шермуҳаммадбекни ўз тузоғига тушуруб олганли-



1 – бош қўмондон Шермуҳаммадбек, 3 – лашкарбоши Мулла Хотам, 4 – Нозир Кабавий. 1922 йил, Афғонистон, Кобул

кида чиққан «Ёш Туркистон» журнаlining 1930 йил 11-сонида Шермуҳаммадбек ҳақида бўҳтонларга тўла мақоласи босилгани ҳақида маълумот бергандик. Журнал ҳайъати Шер-



ғи ҳақинда ёзган эди. Биз унга инонмасак-да, бутун дунё юзига ёйилатурған бир асарда босилғани учун ҳақиқатни очиқ кунга чиқариш нияти-ла Оғабекуфнинг дедикларини босиш мажбуриятинда қолған эдик.

Бўлшавикларнинг «Чека»си бундан бир неча йил аввал русларнинг энг ишлакли¹, атоқли ва тажрибали сиёсийонлариндан В.В.Шулгинни ҳам ўз тузоғиға тушуруб олған эди. Бу киши ўзи билмагани ҳолда бўлшавик «Чека»си ҳисобиға Русияға яширин саёҳат этиб қайтқан. Харкуф, Киев, Мўсква каби буюк шаҳарларда бўлуб, бўлшавизм ва совет ҳукуматининг душмани рангини олған «чекистлар» ила кўрушуб, Оврупаға келгандан сўнг «фикрдош дўстлари» оғизлариндан эшитканларини буюк бир китоб ҳолинда ёзиб чиқарған. Табиий, Шулгиннинг бўянған «чекист дўстлари» Русиянинг ички сиёсий аҳволини Шулгин ва унинг муҳожиратдаги фикрдошларининг тасаввур этиб келдиклариндан бошқача қилиб англатқанлар...²

Бўлшавик чекистлари тузоғиға рус инқилобчилари ичинда энг буюк ўрун ва энг самимий ҳурмат қозонған Борис Совенкуф ҳам тушуб қолған. Совенкуф йилларча совет ҳукуматиға қарши қонли суғуш³ юргузуб, охирда юқорида оталған Шулгиннинг билмасдан тушқан йўлила совет Русиясиға бориб чиқолмай қолған ва адаштирилғанни билгач, турмада ўзини ўлдурған...

В.В.Шулгин ила Совенкуф бутун Русияда кўб танилған сиёсийонлардандирлар. Мана бу каби кишилар «Чека» тузоғиға тушурула билсалар, бошқа улардек тажрибаси бўлмағанларнинг тушуб қолишлари шошиларлиқ бир нарса эмасдир...

Шундай бўлса ҳам, «биз ҳақиқий Туркистон миллатчиси бўлған Шермуҳаммадбекнинг бу чекистлар томонидан унинг устига

отилмоқда бўлған ифлос доғни тозалаб олажағиға инонамиз» деган эдик (Ёш Туркистон. 11-сон. – Б.21). Мана, энди Шермуҳаммадбек ўз раддиясини юборуб ўтурубдир. Бу раддия бўлмаса ҳам, биз Шермуҳаммадбекға қарши инончимизни камайтмас эдик. Бу Шермуҳаммадбек раддиясила бўлшавикларнинг шайтонлиғини яна бир дафъа ортиқ майдонға чиқарған бўладир.

Сайғили⁴ «Ёш Туркистон» бошқармасиға

Севгили⁵ афандилар, чин кўнгилдан қайнаб чиққан арзи ихлос ва ҳурматларимни қабул этингиз.

«Ёш Туркистон» журналининг (1930 йил 2 ўктўбр) сониди бурунғу чекист Оғабекуфнинг хотираларида меним устимға отилған кир бўҳтонини ўқуб жуда ўқундим ва бу журналнинг ўз пайтида менга келиб етишмаганиға кўб қайғирдим.

Тангри ёрлақасин, шу кунларда муҳтарам муфтий Садриддинхон ҳазратларининг Кобилға келиб чиқишлари журналнинг бу масъала ила алоқадор сонини ўқуб чиқишимға сабаб бўлди; шу пайтдаёқ қўлумға қалам олиб, ўзимнинг миллий муқаддас вазифамни бажаришқа, устимға ҳақсиз отилған оғир-қора тухматни итқитиб ташлашға қарор бердим.

Истакли афандим.

Бизнинг миллий ва эзги вазифаларимизни англитиб чизиб ўтушларингизға чин юракдан миннатдорлиқ қиламан. Тўғру, Туркистоннинг қуртулуши⁶ учун кўкрагини кериб, курашиб ўлған мингларча Туркистон шаҳидларининг мўборак қонлари масъулиятининг устимизда эканлиғини биз мужоҳидлар унутмаймиз. У муҳтарам шарафлик шаҳид туғанларимиз-

¹ Файратли.

² Кўп нуқта белгиларининг барчаси асл матнға тегишли. Бошқа ўринларда ҳам имло ва тиниш белгилари матннинг аслидагидек қолдирилди.

³ Уруш.

⁴ Ҳурматли.

⁵ Севикли.

⁶ Озодлиги.



нинг¹ қонлари бизни бундай кир, манхус² тузоққа илинмаслигимизни амр этадир.

Оё букунки кунларда бўлшавикларнинг мингларча миллат ходимларимизни ноҳақ ўққа тизиб турганлари бизларга бир ибрат дарси эмасми? Шу фожиаларни кўруб турган қандай бир виждонсиз хоин уларнинг кўмагига қўл узатар экан?!.

Мен Оғабекуф ва унинг манхус идораси ГПУ вакиллари билан ҳеч вақт ва ҳеч бир қандай ерда кўрушмадим; пул-да олмадим. Ҳақимдаги сўзларнинг бошдан-оёқ қип-қизил ёлгон эканини очиқ-ойдин эълон қиламен. Оғабекуфнинг қўлида мени қоралайтурган кичкинагина бир далили бор бўлса, мана майдон, марҳамат этсин!

ГПУ тузоғига илинатурган айғоқ қони менда йўқ. Мен бошқа мужоҳидлар билан бирга шараф билан миллатимнинг қуртулуши учун чорпишдим³. Кўксимни ўққа девор қилиб урушдим. Ўша синашда душманимиз бўлган золим бўлшавиклар ила бундан кейин ҳам урушга ҳозирмен.

Муҳтарам афандилар, меним юқорида ёзган кичкина раддиямни, мендан бўлмаган сабабларга биноан кечикишига қарамай, журналингизга босиб, дунёга тарқатсангиз, бўйунга буюк бир миннат қўйган бўлур эдингиз.

Тўлуқ ҳурматларимни қабул этингиз. Шермуҳаммадбек.

Афғонистон. Кобил, 8 нўёбр 1934.

Бу ҳужжатни келтиришдан мақсад шўро даври тарихининг очилмаган саҳифаларини холисона ёритиш, унинг фирқа, ГПУ, ЧК каби ташкилотлари ўз «мухолифлари»ни тузоққа илинтириш, халқ олдида обрўсини тўкиш мақсадида ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмаганлигига яна бир далил келтириш эди. Шунинг учун истиқлолчилар муҳитида, уларнинг ўз қўллари билан битилган ҳужжатлар қанчалик

кўп топилса, ўрганилса, миллий кураш тарихимизни шунчалик ҳаққоний яратиш мумкин бўлади. Бундай ҳужжатлар дунёнинг турли жойларида сақланмоқда. Ватанни тарк этиб, ўзга юртларда кун кўришга мажбур бўлган истиқлолчилар ва уларнинг авлодлари қўлида кўпдан-кўп қимматли ҳужжат ва материаллар ҳам борки, уларни тарих фани мулкига айлантириш муҳим вазифалардандир.



Проф. Р.Т.Шамсутдинов ва Шермуҳаммадбекнинг ўғли Давронбек

Хизмат сафари билан 1995 йил кузида АҚШда бўлганимизда Нью-Йоркда яшаётган Давронбек ҳонадонига таклиф қилиндик. Давронбек истиқлолчи жангчилар бош қўмондони Шермуҳаммадбекнинг ўғли бўлади. 26 октябрдаги суҳбатимизда Шермуҳаммадбекнинг укаси Нурмуҳаммадбекнинг ўғли Анварбек ҳам қатнашганди. Биз оилавий архив ҳужжатлари билан бафуржа танишиб чиқдик. Давронбек, Анварбеклар ўз падари бузрукворларидан эшитган кўплаб тарихий воқеаларни сўзлаб беришди, биз қунт билан тингладик ва диктофонга ёзиб ҳам олдик. Улар бизнинг узоқ ва яқин ўтмишимиз тўғрисида сўзларди...

Ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар бир гуруҳ понсодлар билан 1927 йил шаъбон ойининг биринчи кунида Кобул шаҳридаги Боғи Алимардонда тўпланишади. Улар Фарғона водийсида 1917 – 1924 йиллардаги

¹ Биродарларимизнинг.

² Бехосият.

³ Курашдим.



истиқлол уруши ҳақида баъзи бир маълумотларни эсга олиб, аниқлаб, келажак авлод учун бир ҳужжат тайёрлашган. У андижонлик истиқлолчи Абдулхай махдум томонидан эски туркий тилда, арабча имлода ёзилган. Мазкур ҳужжат Давронбек ака томонидан бизга тақдим этилди.

Ҳужжат матнида мана бу сўзлар бор:

«Мухтарам орқадошлар! Авлод умри Русияда ҳуррият тарафдорлари Русия императорлигига қарши бир ҳаракат этишибдур. 1333нчи ҳижрийда мутобик 1917нчи исавийда мухториятларини олиб, ҳар миллат ўз ҳуқуқига соҳиб ўлуб, икки йил ҳуррият тарихи ила сурди. Бу ҳукумат ташкил ўлуб, усули салтанати усули машвора-ла тақдил этилдилар. Оқибат мухториятчилар қарши инқилобчилар хуруж қилиб коммунист ёки болшевик шиори ила буюк бир тўфон келтурди. Бу тўфоннинг ҳашоротлари ва заҳарлари-ла ҳайвонотлари бечора оқ гуруҳлари ҳалок ўлуб, мухторият-да маҳв этди. Бу ҳурриятни маҳвири 1334нчи ҳижрий мутобик эди. Бу муҳораба икки йил давом этди. 1336нчи ҳижрийда болшевизм ғалаба қозониб, бу наҳрнинг раҳнамоси, асли яҳудий ва кейин руслашмиш Ленин номида бир инқилобчи улуб бутун Русияда ҳоким ўлди. Сўнгра бу болшевизмга Русия ва мусулмон миллатчилари такрор исён этиб, бир тарафдан муҳораба очдилар. Жумладан, Туркистони ғарбийнинг Фарғона, Хива ва Бухоро атрофларидан чўқ мужоҳидлар майдони муҳорабая отилдилар. Булардан машҳурлари етти йил давомида ғайрат этганларидан икки кимса эди. Бири Фарғона мужоҳидлари раиси Шермуҳаммадбек эса, иккинчиси Бухоро мужоҳидлари раиси Иброҳимбек эди».

Шундан сўнг ҳужжатда Шермуҳаммадбек муҳорабаларидан, таржимаи ҳолидан лавҳалар келтирилган. Ундан айримларини айнан келтирамиз:

«Шермуҳаммадбек жаноблари зотинда бир ўзбек жамоасинда Фарғона тепаси бор боболи ўлуб, отолари Қўшоқ мирзо ҳожи номли

бир зот эди. Булар отодан тўрт эр вужуда келиб: биринчиси Тошмуҳаммад, иккинчиси Рўзимухаммад, учинчиси Шермуҳаммад, тўртинчиси Нурмуҳаммадбеклар эди. Булардан учинчилари Шермуҳаммадбек болшевизмдан Ватанларини қутқармоқ учун 1917чида майдони маҳорабага отилиб чиқди. Бу зот ибтидоий чиқдигинда юз нафарча йигитлари ила ғайрат этиб, икки Сиза тарафинда мингларча аскарларга соҳиблик ўлди. Шул вақтида Фарғонани ҳар бир атрофидан чиқмиш мужоҳидлар бошлуғу қўрбоши номи ила шуҳратланиб, умуман бир раислари йўқ эди. Сўнгги саҳифаларда ёзилмиш саккиз нафар қўмондон бир қўрбошилиқда ҳокими мулкдор каби ўз аскарларига ҳукм юритар эди. Сўнг бу қўрбошилар қувват топиб, 1918 да мазкур Шермуҳаммадбек умуман Фарғона мужоҳидларига раис ўлди. Бу раисликда тўрт йил давом этди. Бу вақтда юз минг мунтазам аскарларга молик ўлуб, бир эр каби фармон этар эдилар. Шу 1924 (аслида, 1922 йил – Р.Ш.) сана Шарқий Бухородан Анвар пошшо марҳум қарши иш очиб, Шермуҳаммадбекни кўмак учун чақирди.

Жавобан Шермуҳаммадбек кўмак учун биродари (укаси – Р.Ш.) Нурмуҳаммадбекни икки минг қаҳрамон йигитлари ила юбориб, ордан ўзи ҳам Анвар пошшо марҳум ҳузурларига юрдилар. Бахтсиз миллат Туркистон иқболи йўқлигидан бу мужоҳидлар ҳар бирига етушмасдан аввал Шарқий Бухоронинг бир қарияси (қишлоғи – Р.Ш.) атрофинда Балжувон номли шу бир ерида руслар тарафидан бир ҳужум Анвар пошшо устина этилиб, бу ерда доҳий, машҳур қаҳрамон ғозий Анвар пошшони шаҳодат қони-ла бўяди.

Одами ислом учун битмас даражада бир жароҳат ва алам тортилди. Сўнг Шермуҳаммадбеклар етишуб, бу воқеадан чўх аламли ва ғамгин ўлди. Сўнг етти кунга таъзия маросимларини адо этиб... очмоқ учун келмиш Сомийбек ила биргалиқда иш қилмоқ бўлдилар. Оқибат бу икки мужоҳидларга ҳарги бадбахтлар ёл-



фон сўзлар тошуб, ўрталарига бир буюк адоват солди. Шермуҳаммадбек Сомийбекдан ажраб, тоғ тарафга юрмоқчи бўлди. Сомийбек қувлаб ўққа тутди. Ўртада бир неча адад йигитлар шаҳид ўлуб, қувватлари бўлинди. Сўнг ҳалокатлар бир ортидан бири келиб Сомийбек-да бошқасидан бир тарафга қочди. Фурсатдан истеъфодаланиб Русия буюк ҳужумлар этди. Шермуҳаммадбек жаноблари шу 1324 да 300 (уч юз) аскарлари хоки муқаддас Афғонистона Бадахшонда Хонободда давлат тарафидан бир неча ой меҳмон этулдилар. Сўнгра мазкур сана давлат фармойиши ила Кобулга келдилар. Бу ерда бир сана туруб, Пешовор шахрина бордилар. Ул ерда давлати Англиядан кўмак сўраб, Русияга қарши такрор муҳораба очмоқчи ўлдилар. Сўнгра Хитой тарафидан юриб, такрор Афғонистонга келуб, бу ерда давлати олия чўх кўмак ва пуллар берилиб, туз тутдилар. Бу вақтда қадар Кобулда муқим бўлиб, бир ойда 1000 рупия ҳукумат тарафидан кўмак олиб турардилар. Камина хизматкоринда Нурмуҳаммадбек биродарлари ва бошқа 15 – 20 нафар йигитлари ҳозирдирлар. Атрофлари ила муҳорабалар этишуб, миллат вазифаларинда чолишуб турмоқдалар. Аллоҳу жаллуҳу жаллоллоҳ бек соҳибнинг мақсудларина ҳосил этсун. Омин!»

Ҳужжатда Фарғона водийсида истиқлол кураши олиб борган лашкарбошилар, қўрбошилар ҳақида маълумотлар келтирилган. Улардан энг муҳимларини кўрсатиб ўтишни бурчимиз деб биламиз:

Шермуҳаммадбек 23 ёшида истиқлол курашига киришган, аввал 13 минг, сўнгра 103 минг аскарга эга бўлган. Унинг етакчилигида Эргашбек, Мадаминбек, Холхўжа эшон, Парпибек, Муҳитдинбек, Омон паҳлавон, Нурмуҳаммадбек, Жонибек қозилар миллий озодлик уруши олиб борган.

Кўқонлик Эргашбек 35 ёшида 6 йил уруш олиб борган, 12 минг аскари бўлган, муҳораба майдонида шаҳид бўлган.

Марғилонлик Мадаминбек 23 ёшида 10 минг аскари билан уч йил уруш олиб борган, 1920 йил майида шаҳид бўлган.

43 ёшли ўшлик Холхўжа, 8 та лашкарбоши, 10 минг аскари бўлган, бир гуруҳ йигитлари билан Олой водийсида қор кўчкиси остида қолиб кетган.

Андижонлик Парпибек қўрбоши 35 ёшида 8 нафар лашкарбошига, 10 минг жангчига эга бўлиб, 5 йил кураш олиб борган, 1921 йили Сузоқда шаҳид бўлган. Кўкжарлик Муҳитдинбек 40 ёшидан бошлаб 11 та лашкарбоши, 13 минг қирғиз йигитларидан иборат жангчилар билан 7 йил уруш олиб бориб, шаҳид бўлган. Наманганлик Омон полвон 6 лашкарбоши, 8 минг аскар билан 7 йил жанг қилиб шаҳид бўлган. Яккатутлик Нурмуҳаммадбек 18 ёшидан 7 йил уруш олиб борган, 1975 йили Туркияда вафот этган. Ўзганлик Жонибек Қози миллий кураш бошлаганида 50 ёшда эди. У 4 нафар лашкарбошига ва 10 минг аскарга эга бўлиб, 7 йил уруш олиб борди, Шарқий Туркистонга муҳожир бўлиб ўтиб кетди.

Кўмондон Эргашбек қарамоғидаги лашкарбошилар қуйидагилар эди: кўқонлик Эшмуҳаммадбек (35 ёшда), олтиариқлик Тўйчибек (35 ёшда), қўштегирмонлик Мирзо Улуғбек (25 ёш), яйпанлик Ислон Паҳлавон (35 ёш), бешариқлик Ҳамдам ҳожи (35 ёш), қиссакўзлик Усмон дев (30 ёш), олтиариқлик Султон Ғозий (40 ёш), вориқлик Мулло Пўлат (30 ёш).

1919 йил март ойи. Мадаминбек қўшинлари Балиқчи қасабасида. Ўшдан чиққан Холхўжа эшон ҳам шу жойда. Улар қизилларнинг кучли тазйиқи остида. Истиқлолчиларга қарши 4 мингдан ортиқ яхши қуролланган қизил қўшин аскарлари бир неча бор ҳужум уюштиради. Шиддатли жангларнинг иккинчи кунида Мадаминбек ва Холхўжа кучлари танг аҳволга тушиб, чор тарафдан қуршовда қолади. Шермуҳаммадбек жангнинг тўртинчи кунида 3000 дан ортиқ йигитлари билан Балиқчига етиб келиб, жангга киришади. Эрталабга қадар кучли



кўча жанглари бўлиб, вазият истиқлолчилар фойдасига ўзгаради. Қуршовдан чиққан истиқлолчилар душманга қарши ҳужумни авж олдиради. Қизиллар тўрт томондан қуршаб олинади. Қаттиқ жангдан сўнг қочиб улгурган ва ўлганлардан ташқари 1700 рус аскарлари таслим бўлишдан бопқа чора топа олмайди. 700 га яқин бешотар милтик, 2 тўп, 2 пулемёт ўлжа олинади. Ўлжа олинган қуроллар Мадаминбек, Холхўжа, Шермухаммадбек ўртасида тақсимланади. Асирлар Норин ва Қорадарё кўшилиб, Сирдарё бошланган жойга келтирилиб, сўроқ қилинади, керакли маълумотлар олинганча, рус миллатига мансуб бўлганлари қўйиб юборилади, 350 арман дашноқларининг оёқ-қўллари боғланиб, Сирдарёга улоқтирилади.

**1920 йил ноябрь ҳолатига ВЧК
махфий бўлимининг исёнчи ҳаракат
ҳақидаги ҳисоботи
1920 йил 11 декабрь**

... XII. Туркистон

Туркистон, Фарғона областларида бандитизмнинг алоҳида тури – босмачилик кенг тарқалган. «Босмачи» маҳаллий тилда қароқчи деган маънони англатади. Аммо босмачилик анчадан буён қароқчилик ҳаракати бўлмасдан, сиёсий оқ гвардиячи антисовет ҳаракатига айланди. Босмачиларнинг таркиби (контингент) маҳаллий қишлоқлардаги ер ва озиқ-овқат бўйича совет сиёсатидан норози бўлган сартқулоқлар ва бойлар (хўжайинлар)дан иборат эди.

Бу ҳаракат рус мустамлакачиларига қарши миллатчилик характерида намоён бўлди. Босмачилик ҳаракатининг бошида Кўршермат ёки, ўзининг айтишича, Шермухаммад кўрбоши, «Фарғона мусулмонлари қуролли кучларининг бош қўмондони» турар эди. Босмачилар орасида ҳатто ўзаро бир-бирларига қарши ҳужум қилиш, талон-торож этиш, ўлдириш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Улар сўнгги

пайтларда темирўлларга ҳужум қилишмоқда, пахта ва совун ишлаб чиқарадиган заводларни ёқиб юборишди, бой пахта захираларига ҳужум қилишди ва тўқимачилик саноатига зарба беришди. Қурол-яроғ Бухородан олинган бўлиб, пулемётлар ҳам бор эди.

Босмачилик анчадан буён Фарғона fronti-га айланди, Туркфронт босмачиликни йўқ қилиш учун турли операцияларни амалга оширди. Бу жуда қийин иш. Босмачилик кўп йиллардан буён Туркистонда мавжуд бўлиб, оқ подшо (царизм) тузумида ҳам ҳаракатда бўлган. Қишда – чўлларда босмачилар отлари учун озиқ-овқат бўлмаганида (босмачиларнинг барчаси отда ҳаракатланади) улар қишлоқларга жойлашади. Баҳорда – куёшнинг илк нурлари таралганда улар отларига ўтириб, тинч деҳқондан яна босмачига айланишади. Бухородаги инқилоб босмачиликни қуроллар билан таъминлаб туришни тўхтатса-да, улар Хитой чегараси орқали олиб ўтдилар. Шунингдек, босмачилар орасида Хитойдан Фарғонага йўл олган Анненков бўлинмасининг кўплаб рус зобитлари ва казаклар ҳам бор. Кейинги йилларда совет ҳукумати томонидан Туркистонда бойларга нисбатан қатъий принцип асосида олиб борилаётган сиёсат натижасида камбағаллар олдида давлатнинг обрўси ортиб бормоқда. Келгуси баҳорда босмачилик ҳаракати янада заифроқ бўлишига умид қилиш мумкин. Бойларга қарши қаттиқ кураш ва маҳаллий камбағалларни бирлаштириш босмачилик ҳаракатини тўлиқ бартараф этиш шартларидан биридир.

**№34. 1921 йил 9 май ҳолатига
1921 йил 10 май**

Фарғона области

1. Аҳоли кайфияти қониқарли.
2. Босмачилар томонидан темирўл полотносини бузиш камайди. Босмачилик ҳаракати, умуман олганда, кучсизланмоқда. Кўршерматнинг қароргоҳидаги ҳокимият марказлашмоқ-



да. У Бухородан ўз пуллариини зарб этиш учун иккита станок олиб келган.

№38. 1921 йил 13 май ҳолатига

Туркистон ҳарбий округи (БФК ДВнинг 1921 йил 12 майдаги №3500 телеграммаси).

Фарғона области

1. Яқинлашиб келаётган очарчилик хавфи ва босмачилик ҳаракатининг кучайиши туфайли аҳоли кайфияти ёмон аҳволда. Экин кампанияси суст амалга оширилмоқда. Экин экиш тугалланмаган жойлар Қўқон уездига 80 фоизни ташкил этмоқда. Пахта экиш бўйича топшириқ Қўқон ва Хўжанд уездларида 80 фоиз бажарилган, бошқа ҳудудларда эса пахта экиш секин амалга оширилмоқда. Ерсизлар иттифоқи ёлланиб меҳнат қилишни афзал билиб ер олишдан бош тортмоқда.

2. Темирйўл полотноларини (полотно – кўтарма (шағал тўкиб кўтарилган хомаки йўл) доимий равишда ишдан чиқариш бўйича Кўршерматнинг буйруғи чиққан. Босмачилар совет ҳокимиятига буғдой берган мусулмонларни отиб юбормоқдалар.

№340 / №29 (266) 1922 йил 4 ва 5 февраль 1922 йил 6 февраль

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот, №21, 3 февраль)

7. 27 январь маълумотларига кўра, Кўршермат ва Нурмат 400 кишилик отряд билан Ғорбува районида бўлишган. Шермуҳаммадбек баҳоргача ҳарбий операцияларни бошламасликка ваъда бериб, хўжаликлардан чиқмасликка чақириб аҳолига мурожаат қилди. Қароқчиларнинг номаълум тўдаси Фарғонадаги ахлоқ тузатиш уйига ҳужум қилди ва у ердаги барча маҳаллий маҳбусларни озод қилди. Аҳмад полвон 200 кишилик отряд билан Қизилоёқни (Асакадан 10 чақирим шимолда) эгаллади. Раҳмонқул 500 кишилик отряд билан Чоркесарга (Чустнинг ғарбий қисмида) кўчиб ўтди. Ҳозир-

ги вақтда Аҳмад полвон 150 кишилик отряд билан Янгиқўрғон районида жойлашган. Мулла Давроннинг 50 кишилик отряди билан Хўжаобод шаҳрида (ҳозирги Балиқчи тумани ҳудудида) жойлашганлиги ҳақидаги маълумотлар тасдиқланмоқда. Мулла Собир 200 кишилик отряд билан Пойтуғ районида, Муҳиддин 400 кишилик отряд билан Эски Новқат ҳудудида жойлашган. 150 кишилик отрядга эга Қозоқбой Мирободга (ҳозирги Олтинкўл туманида) ўрнашган. 200 кишилик отряди билан Жонибек Қулдуқ дарёси водийсида ҳаракат қилмоқда.

№375 / №27 (292) 1922 йил 31 март 1922 йил 1 апрель

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот, №47, 31 март)

7. 29 мартдаги маълумотларга кўра, Нурматнинг отрядлари Марғилон ҳудудида фаолият олиб бормоқда. Юсуф Мақсуд ва Рўзимат отрядлари Ёзёвон ҳудудида жойлашган. Аҳмад полвон Қизилоёқ районини эгаллаган. Худдишу маълумотларга кўра, Кўршермат отрядлари Шаҳрихон ҳудудида жойлашган. Андижон районида 100 кишигача миқдордаги бўлган Мулла Собир отряди мавжуд. Миробод ҳудудида Қозоқбой бошчилигида 150 кишилик отряд аниқланди. Юнус қўрбоши 100 кишилик отряд билан Харабекни эгаллаган. 120 кишидан иборат Исмоил Нўғай ва Тўражон отрядлари Орол минтақасида (Андижондан 10 чақирим шимол-шарқда) жойлашган. Ғорбува районида бўлиб ўтадиган қўрбошилар йиғилиши ҳақида маълумот эътиборга лойиқдир.²

№424 / №84 (358), 1922 йил 10 – 11 июнь 1922 йил 12 июнь

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот, №72, 8 июнь)

7. 2 июндаги маълумотларга кўра, Кўршермат барча Фарғона босмачиларининг бош қўмондони, Муҳиддин унинг ўринбосари этиб



сайланган. 4 июндаги маълумотларга кўра, Муҳиддин 100 отликдан иборат отряд билан Аравонни кесиб ўтган ва Пер-Аргард минтақасидаги штаб-квартирасини олиб келган. Қишлоқ ҳудудида, 2 июндаги маълумотларга кўра, 700 отликдан иборат бўлган Қозоқбой ва Аҳмат полвонларнинг отряди ўртасида тўқнашув содир бўлди. Босмачи отрядлари 60 кишини йўқотиб, номаълум томонга чекинишди.

1927 йилнинг июнь оyi бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи (ОГПУ маълумотлари бўйича) 5-сонли ИЛОВА

Сиёсий кайфият. Уруш тўғрисидаги мишмишлар

8. Тошкент шаҳри. Руҳонийлар Афғонистондан Кўршермат (Шермуҳаммадбек) (фарғоналик босмачиларнинг собиқ раҳбари) бошчилигида тайёрланган босмачилар келиши ҳақида мишмишлар тарқатишди.



ТУРКИСТОН, БУХОРО ВА ХОРАЗМ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Учинчи мажлис

(1923 йил 10 июнь кечқурун)

Р.Т.Шамсутдинов, Б.Алимов

Раис (Каменев). Кун тартибининг иккинчи бандига ўтамиз. Аввало, ўртоқ Адигамовнинг аризасини маълум қилмоқчиман, у ўзига сўз берилишини сўраб хат берган экан, лекин бу хат менгача етиб келгани йўқ. Маъруза учун сўз ўртоқ Сталинга.

Сталин. Ўртоқлар. Сизлар Марказқўм Сиёсий бюросининг миллий масала бўйича платформаси лойиҳасини олган бўлишингиз керак (*Овозлар.* Ҳамма ҳам олгани йўқ). Бу платформа кун тартибининг иккинчи бандига барча кичик бандлари билан тааллуқли. Кенгаш кун тартибини Марказқўм шифрли хабарномаси кўринишида, ҳар ҳолда, ҳамма олган.

Сиёсий бюро таклифларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Масалаларнинг биринчи гуруҳи республика ва областларда коммунистик кадрларни маҳаллий кишилар ҳисобидан мустаҳкамлашга тааллуқли. Масалаларнинг иккинчи гуруҳи XII съезднинг миллий масала бўйича аниқ қарорларини, айнан маҳаллий аҳолининг меҳнаткаш қатламларини партия ва совет қурилишига жалб этиш масалаларини; маҳаллий аҳолининг маданий савиясини кўтариш учун зарур бўлган тадбирлар ҳақидаги масалаларни; республика ва областлар қишлоқ хўжалиги аҳолини турмушнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда юксалтириш; ниҳоят областлар ва республикаларда

кооперациялаш, заводларни кўчириш, саноат марказларини ташкил қилиш ва бошқа масалалар бўйича қарорларини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ барча ишларга тегишли. Бу гуруҳга мансуб масалалар маҳаллий ша-роитларга мувофиқ равишда областлар ва республикаларнинг хўжалик, маданий ва давлат вазифаларига дахлдор. Масалаларнинг учинчи гуруҳи, умуман, Республикалар Иттифоқи конституциясига, айниқса, Республикалар Иттифоқи Марказий ижроқўмининг иккинчи палатаси таъсис этилиши нуқтаи назаридан бу конституцияга тузатишлар киритиш масаласига тааллуқли. Масалаларнинг сўнгги гуруҳи, маълумки, Республикалар Иттифоқи Марказий ижроқўмининг бўлажак сессиясига алоқадор.

Мен масалаларнинг биринчи гуруҳига – маҳаллий кишилардан марксчи кадрларни, чекка ўлкаларда совет ҳокимиятининг энг муҳим ва алаалоқибат ҳал қилувчи таянчи бўла оладиган кадрларни етиштириб чиқариш ҳамда мустаҳкамлаш усулларига оид масалаларга ўтаман. Агар партиямизнинг ривожланишини (мен рус қисмини асосий қисм сифатида оламан) олиб, унинг тараққиёти асосий босқичлари кузатилса, сўнгра шунга ўхшаш тарзда областлар ва республикалардаги коммунистик ташкилотларимиз ривожининг энг аниқ ман-



зараси барпо этилса, у ҳолда, ўйлайманки, биз партиямизнинг чекка ўлкаларда ривожланиши нуқтаи назаридан бу мамлакатлардаги мавжуд хусусиятларни тушунишга кўмаклашадиган омилни топган бўламиз. Партиямиз, унинг рус қисми тараққиётининг дастлабки даврида кадрларни, марксчи кадрларни тайёрлаш асосий вазифа бўлган эди. Улар, бу марксчи кадрлар бизнинг меньшевизмга қарши курашимиз жараёнида тайёрланишди ва чиниқишди. Ўша даврда – мен большевиклар партиясига асос солинган пайтдан меньшевизмнинг жуда тугал ифодачилари сифатида тугатувчилар партиядан қувилган пайтгача бўлган даврни оляпман – бу кадрларнинг асосий вазифаси ишчилар синфининг энг жонли, энг маҳаллий ва бошқалардан энг кўп ажралиб турадиган унсурларини большевиклар тарафига ўтказишга эришишдан, кадрлар яратишдан, авангардни чиниқтиришдан иборат бўлган. Бу ўринда биринчи навбатда кадрларни жипслаштиришга, ягона яхлит нарса, партиянинг асосий ўзаги сифатида жипслаштиришга халақит берадиган буржуа характеридаги оқимларга қарши, айниқса, меньшевизмга қарши кураш олиб берилган. Ўшанда партия олдида ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг миллионлаб оммаси билан кенг алоқалар ўрнатиш вазифаси, ушбу омманинг эътиборини қозониш вазифаси, мамлакатдаги кўпчиликни қўлга олиш вазифаси навбатдаги ва энг муҳим эҳтиёж сифатида турмаган эди. Партия ҳали бу даражага ўсиб чиқмаган эди.

Фақат партиямиз тараққиётининг навбатдаги даврида, фақат унинг иккинчи босқичида бу кадрлар улғайиб, партиямизнинг асосий ўзагига қўшилганда, ишчилар синфи энг яхши унсурларининг симпатияси қозонилганда ёки деярли қозонилганда, фақат шундан кейингина миллионлаб омманинг эътиборини қозониш вазифаси, партия кадрларини ҳақиқий оммавий ишчилар партиясига айлантириш вазифаси навбатдаги ва кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёж сифатида партия олдида кўндаланг бўлган. Бу даврда партиямизнинг ўзаги нафақат меньшевизмга қарши, балки партиямизнинг «сўл» унсурларига қарши, 1905 йилдан кейинги палланинг янги шарт-шароитлари хусусиятларини жиддий ўрганишни инқилобий иборалар билан алмаштиришга уринган, ўзининг сийқалаштирилган «инқилобий» тактикаси билан партиямиз кадрларини ҳақиқий оммавий партияга айлантириш ишига тўсқинлик қилган, ўз иши билан партиянинг кенг ишчилар оммасидан узилиб қолиши хавфини яратган турфа хил «отзовист»ларга¹ қарши кураш олиб боришга тўғри келган. Бу сўл хавфга қарши қатъий кураш олиб бормасдан, уни бартараф этмасдан туриб партия миллионлаб меҳнаткаш омма эътиборини қозона олмаслигини исботлаб ўтириш шарт бўлмаса керак.

Икки фронтда, ўнгларга ва сўлларга қарши олиб борилган курашнинг тахминий манзараси, партиянинг асосий рус қисмидаги тараққиётнинг манзараси шундай.

Ўртоқ Ленин коммунистик партиялар тараққиётининг зарур ва муқаррар рўй берадиган манзарасини ўзининг «Коммунизмда болаларча сўллик касаллиги» («Детская болезнь левизны в коммунизме») деб номланган брошюрасида жуда ишонарли тасвирлаган. Ўртоқ Ленин у ерда Ғарбдаги коммунистик партиялар ўз тараққиётида тахминан шундай босқичлардан ўтишини ва ўтаётганини асослаб берган. Ўзимиздан қўшимча қиламизки, чекка ўлкалардаги коммунистик ташкилотларимиз ва компартияларимиз ривожига ҳақида ҳам айнан шундай дейиш керак.

Бироқ шуни қайд этиш зарурки, ўтмишда партия бошдан кечирган ҳолатлар билан чекка ўлкалардаги партия ташкилотларимиз ҳозир бошдан кечириётган вазиятлар ўртасида ўхшашлик бўлишига қарамай, ҳар ҳолда, миллий республикаларда ва областларда партиямиз

Бироқ шуни қайд этиш зарурки, ўтмишда партия бошдан кечирган ҳолатлар билан чекка ўлкалардаги партия ташкилотларимиз ҳозир бошдан кечириётган вазиятлар ўртасида ўхшашлик бўлишига қарамай, ҳар ҳолда, миллий республикаларда ва областларда партиямиз

¹ Социал-демократ депутатларни Давлат думасидан қақриб олишга, очиқ оммавий-партиявий ишдан воз кечишга, шу билан партияни оммдан ажратиб қўйишга уринган оппортунистик оқим тарафдори (Тахр.)



тараққиётининг айрим ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биз уларни албатта ҳисобга олишимиз зарур. Уларни синчиклаб ҳисобга олмай туриб чекка ўлкаларда маҳаллий кишилардан марксчи кадрларни етиштириб чиқариш борасидаги вазифаларни белгилашда қатор қўпол хатоларга йўл қўйишимиз хавфи бор. Ўша хусусиятларни кўриб чиқишга ўтамыз.

Чекка ўлкалардаги ташкилотларимизда ўнг ва сўл унсурларга қарши курашиш зарур ва мажбурий, акс ҳолда, биз омма билан узвий боғланган марксчи кадрларни етиштира олмаймиз. Бу тушунарли. Аммо чекка ўлкалардаги аҳволнинг ўзига хос хусусияти ва партиямиз ўтмиш тараққиётидаги вазиятдан фарқи шундаки, чекка ўлкаларда кадрларни чиниқтириш ва уларни оммавий партияга айлантириш партиямиз тарихида бўлганидек буржуа тузуми даврида эмас, балки совет тузуми даврида, пролетариат диктатураси даврида рўй бермоқда. Буржуа тузуми даврида вақт тақозосига кўра аввал меньшевикларга (марксчи кадрларни етиштириб чиқариш мақсадида), кейин эса отзовистларга (бу кадрларни оммавий партияга айлантириш мақсадида) зарба бериш мумкин ва зарур эди. Партиямиз тарихининг бутун икки даври шу оғмачиликларга қарши кураш билан тўла. Ҳозир вақт тақозосига кўра биз ҳеч ҳам бундай қилолмаймиз, чунки энди партия ҳокимият тепасида турибди. Ҳокимият тепасида турган партия эса чекка ўлкаларда маҳаллий кишилардан ишончли, шу билан бирга, кенг аҳоли оммаси билан боғланган марксчи кадрларга эҳтиёж сезади. Энди биз партиямиз тарихида бўлганидек аввал сўллар ёрдамида ўнглари, кейин эса ўнглари кўмагида сўлларни тор-мор этолмаймиз. Энди биз ҳар икки фронтда бир вақтда кураш олиб боришимиз зарур, оқибатда чекка ўлкаларда маҳаллий кишилардан чиққан, омма билан боғланган, марксча тайёрланган кадрларга эга бўлиш учун иккала хавфга ҳам зарба беришга интилишимиз керак. У пайтларда кенг омма

билан боғланмаган ва ривожланишнинг навбатдаги босқичида улар билан боғланиш имкониятига эга бўлган кадрлар ҳақида гапириш мумкин эди – энди бу ҳақда гапиришнинг ўзи кулгили, чунки совет ҳокимияти даврида кенг омма билан боғланмаган марксчи кадрлар совет ҳокимиятининг қулашини англади. Бу кадрларнинг марксизмга ҳам, оммавий партияга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Буларнинг ҳаммаси ишни анча мураккаблаштиради ва чекка ўлкалардаги партия ташкилотларимиз ҳам ўнгларга, ҳам сўлларга қарши бир вақтда кураш олиб бориши зарурлигини кўрсатади. Партиямизнинг иккала оғмачиликка қарши икки фронтда кураш олиб бориш борасидаги позицияси шундан келиб чиққан.

Сўнгра шу ҳолатни қайд этиш керакки, чекка ўлкалардаги коммунистик ташкилотларимизнинг ривожланиши партиямиз тарихида унинг рус қисмига нисбатан бўлганидек бошқалардан ажралган ҳолда кечаётгани йўқ, балки партиямизнинг нафақат марксчи кадрларни шакллантириш ишида, балки ушбу кадрларни кенг аҳоли оммалари билан боғлаш ишида, совет ҳокимияти учун курашда инқилобий манёвр қилишда синалган партиямиз асосий ўзагининг бевосита таъсирида кечмоқда. Бу жиҳатдан чекка ўлкалардаги ҳолатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу мамлакатлардаги партия ташкилотлари у жойларда совет ҳокимиятининг ривожланишига қараб, партиямизнинг ўтган даврдаги бой тажрибасидан фойдаланган ҳолда кенг аҳоли оммаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ўз кучлари билан манёвр қилишлари мумкин ва зарур. РКП Марказқўми сўнгги вақтларга, одатда, бевосита, чекка ўлкаларда коммунистик ташкилотлар орқали, баъзан ҳатто бу ташкилотларни четлаб ўтиб, усталик билан ҳаракат қилиб ҳаммани ва кўпроқ ёки озроқ содиқ бўлган ҳар қандай миллий унсурларни совет қурилишининг умумий ишига жалб этиб келди. Энди бу ишни ўлкалардаги ташкилот-



ларнинг ўзлари амалга оширишлари лозим. Улар бу йўл маҳаллий кишилардан чиққан марксчи кадрларни мамлакатдаги аҳолининг кўпчилигини ўз ортидан эргаштиришга қодир бўлган ҳақиқий оммавий партияга айлантиришнинг энг яхши воситаси эканлигини ёдда тутган ҳолда шундай қила оладилар ва шундай қилишлари зарур.

Марксчи кадрларни етиштириб чиқариш ва уларнинг аҳоли кенг оммаси ишончини қозониши борасида партиямизнинг чекка ўлкалардаги йўлини белгилашда қатъий равишда ҳисобга олиниши зарур бўлган икки хусусият шулардан иборат.

Масалаларнинг иккинчи гуруҳига ўтаман. Платформа лойиҳасини ҳамма ўртоқлар ҳам олмагани сабабли мен уни ўқиб, тушунтириб бераман.

Биринчидан, «пролетар ва ярим пролетар унсурларни партия ва совет қурилишига жалб этиш». Бу нима учун керак? Партия ва совет девонини (аппаратини) аҳолига яқинлаштириш учун керак. Бу аппаратлар кенг аҳоли оммаси учун тушунарли бўлган тилда фаолият юритиши зарур, акс ҳолда, уларни аҳолига яқинлаштириб бўлмайди. Партиямизнинг вазифаси совет ҳокимиятини омма учун халқ ҳокимиятига айлантиришдан иборат экан, у ҳолда бу вазифани мазкур ҳокимиятни омма учун тушунарли қилиш орқалигина бажариш мумкин. Давлат муассасаларининг тепасида турган кишилар муассасаларнинг ўзлари сингари аҳолига тушунарли бўлган тилда ишлаши керак. Республикалар Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва бирдамлик туйғуларини барбод этадиган шовинистик унсурларни муассасалардан қувиб солиш лозим. Москвада ҳам, республикаларда ҳам муассасаларимизни бундай унсурлардан тозалаш ва республикаларда давлат муассасалари раҳбарлигига аҳолининг тили ва ахлоқини биладиган маҳаллий кишиларни қўйиш зарур. Икки йил илгари Қирғизистон Республикасида қирғиз тилини билмайдиган

ўртоқ Пестковский Халқ Комиссарлари Советининг раиси бўлганини эслайман. Бу ҳолат ўша вақтда Қирғизистон Республикаси ҳукуматининг қирғиз деҳқон оммаси билан алоқаларини мустаҳкамлаш ишида жуда катта қийинчиликлар туғдирган. Айнан шунинг учун партия Қирғизистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси қирғиз бўлишига эришди. Бундан ташқари, бошқирдистонлик бир гуруҳ ўртоқлар ўтган йили Бошқирдистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси этиб рус ўртоқни белгилашни таклиф этишгани ҳам эсимда. Партия бу таклифни қатъиян рад этиб, бу лавозимга бошқирд киши тайинланишига эришди. Вазифа шундан иборатки, бу йўлни, умуман, ҳукумат муассасаларини аста-секин миллийлаштириш йўлини барча миллий республикалар ва областларда, авваламбор Украинадек муҳим республикада ўтказиш лозим.

Иккинчидан, «партия аъзолари орасидан совет кадрларини етиштириб чиқариш билан бир вақтда маҳаллий зиёлилар орасидан кўпроқ ёки озроқ содиқ унсурларни танлаб олиш ва жалб этиш». Бу қоида алоҳида тушунтиришларни талаб этмайди. Ҳокимият тепасида аҳолининг кўпчилигини ўз атрофида жипслаштирган ишчилар синфи турган ҳозирги вақтда октябристларгача бўлган кўпроқ ва озроқ садоқатли унсурларни совет қурилишига жалб этишдан қўрқиш учун асос йўқ. Аксинча, миллий областлар ва республикаларда иш жараёнида бу унсурларни «ҳазм қилиш» ва советлаштириш учун уларнинг ҳаммасини албатта ишга жалб этиш зарур.

Учинчидан: «ишчилар ва деҳқонларнинг партиясиз конференцияларини ҳукумат аъзоларининг совет ҳокимияти тадбирлари ҳақидаги маърузалар билан чиқишини назарда тутган ҳолда ташкил этиш». Республикалардаги, масалан, Қирғизистон Республикасидаги кўпгина халқ комиссарлари жойларга боришни, деҳқонлар йиғилишларида қатнашишни, митингларда сўз олиб, партия ва совет ҳоки-



мияти, айниқса, деҳқонлар учун муҳим масалалар бўйича олиб бораётган ишлар билан кенг оммани таништиришни хоҳламаслигини биламан. Бундай аҳволга чек қўйиш керак. Албатта, ишчилар ва деҳқонларнинг партиясиз анжуманларини чақириш ҳамда уларда оммани совет ҳокимиятининг фаолияти билан таништириб бориш зарур. Бусиз давлат апаратини халққа яқинлаштириш ҳақида орзу қилиб ҳам бўлмайди.

Сўнгра: «маҳаллий аҳолининг маданий савиясини ошириш чора-тадбирлари». Бир қанча чора-тадбирлар таклиф этилмоқда. Уларни тўла-тўқис деб бўлмайди, албатта. Айнан: а) «маҳаллий тилларда (партиясизлар) клублари ва бошқа маърифат муассасаларини ташкил этиш»; б) «маҳаллий тилларда барча даражадаги ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш»; в) «кўпроқ ва озроқ садоқатли халқ ўқитувчиларини жалб этиш»; г) «маҳаллий тилларда саводхонликни ёйиш жамиятлари тармоғини ташкил этиш»; д) «ноширлик ишини йўлга қўйиш». Бу тадбирларнинг ҳаммаси аниқ ва тушунарли. Шу боис улар алоҳида тушунтиришларга муҳтож эмас.

Кейин: «миллий-маиший ўзига хос хусусиятлар нуқтаи назаридан миллий республикалар ва областлардаги хўжалик қурилиши». Сиёсий бюро таклиф этаётган тегишли тадбирлар: а) «кўчишни тартибга солиш, зарурат бор жойларда тўхтатиш»; б) «кўчириш ҳисобига маҳаллий меҳнаткаш аҳолини ер билан таъминлаш»; в) «маҳаллий аҳолига мақбул бўладиган қишлоқ хўжалиги кредитлари ажратиш»; г) «ирригация ишларини кучайтириш»; д) «фабрика ва заводларни хомашё сероб бўлган республикаларга кўчириш»; е) «ҳунармандчилик ва техника мактабларини очиш»; ж) «қишлоқ хўжалиги курсларини ташкил қилиш» ва ниҳоят з) «кооперацияга, жумладан, ҳунармандчилик кооперациясига (ҳунармандларни жалб этиш кўринишида) барча чоралар билан кўмаклашиш».

Мен охирги бандга алоҳида аҳамиятга эга эканлиги боис тўхталиб ўтишим жоиз. Агар илгари, подшолик даврида ривожланиш шундай тартибда борган бўлса, яъни қулоқ ривожланган, қишлоқ хўжалиги капитали ўсган, ўрта деҳқонлар оммаси омонат мувозанатда бўлган, кенг деҳқонлар оммаси, майда корхона эгаларининг, зироатчиларнинг кенг оммаси эса хонавайрон бўлиш ва қашшоқлашув исканжасида типирчилашга мажбур бўлган бўлса, энди, пролетариат диктатураси даврида, кредитлар, ер, ҳокимият ишчилар синфи қўлида турган вақтда – Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) шароитларига қарамасдан, хусусий капиталнинг қайта тикланганига қарамасдан – тараққиёт эски йўлдан бориши мумкин эмас. НЭП ривожланишини инобатга олиб биз гўё деҳқонлар кўпчилигининг оммавий хонавайрон бўлиши ҳисобига қулоқларни етиштириб чиқариш бўйича эски тарихни такрорлашга мажбур бўлишимизни таъкидлаётган ўртоқларнинг ҳақ бўлиб чиқиши эҳтимолдан узоқ. Бу йўл бизнинг йўлимиз эмас. Қўлида хўжаликнинг асосий ришталари мужассамланган пролетариат ҳокимият тепасида турган янги шароитда тараққиёт бошқа йўлдан – қишлоқдаги майда хусусий корхоналар эгаларини хусусий капитал билан курашда давлат томонидан қўллаб-қувватладиган кооперациянинг барча кўринишларига бирлаштириш йўлидан, миллионлаб майда қишлоқ корхоналарини кооперативлар орқали социалистик қурилишга аста-секин жалб этиш йўлидан, майда хусусий корхоналарнинг хўжалик аҳолини аста-секин яхшилаш йўлидан (уларни қашшоқлаштириш йўлидан эмас) бориши керак. Шу маънода чекка ўлкалардаги, ушбу асосан деҳқонлар мамлакатларида «кооперацияга барча чоралар билан кўмаклашиш» Республикалар Иттифоқининг келажакдаги хўжалик тараққиёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Кейин: «миллий қўшинлар қисмларини ташкил этишнинг амалий чора-тадбирлари



тўғрисида». Ўртоқлар, мен бу борадаги чоратadbирларни ишлаб чиқишда анча кечикдик деб ўйлайман. Биз миллий қўшинлар қисмларини ташкил этишимиз зарур. Албатта, уларни бир кунда ташкил этолмайсан, аммо кейинчалик миллий қўшинларни ташкил этишнинг негизи бўлиб хизмат қила оладиган маҳаллий кишилардан қўмондонлар таркибини муайян муддатда ишлаб чиқиш учун ҳозир республикалар ва областларда ҳарбий мактабларни ташкил этишимиз мумкин ва лозим. Бу ишни бошлаш ва илгари суриш ўта зарур. Агар биз Туркистон, Украина, Белоруссия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон каби республикаларда ишончли қўмондонлар таркибига эга бўлган ишончли миллий қўшинлар қисмларига эга бўлганимизда, республика мудофаа маъносида ҳам, ҳозир учраб турганидек эҳтимолий чиқишлар маъносида ҳам анча яхши таъминланган бўлур эди. Бу ишни биз дарҳол бошлашимиз керак. Албатта, бунинг учун қўшинларимизнинг миқдорий таркибини 20 – 25 минг кишига кўпайтиришимизга тўғри келади, аммо бу ҳолатни енгиб ўтиб бўлмайдиган тўсиқ деб ҳисоблаш ноўрин.

Бошқа бандларга тўхталмайман (платформа лойиҳасига қаранг), чунки улар ўз-ўзидан тушунарли ва изоҳ берилишига муҳтож эмас.

Учинчи гуруҳ масалалари – Иттифоқ Марказий Ижроия Қўмитасининг иккинчи палатасини таъсис этиш ва Республикалар Иттифоқи халқ комиссарликларини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалардир. Бу ерда асосий масалалар, кўзга яққол ташланадиган масалалар ажратиб кўрсатилган, бунинг устига, ушбу масалалар рўйхатини, албатта, тўлиқ деб бўлмайди.

Иккинчи палата Сиёсий бюро томонидан СССР Марказий Ижроия Қўмитаси (МИҚ)нинг ажралмас қисми сифатида тасаввур этилмоқда. Мавжуд МИҚ билан бир қаторда МИҚ таркибига кирмайдиган Миллатлар Олий Кенгашини ташкил этиш таклифлари ҳам билдирилди.

Ушбу лойиҳа рад этилди ва Сиёсий бюро МИҚнинг ўзини икки палатага бўлиш мақсадга мувофиқ деган тўхтамга келди, улардан биринчисини Республикалар Иттифоқи советлари съездида сайланадиган Иттифоқ Кенгаши деб аташ мумкин. Миллатлар Кенгаши деб аталиши керак бўлган иккинчи палата республикалар Марказий Ижроия Қўмиталари ва миллий областлар қурултойлари томонидан республикалардан 5 нафардан ва областлардан 1 нафардан иборат таркибда сайланади, сайланган вакиллар эса Республикалар Иттифоқи советларининг қурултойи томонидан тасдиқланади. Иккинчи палатанинг биринчи палатага нисбатан ҳуқуқларига келсак, биз иккала палатанинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилига тўхталдик. Палаталарнинг ҳар бирида президиум мавжуд бўлиб, бу президиумлар қонун чиқарувчи функцияларга эга эмас. Ҳар икки палата Марказий Ижроия Қўмитанинг сессиялари оралиғида йиғилиб, олий ҳокимият ташувчиси сифатида умумий президиумни сайлайди. Палаталардан бирига киритилган қонун лойиҳаси иккала палатадан ҳам ўтмаган бўлса, қонун кучига эга бўла олмайди, яъни ҳар икки палатанинг тўлиқ тенглиги ўрнатилади.

Сўнгра МИҚ Президиуми (Раёсати) ҳақида. Мен бу ҳақда қисқа гапирман. Сиёсий бюро иккита қонун чиқарувчи президиум бўлишига йўл қўйилмаслиги керак деб ҳисоблайди. Президиум, агар у олий ҳокимият бўлса, уни икки ёки ундан ортиқ қисмларга бўлиш мумкин эмас, олий ҳокимият битта бўлиши керак. Ушбу кўринишларда СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг умумий президиумини биринчи ва иккинчи палаталарнинг президиумлари таркибидан, шунингдек, иккала палатанинг умумий йиғилишида, яъни Марказий Ижроия Қўмитанинг ялпи мажлисида сайланган бир неча кишидан ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Кейин – бирлашган комиссарликларнинг сони ҳақидаги масала. Сизлар ўтган йили Рес-



публикалар Иттифоқи советлари қурултойида тасдиқланган эски конституцияга кўра, ҳарбий, ташқи ишлар ва ташқи савдо масалалари, почта-телеграф ва темирйўллар ишлари Республикалар Иттифоқи Халқ Комиссарлари Совети қўлида жамланган, қолган беш комиссарлик директив эканлигини биласизлар, яъни Халқ хўжалиги олий кенгаши, Озиқ-овқат, Молия, Меҳнат халқ комиссарликлари ва Ишчи-деҳқон инспекцияси икки томонлама бўйсунувга эга, қолган олтига комиссарлик эса мустақилдир. Ушбу лойиҳа баъзи украиналиклар, яъни Раковский, Скрипник ва бошқалар томонидан танқид қилинди. Бироқ Сиёсий бюро украиналикларнинг Ташқи ишлар ҳамда Ташқи савдо халқ комиссарликларини бирлашган комиссарликлар қаторидан директивлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги таклифни рад этди ва асосан конституциянинг ўтган йилги қарорлар руҳидаги асосий қоидаларини қабул қилди.

Умуман олганда, Сиёсий бюро платформа лойиҳасини ишлаб чиқишга асосланган фикрмулоҳазалар шулардан иборат.

Мен конституция масаласида, Республикалар Иттифоқи ва иккинчи палата масаласида конференция қисқача фикр алмашиш билан чекланиши керак деб ҳисоблайман, бунинг устига, ушбу масала Марказий Комитет Пленумининг комиссиясида ишлаб чиқилмоқда. XII съезд резолюцияларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар масаласи, менимча, батафсилроқ муҳокама қилиниши керак. Маҳаллий аҳоли ҳисобига марксчи кадрларни мустаҳкамлаш масаласига келсак, музокараларнинг катта қисмини шу масалага бағишлаш керак бўлади. Мунозарани очишдан аввал жойлардан келтирилган материаллар асосида республика ва областлардан келган ўртоқларнинг маърузаларини тинглаш мақсадга мувофиқ бўларди деб ўйлайман. Мен гапимни тугатдим, ўртоқлар.

Тўртинчи мажлис

(1923 йил 11 июнь эрталаб)

Раис (Каменев). Туркистон ҳақидаги маърузага ўтамиз. Туркистонликлар ҳисоботни уч киши: Хўжанов, Рисқулов ва Хидиралиев ўртоқлар ўртасида тақсимлашни сўрашапти, уларнинг ҳар бири 15 дақиқадан вақт сўрамоқда. Мен ўртоқ Хўжановга таклифини асослаш учун сўз бераман.

Хўжанов. Вазият қуйидагича: кеча икки маърузачи бўлиши мумкинлиги айтилди. Аммо биз оддий республика эмасмиз, чунки бизда босмачилик каби ғайритабиий ҳодисалар мавжуд. Шунинг учун биз оддий масалалар бўйича иккита маърузачини ва ғайритабиий масалалар бўйича бир маърузачини таклиф қиламиз.

Раис. Мен таклифни овозга қўяман – туркистонлик уч маърузачининг ҳар бирига 15 дақиқадан вақт бериш. Қабул қилинди.

Хўжанов (Туркистон). Туркистон делегацияси йиғилишида биз сўз юритадиган масалаларни икки қисмга бўлдик. Биринчи қисмда кун тартибининг иккита масаласи – маҳаллий аҳолининг меҳнат унсурларини партия ва совет қурилишига жалб этиш чора-тадбирлари, кейин маданий савияни кўтариш, партиявий-тарбиявий ишлар даражасини ошириш чора-тадбирлари ҳақида сўз боради. Агар таъбир жоиз бўлса, бу соф маънавий қисм. Иккинчи қисм: маҳаллий ҳаёт билан боғлиқ иқтисодий ва хўжалик масалалари; ниҳоят учинчи қисм босмачилик ҳақида. Мен «маънавият бўйича» биринчи маърузачиман ва Туркистондаги партия ташкилотининг аҳволини тавсифлашдан бошлайман, чунки чекка ўлкаларимиздаги барча хатоликларнинг илдизи шу ерда.

Туркистонда, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан айтганимдек, партия иши жуда ёмон ташкил этилган. Туркистонда партия бутунлай ғайритабиий тарзда ривожланди ва кўплаб характерли босқичларни босиб ўтди.



Бугун Туркистонда 15 мингга яқин партия аъзоси бўлса, бир вақтлар қандайдир бир уездда улар 15 мингдан ортиқ бўлган. Қисқартириш орқали биз уни маълум бир қатъий рақамга келтирдик, аммо барибир бу рақам партияни яна бир неча марта тозалашни тақозо этади.

Туркистонда партия анча ғайритабиий тарзда вужудга келган ҳамда ривожланган ва бу ғайритабиийлик ҳозирда шундай характерли рақамларда намоён бўлади: партияда маҳаллий аҳоли сони 60% га яқин; партияда саводсизлар тахминан 50% ни ташкил қилади; диндорлар ёки худога ишонувчилар ҳам 50%. Кейин баъзи фоиз маълумотлари айрим ўзига хос хусусиятларга мос келади. Масалан, Туркманистон областида партия аъзолари 15%, диндорлар ҳам 15% ни ташкил этади. Ушбу фоизли маълумотларнинг характерли ўхшашликлари ҳар қандай таъриф ва ҳар қандай назарий характеристикага қараганда яхшироқ тавсифланади.

Троцкий. Яъни туркманларнинг ҳаммаси саводсиз ва диндорми?

Хўжанов. Деярли шундай бўлиб чиқяпти ва бу барча туркманларни ҳайдаб чиқариш керак дегани эмас, лекин бу ишнинг қийинлигини, ташкил этишнинг қийинлигини тавсифлайди ва европаликларга ёндашув каби механик равишда ўзлаштирилган ёндашувни рад этиш зарурлигини таъкидлайди.

Жойдан овоз. Булар қанақа диндор коммунистлар?

Хўжанов. Бу Татаристон эмас, шунинг учун бизда бундай нарсалар бўлади. Бундан ташқари, шуни айтишимиз керакки, партиявийликни яратиш масаласи бир қатор тўсиқларга дуч келади. Мен мумкин бўлган ҳамма жойда қатъий айтяпманки, чекка ўлкаларнинг мустамлака физиономияси бизга ҳар томонлама тўсиқлик қилади: биз ҳанузгача партиявий мустамлака қила олмадик, бизда ҳали ҳам йўқ. Андазага солинган ишларни механизациялаш давом этмоқда ва мана шу характерли фоизлар

бизнинг ноодатий партиявий қурилишимизни етарлича тавсифлайди. Шундай қилиб, одамларни баҳолашда эски диднинг сақланиб қолганлиги туфайли партиянинг роли кўпинча оддий зиёлиларнинг роли билан аралашиб кетади. Мен зиёлилар аҳолининг колония ва метрополия ўртасидаги воситачи гуруҳи эканлигини айтдим. Шундай бўлган ва маълум даражада шундай бўлишда давом этмоқда. Шунинг учун зиёлилар ичида партия аъзолари ва партиясизлар ўртасидаги қатъий фарқ жуда заиф. Бу бизнинг ташкилот фойдасига ишламайди. Ўртоқ Сталин зиёлиларни қадрлайди, лекин уларни партия аъзоларининг зарарига қадрламаслик керак. Биз партия ичида мустамлакачиликка қарши курашамиз ва ҳар қандай ҳолатда ҳам бу курашда партиясиз зиёлилардан қурол сифатида фойдаланмаслигимиз керак. Бундай оғмачиликка қарши партия ичида курашиш керак. Лекин бизда бу камчилик учраб туради ва бу Туркистоннинг нормал хусусиятларидан биридир.

Троцкий. Сиз маҳаллий зиёлилар ҳақида гапиряпсизми?

Хўжанов. Ҳа, ҳа, у ерда европаликлар ҳали ҳам тузатиб бўлмайдиган тўралар ролида қолишяпти. Кейин партия ишининг ташкилий қурилишига тўсиқлик қилаётган яна бир характерли ҳодиса бу – ўзига хос шарқона вазият, таъбир жоиз бўлса, чегара. Бизнинг Туркистонимиз ўрта асрларнинг ва феодал тузум деб аталувчи тузумнинг иқтисодий жиҳатдан ҳалигача ситиб чиқарилмаган характерли хусусиятлари кўп миқдорда сақланиб қолган, ислом дини озми-кўпми прогрессив таълимот сифатида омма маданий савиясининг ҳақиқий ҳолатига нисбатан ҳали ҳам ҳужумни давом эттираётган қолюқ мамлакатдир.

Зиновьев. Кимга ҳужум қиляпти?

Хўжанов. Қолган қатламларга, албатта, русларга эмас (*кулги*), қирғизларга, туркманларга ҳужум қиляпти. Бу эски ўрта аср тузумига нисбатан илғорроқ оқим, шунинг учун



ҳам хусусий мулк ҳуқуқи тўғрисида тўлиқ тушунча мавжуд бўлмаган, қабилавий тузум сақланиб қолган айрим қатламларда ислом дини жуда яхши нарса, жуда тушунарли нарсадир. У Шарқда ҳали ҳам курашчан куч; Шарқда эса панисломизм барҳам топгани йўқ, у фақат бошқача номланади, лекин моҳиятига кўра, эҳтимол, барча эркинликлардан фойдаланиб кўпроқ забт этиш мумкин деган каттароқ умид билан алангаланмоқда. У ерда исломизм ҳужумкор куч эканлигига мисол тариқасида қуйидагиларни келтираман. Туркистонда номи ҳаммага маълум бир қорагуруҳчи (черносотенец) амалдор, ўта чидаб бўлмайдиган Остроумов деган киши бўлган. Бир вақтлар уни чиқариб юбормоқчи бўлишди, кейин жўнатишмади. Ва менинг олдимга сиртидан содиқ, лекин ич-ичидан унчалик содиқ бўлмаган маҳаллий зиёлилар келиб, Остроумов бизнинг панисломистларимизнинг душмани, шунинг учун уни ҳайдаб чиқариш керак деганларида чиндан ҳам ўзимни йўқотиб қўйдим – бу ашаддий мустамлакачини қувиб чиқариш орқали биз панисломизм манфаатига хизмат қилмаяпмизми? Бу, албатта, панисломизм ҳали ҳам борлигини ва бундан кейин ҳам бўлишини кўрсатади. Буларнинг барчаси партиямиз ишини жуда чалкаштириб юборади ва биз ундан халос бўлишга интилиб кўпинча бу борада хатога йўл қўямиз. Бу бизнинг чегара минтақамизнинг характерли ҳодисаларидан биридир.

Туркистоннинг чегара минтақаси кураш майдони эди, ҳозир ҳам маънавий озиқ маъносида бўлмаган икки маданият ўртасида, икки иқтисодий оқим ўртасида кураш давом этмоқда. Биз у ерда ишлаш учун тўлиқ имконият ва зарур шарт-шароитга эга бўлиш учун нафақат совет марказига содиқлик маъносида, балки тўлиқ советлаштириш масаласини ҳам қўйяпмиз. Шу йўл билан биз панисломистлар ва мустамлакачиларнинг режа ҳамда умидларини бирданига барбод этамиз. Бусиз бизнинг барча

алоҳида қадамларимиз, шубҳасиз, ўйин бўлиб қолади ва биз ўзимиз билмаган ҳолда гоҳ панисломистлар учун, гоҳида мустамлакачилар учун ишлаймиз.

Биз ўз йўналишимизни қатъий белгилаб, бу тебранишга қарши қатъий кураш олиб боришимиз керак. Туркистонда фақат мустамлакачилик бор дейиш ярамайди. Тор миллатчилик мавжуд дейиш ҳам ярамайди. У ерда кенг ва оммавий тушуниш мумкин бўлган панисломизм ҳали ҳам мавжуд. Туркистонда партия ташкилотларининг қандай шароитларда ишлашига ва уларни ташкил этишга тўғри келадиганлиги ҳақида тавсифлар мана шу. Ташкилотларнинг аниқ шакллари ҳақида ёзма тезисларни тақдим этамиз, миллий масала бўйича партия ишининг умумий йўналишига келсак, биз ўртоқ Сталиннинг тезисларига ёки Сиёсий бюро томонидан таклиф қилинган лойиҳага, умуман олганда, розимиз. Ҳақиқатан ҳам, ички ҳаёт маъносида ёпиқроқ партияди, таҳлил маъносида эса қаттиқроқ партиявий руҳни яратишга асосий эътиборни қаратиш керак бўлади. Бир ўртоқ айтганидек, ташқи сиёсатбозликка келсак.

Троцкий. Бу сиёсатбозлик эмас, манёвр қилиш, бу энг яхши сўз.

Хўжанов. Шундай қилиб, ўртоқ айтганидек ... бу фақат тактика бўлиши лозим. Сўнгра партиянинг амалдаги инсоний элементи ҳақида гапириб ва баҳолаб, шунини айтиш керакки, қатъий партиявийлик бўлмаса, партия таркиби муқаррар равишда оғишларга – мустамлакачилик ёки миллатчилик томон оғишларга дучор бўлади, бунинг устига, мустамлакачилик эски тузумга қайтиш билан чегараланади ва миллатчилик панисломизмга бориб тақалади. Бу иккала тенденция ҳам партия ичида ва биз улар ҳақида бонг уришимиз, мавжуд хавф ҳақида ҳайқаришимиз керак. Биз қаттиқ партия тузиб, партия ичида мустамлакачи ва либерал тарафкашлик билан қатъий равишда алоқани узишимиз керак, токи партия ичкари-



да ягона ҳаёт кечирсин, партиядан ташқарида эса хоҳлаган ишни қилиш мумкин бўлсин.

Троцкий. Бирор нарсани, хоҳлаган ишни эмас.

Хўжанов. Мен буни тактика маъносида айтяпман, чунки сиз ўзингиз зиёлилар билан алоқада бўлишни маслаҳат берасиз, шунинг учун биз шундай алоқада бўламиз. Сўнгра амалий таклифлар бўйича мавжуд нақд кучларни ҳисобга олишга тўғри келади. Ўртоқ Сталин ҳар бир саводли бирликни қадрлаш керак деганида ҳақ. Саводлилар эса бизда икки турга бўлинади: саводли либерал миллатчилар ва саводли клерикаллар. Биз иккинчисини биринчисининг ёрдами билан уриш керак деб ҳисоблаймиз.

Овозлар. Тўғри.

Хўжанов. Шундай қилиб, биз умумий душманга – клерикалларга қарши умумий чегарага эга бўлишимиз керак.

Овозлар. Бизнинг клерикаллар билан ҳам бироз чегарамиз бор.



М.В.Фрунзе

Хўжанов. Бу ҳозирча сизларда.

Фрунзе. Сизда гавжум черков йўқми?

Хўжанов. Жадид-либераллар ёрдамида бизда гавжум масжид бўлади. Хусусан, бу клерикалларга қарши, уламоларга қарши кураш

қозилар институтини ҳаётга татбиқ этиш заминидан ўз ифодасини топиши лозим. Бу ерда ҳам жадидларимиз ёрдам бериши керак, токи клерикаллар эмас, либераллар бўлсин. Фарғонанинг қирғиз аҳолиси ўртасида рухсат этилган халқ қозилари институтларини яратиш ва бу борада сўл унсурларга умид боғлаган ҳолда галабага эришиш керак. Кейин вақф мулклар

рени бошқариш ва юритиш ҳақида. Бу масалаларда биз партиясиз зиёлиларнинг сўл унсурлари билан, либераллар билан мустаҳкам алоқада бўлишимиз керак.

Бизнинг ишимиз партиядан ташқил этишдан ташқари, мен ҳар доим зўр бериб таъкидлаётганимдек, совет жамоатчилигини яратишимиз, партиядан ташқаридаги камбағалларни уюштиришимиз лозим. Бизда бу йўналишда бир оз амалиёт бор. Камбағалларнинг ушбу ташкилотларини яратиши мумкин бўлган кадрлар ҳам бор. 1920 йилдан бери бизда «Қўшчи» уюшмаларини ташкил этиш тажрибаси қўлланиб келиняпти, биз ҳали катта ютуқларга эришмаган бўлсак-да, лекин бошқа элементлар, ташкилот учун бошқа имкониятлар йўқ. Туркистондаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тўғри тушунилганда бу аниқ бўлади.

Энг характерли томони шундаки, бизнинг Туркистонда сўзнинг тўлиқ европача маъносидаги ҳақиқий шаҳарлар йўқ. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги боғлиқлик деганда аҳамиятсиз вазифа эмас, одамларнинг қуруқ интилишлари эмас, балки шаҳар ва қишлоқ ишлаб чиқариши, улар ўртасида маҳсулотнинг тўғри алмашинуви назарда тутилади. Агар буни шундай тушунсак, айтиш керакки, Туркистонда бу жуда оз. Мустамлаканинг характерли хусусиятлари шундаки, хомашё маҳаллий шароитда қайта ишланмайди ёки ҳунармандчилик усулида жуда оз миқдорда қайта ишланади. Бинобарин, шаҳар маҳсулотлари, шаҳар ишлаб чиқаришининг маҳсули йўқ ёки жуда оз. Шаҳарлар асосан марказнинг товарларини, саноат маҳсулотларини чекка қишлоқларга сотиш учун воситачилик пунктларидир. Шунинг учун оддий тилда шаҳарлар бозорлар деб юритилади.

Овоз. Бу мустамлакалик аломати эмас.

Хўжанов. Саноат пролетариати бўлмаганда бу катта аломат. Кейин шаҳарлар аҳолиси, бир томондан, меҳнаткаш деҳқонлар ва ҳу-



нармандларнинг кенг қатламларидан, бошқа томондан, айтилган молларни сотадиган воситачи-савдогарлардан иборат. Бунинг устига, бу ҳунармандлар кейинги ривожланиш давомида бирмунча капиталлашяпти, улар ҳозирданок шогирдларга, ёлланма ишчилар ва бошқаларга эга.

Троцкий. Қишлоқ ҳунармандларими?

Хўжанов. Шаҳар ҳунармандлари. Қишлоқ ҳам худди шундай кўринишга эга. Қишлоқда йирик ва майда деҳқонларнинг, ҳунармандларнинг табақалари бор. Деҳқонлар ҳам, ҳунармандлар ҳам ўзига тўқ бўлса, батрақлар, ёлланма ишчилар бўлиши мумкин. Шаҳар аҳолисининг кўп сонлилиги, ҳажмининг катталиги, ташкилотнинг катта имконияти, бироқ Туркистондаги шаҳарнинг ўзига ҳос ажралиб турадиган белгилари йўқ. Албатта, бундай гапира туриб биз темирйўлларни, пролетариатни эътиборга олмаймиз. Аммо ҳозир гап асосан маҳаллий аҳолининг туб жойлик қисми ҳақида бормоқда, унинг таркибини айнан шу тарзда таҳлил қилишга тўғри келади. Шундай қилиб, агар биз ташкилий маънода шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги боғлиқлик ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, Туркистонда ушбу ришта бу ердаги, Россиядаги шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги боғлиқликдан бир оз фарқ қилади ва, афсуски, ҳозир, айниқса, шаҳарнинг қишлоққа нисбатан афзалликларини илгари суриш, бу ер саноат маркази ва бошқалар дейиш жуда қалтисдир. Кимда хусусий мулк инстинктлари кўпроқ бўлади – шаҳарлик ҳунарманддами ёки қишлоқлик деҳқондами – бу масалани ҳал қилиш қийин.

Шунинг учун саноат, саноат пролетариати бўлмаган жойда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқ фақат аҳоли сонидан қолади. Шунинг учун «Кўшчи» (деҳқон) уюшмаси мумкин бўлган ташкилий шаклдир. Бу «Кўшчи» уюшмаси биз партиядан ташқарида ташкил этишимиз ва таянишимиз керак бўлган қатламдир.

Совет характеридаги барча масалалар бўйи-

ча кейинги маърузачи ўртоқ Рисқулов сўзлайди. Бошқа характерли маълумотларга келсак, шуни айтиш керакки, биз XII съезддан кейин миллий масала бўйича съезд резолюциясини амалга ошириш борасида ўзига хос ҳеч нарса қилмадик. Биз у ерда нима мавжудлигини аниқлашга киришдик ва рус тили ҳали ҳам иш юритишда волостларгача давлат тили ва мажбурий тил ҳисобланишини аниқладик: совет муассасаларида ходимларнинг 90 фоизи руслар, туб жойликлар эса касаба уюшмаларида 20 фоизга яқин, партиядан 60 фоиз. Икки ой ичида уездлардан тортиб волостларгача маҳаллий тилга ўтишни ўйлаяпмиз.

Овоз. Ўта тез.

Хўжанов. Буни исботлаш мумкин. Ҳамма уездларда, уезд волостларида ва қишлоқ органларида русча гапирадиган собиқ ва ҳозирги таржимонларимиз бор.

Овоз. Нима учун юртингизда рус тили ҳали ҳам ҳукмрон?

Хўжанов. Чунки ёзиш осонроқ, одат кишининг иккинчи табиатидир. Биз бу одатни шунчаки мажбурлаш йўли билан чиқариб ташламоқчимиз: агар ёзмасанг, сени қамоққа оламиз. Икки йил ичида биз бутун Туркистон миқёсида маҳаллий тилларга ўтишни режалаштиряпмиз. Бу ерда тиллар рақобатлашганда бирмунча қийинчилик бўлади, лекин икки йил ичида биз бу масалани РКП Марказий Қўмитасининг ёрдами билан ҳал қиламиз.

Овоз. Қайси тил давлат тили сифатида илгари суриляпти?

Хўжанов. 1920 йилда туркий тил ҳақида гапиришди, биз бундай нарса йўқлигини исботладик. Энди ҳеч бир тилни алоҳида илгари суришмаяпти. Туркий тил илгари сурилганда у ўзбек тили тимсолида кўрилган.

Овоз. Энди қанақа?

Хўжанов. Бизда учта, агар ўз мустақил тилига эга бўлган тожикларни ҳам ҳисобласак, тўртта асосий тил бор.

Раис. Вақтингиз тугади.



Хўжанов. Биринчидан, мактаблар ҳақида гапирганда бу саводхонлик воситаси эканлигини айтишимиз ва саводхонликдан бошлашимиз керак. Туркистонда ҳар 1000 аҳолига қуйидагича тўғри келади (1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра):

Ўзбекларда тожиклар билан 18
қирғизларда қора қирғизлар билан 21
туркманларда 6
русларда 335

Бу маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган Фарғона областига тааллуқли эмас. Бу таълим соҳасидаги характерли маълумотлар бўлиб, туб жой аҳолисидаги 2-босқич мактаби фақат битта, ўзбекларда мавжуд. Мен айтаётган рақамлар асосан 1-босқич мактабларига тегишли. Маҳаллий аҳоли касб-ҳунар таълими соҳасида асосан қасаба уюшма ташкилотлари қошидаги бошланғич курсларгагина эга. Таълим идоралари тасарруфида бўлган ўз-ўзини ўқитиш курслари жуда кам. Почта ва телеграф наборчилари курслари, сўнгра 150 кишилиқ темирйўл касб-ҳунар техникуми мавжуд. Ҳаммаси бўлиб 70 та касбий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 20 таси туб жой аҳолиси учун, қолганлари – 8 та қишлоқ хўжалиги мактаби, 4 та касб-ҳунар, техник ва бошқалар асосан европаликлар учун. Университетларга келсак, уларда маҳаллий аҳоли вакиллари жуда кам. Ишчилар факультетларида туб жойликлар умуман 3/4 қисмини, жами 856 кишини ташкил қилади.

Аҳолининг миллий таркиби 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра: ўзбеклар тожиклар билан 2 миллиондан биров кўпроқ; қирғизлар қорақирғизлар билан 1³/₄ миллион; туркманлар 4 мингга яқин ва руслар 300 мингга яқин, кейин эса кичик миллатлар келади. Таълим бўйича аниқ таклифлар ҳақида кейинроқ гаплашамиз. Ҳозирча биз шуни


таъкидлаймизки, ҳар бир волостда давлат ҳисобидан биттадан икки комплектли мактаб бўлишини талаб қиляпмиз, чунки маҳаллий маблағлар йўқ; бу бутун волостга хизмат қилиш учун эмас, балки намуна учун, мисол сифатида, совет мактабини «юқумли» қилиш мақсадида. Шундай қилиб, ҳар бир уезд марказида 100 ўринли интернатга эга битта мактаб бўлиши керак. Эски шаҳарлари бўлган йирик шаҳарлар учун эса биз 150 та бошланғич мактабга эга бўлишни таклиф қиламиз. Ҳар бир ўрта касб-ҳунар таълим муассасасида маҳаллий аҳоли учун тайёрлов курслари ташкил этилиши, кейинчалик улар ушбу таълим муассасаларига кириши учун кенг имкониятга эга бўлиши керак. Сиёсий-маърифий ишлар асосан саводсизликка барҳам бериш йўлида олиб борилиши ва шундай йўлга қўйилиши керакки, ҳар бир билим юртида саводсизликни тугатиш мактаби бўлсин, келиб-кетадиган курслар эмас, доимий фаолият юритувчи мактаблар бўлсин. Кўчманчи аҳолининг турмуш тарзига боғлиқ ҳолда таълим олиши бўйича ҳам ўзига хос таклифимиз бор, у мактаблар ташкил этишдан эмас, таълимга бўлган эҳтиёжни яратишдан иборат. Олий халқ таълими масаласида Туркистон давлат университетининг деярли тўлиқ марказ маблағлари тасарруфига, Бошқасбтаълим, федерация тасарруфига олинишини ва у Туркистон университети деб эмас, Ўрта Осиё университети деб номланишини ва тўртта республика – Туркистон, Бухоро, Хива ва Қирғизистон олий таълими эҳтиёжларига хизмат қилишини хоҳлаймиз. Шунингдек, Туркистон коммунистик университетини ҳам худди шу мақсадлар учун Ўрта Осиё университетига айлантириш керак. Мен илгари суришим керак бўлган тахминий таклифлар мана шу.

Давоми келгуси сонда...



ДУКЧИ ЭШОН ТЎҒРИСИДА ҲАҚИҚАТГА ЗИД ДАЪВОЛАР

Б.Алимов, М.Худоёров, Д.Ҳомидов, А.Маҳкамов



Глобаллашув жараёни янада чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда миллий ўзликни англаш, ҳақиқий тарихимизни тиклаш зарурияти ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айниқса, юртимиздаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихини

ўрганиш, уларнинг йўлбошчилари фаолиятини кенг ёритиш, ўсиб келаётган ҳозирги авлод онгу шуурига сингдириб бориш долзарб вазифалардандир. «Hurriyat» газетасининг шу йил 2 июнь кунги 21-сонида эълон қилинган ва ижтимоий тармоқлардаги айрим саҳифалар орқали тарқатилган «**Дукчи эшон: Тарих ва ҳақиқат ёхуд тунни ёритган чақмоқ**» сарлавҳали мақола айни шу мавзуга бағишланган.

Мақолада 1898 йилги Андижон қўзғолони етакчиси Муҳаммадали эшон Собир Халфа ўғли – Дукчи эшон қисматига оид янгилик сифатида бир маълумот келтирилган. Қўзғолон бостирилгач, асирга тушган исёнчилар қатори Дукчи эшон осиб ўлдирилмагани, аксинча, исён кўтарилган 17 май куни ярим тунда синглиси Шакаройимнинг уйига оқ от миниб кириб келгани, «Шакаройим хонадонидagi «туя сандиқ»нинг орқа тахталари олиб таш-

ланиб, унинг ичига Муҳаммадали эшонни кўрпага ўраб беркитганлар(и) ва икки-уч кун сақлаганлар»и, «сўнгра 3 – 4 отлик киши келиб, Олой орқали Қашғарга... олиб кетишга»и баён қилинган. Мақолада таъкидланишича, эшон Қашғарда 6 – 7 йил яшаб, кейин у ердан Помир тоғлари оша Жилғатол орқали Тавилдара қишлоғига келган, 1933 йил 25 ноябргача шу қишлоқда яшаб, 78 ёшида вафот этган. 1898 йил 12 июнда Андижонда эшон ўрнига «унинг андижонлик муриди, энг яқин мирзоси» дорга осилган.

Албатта, тарихий воқеа ҳақида илгари сурилган бундай фикрлар, аввало, архив ҳужжатларига, далилий ашёларга мурожаат қилишга ундайди. Ана шундай ҳужжатлардан бири Туркистон ҳарбий округи қўшинлари бўйича 1898 йил 9 июнда чиқарилган 186-сон буйруқ (История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.). – Андижан, 2009. – С.354 – 355) бўлиб, унда туб жойликлар: 1) мингтепалик эшон Муҳаммад Али Халфа Муҳаммад Собир ўғли, 2) собиқ Кулла волости бошқарувчиси Мулла Ғойибназар Ортиқхўжа ўғли, 3) Субҳонқул Араббоев, 4) Руагтамбек (Рустамбек бўлиши керак – муалл.) Сотиболдибек ўғли, 5) Мирзаҳамдам Усмонов ва 6) Боботой Ғойнабоев Жиноий ва ахлоқ тузатиш жазолари тўғрисидаги Низомнинг 249-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этгани учун округ қўшинлари қўмондонни, генерал-лейтенант Духовской томонидан Туркистон ҳарбий округи судига берилаётгани айтилган. Ўзбекистон Республикаси Миллий давлат архивининг Ф-И 1 фонди (оп. 31, д. 78,



л. 35)да сақланаётган ҳужжатда юқорида номлари зикр этилган кишилар Муваққат ҳарбий суд томонидан айбдор деб топилгани ва дорга осиб ўлдиришга ҳукм этилгани, ҳукм 12 июнь куни кундузи соат 12:30 да ижро этилгани, эшон шахси ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун маҳаллий аҳолига қатл вақтида ҳозир бўлиш буюрилгани кўрсатилган.

«Туркестанские ведомости» газетасининг 1898 йил 2 (14) июль сонида босилган «Казнь ишана и его главных сообщников» сарлавҳали материалда ҳам эшон ва унинг маслақдошлари қатл қилиниши айнан юқоридагидек тасвирланган. «Hurriyat»даги мақолада тилга олинган Фозилбек Отабек ўғли воқеа иштирокчиси сифатида ўзининг «Дукчи эшон воқеаси» асарида Андижон кўзғолони билан боғлиқ воқеаларни, жумладан, қатл жараёнини анча батафсил ёритган.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»нинг 1-жилдида Дукчи эшон ва унинг сафдошлари тақдири ҳақида шундай маълумот берилган: «...кўзғолон раҳбари Муҳаммадали эшон ва унинг яқин маслақдошларидан 5 нафари 1898 йил 12 июнда Андижон шаҳри марказида бутун водий жамоатчилигининг 8 мингга яқин вакили кўз ўнгиде осиб ўлдирилди» (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент, 2000. – Б.339 – 340). Умуман, 1898 йилги Андижон кўзғолони ва унинг етакчилари тақдири Мусо Туркистонийнинг 1979 йилда Саудия Арабистонида чоп этилган «Буюк Туркистон фожиаси» (<https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/191-ulug-turkiston-fojeasi.html>), А.Эгамназаровнинг «Сиз билган Дукчи эшон» (Тошкент: Шарқ, 1994), Ҳ.Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» (Тошкент: Шарқ, 1998), С.Жалиловнинг «Салтанатни титратган кунлар» (Тошкент: Фан, 1998), Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов ва П.Равшановнинг «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб (Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида)» (Тошкент:

Шарқ, 2000), Б.М.Бобожоновнинг «Манакиб-и Дукчи ишан (Аноним жития Дукчи ишана – предводителя Андижанского восстания 1898 года)» (Ташкент-Берн-Алматы, 2004), «Андижон тарихидан лавҳалар» (Андижон, 2008), Р.Шамсутдинов ва А.Исҳоқовнинг «Андижон тарихидан лавҳалар» (Тошкент: Шарқ, 2013) китобларида, Р.Шамсутдинов ва Х.Мўминовнинг «O‘zbekiston tarixi» дарслиги (Тошкент: Akademnashr, 2019. – Б.299 – 303)да ва бошқа манбаларда атрофлича ёритилган. Бу ва бошқа китобларда ушбу мавзу тегишли архив ҳужжатларига, тарихий манбаларга, воқеа иштирокчилари ҳамда гувоҳларининг, жумладан, Фозилбек Отабек ўғлининг маълумотларига асосланган ҳолда тақдим этилган.

Мақолада тилга олинган тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов ва бошқа муаллифларнинг «Қатағон қурбонлари. Хотира китоби. Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар) (1 – 2-қисмлар)» (Тошкент: Akademnashr, 2021) китобидан келтирилган иқтибос, аслида, «Туркестанские ведомости» газетасининг 1898 йил 2 (14) июль сонида босилган материалдан келтирилган бўлиб, бу



Бобур номидаги Андижон давлат университети тарихчиларининг бу асарларида 1898 йилги Андижон кўзғолони тарихи ҳақида янгидан-янги маълумотлар, илмий хулосалари мужассаланган.

ҳақда китобнинг 20-саҳифаси остида ҳавола берилган. Ўрни келганда айтиш жоизки, Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси З.Машра-



бов бошқа бир расмий ташкилотга йўллаган хатида мазкур китобнинг 1-қисмидаги маълумотлар, яъни 47 босма тобоқдан иборат китобдаги маълумотлар гўё «тасдиқланмагани»ни айтиб ўтган. Ҳолбуки, бу китобга киритилган барча маълумотлар, жумладан, 1898 йилги Андижон қўзғолонига доир маълумотлар асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий давлат архиви фондларида сақланаётган материалларга, юқорида номлари келтирилган манбаларга таянган ҳолда нашрга тайёрланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5598-сонли фармойиши ижроси доирасида республика вилоятлари ўртасида биринчи бўлиб чоп этилган.

«Hurriyat» газетасида эълон қилинган мақоладаги Дукчи эшоннинг 1898 йилги ғазовотдан кейин омон қолгани, Тавилдарада яшаб, 1933 йили вафот этгани, унинг авлодлари ҳозир ўша жойда яшаб келаётгани ҳақидаги ҳикоя эса фақат оғзаки маълумотларга асосланган. Тавилдарада яшаб ўтган киши ҳақиқатан ҳам мингтепалик Дукчи эшон эканлигини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжат, далил-исбот тақдим этилмаган. Шу боисдан ушбу ҳикоянинг ўзи жуда мунозарали ва у билан танишган ҳар қандай кишида кўплаб саволлар туғилади.

Шу ўринда Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи эшон воқеаси» асаридан олинган қуйидаги сатрларга эътибор қаратайлик: «Эшон ушланиб, ниҳоят ҳақорат ва таҳқир билан бир қора аравага боғланиб, эски шаҳардан ўтган вақтда ҳамма халқни мажбурий кўчага турғузиб қўйдилар. Солдат ва амалдорлар аравани ўртага олиб, секин-секин юрғизиш, ҳар жойда 5 – 10 минут тўхтаб: «Йикчи эшон шу одамми? Таниғон одамлар бўлсалар айтсунлар!» – деб фуқародан сўраб эди. Эшонни кўрган ҳар ким ерга қарайдир, эшонга қарамайдир. Чунки

эшон таниб сўрашиб қолмасун деб кўрқади. Ўша йилда эшонни бориб кўрмағон одам Андижонда кам қолғон эди. Балки ҳамма кўрган деса бўлур эди. Золим тўралардан кўрқуб ҳеч ким эшонни танимади...» (Таъкид бизники – муалл.) (Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б.41). Бу парчадан шуни англаш мумкинки, чор маъмурлари Дукчи эшонни Андижонда ҳам кўпчилик яхши танишини билишган. Йўқса, эшон яшаган қишлоқдан уни таниши аниқ бўлган беш-ўн кишини Андижонга олиб келиш улар учун катта қийинчилик туғдирмас эди, албатта.

Газета мақоласини ўқиган одамда, бизнингча, қуйидагича саволлар туғилиши табиий: «Помир тоғлари оша» келган киши Тавилдарада қандай исму шариф билан, қандай ҳужжат асосида истиқомат қилган? Унинг ҳақиқатда Дукчи эшон эканлигини тасдиқлаши мумкин бўлган ўз қўли билан ёзилган бирон-бир хатмактуб, муҳри босилган ҳужжат йўқми? (Ахир тарихда сохта подшолар, шоҳлар, саркардалар бўлган-ку!)

Дукчи эшон Тавилдарада 1933 йилгача яшаган бўлса, 1898 йилги ғазовотдан сўнг Мингтепада қолган қариндошларининг, бир нечта хотинидан кўрган фарзандларининг тақдири қандай кечгани билан қизиқмаганми? Замонлар ўзгариб, ҳокимият тепасига советлар келганидан кейин ҳам улар билан алоқа боғлашга уринмаганми? Тавилдарада янги оила қуриб, индамай яшаб юраверганми? Чоризм истибдодига қарши курашишни бутунлай тарк этганми? (У ҳолда ўз жонини сақлаб қолишдан муддао нима эди?)

Яна бир савол: Дукчи эшон жонини сақлаш учун ўзининг ўрнига бошқа кишининг муқаррар ўлимга боришига рози бўла олармиди? Бизнингча, унинг дину диёнати, маънавияти, исломий билими бунга йўл қўймас эди. Чунки Муҳаммад Али Халфа Муҳаммад Собир ўғли 30 поралик Қуръони каримни ёд олган, ислом таълимотининг мазмун-моҳиятини чуқур англаган, довуғи ўзи яшаган ҳудудлардан



чиқиб, олис-олисларга етган йирик ислом уламоси, ўта тақводор мусулмон бўлган. Бизнингча, чиндан ҳам эшоннинг қиёфадoshi бўлиб, унинг ўрнига ўзини чор маъмурларига тутиб берган тақдирда ҳам, эшондай инсон охиратни ўйлаб ҳақиқатни ошкор этган, эҳтимол, бир неча ноҳақ ҳибсга олинганларни озод этиш шартини ўртага қўйиб, дор остига ўзи дадил борган бўларди. Буни Дукчи эшон қўлга олингандан кейин уни сўроқ қилган ҳарбий терговчининг «Нега ўз яқинларингиз яшайдиган жойларга эмас, кимсасиз тоққа қочдингиз?» деган саволига: «Мен қаерга бориб, кимнинг хонадонига тўхтасам, ўша хонадон эгаларини ҳибсга олишларингизни билардим, шунинг учун одамсиз тоққа қочишни маъқул топдим» (Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи эшон. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б.25), – деб жавоб бергани ҳам тасдиқлайди.

А.Эгамназаров шу асарида ёзишича, терговчилар иложи борица кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун уни жуда қаттиқ уришган. У эса тергов бошида асосий даъволарини қисқача баён қилгач, ортиқча ҳеч бир гап айтмаган, шерикларини ҳам сотмаган, аксарият ҳолларда айбни ўз бўйнига олиб, бошқаларни ҳимоя қилган. Калтаклашган пайтларида бирон марта ҳам оҳ-воҳ чекмай калимаи шаҳодатни («Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ...») такрорлайверган. Метин иродали инсоннинг бу мардона хатти-ҳаракатлари тергов баённомаларида ўз аксини топган.

Шунингдек, советларнинг ҳамма жойда саноксиз «агент»лари бўлган ВЧК, ЧК, ОГПУ, ГПУ, НКВД каби куч ишлатиш органлари Тавилдарада Андижон қўзғолони раҳбари Дукчи эшон яшаётганидан у оламдан ўтиб кетгунча беҳабар қолганига ишониш қийин.

Тарихий манбаларда қўзғолон стихияли равишда рўй бергани, у етарли тайёргарликсиз, пухта ишлаб чиқилган режасиз бошлангани қайд этилган. Бу шароитда Муҳаммад Али эшонда ўзига қиёфадosh топиб, уни ўзининг

ролига ҳеч кимда шубҳа уйғотмайдиган даражада тайёрлаши учун фурсат бўлгани ҳам ишонарли эмас.

Бунинг устига, газетадаги мақолада бир қатор ноаниқликлар, нотўғри ахборот бериш ҳоллари учрайди. Жумладан, унда: «...қўзғолонга Андижон губернияси Избоскан кенти маркази, яъни пойтуғлик Эшон Султонхон Тўранинг муриди, мингтепалик «Дукчи эшон» номи билан машҳур бўлган 42 ёшли Муҳаммад Али эшон уста Собир ўғли бошчилик қилди», – деб қайд этилган. Ҳолбуки, чор Россияси мустамлакачилиги даврида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида 5 та область ва битта бўлим мавжуд бўлган. Андижон шаҳри ва уезди Фарғона области таркибида бўлган (Андижон ҳеч қачон губерния деб аталмаган). Ўша пайтда Избоскан «кент» эмас, Андижон уездидаги волост ҳисобланган.

Шунингдек, мақолада: «...Қўзғолон ваҳшийларча бостирилгач, ҳаммаси бўлиб 8 нафар одам дорга осилган», – деб нотўғри маълумот берилган. Чунки «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»нинг 1-жилди (340-бет)да қўзғолончилардан 18 нафари осиб ўлдиришга ҳукм қилингани, 344 нафари 4 йилдан 20 йил муддатга, 3 нафари умрбод каторгага, 8 нафари турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилингани қайд этилган.

Уларнинг мақоласида Муҳаммад Али Халфа Муҳаммад Собир ўғли икки ўринда «жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндalarидан бири», «улуғ жадидчи бобомиз» деган иборалар ишлатилган. Муаллифлар даъво қилаётганидек Дукчи эшон жадидчилик ҳаракатига мансуб эмас эди. Улар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исом Каримовнинг «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида» асарида келтирилган мана бу иқтибос маъносини нотўғри тушунишган: «**Жадидчилик ҳаракатининг улкан фаолларидан бири Сулаймон Келчикбоев (аслида, Келгинбоев – муалл.), Дукчи эшон сингари**



юзлаб халқ фарзандлари миллий маданият ривожини ва миллий озодлик учун курашдилар» (Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.6).

Шунингдек, мақолада: «...Андижон қўзғолони бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борган ва бу ҳақда бир неча китоблар чоп этган тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов раҳбарлигидаги «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедицияси жамоат фонди ҳам етарлича эътибор қаратмагани боис Дукчи эшоннинг осилмаганлиги, балки Тожикистонда яшаб ўтганлиги ҳақидаги янги маълумот вақтлари ўрганилмади», – деб таассуф билдирилган. Бироқ бу фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки 1898 йилги Андижон қўзғолони ва Дукчи эшон фаолияти ўтган асрнинг 80-йилларидан буён Р.Т.Шамсутдиновнинг илмий-педагогик фаолиятида муҳим илмий йўналишлардан биридир.

гг.), Х.Мўминов билан ҳамкорликда ёзилган «О‘ЗBEKISTON TARIXI» дарсликлари ва кўплаб китоблари ҳам тасдиқлайди.

1998 йили Андижон вилояти ҳокимлиги, ЎЗР ФА Тарих институти ва Бобур номли Андижон давлат университети биргаликда ўтказган Дукчи эшон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий анжуманда Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Андижон, қўшни Ўш ва Жалолобод вилоятларидан олимлар, адиблар, журналистлар иштирок этишган. 30 га яқин маъруза ва ахборотлар тингланган. Конференция олдидан «Андижоннома» газетасининг 1998 йил 19 май сонидан проф. Р.Шамсутдиновнинг «Жаҳон тарихчилари эътиборини тортган воқеа» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.

Шу конференцияда Дукчи эшоннинг набираси Анорхон Раҳимова (Абдураҳим исмли ўғлининг қизи) иштирок этган ва сўзга чиққан.



Суратда биринчи қаторда чапдан учинчи Обиджон Маҳмудов, саккинчи Рустамбек Шамсутдинов. Андижон вилояти Марҳамат тумани. 1988 йил 18 май

Буни унинг Андижон қўзғолонининг 90 йиллиги муносабати билан 1988 йилда Марҳамат туманида ўтказилган илмий-амалий конференцияда қилган «В.И.Ленин Андижон қўзғолони тўғрисида» номли маърузаси, қўзғолоннинг 100 йиллиги муносабати билан вақтли матбуотда эълон қилинган бир қатор мақолалари, унинг раҳбарлигида нашрдан чиққан икки жилдлик «ИСТОРИЯ АНДИЖАНА В ДОКУМЕНТАХ И МАТЕРИАЛАХ (1876 – 1917



Мухаммадали халфа Собир ўғли ва унинг набираси Анорхон Раҳимова (суратлар Алиназар Эгамназаровнинг «Сиз билган Дукчи эшон» номли китобидан олинди).

Аммо у ўз сўзида бобосининг «дордан қутулиб қолгани, Тавилдарада кечган ҳаёти» ҳақида бирор оғиз гап айтмаган.

Андижон қўзғолони фожиаси Иккинчи жаҳон урушида асирга тушган, «Туркистон легиони»даги ватандошларимизнинг хотирасидан кўтарилмаган. Туркистон легионерлари томонидан нашр этиб турилган «Миллий Туркистон» журналининг 1944 йил 1 апрелдаги сонидан «Бизнинг буюк кишиларимиз» рукни остида «Император Бобур», «Дукчи эшон» сарлавҳалари остида мақолалар берилган. «Дук-



чи эшон» мақоласида Андижонга Туркистон генерал-губернатори Духовскойнинг келиши, Мингтепа қишлоғининг тўпга тутилиши, руслар вайронагарчилиги, бузғунчилиги очиб ташланган (Ўзбек ҳарбий асирлари тақдири ҳақида // Водийнома. 2019. №3 (14). – Б.33 – 44). Бу мақолаларда ҳам Дукчи эшоннинг чор маъмурлари томонидан дорга осилгани қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўрсатмаси ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикасида Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилганини кўпчилик билди. Биринчилардан бўлиб 2018 йили Андижон давлат университети тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейи фаолият кўрсата бошлади. Бу музейда 1898 йилги Андижон кўзғолони, унинг етакчиси Дукчи эшон ҳаёти ва тақдири ҳақида энг сўнгги ҳужжат ва материаллар қўйилган. Улар янги материаллар билан мунтазам бойитиб борилмоқда. «Hurriyat» газетасидаги мақола муаллифлари музейдаги 1898 йилги Андижон кўзғолони бағишланган алоҳида стендлардан беҳабар бўлсалар керак.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, мақоланинг «Дор остида кулиб турган элатсан...» деган кичик сарлавҳа остида берилган қисми Обиджон Маҳмудовнинг 2003 йили чоп этилган «Зулматда кўтарилган исён» асарига профессор Р.Т.Шамсутдинов томонидан ёзилган ва китобга «Сўзбоши ўрнида» сарлавҳаси остида жойлаштирилган мақола матнидан деярли фарқ қилмайди. Тўғрироғи, ўша сўзбоши матнининг бир неча хатбошилари газетадаги мақолага айрим жузъий ўзгаришлар билан жойлаштирилган. Аммо матн муаллифининг исми-шарифи бирор жойда эслатиб ўтилмаган.

Ҳолбуки, Р.Шамсутдинов томонидан ёзилган ушбу сўзбоши матни Обиджон Маҳмудовнинг 2018 йили чоп этилган «Кўҳна ва боқий Мингтепа. Қадим Фарғона тарихидан» номли китобига сўзбоши муаллифининг розилигисиз

айрим ўзгаришлар билан қайта жойлаштирилган (Б.273 – 276). Жумладан, сўзбошининг 11-хатбошисидаги «...бу борада олимлардан Бўрибой Аҳмедов, Ҳамид Зиёев, Ҳамдам Содиков, Шоди Каримов, Поён Равшанов, Дилором Алимова, публицистлардан Ортиқ Абдуллаев, Алиназар Эгамназаров ва бошқалар маълум даражада ижобий иш қилдилар» деган жумладаги публицистлар фамилиялари қаторига О.Маҳмудов ўз исми-шарифини ҳам тиркаб қўйган. Бунинг устига, сўзбоши матни якунига мана бундай ўзгариш киритилган: «Айниқса, Обиджон Маҳмуд Довонийнинг «Кўҳна ва боқий Мингтепа» асари ҳам аввалгиси сингари 1898 йилги Андижон кўзғолонининг шонли 120 йиллигига муносиб тўхфа бўлади деб ишонч билдирамаиз». Ахир бундан сўзбоши муаллифи Р.Шамсутдинов беҳабар эди-ку!

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддаси еттинчи хатбошисида: «Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми-шарифи кўрсатилишига бирон-бир ўзгартириш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади», – деб кўрсатилган.

Энг ачинарлиси шуки, 2018 йили нашр этилган китобида 1898 йилги Андижон кўзғолони раҳбари Дукчи эшоннинг тақдири ҳақида тўхталиб: «Унинг бир қанча дўстлари ва муридлари ўзи билан бирга қатл этилдилар» (9-бет), – деб қайд этиб ўтган. Шунингдек, китобнинг 285-саҳифасида «Дукчи эшон қатл этилишидан аввал хотини – Тожибиби Мақсудхожи қизига Маккага бормасдан аввал уйланган», 292-бетида «...Эшон қатл этилганда ўғли Абдужалил 7 ёшда эди» деган жумлаларни қўлланган (таъкидлар бизники – муалл.). Бизнингча, бу мавзу билан илгари мутлақо шуғулланмаган Зокиржон Машрабов, Ваҳоб Раҳмоновнинг илмий захирасида Дукчи эшоннинг фожиа-



ли тақдири ҳақида қандай маълумотлар бор экан?

Муаллифлар «Хуррият» газетасидаги мақоласида: *«1898 йил 17 май куни Андижон шаҳрида бўлиб ўтган халқ миллий озодлик ҳаракатининг ташкилотчиси ва раҳнамоси Муҳаммадали эшон Собир Халфа ўғли – Дукчи эшон ҳазратлари дорга осилмаган! Аксинча, ул зот 1933 йил ноябрь ойининг 25-санасида 78 ёшларида боқий дунёга риҳлат қилганлар»*, – деб қатъий таъкидлашган. Аммо бундай таъкидлар учун етарли асосларни, далилларни келтиришмаган.

Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси З.Машрабов 2022 йил 8 февралда ЎЗР ФА вице-президенти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори, профессор Б.А.Абдуҳалимовга йўллаган 15-сонли хатида Дукчи эшон тақдири ва у билан боғлиқ янги тарихий маълумотларни йиғиш ва ўрганиш учун фонд томонидан икки мартаба илмий сафар уюштирилгани, оқибатда Дукчи эшон аслида дорга осиб ўлдирилмагани, 125 йил деганда Дукчи эшон ҳақидаги тарихий ҳақиқат юзага чиққанини таъкидлаб, шундай ёзган: «Тошкент музейларидаги дорга осилган Дукчи эшон суратлари эндиликда уйдирма ва тўқима эканлиги исботланди деб ҳисоблаймиз ва юқорида келтирилган маълумотларга Сиз ва олимларнинг муносабатингизни кутиб қоламиз ҳамда сизлар берган хулосалардан сўнг ушбу қўлга киритилган маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади».

Профессор Б.Абдуҳалимов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Шарқшунослик институтидан мазкур хатни кўриб чиқиш ва хулосалар беришни сўраган. Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Ш.Маҳмудов Фанлар академиясига жавоб хатини йўллаган. Унда келтирилган маълумотлар ҳали тўлақонли асосланмаганини айтиб, бунинг жиддий

сабаблари борлигини кўрсатиб ўтган: «Биринчидан, Дукчи эшон ва унинг яқин сафдошларидан 5 нафари Россия императори Николай II нинг кўрсатмаси билан Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори А.Корольков буйруғига кўра Андижон шаҳрида бутун вилоят аҳолиси орасидан мажбуран тўпланган 8000 киши кўз ўнгида дорга осиб ўлдирилган. Ўша даврда Санкт-Петербург ва Туркистонда чоп этилган кўплаб расмий газеталарда Дукчи эшон ва бошқа қўзғолончилар раҳбарларининг суратлари ҳамда уларнинг қатл этилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Иккинчидан, Дукчи эшонни қўлга тушириш ҳамда расмий ҳоқимиятга тутиб беришга ёрдам берган хоин ва жосуслар ҳақида Россия империяси даврида ҳам, совет режимининг дастлабки ўн йилликларида ҳам воқеаларнинг иштирокчилари ва гувоҳлари, жумладан, Бобур номли халқаро жамоат фондининг хатида тилга олинган Фозилбек Отабек ўғли маълумотлари асосида кўп ёзилган.

Учинчидан, Россия империяси раҳбарияти ҳамда унинг Туркистондаги маъмурлари Дукчи эшон тирик қолиши ҳамда хорижга жўнаб кетишидан умуман манфаатдор эмас эдилар. У пайтда ҳали кейинчалик урфга кирган қамоқхоналардаги айрим бадавлат жиноятчиларни катта маблағ эвазига сохта паспортлар билан таъминлаб, бошқа исмлар остида хорижий мамлакатларга чиқариб юбориш амалиёти бошланмаган эди.

Қолаверса, Муҳаммадали халфа Собир ўғли – Дукчи эшон ҳаёти ва фаолияти бўйича мақолалар эълон қилинган бўлса-да, махсус тадқиқот олиб борилмаган. Бу борада ўша даврда ёзилган қўлёзма асарлар, маноқиблар, архив ҳужжатларини аниқлаб, улар асосида махсус тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг Дукчи эшоннинг кейинги ҳаёти тўғрисида аниқ хулоса айтиш мумкин».

Шарқшунослик институтининг жавоб хатида эса қуйидагилар баён қилинган:



«Бинобарин, Дукчи эшоннинг сўнги тақдир ва авлодлари деб даъво қилаётганларнинг оғзаки ҳикоят ва ривоятларига эмас, асосли ва мантиқли, далил-исботли маълумотларга асосланиши лозим. Ана шу асосли ва мантиқли, далил-исботли маълумотларни қувватлаш мақсадида уларнинг оғзаки ҳикоят ва ривоятларини келтириш мумкин, холос. Демак, айнан Дукчи эшон ғазовотлардан омон қолгани ва Тавилдарага қочиб келиб яшаганига бошқа исботлар йўқми? Унинг сўроқ-саволида бунинг у эмаслигини аниқлаша олмабдими? Совет ҳукумати унинг шу ерда эканини билмай қолибдими? Унинг муҳри, ўз қўли билан ёзилган автограф мактуб ва асарлари борми? Дукчи эшон эканини исботловчи бошқа далил ва исботлар етарлими?»

Хулоса шуки, мактубда айтилганидек Дукчи эшон тирик қолгани ва унинг авлодлари ҳақида кўрсатув қилинса ҳам, уни мутлақ ҳақиқат сифатида эмас, балки шундай маълумотлар бор, ушбу кўрсатувдаги маълумотларни илм аҳли ўрганиб асл воқеалар қандай бўлганини манбалар ва бошқа ишончли маълумотлар орқали исботлайдилар деган мақсадда намойиш қилиш мумкин, албатта».

Шу муносабат билан айтиш жоизки, Ватанимиз, халқимиз ўтмишига қизиқиш кучайиб бораётган ҳозирги шароитда пухта

ўрганилмаган, атрофлича текширилмаган, зарур далил-исботлар билан тасдиқланмаган маълумотларни тарқатиш фан ривожига ҳам, ватандошларимиз билимининг бойишига ҳам хизмат қилмайди. Аксинча, оммани чалғитади, мозийда рўй берган воқеалар ҳақида, Ватанимизнинг асл фарзандлари ҳаёти ва фаолияти хусусида нотўғри хулосалар чиқарилишига сабаб бўлади. Мақола муаллифларининг тарихан исботланмаган, фактик материаллар, ҳужжатлар билан йўғрилмаган, ишончли манбага суянмаган фикр-мулоҳазалари, бизнингча, амалий ва илмий жиҳатдан исботланмаган, тарихий ҳақиқатга, мантиққа зиддир.

Агар Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган сиймоларни юлдузларга қиёс қиладиган бўлсак, бундай тарихий шахслар ҳақида охиригача ўрганилмаган, чала маълумотлар тарқатиш уларнинг ёғдусини маълум даражада хиралаштириб қўйиши ҳам мумкин.

**Бахтиёржон АЛИМОВ,
Мухторжон ХУДОЁРОВ,
Дилшодбек ҲОМИДОВ,
Азизбек МАҲКАМОВ**

Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи илмий ходимлари.

Андижон, 2022 йил 13 август



1898 ЙИЛДАГИ АНДИЖОН ҚЎЗҒОЛONI ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛАР

М.Худоёров, АндДУ тузилмасидаги Қатағон
қурбонлари хотираси музейи илмий ходими

РАПОРТ

Сўнги йилларда Туркистон ва унинг подшоҳлик Россияси томонидан босиб олинishi, бу юртда мустамлакачилик тизимининг ўрнатилиши ва унга қарши миллий-озодлик ҳаракати тарихига доир қатор ҳужжат ва материаллар тўпламлари нашр юзини кўрмоқда. Бу ўринда 2016 йилда Москвада нашрдан чиққан «Туркестан в имперской политике России: Монография в документах»¹ тўплами ушбу мавзу библиографиясини янада бойитиш, кўплаб масалаларга ойдинлик киритиш имконини бераётгани айна ҳақиқатдир. Тўплам россиялик ва ўзбекистонлик тарихчилар томонидан нашрга тайёрланган бўлиб, унда Андижон тарихига доир қатор янги манбалар биринчи бор илмий истеъмолга киритилди. Китобдаги 1898 йилги Андижон қўзғолонига дахлдор айрим ҳужжатларни сиз муҳтарам журналхонларга ўзбек тилида ҳавола этмоқдамиз.

**Қўшинлар бошлиғи ва Андижон
гарнизони бошлиғининг
Туркистон ҳарбий округи қўшинлари
қўмондонига
РАПОРТИ²**

1898 йил 20 май. 637-сон. Андижон шаҳри
Нусха

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонига

18 май куни, тонг отиши олдидан, тонгги соат 3 атрофида, тим қоронғиликда боғлари лагернинг ўнг қанотида туташган Дўнғишлоқ тарафдан бир ярим мингдан икки минггача бўлган туб жойлик кишилар тўдаси лагерга сездирмасдан кириб келган; олдинда отлиқлар, улардан кейин пиёда туб жойликлар ҳаракатланишган. Улар 20-Туркистон линия-кадр батальони 4-ротасининг дастлабки учта взводи эгаллаган охирги баракка киришган; баракни бирданига ўраб олиб, йўлақларга ҳужум қилишган, барак томини кўтариб турган устунлар ўртасидаги оралиқларга ҳар тарафдан сакраб чиқиб, «ур, ур!» деган босиқ ҳитоблар остида ухлаб ётган аскарларни калтаклашни ва сўйишни бошлашган. Туб жойликларни биринчи бўлиб барак қанотида навбатчи бўлиб турган ўша ротанинг оддий аскари Тютин кўрган, у ўзига хос бўлмаган овоз билан қичқирган ва ўша заҳоти ўлдирилган. Бошқа қанотдаги навбатчи оддий аскар Масленников, шунингдек, 4-рота бўйича навбатчи оддий аскар Жирнов ва бундан илгарироқ 3-взводда лампа ёруғида китоб ўқиб ўтирган иккала рота бўйича навбатчи катта унтер-офицер Степанов «Тур, милтиқни қўлга ол!» деган ҳайқириқ билан шовқин келган тарафга югуришган. Туб жойликлар эса ҳар томондан сакраб кириб келиб, бутун баракни эгаллашган; 4-рота бўйича қоровул ва навбатчи ўша заҳоти ўлдирилган; иккита рота бўйича навбатчи боши ва елкасидан бир нечта зарба еб, ортига, 5-ротага қайт-

¹ Бабаджанов Б.М., Котюкова Т.В., Махмудов О.А., Абашин С.Н. Туркестан в имперской политике России: Монография в документах. – Москва: Кучково поле, 2016. – 880 с.

² Кўрсатилган манба. – С.573 – 576.



ган; винтовкаларни қўлга олишга улгурган аскарлар қўндоқ ҳамда винтовка найзалари билан ҳимояланиб, 5-ротага ёриб ўтишга ҳаракат қилишган. Унтер-офицер Степанов 5-рота хонасига югуриб кириб, «Петлица (эрта уйғониб, бирмунча муддат олдин унтер-офицер Степанов билан гаплашган 5-рота фельдфебелининг фамилияси), одамларни уйғот, сўйишяпти!» – деб қичқирган. 5-рота фельдфебели Петлица: «Милтиқни қўлга ол!» – деб бақириб аскарларни уйғота бошлаган. Шу билан бирга, Марғилон шахрига жўнаб кетган 5-рота командири ўрнида вақтинча қолган ва тиббий бўлинма учун ажратилган ҳамда 4- ва 5-рота бараклари ўртасида, олдинги линиядаги бараклардан ўттиз қадам орқада жойлашган баракда тунаган 20-Туркистон линия-кадр батальони подпоручиги Карселадзе «ур, ур!» деган хитобларни эшитиб, ёстиғи тагидан револьверини олиб, баракдан югуриб чиққан ва 4-рота бараги от минган туб жойлик кишилар қуршовида қолганини кўриб, уларга қарата тўрт марта ўқ отган ҳамда 5-рота томонга интилган. Бу вақтда 3-взводда хат ёзиб ўтирган 5-рота бўйича навбатчи ефрейтор Лясковский ҳам ўқ овозларини эшитиб, «Тур, милтиқни қўлга ол!» – деб қичқирган. Рота аскарларининг қарийб ярми барак олдига милтиқлари билан сакраб чиқишган ва баракнинг икки тарафидан ҳужумга ташланиб, туб жойликларни милтиқ найзалари билан қайтаришга киришишган, бу вақтда фельдфебель ва рота бўйича навбатчи рота аскарларининг иккинчи ярмига рота канцеляриясида сақланаётган бир яшик миқдоридagi соқчи патронларини тарқатишган. Подпоручик Карселадзе бу одамлар билан «ура» хитоби ва барабан садоари остида жадал ўқ отиб, туб жойликларга ташланишган. Туб жойликлар қиличлар, ханжарлар, ... найзалар ва ўроқлар билан ҳимояланишган. Туб жойликлар лагердан қувиб чиқарилгач, аскарлар 4-рота барагининг чекка юзасида тўхтаб, жадал ўқ отиб туришган; туб жойликлар чекинишаёт-

ган вақтда ҳам ўзларидаги мавжуд револьверлар, карабинлар ва бошқа милтиқлардан ўқ отиб туришган. Барак олдидаги жой бўшагач, аскарлар баракдан 15 қадам нарида ўз олдида Қуръонни тутиб турган ҳамда кўзларини кўкка тикиб, нималарнидир ўқиётган муллани кўришган; мулланинг икки тарафида унча катта бўлмаган қизил ва оқ рангли иккита нишон билан ўн чоғлик туб жойлик турган эди; бу туб жойликларнинг ҳаммаси револьверлар билан қуролланган бўлиб, улардан аскарларга қарата ўқ отишган, лекин уларнинг ҳаммаси ўша заҳотиёқ аскарлар томонидан ўлдирилган. Туб жойликлар яраланганларни ва ўлдирилганларни ўзлари билан олган ҳолда жуда тез чекинишган. Аскарлар патронлар йўқлиги боис туб жойликларни таъқиб қила олишмаган. Ҳужум вақтида подпоручик Карселадзе револьвердан ўқ отиб кўк шойи байроқ тутган туб жойликни отдан йиқитган, иккинчи ўқ билан унинг остидаги отни ўлдирган; 4-рота оддий аскари Титов отдан йиқилган байроқдорга найза санчгач, байроқ подпоручик Карселадзе томонидан олинган. Туб жойликлар ҳужуми бошланганидан улар тумтарақай қочгунча ўн ёки ўн беш дақиқадан кўп вақт ўтмаган. Лагернинг ўнг қанотида ҳали отишмалар овози эшитилиб турган вақтда лагерга ўша батальоннинг подпоручиклари Глуздовский ва Юрасов югуриб кириб келишган; уларни йигирма чоғлик аскарлар ўраб олиб, патронлар беришни сўрашган; подпоручик Глуздовский бу одамлар билан лагердан минг қадамча нарида жойлашган порох ертўласига югуриб борган, қулфни уриб синдириб, патронларни олган ва ертўлани қўриқлаш учун олти кишини қолдириб, қолган аскарлар билан лагерга чошиб кетган, қўшимча куч келаётганини туб жойликларга кўрсатиб қўйиш учун ҳамма қуроллардан икки марта бараварига ўқ отишган. Мен дастлабки ўқ овозларини эшитиб, гауптвахтадан маҳбуслар қочган бўлса керак деб ўйладим ва кийина бошладим, аммо бир неча дақиқадан



сўнг аскарлардан кимдир югуриб келиб, туб жойликлар лагерга ҳужум қилишганини, аскарларни сўйишаётганини айтди. Мен лагерь томонга чопдим ва ҳужум қайтарилганда етиб келдим. Ўша заҳотиёқ ўқ отишга тайёргарлик кўриш учун оқшомда лагердан чиқиб, ундан ўн чақирим масофада жойлашган отиш майдонида қолган йигирма нафар ёш аскарлар ва 4-ротанинг беш ўқитувчисига одам юборилди. Улар 20-Туркистон линия-кадр батальони подпоручиги Розалюн-Сашальский бошчилигида лагерга эсон-омон етиб келишди.

Менга ишониб топширилган гарнизон 20-Туркистон линия-кадр батальонининг бир штаб-офицери, етти обер-офицердан иборат таркибдаги иккита ротасидан ташкил топган, 4-ротада: унтер-офицер ва оддий аскарлар бир юз ўттиз тўққиз киши, улардан беморлар тўққиз киши, давлат хизматчилари ва котиб тўққиз киши, отиш майдонида йигирма етти киши, қалъадаги гауптвахтада, ноҳарбий маҳбуслар олдида қоровулда йигирма олти киши, уй ҳаражатлари: новвойлар, ошпазлар, отбоқарлар, сафдан ташқари хизматдаги ҳарбийлар ва шу кечага лагердан шаҳарга чиқарилганлар ўн олти киши – ҳаммаси бўлиб шу кеча лагерда эллик икки киши тунаган; 5-ротада: унтер-офицерлар ва оддий аскарлар бир юз ўттиз олти киши, улардан беморлар ўн икки киши, уй ҳаражатларида давлат хизматчилари билан ўн уч киши, ҳаммаси бўлиб 5-ротадан лагерда бир юз ўн бир киши тунаган. Ушбу таркибдан сафдан чиққанлар: икки нафар унтер-офицер ва ўн тўққиз оддий аскар ўлдирилган; ўн тўрт аскар оғир яраланган, улардан бири бошқа куни ўлган; беш аскар енгил яраланган. Ўттиз битта винтовка топилмади, улар исёнчилар томонидан олиб кетилган бўлиши мумкин, аммо бу рақам унчалик аниқ эмас, чунки винтовкалар шаҳарнинг рус аҳолисига ҳимояланиш учун ҳам тарқатилган ва уларнинг ҳаммаси ҳали йиғиштириб олингани йўқ. Патронлар йўқолмаган.

Юқорида баён этилган воқеани инобатга олиб мен қуйидаги фармойишларни бердим: йигирма уч минг дона миқдоридagi патронлар қалъага кўчирилди, лазаретдаги беморлар сафга тикланди, яраланганлар қалъага ўтказилиб, мен у ерга олтмиш кишилиқ гарнизонни, шу жумладан, ноҳарбий маҳбусларни қўриқлаётган қоровулларни жойлаштирдим, барбетларга қалъада мавжуд бўлган иккита тўпни ўрнатдим; мен қолган одамлар билан кун мобайнида шаҳарнинг туб жойликлар ҳужум қилишини кутиш мумкин бўлган икки ҳудудини муҳофаза қилдим. Марғилон шаҳрига тортилган ҳукумат ва темирўл телеграфининг симлари қирқилганлиги, Ўш шаҳри билан алоқа эса мавжудлиги учун 4-Туркистон линия батальони командирига бўлиб ўтган воқеа тўғрисида уни огоҳ этиш учун телеграмма йўлладим, Марғилон шаҳри билан алоқа тикланадими-йўқми билмаганим учун 4-батальон командиридан агар имкони бўлса, битта ротани қўшимча куч сифатида юборишни сўрадим. Марғилон шаҳри билан алоқа тиклангандан сўнг Сиз Жаноби олийларига ҳамда Фарғона областининг резервдаги ва маҳаллий қўшинлари қўмондонига бўлиб ўтган воқеа ҳақида хабар бердим. Андижон уезд бошлиғи орқали қўшимча куч сифатида Марғилондан 20-Туркистон линия-кадр батальонининг битта ротаси ўша батальондан йигирмата мерган билан юборилгани ҳамда Фарғона областининг резервдаги ва маҳаллий қўшинлари қўмондони Андижон шаҳрига келлаётгани ҳақида маълумот олдим. Марғилон шаҳрининг Қўқон ва Тошкент билан телеграф алоқаси узилганини билгач, мен қўзғолон кенг миқёс касб этиши мумкинлигини тахмин қилиб қалъада қолдирилган қоровулларни, гарнизонни ва эшонни тутиш учун участка пристави, штабс-капитан Огабеков ихтиёрига берилган ўн нафар мерганни чиқариб ташлаганда ўз ихтиёримда атиги бир юз ўн беш аскар, шу жумладан, отиш машқларидан ўтмаган эллик олти нафар ёш аскарлар бўлгани ҳолда кечага томон



бутун отрядни қалъага жамлашга ва шу ерда ҳимояланишга қарор қилдим; чунки шаҳарни ҳимоя қилиш учун ротани майда отрядларга бўлишимга тўғри келарди, улардаги бундай ёш аскарларнинг собитқадамлигига кафиллик бера олмасдим. Бундан ташқари, майда отрядлар тунда исёнчилар тўдаси томонидан бостирилиши, улар бизнинг винтовкаларимиздан ўзимизга қарши фойдаланиши мумкин эди. Шу боисдан мен уезд ғазначилигининг ва почта идорасининг пулларини қалъага олиб келишни буюрдим, аҳолига аёллар ва болаларни қалъага юборишларини ҳамда қалъада эркак аҳолига бўш винтовкалар берилишини эълон қилдим; ҳар эҳтимолга қарши қалъага сув ташиб келишни тайинладим; кеч кириши билан, ҳамма аҳоли қалъага келиб бўлган вақтда мен бутун отрядни қалъага жамлай бошладим ва уни банд этдим. Тунги соат ўн бирда Ўшдан 4-Туркистон линия батальонининг битта ротаси ва Марғилондан поездда 20-Туркистон линия-кадр батальонининг битта ротаси ҳамда йигирма овчиси етиб келишди. Шунда мен ўша заҳоти аҳоли мулки ўғирланишининг олдини олиш мақсадида иккита рота ва овчилар билан шаҳарни ўраб олдим. Отряд шу ҳолатда эрта-лабгача, Фарғона областининг резервдаги ва маҳаллий қўшинлари қўмондони етиб келгунга қадар қолди. Бу рапортда баён қилинган воқеа ҳақида мен Император олий ҳазратлари номига 20 май куни 633-тартиб рақами билан шундай рапорт йўлладим.

Асл нусхани подполковник Михайлов имзолаган.

Аслига тўғри: Подполковник (имзо келтирилмаган).

Туркистон ўлкаси бўйича Б У Й Р У Қ 1

1898 йил 30 май, 89-сон Андижон шахри

Нусха

87-сон буйруққа қўшимча равишда менинг қароримни кучайтирилган қўриқлов ҳолатида бўлган Фарғона ва Самарқанд областлари ҳамда Сирдарё областининг Тошкент, Чимкент ва Авлиёота уездлари аҳолиси учун мажбурий деб эълон қиламан:

1. Қуйидагиларда айбланаётган шахсларга оид: а) олий ҳокимиятга қарши исён кўтаришда ва фитнада ҳамда давлатга хиёнат қилишда; б) ҳокимиятга қуроли қаршилиқ кўрсатишда; в) қўшинларга, соқчиларга, қоровулларга, полиция амалдорларига, умуман, барча мансабдор шахсларга улар хизмат вазифаларини бажараётган вақтда ёки улар хизмат вазифасини бажариши оқибатида тажовуз қилишда; г) қотилликда; д) босқинчиликда; е) талончиликда; ж) темирўлга ва ҳаракатдаги шахсий таркибга қасддан шикаст етказишда ва з) телеграфга қасддан шикаст етказишда айбланаётган шахсларга оид ишлар айбдорларни судга бериш ва уларга уруш даври қонунларига асосан ҳукм чиқариш учун менга тақдим этилсин.

2. Шаҳар ҳудудларидан ташқаридаги аҳоли яшайдиган жойлардан ўтган темирўл ва телеграф линияларини ёвуз ниятли шахслар шикаст етказишидан сақлаш вазифаси ҳудудидан шу темирўл ва телеграф линиялари ўтган волостлар зиммасига ва жавобгарлигига юклансин.

3. Фитналарга, маҳаллий кишиларнинг ҳужумларига, улар томонидан темирўлларга қасддан шикаст етказилганига ва тўдалар пайдо бўлганига оид турли-туман мишмишлар ошкор этилмасдан, маҳаллий полиция маъмурларига маълум қилинсин.

4. Меҳмонхоналар, уйлар ва квартиралар эгалари меҳмонхонада, уйда ёки квартирада тўхтаган бегона шахслар ҳақида дастлабки кеча-кундуз мобайнидаёқ маҳаллий полиция маъмурларига хабар беришсин.

¹ Кўрсатилган манба. – С.572 – 573.



5. Маҳаллий полиция маъмурларининг рухсатисиз (белгиланган ибодат йиғинларидан ташқари) жамоат жойларидагина эмас, балки хусусий уйларда ҳам маҳаллий кишиларнинг ҳар қандай мажлислари тақиқлансин, бунинг ижросини назорат қилиш шаҳар ва қишлоқ полициясининг алоҳида вазифаси ҳисобланади.

6. Маҳаллий кишилар ўз волости районида бирор жойга чиққанда ўз шаҳар ёки қишлоқ полицияси бошлиғи томонидан берилган шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлишсин.

Қарорнинг 2 – 6-пунктларини бузганлик учун айбдорлар Давлат тартиб-интизомини ва жамоат осойишталигини сақлашга доир чоратадбирлар тўғрисидаги Низомнинг 15-моддасига мувофиқ уч ойгача қамоқ жазосига ёки беш юз рублгача жаримага тортилади. Ҳарбий губернаторларга кўрсатилган даражадаги қамоқ ва жарималарни қўллаш ҳуқуқи берилади, бундай жазо қўлланган ҳар қандай ҳолат бўйича ўлканинг бош раҳбарига маълумот тақдим этиш вазифаси топширилади.

Ушбу мажбурий қарорни кучайтирилган кўриқлов ҳолатида деб эълон қилинган жойларнинг бутун аҳолисига маълум қилишни таклиф этаман.

Асл нухсани имзолади: Генерал-губернатор вазифасини бажарувчи генерал-лейтенант Корольков.

Аслига тўғри: Подполковник (имзо келтирилмаган)

ҚЎҚОН УЕЗДИ БОШЛИҒИНИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИ¹

1898 йил 31 май, 42-сон. Қўқон шаҳри

Нухса. Махфий

Туркистон ўлкаси генерал-губернатори лавозимини вақтинча

ижро этувчи генерал-лейтенант Корольков жаноби олийларига

Сиз Жаноби олийларининг шахсий буйруғингизни ижро этиш ниятида ўзимнинг ушбу маълумотномамда ўлкадаги сўнгги қайғули воқеанинг юзага келишига, менинг фикримча, бир томондан, сабаб бўлган, бошқа томондан, кўмаклашган ҳолатларни баён қилиш шарафига мушарраф бўлиб турибман.

Энг аввало, бутун аҳолини сиёсий ишончлилик маъносида уч гуруҳга бўлиш мумкинлигини маълум қилишни зарур деб ҳисоблайман.

1. Рус ҳокимияти ва рус ҳукуматидан норозилар – ўйлайманки, унча кўпсонли бўлмаган гуруҳ. Унга руҳонийлар, уларнинг орасидаги кўпсонли муридларига эга бўлган эшонлар, кейин мусулмонлик руҳида тарбияланган олимлар ва ўтакетган мутаассиблар мансуб.

2. Рус ҳукуматидан ва ҳокимиятидан онгли равишда мамнун бўлаётганлар – биринчи гуруҳга қарийб тенг бўлган гуруҳ, эҳтимол, бир оз кўп, балки бир оз камроқдир – аниқлаш қийин. Бу гуруҳга русларнинг хулқ-атвори ва анъаналарини тўла ўзлаштирган, айниқса, Россияда бўлиб қайтган савдогарларнинг деярли ҳаммаси, мутаассиблик иллатини юқтирмаган ўзига тўқ синфларнинг деярли ҳаммаси ва ниҳоят шаҳар аҳолисининг кўп қисми киради.

3. Руслардан норози бўлишга асоси йўқ, лекин мустақиллик ҳақидаги ўй-фикрлардан фориғ бўлмаганлар – менинг фикримча, энг кўпсонли гуруҳ. Унга қишлоқ аҳолисининг деярли ҳаммаси, шаҳар аҳолисининг бир қисми киради. Мустақил турмуш кечириш ҳақидаги ўй-фикрларга бефарқ қарайдиган ҳамда чет эл ҳукуматини қабул қилишга тайёр бўлган, фақат у мусулмон ҳукумати бўлсин дегувчилар ҳам шу гуруҳ тарафга ўтади.

Биринчи гуруҳ Қуръон асосида ва мусулмонча қонуннинг ўлик ҳарфларини ўрганиш орқали тарбияланган. Бу гуруҳга мансуб олимлар олаётган тарбия ва таълим фавқулудда доно кишиларни ҳам айнитишга қодир бўлиб, мутаассибликни ривожлантиради, мияни ай-

¹ Кўрсатилган манба. – С.576 – 583.



ни тади, мусулмонликнинг, унинг конкрет вакиллари – мусулмон подшоларнинг куч-қудрати ҳақида ёлғон тасаввурлар уйғотади.

Бу гуруҳга мансуб руҳонийлар ва олимлар ўзларининг ҳозирги аҳволдан норози, чунки уларнинг оммага таъсири йилдан-йилга пасайиб борапти, шу билан бирга, мулкӣ ҳолат ҳам ёмонлашапти, турли вақф даромадлари унинг ҳисоботсиз тасарруфидан олиб қўйил-япти ва ҳукумат назоратига олинапти. Илгариги замонда ҳокимияти фақат хонга боғлиқ бўлган турли-туман қозилар ўзларининг ал-маштирилишида ва қарорларининг бекор қилиниши мумкинлигида, шунингдек, уларга тегишли суд ишларининг чеклаб қўйилгани каби даромадларининг ҳам чеклаб қўйилганида ўзларининг рус ҳукумати томонидан сиқувга олинаётганини кўришмоқда. Ниҳоят халқ оммасини эксплуатация қилиб бойиган бойлар бу оммани шафқатсиз талаш борасидаги шубҳали ишларига маъмурият ва рус судининг аралашувида ўзларининг сиқувга олинаётганини кўришапти.

Бу гуруҳнинг барча вакиллари ўз ишларини тузатишнинг ягона имкониятини қўшни хонликлар кўмаги билан бўлса-да мусулмон ҳокимиятини тиклашда кўришмоқда. Бу гуруҳдагилар олган тарбия туфайли кучайган мутаассиблик, дунёқарашнинг торлиги ва мусулмонликнинг қудрати ҳақидаги ёлғон тасаввурлар уларга ўз кучларининг ва қўшни хонликлар кучларининг ҳеч нарсага арзимаслигини англаб олишга халақит берапти.

Ва бу гуруҳ иккиланиб турган учинчи гуруҳ орасида тарғибот қилишга киришди. Аҳоли оммаси ўзи билан бир динга мансуб хон ҳукмронлиги остидаги ўз мустақиллиги ҳақидаги хотираларни ёддан чиқаргани йўқ; у ўз руҳонийларига ва ўз олимларига нисбатан ҳурмат туйғусини ҳали бой бергани йўқ; халқ судига берилган кенг ҳокимият қозиларга нисбатан ҳурматни қўллаб-қувватлайди; бойлик, руҳонийлар ва қозилар томонидан қўллаб-қувват-

лашлар бойларга ушбу оммани ўзларига қарамликда сақлаш учун тўла имконият беради; мана шу барча омиллар туфайли омма, агар ўнғай шароитлар юзага келса, рус ҳукуматидан ажралишдан ҳам қайтмайди, шекилли.

Ўлка забт этилган дастлабки вақтларда халқ рус қудратига лол қолган эди. Хонлар замонида амалдаги ҳокимиятга сўзсиз бўйсунилган одатланиб, ҳар бир бевосита бошлиқда кичик хонни кўришга, унинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар эътиборга олинмаслигига ёки мўлжалга етмаслигига кўникиб, хуллас, бошлиқларнинг зўравонлигига ўрганиб ва бу зўравонликка азалдан бўйсуниб келган омма ўлка эгалланган дастлабки вақтларда уларни ўз ҳимоясига олган рус ҳукумати қатъияти ва қудрати билан ажралиб туришини, унинг юқори мансабдор вакиллари эса суд ишларида ҳам, маъмурий ишларда ҳам катта ваколатлар ҳамда ҳокимиятга эга эканлигини кўришни истаган эди ва буни ҳақиқатан ҳам кўрди. Бу эса туб жойликларнинг қарашларига тўла мос келарди; суд ҳокимиятининг маъмурий ҳокимиятдан ажратилгани, давлат бошқарувининг ушбу тармоқлари вакиллари ўртасида антагонизмнинг тез-тез юзага келиб туриши қудратли ва яхлит ҳокимиятни ҳурмат қилишга одатланган аҳоли учун мутлақо тушунарсиз эди; шу боисдан бундай тартиб халқ учун уни бошқараётган ҳокимиятнинг ролини пасайтириб кўрсатиш бўлиб туюлди ва унга ишончсизлик уйғотиб, рус номининг обрўсини туширди.

Аммо вақт ўтиши билан рус ҳокимиятининг обрўси, айниқса, қўйи бўғинларда туша бошлади, обрўнинг тушиши, аввало, маҳаллий маъмуриятларда мансабдор шахсларни нафақат сайловларда, балки уларга маош тайинлашда ҳам халқ вакилларига боғлиқ қилиб қўйган сайлов асосларининг алоҳида мавқеидан бошланди.

Кейин уезд полицияси даражасигача тушган уезд маъмурияти ҳокимиятининг ҳам обрўси пасая бошлади, бу кейинги вақтда ай-



рим ноқулай ҳолатлар туфайли яққол сезилиб қолди. Ҳарбий маъмурият уезд маъмурияти ходимларига нисбатан қилган айрим хатти-ҳаракатлари сабабли туб жойликлар назарида мавқеини тушириб олди; бундай хатти-ҳаракатлар сирасига ёлғон маълумотларга катта аҳамият берилишини қўшиш мумкин, чунки бундай чақувлар бўйича ошқора суриштирувларгина эмас, ҳатто туб жойлик мансабдорлар ва аҳоли ўртасида ялпи сўроқлар ҳам ўтказилди; бундан ташқари, чақувларда маъмурий-полиция амалдорларини баъзан жазосиз қолган ҳолда ҳақоратлаш ҳолларини ҳам киритиш керак. Буларни қуйидаги чоралар билан тасдиқлаш мумкин: 1) арзномада полиция пристави Тушевнинг ҳақорат қилингани ва 2) участка пристави ҳузуридаги эркин ёлланган таржимоннинг порахўрлиги ҳақидаги имзосиз (аноним) чақув муносабати билан ошқора (амалда) суриштирув ўтказилди ва участканинг барча халқ судьялари, барча волость бошқарувчилари ва қишлоқ оқсоқоллари қаторасига сўраб чиқилди. Терговнинг ўзи чақувга порахўрлик эмас, ушбу таржимон етарлича ҳурмат кўрсатмаган халқ судьяларининг таҳқирланган нафсонияти сабаб бўлганини аниқлади. Шунга қарамай, бу воқеа ҳақидаги овозалар яна ва яна бўрттириляпти. Уезд маъмурияти сал бўлмаса халқ кўз ўнгида ушбу порахўрликка ўзи алоқадордек бўлиб қоляпти, пировардида имзосиз чақувда уезд маъмурияти шаънига айтилган яққол ҳақоратлар жазосиз қоляпти, бу эса уезд бошлиғини тегишли бошлиқларга ё ҳақоратлашда айбдор бўлганларни жазолаш, ё бўлмаса уезд маъмурияти хатти-ҳаракатлари юзасидан тергов тайинлаш ҳақида илтимос билан мурожаат қилишга, бошқача айтганда, уезд маъмуриятини судга беришга мажбур этмоқда. Аммо баён этилган ҳолатда фақат маҳаллий маъмуриятнинг ва халқ судининг мансабдор шахслари ялпи сўроққа тутиляпти. Уезд маъмуриятининг обрўси фақат мана шу шахслар воситасида аҳоли оммаси олдида

камситиляпти, бироқ юқори ҳокимият кўпқишилиқ шаҳардаги гавжум бозорда олдиндан қуйи ҳокимиятнинг у ерда пайдо бўлишининг олдини олиб, бозорда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси иштирокида «Кимгадир шикоятлар борми?», «Норозилар йўқми?» ва ҳоказо деб ёппасига сўров ўтказиб, умумхалқ олдида камситиш ҳолатлари ҳам бўлди.

Тушунарлики, бундай хатти-ҳаракатлар маъмуриятнинг обрўсини тушириб, унга бўлган ишончга путур етказди ва турли ифвогарларга ёлғон чақувлар орқали хизматчиларга тузатиб бўлмас зиён етказиши учун имконият яратиб беради, уларга нисбатан юқори ҳокимиятнинг тўла ишончсизлигини яққол намоён этади.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, мусулмон руҳонийлари ва мусулмон олимлари халқ кўз ўнгида ўз байроқларини баланд тутишади. Биринчидан, улар деярли ҳеч кимга боғлиқ эмас. Улар ҳеч ким томонидан тайинланмайди ва ҳеч ким томонидан алмаштирилмайди. Эшонлар, имомлар, муллалар, хўжалар, дайди мусулмон авлиёлари ва ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар нафақат уйларда, балки масжидларда, мадрасаларда, бошқа ибодатхоналарда ва ўқув муассасаларида деярли ҳеч қандай тўсиқсиз кўнглига келган мавзуда ваъз ўқиши мумкин. Бирон-бир мусулмон тингловчи алоҳида бир наф кўрмайдиган бўлса, уларни сотиб қўймайди, уезд маъмурияти тегишли маблағларга эга бўлмагани боис тилга олинган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва нутқлари ҳақида маълумот тўплаш учун махфий агентларни сақлай олмайди. Аммо қайд этилган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ваъзхонлик билангина чекланмайди, чунки уларнинг қўлида мусулмон аҳоли оммаси берган фаол куч мавжуд.

Бу куч – мусулмон қонунларининг ашаддий билимдонларидан, бошқача айтганда, русларга қарши гуруҳнинг сара вакилларида иборат халқ суди.

Ушбу суднинг ҳокимияти одамни қўрқитадиган даражада, чунки шарият, одат ва шун-



га ўхшаш жуда оз одамларга маълум бўлган мусулмон донишмандлиги тўпламларининг турли қоидалари, шу билан бирга, оддий халқ ҳуқуқларининг моҳир билимдон ёки фирибгар тилида талқин қилиниши бениҳоя турли-тумандир, бундай талқин қилиш халқ судьяларининг, улар орқали ўша руҳонийлар ва турли бойларнинг тўла ўзбошимчалиги устун келишига хизмат қилиши мумкин.

Оддий, авом туб жойлик аҳолига, рус маъмуриятига ҳамда судга ҳам ёзилган ва ёзилмаган мусулмон ҳуқуқининг барча нозик жиҳатлари маълум эмас, бундан ташқари, аҳолига Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом ҳам яхши таниш эмас, судьяларга эса униси ҳам, буниси ҳам маълум. Фуқаролик даъволари бўйича бир хил судларга эга бўлган туб жойликлар ўртасида юзага келадиган ишларнинг халқ судига тегишлилиги миқёслари чегараланмаган, жиноий ишлар бўйича ҳам анча кенгайтирилган, шунинг учун судда кўриладиган бу ва бошқа ишлар бўйича ҳам халқ судлари яраштирувчи судлардан (фуқаролик даъволари бўйича бекиёс даражада) юқори қўйилган, бу ҳокимият умумий таълим савиясига ҳам, ҳатто ўз виждони олдида чуқур маънавий жавобгарликни ҳис этиш қобилиятига ҳам эга бўлмаган ўтакетган мутаассиблар қўлида қолмоқда. Улар кўп ҳолларда фақат ўз манфаатларини кўзлаб, баъзан оддий ҳайвоний эгоизм билан иш тутишади, чунки судьялар олган таълимнинг ўзи келтирган меровлик ва бирёқламалик шароитида уларнинг кўпчилигида фақат ғараз ва зўравонлик ҳар нарсага қодир етакчи асос ҳисобланади. Аммо иккиюзламачилик, баъзан ҳатто ёлғон иккиюзламачилик, ёлғондакам табарруклик, ўйлаб топилган қонунларни янглиш талқин этиш халқ кўз ўнгига уларнинг қарорларига ҳаққонийлик кўришини бериши мумкин. Судланувчиларнинг, даъвогарларнинг ёки жавобгарларнинг апелляция бериш муддатларини ва сабабларини билмаслиги ҳамда судьяларнинг чап беришга

усталиги ҳар қандай апелляцияни бефойда ёхуд бевосита имконсиз қилиб қўймоқда. Мисол излаб узоққа бориш шарт эмас: қўқонлик бой (отасининг мулкига кўра) Солиҳжон Олимжонов томонидан Қўқон шаҳри Хўжанд қисмининг собиқ, ҳозирда вафот этган халқ судьяси ҳузурида турли кишиларга кўплаб даъволар қилинган, уларнинг ҳаммаси ёки деярли ҳаммаси ютиб чиқилган, айрим қарорларга ҳатто протест келтирилган, область суди томонидан бекор қилинган, мана шундай ишлардан бири бўйича ҳукмнинг бекор қилиниши ҳатто Ҳукумат Сенати томонидан тасдиқланган. Шунга қарамай, ўша иш ўша судья томонидан яна эскичасига ҳал этилган. Бошқа мисол: ўша халқ судьяси Солиҳжонга хушомад қилиб бир неча марта маъмуриятнинг талабини бажармаган, пайт пойлаб туриб шундай қарор қабул қилганки, бу қарордан сўнг қайд этилган талабни бажариш мумкин бўлмай қолган.

Буларнинг ҳаммасида ҳатто халқ судьяларининг шаҳар съезди ҳам иштирок этди ва уезд маъмурияти ўз талабларини бажармаганликда айбдор бўлган судьялар юқори маъмурият томонидан жазоланишига эриша олмади.

Шундай қилиб, халқ оммаси олдида: бир томондан, халққа маънавий таъсирга эга бўлган, амалда деярли ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган руҳонийлар ва маъмуриятга деярли боғлиқ бўлмаган халқ суди, бошқа томондан, ўша халқ оммасига ҳамда рус ҳокимияти вакилларига боғлиқлиги билан ҳам заиф бўлган маҳаллий маъмурият турибди.

Маҳаллий маъмуриятнинг заифлигини батафсил исботлашга зарурат йўқ; у маънавий жиҳатдан заиф, чунки халқ ичидан чиқиб, тушунчалари, келиб чиқиши, эътиқоди, бидъатлари, идеаллари бўйича халқ билан узвий боғлиқ бўлгани ҳолда фақат рус ҳокимияти манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилганида ўз назарида ҳам, халқ назарида ҳам муртад бўларди; у хизмат мавқеи бўйича ҳам заиф, чунки халқ томонидан сайланади ва



унга маош тайинланиши ҳам халққа боғлиқ, суд билан таққослаганда уезд маъмуриятига беқиёс даражада ва область маъмуриятига тўла боғлиқ.

Ушбу барча сабаблар туфайли маҳаллий маъмурият халқ назарида ҳеч қандай алоҳида ҳурматга эга бўла олмайди, лекин уезд маъмурияти ҳам ўзининг ҳозирги аҳволида халқ назарида катта аҳамият касб этолмайди, халқ ҳатто судьяларнинг зўравонлигидан ҳимояланиш учун унинг ҳузурига келолмайди, чунки бу ҳимоя арзимайдиган даражада.

Уезд маъмурияти руҳонийларга ва рус ҳоқимиятидан норози бўлган бошқа унсурларга қарши қандай воситаларга эга? Жуда ҳам оз воситаларга эга.

Уезд бошлиғи ўз ихтиёрида маҳаллий маъмуриятга эга, уезддаги бошқа маъмурий-полиция бошқаруви мансабдорлари унинг тасарруфида, аммо волость бошқарувчиларини танлаш ва тасдиқлаш унга боғлиқ эмас; уезд маъмурияти мансабдорларининг лавозимга тайинланишига у деярли таъсир кўрсата олмайди, чунки бу ҳолда унинг тақдимоти деярли аҳамиятга эга эмас, ҳатто канцелярия мансабдорлари ҳам унинг хоҳишига зид равишда тайинланиши мумкин. Уезд маъмурияти мансабдорларига нисбатан мисоллар мавжуд: полиция пристави лавозимига юзбоши Полюдов тақдим этилади, юзбоши Васильев тайинланади, Дилевский тақдим этилади, Полюдов тайинланади, шаҳарни яхши биладиган ва полиция пристави вазифалари билан яхши таниш бўлган ўша Дилевский тақдим этилади, мутлақо бошқа областдан келган, ҳеч кимга таниш бўлмаган, полиция пристави вазифалари ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган поручик Бичков тайинланади.

Ёрдамчилар ва участка приставларини тайинлаш бўйича уезд бошлиғининг фикри ҳатто сўраб ҳам ўтирилмайди. Бироқ қарамоғидаги шахсларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик тўлалигича уезд бош-

лиғи зиммасига юкланади, лекин бошлиқ буни эътибордан четда қолдирмаслиги учун одам лавозимга тайинланиб бўлгандан кейин уни бу ҳақда махфий хат билан хабардор этишади. Бу ҳолда адолатлилик тусини бериш мақсадида унга лавозимга тайинланган кишининг қобилиятлари ҳақида зудлик билан маълумот бериш таклиф этилади. Ҳолбуки, бу шахс лавозимга келганидан буён ўтган вақтнинг қисқалиги сабабли унинг қобилиятлари у ёқда турсин, шахсияти ҳақида ҳатто аниқ тушунча ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Агар ҳатто канцелярия амалдори ўз лавозимини бажаришга ноқобил бўлиб чиққан ва бу ҳақда тақдимнома киритилган бўлса, у ҳолда шундай батафсил тушунтиришлар талаб қилишадикки, шу муносабат билан ёзишмаларга киришишдан кўра мутлақо уқувсиз шахсни жойга кўтариш анча осонроқдир.

Гарчанд полиция оддий ходимлари штатларининг етарли эмаслиги эътироф этилиб, уезд бошлиғи томонидан бу ходимлар сонини кўпайтириш зарурлиги ҳақида тақдимнома киритилса-да, шаҳар ва уезднинг ҳақиқий, безалмаган аҳволи баён этилиб, штатлар етишмаслигининг оқибатлари тахмин қилиниб, кўрсатилса-да, бунинг натижаси уезд бошлиғини заифликда, куч-ғайратининг етишмаслигида, қарийб ноқобилликда айблашдан иборат бўлади.

Буларнинг оқибати аён: уезд бошлиғи қандайдир воситаларни, кучларни ошириш зарурлигини, қандайдир яхшиланишлар зарурлигини тўла англайди, бироқ ўз илтимосномасидан номақбул хулосалар чиқарилишидан қочиш мақсадида, бу илтимосноманинг зарурати яққол анланганига қарамай, аҳволни ўзгаришсиз қолдиради. Қўл остидаги мансабдорларни тайинлаш ва алмаштиришга нисбатан маблағ сўраб олишга доир ишлар шу аҳволда бўлиб турибди.

Сўнгра уезддаги ақл эгаларининг аҳволини кузатиш зарур. Бунинг учун уезд бошли-



ғи ихтиёрида яна ўша маҳаллий маъмурият мавжуд, аммо у ҳақда юқорида айтиб ўтилди ва унинг бу ишга яроқсизлигини инкор этиш мумкин эмас. Бундан ташқари, уездда участка приставлари, уезд ҳамда шаҳарда уезд бошлиғининг ёрдамчиси ва битта шаҳарда полиция приставлари ҳамда уларга бўйсунувчи полициянинг оддий ходимлари мавжуд.

Бошлиқ ёрдамчиси, участка ва полиция приставлари бир талай шундай вазифаларга эгаки, биргина канцелярия ишининг ўзи уларга ажратилаётган маблағларнинг етарли эмаслиги боис уларнинг бутун фаолиятини ўз комига тортиб кетади, шу сабабли ўз участкаларида аҳоли орасидаги ақл эгаларининг аҳволини жиддий кузатиш учун уларнинг вақти йўқ.

Полициянинг оддий ходимлари талаб этилганидан икки барабар кам, шунинг учун улардан умид қилиш мумкин эмас. Бунинг учун алоҳида агентларни ёллашга маблағ йўқ, шу боис учинчи, баъзан эса ҳатто ўнинчи шахс орқали етиб келган овозалар билан кифояланишга тўғри келади.

Уезд полицияси мутлақо йўқ, шунинг учун уезддан овозалар ҳам жуда камдан-кам ҳолларда тарқалиши мумкин.

Шунингдек, уезд бошлиғининг уезд бўйлаб сафарлари ҳам сезиларли натижалар бермайди, чунки сафар вақтида аҳоли беихтиёр яқинлашиб келади, ҳушёр туради ҳамда кўзга яққол ташланиши мумкин бўлган ва аҳволнинг шубҳалилигини фош этиб қўядиган ҳамма нарсаларни яширади. Бундай сафарларнинг ўзи ҳам жуда камдан-кам ҳолатларда рўй беради, чунки уезд бошлиғи бирдай ишга кўмилиб қолган. Шу тарзда ўз ҳолига ташлаб қўйилган аҳоли ўз мақсадига эришиш учун чегарадош хонликларнинг мусулмон вакиллари номидан ёки ҳатто турк султони номидан ҳам (ҳақиқий ёки сохта) хатларни ишга солиши мумкин бўлган 1-гурӯх кишилари таъсирига беихтиёр яна ва яна тушиб бораверади. Ўз собиқ ҳукмдорла-

рининг амрини сўзсиз бажаришга одатланган, истибдод куч-қудрати аломатини кўришга одатланган аҳоли ҳатто уезд бошлиқлари ҳам кимгадир жазо тайинлаш учун ё юқори маъмурий ҳокимиятга, ё судга мурожаат қилиши зарурлигини кўриб туриб, айниқса, кейинги пайтда ҳатто қўшинлар ҳам область маъмурияти вакилига бўйсунмай қўйганлигини кўриб туриб, бундан нафақат уезд, балки область маъмуриятининг ҳам заифлиги ҳақида хулосага келади.

Аслини олганда, уезд маъмурияти фақат Низомнинг 64-моддасига мувофиқ бевосита жазолаши мумкин; бошқа барча ҳолатларда ножўя хатти-ҳаракатни ё жазосиз қолдириши, ё ишни судга ошириши керак. Аммо 64-модда турмуш амалиёти бевосита ҳокимият томонидан жазо белгиланишини кўрсатаётган ҳолатларнинг ҳаммасини ҳам кўзда тутмайди, ишларнинг судга оширилиши эса улар ва маъмурият ўртасида номақбул антагонизм мавжуд бўлган шароитда аҳолининг онгига янада зарарли таъсир кўрсатади, чунки суд кўп ҳолларда маъмурият айблови бўйича жазо тайинлаш зарур деб ҳисобламайди.

Мен яқинда бўлиб ўтган аянчли воқеани ва унинг содир бўлишига кўмаклашган қўшимча ҳолатларни юзага келтирган умумий сабабларни етарлича баён қилдим деб ўйлайман. Бу сабабларни мен, ҳеч бўлмаганда, шундай тасаввур этаман, улар қаторидаги халқ билан энг яқин, деярли бевосита муносабатда бўладиган кишилар ҳокимиятининг нуфузи пасайганига, халқни бошқариш учун ҳамда унинг маънавий ва ақлий қизиқишларини кузатиш имконияти учун зарур маблағлардан маҳрум бўлган уезд маъмурияти штатларининг озлиги ўта яққол сезилаётганига эътибор қаратаман. Ваколатли ҳакам ролини ўзимга олмайман, масаланинг шундай ҳал этилиши ягона тўғри ва рад қилиб бўлмайдиган йўл деб тақдим этмайман, бу масалага кўп томондан адолатли қараш мумкинлигини тўла тушунаман, аммо



барча эҳтимолий ечимлар қаторида менинг нуқтаи назарим ҳам бирмунча наф келтиришига тўла ишонаман.

Пировардида шуни билдиришни зарур деб ҳисоблайманки, қачондир ҳукуматга қарши умумий оммавий ҳаракат бўлишини кутиш ноўрин, бироқ мавжуд одатлар ўзгаришсиз қолар экан, вабо тарқаган пайтда Тошкентда,

кейинги вақтда Марғилон-Андижонда рўй берган воқеалар каби чақнашлар такрорланиши мумкин ва эҳтимолдан узоқ бўлиши мумкин эмас.

Аслини имзолади: Уезд бошлиғи полковник Дзердзиевский.

Аслига тўғри: Подполковник (имзо келтирилмаган).



АНДИЖОННИНГ ИСТИЛО ҚИЛИНИШИ ТАРИХИДАН

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Туркистон ўз тарихидаги энг мураккаб даврлардан бирини бошдан кечирди. Буни мустақиллик йилларида мамлакатимизда ва хорижда эълон қилинган Ўзбекистоннинг, жумладан, Андижоннинг шу даврдаги тарихини ёритишга бағишланган бир қатор асарлар, ҳужжатлар тўпламлари ҳам яққол тасдиқдаб турибди. Улар қаторига 2009 йилда Андижонда нашр этилган «История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.)»¹, 2012 йилда Тошкентда чоп этилган «История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.)»² тўпламларини киритиш мумкин. Бу тўпламларнинг тузувчи-муаллифлари Туркистон чор мустамлакачилари томонидан бошқарилган даврда Андижон уезди ва Андижон шаҳрида рўй берган тарихий жараёнларнинг айрим қирраларини ёритувчи манбаларни келтиришган. Уезд ва шаҳар амалдорларининг мустамлакачи империя маъмурияти юқори инстанциялари билан турли масалалар бўйича ёзишмалари, рапортлари, ёзма докладлари, баённомалар ва бошқа ҳужжатлар 1876 йилдан 1917 йилгача бўлган Андижон тарихининг кам ўрганилган, умуман номаълум саҳифаларини тўлдиришда маълум аҳамиятга эга. Айни вақтда, бу ҳужжатларнинг аксарияти биринчи марта эълон қилиниб, илк бор илмий истеъмолга киритилгани тўпламларнинг ил-

мий-тарихий аҳамиятини янада оширган. Қуйида тўпламнинг иккинчи жилдидан ўрин олган Андижоннинг подшо Россияси қўшинлари томонидан босиб олинishi тарихига доир рус тилидаги ҳужжатларни ўзбек тилида тақдим этишни лозим билдик.

1875 йил 25 декабрдан 1876 йил 7 февралгача собиқ Қўқон хонлигидаги ҳарбий ҳаракатлар³

1875 йил октябрида Қўқон хонлигида ҳаракатда бўлган қўшинлар бош отрядининг Наманган бўлимидан жўнаб кетганидан кейин янги келиб қўшилган бўлимда ғайритабиий ҳолат юзага келди.

Хонликда икки вакил – Пўлатхон ва Абдурахмон офтобачи қиёфасида қарор топган ҳокимият бизга очиқдан-очиқ душманлик кайфиятида бўлиб, улар ўз фаолиятини хонлиқнинг биз эгаллаб олган қисмини қайтадан хонликка қўшиб олишга йўналтиришга ўзларини бурчли деб ҳисоблашар эди. Бу ҳокимият асосан хонликдаги кучли қабилалар – қипчоқлар ва қорақирғизларга таянарди. Бизга қарши курашининг бошида турган қипчоқларнинг етакчиси Абдурахмон офтобачи қўшинлар генерал-адъютант фон Кауфман қўмондонлигида Қўқон хонлиги сарҳадларига бостириб кирган пайтдан бошлаб ўтган йилги ёзги юриш вақтида қўқонликлар мағлубиятга учрагандан сўнг

¹ Шамсутдинов Р.Т., Хошимов С., Бозоров К. История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.). Том первый. – Андижан, 2009. – 536 с.

² Шамсутдинов Р.Т. и др. История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.). Том второй. – Ташкент: Sharq, 2012. – 512 с.

³ История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.). – Ташкент: Sharq, 2012. – С.19 – 92.



хонлик тахтига даъвогар, нотаниш қорақирғиз Пўлатхонни қўллаб-қувватлади. Шу тарзда ўша пайтгача бир-бирига тез-тез душманлик қилиб келган икки қабилани бирлаштириб, ғазовот учун хонликка маълум даражада куч қўшди. Мазкур куч у ерда ўрнатилган Насриддин ҳукуматини ағдаришга муваффақ бўлди. Пўлатхон ва Офтобачи Марғилонда ўрнашиб олиб, ўтроқ аҳолининг жанговар унсурларини ўз атрофида бирлаштиришди, мамлакатнинг моддий маблағларини қўлга киритишди. Бу уларга урушни давом эттиришга имкон берди. Сирдарёнинг сўл қирғоғидан борган лашкарнинг фаол иштирокида Наманган ва Тўрақўрғонда кўтарилган ғалаён, шу билан бирга, Намангандан Хўжандга олиб борадиган йўлда тўдаларнинг пайдо бўлгани урушнинг биринчи акти бўлди.

Кўзғолончиларга берилган зарбалар бўлим аҳолисининг ақлини киритди. Аммо бу зарбалар хонлик юборган гуруҳларга юзаки тегиб ўтгани сабабли кейинги ҳарбий ҳаракатларнинг олдини ололмади. Бу ҳарбий ҳаракатларга ёвнинг ҳужумга ўтиш учун қилган деярли тўхтовсиз уринишлари сабаб бўлди. Бутун ноябрь ойи давомида ва декабрнинг ярмида душман тўдалари Норинда, Балиқчида, Сирдарёнинг сўл қирғоғидаги соҳилбўйи пунктларида доим тўпланиб, Наманган-Хўжанд йўлида ва унинг шимол тарафида ҳам тез-тез пайдо бўлиб турди.

Ҳаракатдаги Наманган, шунингдек, Оқжар¹ отрядлари ёвга қарши бир неча бор ҳужум уюштирди. Булар 2 ноябрда Капа ва Тошболада, 12 ноябрда Балиқчида, 18 ноябрда Ашобда, 30 ноябрда Гўртепада, 2 декабрда Ўлжабойда²,

¹ Ўтган йили 5 ноябрдан бошлаб қўйилган бу отряд Наманган-Хўжанд йўлини қўриқлаган ва собиқ Бободархон беклиги қишлоқларини тобеликда ушлаб турган. Шу отряднинг қўйилгани учун Наманган бўлими бурчли бўлиб, у Хўжандга хавфсиз транспорт қатновинигина эмас, балки йигитлар бориб келиши хавфсизлигини ҳам таъминлади.

² Казакларимиз томонидан Балиқчининг забт этилиши ва Ўлжабой яқинида Андижон сарбозларининг қириб ташлангани душман учун, айниқса, сезиларли бўлди.

4 декабрда Бойбочида ёв билан тўқнашувларга олиб келди. Бироқ қўшинларимизнинг қизгин фаолияти эвазига эришилган натижалар ўлкани тинчлантириш учун етарли эмасди.

Душманнинг мағлубияти унинг марказига қаратилмагани боис унга хос бўлган ҳаракатчанлик туфайли ўзи учраган муваффақиятсизликдан кейин ҳам пайдо бўлаверди. Бунинг устига, ёв тўдалари бизга энг яқин қўшни ҳудудларга ҳам кириб келаверди. Чунончи, 14 ноябрда Балиқчидан кейин, 12 декабрда Ўлжабойдан сўнг қипчоқлар гуруҳлари Наманганга яқин келишди.

Табийки, аҳвол шундай бўлгач, ўлканинг дармони қуриб, аҳолининг бизга ишончи мустаҳкамланмасди. Шу аснода биз аҳолига кучларимиз ҳимояси остида тинч тараққий этиш имкониятини тақдим этишга интилдик. Бундан ташқари, ишларнинг бундай аҳволи бўлим қўшинларидан ниҳоятда зўр бериб ишлашни талаб этарди. Аммо аслаҳа-анжомларнинг ўта танқислигига (қисмлар тезлик билан сафарга отланиш вақтида олинган нарсаларгагина эга эди), йилнинг бундай кеч палласида қўшинлар шошилинич жойлаштирилганига ва ёвга қарши кучайтирилган ҳаракатлар вақтидагина узилиб қоладиган қишки барак иморатларини қуриш ишларининг оғирлигига қарамай, бу қадар ёш таркибга эга қўшинларимиз ҳамма ҳолатларда ҳақиқий ҳарбий жасорат кўрсатишди.

Генерал-адъютант фон Кауфман Наманган бўлими тушадиган вазиятни олдиндан кўриб, ўзи жўнаб кетишидан олдин Олий ҳазратлари мулозими генерал-майор Скобелевга қишда Норин ортига экспедиция уюштиришни буюрганди. Норин ва Қорадарё орасидаги ўлка – Икки сув орасида асосан бизга душман бўлган ҳокимият томонидан бизга қарши қўйилаётган лашкарларнинг асосий контингентини ташкил қилувчи қипчоқлар ва қорақирғизлар истиқомат қилади. Йилнинг ушбу палласида, яримкўчманчи аҳоли ўз оилалари ҳамда чор-



васи билан қўрғончаларда ва қишлолда бўлиб турган, тоғдаги дараларга қочиб кетиш имкониятидан маҳрум бўлган пайтда уюштирилган экспедиция душманнинг заифлашувиغا олиб келадиган ҳамда Нориндаги бизнинг позициямизга ҳужум қилишга уринишларни имконсиз қилиб қўядиган даражада талафот (қирғин) етказиши керак эди.

Шуларни назарда тутган ҳолда қуйидаги ҳаракатлар режаси тузилди:

9 та отлик ўқчилар дивизиони, 7½ та юзлик бўлинма, 8 та от қўшилган ҳамда 4 та пиёда тўп ва ракета батареясидан иборат отряд совуқ тушиши билан ботқоқлик текисликлардан юриш мумкин бўлган, тоғ даралари қорга кўмилган паллада, яъни декабрь ойининг иккинчи ярмида йўлга чиқиши зарур эди.

Икки сув орасига етиб келгач, отряд олдида бу ўлканинг бутун минтақасини Офтобачи мадрасасигача узоқликда кезиб чиқиш вазифаси турарди. Бунда қипчоқларнинг марказларида, бош шаҳар – Пойтуғда уларни тўла мағлубиятга учратиш кўзланганди. Шимолий тоғолди ҳудудидаги қишлоқлар ҳам зарбаларимиздан қутулиб қолмаслиги лозим эди. Аммо кўрсатилган операциянинг Андижон шаҳри яқинидан ўтадиган йўналиши бўйича қиладиган ҳаракатларимиз бу шаҳарни забт этиш заруратини юзага келтириши мумкинлиги сабабли Андижон ҳам эҳтимолий ҳаракатлар предмети сифатида эътироф этилди.

Экспедиция отряди таркибига қуйидагилар кирди:

Пиёда қўшинлар: сапёрлар командаси; 1-Туркистон ўқчи батальонининг 1- ва 3-роталари, 2-Туркистон ўқчи батальонининг 2- ва 3-роталари мусиқачилар хори билан; 3-Туркистон ўқчи батальонининг 1- ва 2-роталари; 2-Туркистон линия батальонининг 1- ва 3-ўқчи роталари; жами 9 та рота ва сапёрлар командаси.

Отлик қўшин: иккита ярим ротадан иборат отлик ўқчилар дивизиони; 1-, 2- ва 5-Оренбург казак юзлиги; 1-, 2- ва 5-Сибирь казак юз-

лиги; 1-Еттисув казак юзлиги ва 2-юзликнинг ярим бўлинмаси; жами бир дивизион ва 7½ та юзлик.

Артиллерия: Оренбург казак отлик-артиллерия бригадасининг 3-батареяси (ғазнадан ўқланадиган 4 фунтли тўп); 2-кўчма артиллерия взводи; янги ташкил қилинган Наманган кўчма артиллерия взводи (иккаласида ствол оғзидан ўқланадиган 4 фунтли тўплар); ракета батареяси; жами 12 та тўп ва 8 та ракета станогги.

Роталарнинг ўртача кучи 180 аскарни ташкил этарди. Уларда ноябрнинг бошида келган, бироқ батальонлар штабларида ҳам, ўз қисмларида ҳам анча пухта жанговар тайёргарликдан ўтган ёш аскарлар шахсий таркибнинг қарийб ярмини ташкил этарди.

Ракета батареяси билан ҳаракатларининг характерига кўра кавалерия қисмини ифодалайдиган юзлик бўлинмаларнинг ўртача кучи 80 отдан иборат эди.

Отлик ўқчилар дивизиони ҳар бир ярим ротада 60 ўқчига ва казак юзликларидан тайинланган 20 нафардан отбоқарга эга эди.

Аскарларнинг умумий сони қуйидагича:

пиёда қўшинларда.....1674 киши;
кавалерияда (ракета
батареясида.....814 киши;
артиллерияда.....333 киши.
Жами.....2821 киши.

Шундай қилиб, кавалерия отряднинг умумий таркибида қарийб 30 фоизни ташкил этарди. Бунга, умуман айтганда, қуролнинг бу турини қўллашга қулайлик туғдирадиган бўлғуси ҳарбий ҳаракатлар театри ва етарлича барқарор бўлмаган душманга қарши қилнадиган ҳаракатларнинг тахминий характери сабаб бўлганди. Ушбу ҳолатда мустақил кавалерия отрядларининг қатъий хатти-ҳаракатлари устувор аҳамият касб этарди.

Отряд ёв ҳудудига кириши билан унинг таъминотини реквизиция усулида йўлга қўйиш



белгиланган эди. Жиддий ҳарбий операциялар ўтказиладиган кунларда, айниқса, улар жойларда тўхтаб туришлар билан боғлиқ бўлса, отрядни ўзига озиқ-овқат ва отларга ем-хашак топиш ташвишларидан халос этиш учун унинг қўшини одамларга уч кунга етадиган сухари захирасидан ташқари карвонда қуйидагиларга эга эди: 18 кунлик сухари; 4 кунлик ёрмалар; 25 кунлик чой ва шакар; сафдаги, артиллериядаги ва карвондаги ҳар бош отга 2^{1/2} кунлик арпа.

Реквизиция усулида озиқ-овқат билан таъминланадиган кунларда қўшинлар иссиқ овқатга ва ем-хашакка сарфланган пулни кўрсатиши, иссиқ овқат ҳисобидан бир кишига кунига туз, қалампир ва лавр япроғи харид қилиш учун фақат 1 тийиндан чегириб қолиниши керак эди.

Экспедиция давомида одамлар саломатлигини ҳимоялаш муҳим аҳамият касб этди. Тўпланган маълумотларга кўра, бу паллада Икки сув орасида совуқ 23°Р гача етишини ва кучли бўронлар бўлишини, илиқ ҳаво билан алмашииб туришини, булар ҳатто отряд шахсий таркибига ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатиши¹ мумкинлигини инobatга олиб ўтовлар билан йўлга чиқишга қарор қилинди. Қўшин очиқ осмон остида қўнадиган жойда ўтовлар гигиеник жиҳатдан наф келтиришидан ташқари қуйидаги мулоҳазалар ва ҳолатлар ҳам шунга ундади:

1. Ўтовлар туфайли карвон бир қарашда туюлганидек ўта катталашиб кетмас эди: улар 100 та арава қўшишни талаб қиларди, аравалар сони 500 та бўлган бир вазиятда бу фарқ сезиларли эмасди.

Бунда ўтовларсиз қўшин томонидан олинadиган иссиқ кийимлар ва наматлар захирасини анча кўпайтиришга тўғри келарди, оқибатда ўтовлар туфайли карвонга қўшилган аравалар сони аслида яна ҳам сезиларсиз бўларди.

2. Ўтовлар тоғолди қишлоқларда, Наманган ва Чуст участкаларида яшовчи аҳоли томонидан ойига 3 рублдан тўлов эвазига етказиб берилганди, бинобарин, улар учун қилинган харажатларни, айниқса, юқорида кўрсатилган ҳолатларни инobatга олганда, катта деб бўлмасди.

3. Ниҳоят ўтовлардан иборат лагерь тасодифий тунги ҳужумлардан қарийб хавфсиз бўлган кучли позицияни ифодаларди.

Ўтовлар сони 15 кишига битта ўтов ва ҳар бир ротадаги, юзлик бўлинма ва батареядаги офицерлар учун биттадан ўтов миқдориди ҳисоблаб чиқилганди. Ҳаммаси бўлиб 270 та ўтов олинди.

Қўшинда иссиқ кийимлардан 3-ўқчи батальоннинг иккита ротасида пўстинлар ва казак юзликларида калта пўстинлар бор эди; бу қисмлар яна ҳар бир кишига биттадан чопон олишди; қолганларнинг ҳаммасига ҳар бир кишига иккитадан чопон олиш буюрилди.

Бундан ташқари, ҳаммага икки жуфтдан этик, иссиқ пайпоқлар, қўлқоплар ва етарли миқдорда тўшаладиган наматлар олиш ҳақида кўрсатма берилди.

Отряд артиллерия таъминоти предметлари билан қуйидагича таъминланган эди: ҳар бир пиёда милтиғига 200 тадан патрон, ҳар бир казак винтовкасига 100 тадан патрон, ҳар бир тўпга 130 тадан снаряд (комплект). Қисмларда ҳар бир пиёда милтиғига 100 тадан патрон ва ҳар бир казак винтовкасига 40 тадан патрон бор эди; аслаҳаларнинг қолган қисми, шунингдек, арава ва яшикларга жойланганидан ташқари снарядлар (бир тўпга 74 та) ҳам артиллерия паркида ташиб борилди. Парк таркибида ракеталар ортилган иккита туя ҳам бор эди.

Шундай қилиб, артиллерия асбоб-анжомлари миқдори шиддатли ҳарбий ҳаракатларга ва бир неча шаҳарни ўққа тутишга мўлжалланганди. Бўлғуси ҳарбий ҳаракатлар театри ҳақида тўпланган маълумотларга кўра, йўлларни тез-тез тузатиш зарурлигини, шунингдек,

¹ 13 йил илгари бухоролик бир неча минг асир Ўратепадан Икки сув орасига олиб келинаётганда юз берган фалокатда бу жойдаги ҳарорат ўзгаришларининг ҳалокатли таъсири яхши маълум.



ариқлар устидан ўтказиш қурилмалари зарур бўлишини ҳамда штурмга тайёргарлик кўриш кераклигини олдиндан билиш лозим бўлгани учун отрядга тўртта аравада муҳандислик парки берилди. Парк таркиби аввалги ҳарбий операциялар тажрибасига асосланиб белгиланди ҳамда Наманган муҳандислик омбори воситаларига ва сапёрлар командаси сонига мос келарди.

Бундан ташқари, отряднинг ишчи воситаларини кучайтиришни кўзлаб қўшин унчалик муҳим бўлмаган ишларни ўзи амалга оширишига имконият бериш учун экспедиция отрядининг барча қисмлари окоп асбоблари билан таъминланди. Экспедиция отряди жами 450 та кетмон, 170 та болта ва 200 та белкуракка эга эди. Беморлар ва яраланганларга яхши тиббий ёрдам кўрсатилиши учун 25 аравадан иборат, зобитларга 3 ўринли, аскарларга 80 ўринли кўчма лазарет ташкил қилинди. Аравалардан 12 таси наmatлар билан қопланиб, похол тўшаклар тўшалганди, оғир яраланганларга мўлжалланган тўртта арава, ташиш вақтидаги силкинишлардан ва ўзаро туртинишлардан сақлайдиган арқонли тўқима ва тўсиқларга эга эди.

Лазаретнинг шахсий таркиби 2 врач, 3 фельдшер, 16 хизматчи ҳамда қўшинлардан олинган ва ярадорларни кўтариб олиб келишга, уларга бирламчи ёрдам кўрсатишга ўргатилган 25 ташувчидан иборат эди.

Зобитлар карвонининг миқдори ротага, юзлик бўлинмага ва артиллерия қисмига биттадан арава билан чекланганди.

Карвон таркибидаги 36 аравадан иборат маркитантлар ҳақида ҳам эслаб ўтиш жоиз. Маркитантлар фаолияти доимий назорат остида бўлиб, уларнинг нархи қатъий баҳо билан чегараланганди. Отряднинг барча эҳтиёжлари бундай даражада кенг таъминлангач, карвондаги аравалар миқдори анча кўп бўлмаслиги мумкин эмасди.

Улар қуйидаги тоифаларга тақсимланган эди:

Интендантлар карвони.....155 та арава.
 Ўтовлар ортилган ва қўшинга тегишли юклар.....180 та арава.
 Ошхоналар.....21 та арава.
 Ўқ-дорилар.....17 та арава.
 Артиллерия парки.....60 та арава.
 Муҳандислик парки.....4 та арава.
 Кўчма лазарет.....25 та арава.
 Зобитлар карвони.....30 та арава.
 Маркитантлар карвони.....36 та арава.
 Жами.....528 та арава.

Ўтовлар ва юклар аравалар бўйича шундай тақсимланган эдики, ўтовлар ва 15 аскарнинг буюмлари битта аравада ташиб борилди.

Ҳар бир қисмнинг карвони қуйидагиларни ташкил қилди:

	Рота ва батареяда	Юзлик бўлинмага
Интендантлар карвони	7 та арава	3 та арава
Ўтовлар ва юклар	12 та арава	6 та арава
Патронлар	1 та арава	1 та арава
Ошхона	1 та арава	1 та арава
Зобитлар буюмлари	1 та арава	1 та арава
Заифлар учун	1 та арава	1 та арава
Жами:.....23 та арава	12 та арава

Бир аравага тўғри келган юк қарийб 25 пудни ташкил этди.

Карвон юриш қулай бўлган шароитда икки соатдан камроқ вақтда босиб ўтиладиган масофага, юриш ноқулай бўлганда эса уч соатгача вақтда ўтиладиган масофага чўзилди.

Араваларнинг ҳар бирига бир кеча-кундузга 80 тийиндан ҳақ тўланарди, бундан ташқари, аравакашлар реквизиция вақтида ўз улўшига тўғри келадиган ем-хашакни олардилар.



Бундай миқдорда ва шундай тартибда таъминланган, қисмлар аъло кайфиятда ва зобитлар ажойиб таркибда бўлган отряд, қандай тўсиққа дуч келмасин, ўз олдига қўйилган вазифани бажаришга қодир эди.

Отряд бошлиғининг экспедиция отрядига қўмондонлик бўйича ёрдамчиси этиб 2-Туркистон линия батальони командири полковник барон Меллер-Закомельский¹; отряд штабининг бошлиғи этиб Окжар отряди билан келган, шу отряд бош штабининг бошлиғи полковник Пичугин; кавалерия бошлиғи этиб Оренбург казаклар қўшини старшинаси Смирнов; артиллерия бошлиғи - Оренбург отлик-артиллерия бригадасининг 3-1 батареяси командири подполковник Обромпальский тайинландилар. 1-Туркистон ўқчи батальонидан капитан Куропаткин ва гвардиячи от қўшилган артиллерия бригадасидан штабс-капитан Боголюбов бош штаб зобитлари этиб; Туркистон сапёрлар ротасидан капитан Церпицкий муҳандислик қисми бўйича зобит; Туркистон губернияси батальонидан подполковник Горнбург карвон бошлиғи этиб бириктирилган эдилар.

Қишки экспедицияга чиқишдан олдин қўшинларнинг катта қисми ўз манзилида бўлмайдиган вақтда Наманган бўлимиди таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирлар кўрилди:

Наманганда 1-Туркистон ўқчи батальонининг 2- ва 4-роталаридан, 2-Туркистон ўқчи батальонининг 1- ва 4-роталаридан, турли юзлик бўлинмалардан 40 кишилик казаклар командасидан; ствол оғзидан ўқланадиган ва отга қўшиш мумкин бўлган тўрт фунтли 2 та тўпдан, стволида якка шохли ҳайвон шакли бўлган замбарак ва цитадель қуроллари таркибидаги 40 та қўқон тўпидан; яъни 4 та рота, 40 казак ва 10 та тўпдан иборат гарнизон қолаётган эди.

1-Туркистон ўқчи батальонининг командири подполковник Гарновский Наманган шаҳри коменданти этиб тайинланди.

Чустда майор Скарятин бошчилигида 2-Туркистон линия батальонининг 2- ва 4-роталаридан, 20 кишилик казаклар командасидан, 2-қўзма артиллерия взводидан (стволи оғзидан ўқланадиган тўрт фунтли тўп) ва цитадель қуроллари таркибидаги 4 та қўқон замбарагидан; жами 2 та ротадан, 20 казак ва 6 тўпдан иборат гарнизон қолди.

Ушбу кучлар билан Наманган ва Чустдаги ҳамда уларнинг атрофидаги аҳоли исён кўтарган тақдирда уларнинг итоатда ушлаб турилишига умид қилса бўларди, шунингдек, сўл қирғоқдаги душман тўдалари тажовуз қилганда позицияларни қўлдан бермай туриш мумкин эди.

Иккита юзлик бўлинма ҳам экспедиция отряди кавалериясини заифлаштириб қўйиши, отлик аскарлар иштирокида қилинадиган қатъий ҳаракатларда ундан фойдаланиш мумкин бўлмай қолиши каби мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиб ўтилган гарнизонларга оз сонли казаклар берилганди. Ўрта Осиёда олиб бориладиган урушда кавалерия иштирокида бошқача ҳаракатлар қилиш мумкин эмас. Наманган комендантга берилган инструкцияда шаҳарда душманга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган тақдирда анчайин мустаҳкам пункт бўлган цитаделнигина эмас, балки отряднинг бутун қишки иморатлари линиясини уларда сақланаётган қўшинга тегишли мулклар билан бирга қўлда сақлаб қолиш буюрилганди. Шунингдек, унинг қўл остидаги мавжуд кучлар билан мудофаага шиддатли-фаол ҳарактер бериш кўрсатилганди.

Чуст билан алоқада бўлиб туриш учун подполковник Гарновскийга ҳар ҳафтада битта ротани Тўрақўрғонга юбориб туриш тавсия қилинганди. Ушбу рота Чустдан келган рота ва иккита тўп билан учрашиши керак эди.

Чуст гарнизони коменданти майор Скарятинга берилган инструкцияда 1) Чусть цитаделини қўлда сақлаш; 2) Наманган билан алоқа-

¹ Ҳозир Император олий ҳазратларининг флигель-адъютанти.



да бўлиб туриш, агар зарурат туғилса, унинг гарнизонини битта рота ва иккита тўп билан кучайтириш буюрилганди.

Чуст гарнизони цитадель ташқарисидаги иккита ҳовуздан сув билан таъминланар эди. Душман ҳужум қилган тақдирда сув етмай қолса (иккала ҳовузда 5000 куб футгача сув бор эди) ёки у ташқаридан катта йўқотишлар эвазига етказиб келинадиган бўлса, у ҳолда майор Скарятинга Чустни ташлаб чиқиб, Наманган гарнизонига қўшилишга рухсат берилганди.

Полковник Пичугин бошчилигидаги Оқжар отряди (иккита рота, битта юзлик бўлинма ва иккита тўп) 20 декабрдан бошлаб экспедиция отряди таркибига қўшилгани сабабли Хўжандга қатнов йўли Чустдан Самғарагача очиқ қолаётганди. Бундай ҳолатда ёв тўдалари шу жойларда, ҳатто Тошкентга қатнов йўлларида ҳам яна пайдо бўлиши мумкинлиги хавотир уйғотарди. Берданқул дараси (туз билан таъминлайдиган Оқжардан 50 чақирим) сўл қирғоқ учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги назарда тутилса, бу тахминнинг эҳтимоли янада аҳамиятли тус олганди.

Мана шу мулоҳазаларга кўра 27 декабрдан Оқжарни 3-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ва 4-роталаридан, 3-Оренбург казак полкининг иккинчи юзлиги ва 1-Туркистон артиллерия бригадасининг 2-батареяси взводи (иккита рота, битта юзлик бўлинма ва иккита тўп)дан иборат отряд билан 3-Туркистон ўқчи батальони командири подполковник Комаров бошчилигида қайта эгаллашга қарор қилинди.

Полполковник Комаровнинг отряди:

Чуст ва Самғар ўртасидаги қатнов йўлини кўриқлаши ва зарурат туғилса, соқчилар гуруҳига йўловчи транспортдан фойдаланиш имкониятини яратиши;

душман тўдалари Сирдарёнинг сўл қирғоғидан ўнг қирғоққа ўтмаслиги учун кузатув олиб бориши, бостириб кирилган тақдирда Тошкентга Қамишқўрғон, Шойдон, Бободар-

хон ва Тилёй орқали олиб борадиган тўғри йўлни тўсиши;

Собиқ Бободархон беклигининг тоғли қишлоқларини итоатда ушлаб туриши керак эди.

Шу билан бирга вазият талаб қилгудек бўлса, Наманган бўлими бошлиғи ёрдамчисига отрядни Оқжардан Чустгача олиб келишга рухсат берилди.

Қишки экспедиция бошланаётган пайтда душман ҳақида қўйидаги маълумотлар мавжуд эди:

Декабрнинг ўрталарида Пўлатхон Марғилон яқинида катта лашкар тўплади. Уларнинг сонини 80 минггача етказишди, шу жумладан, 30 минг киши милтиқ билан қуролланганди. Айғоқчилар сарбозлар сонини 5000 – 6000 киши чамасида таърифлашди. Бу тўдаларнинг қисмлари Шаҳрихонда, Ёзёвонда ва 200 – 300 кишилик кичик отрядлар Сирдарё бўйидаги Балиқчидан қўйидаги қишлоқларда жойлашган эди. Сўнгра декабрнинг ўрталаридан Андижон шаҳри урушга тайёрланаётгани ҳақида кейинчалик тасдиқланган хабарлар кела бошлади. Экспедиция бошланаётган пайтда шаҳарда милтиқ билан қуролланган 25 000 ҳимоячи бор эди, шаҳарнинг ташқи истеҳкомларини барпо этиш тугалланганди. Норин ортида ҳали ҳам Ботир тўранинг 3000 отликдан иборат авангарди турарди.

Ёв учун сир бўлмаган экспедиция даврида душман етакчиларининг режаларига доир кўп сонли маълумотлар бир-бирига унчалик тўғри келмас эди; бироқ улар иккита асосий хулосага олиб келарди:

ҳаракатдаги Наманган отрядининг катта қисми ушбу манзилда бўлмаган пайтда душманнинг асосий тўдалари Марғилондан Наманганга бостириб келади, бир қисми Хўжанд йўлига чиқади;

ёв ўз олдига Андижонни қўлда сақлаб қолишни мақсад қилиб қўяди, шунинг учун ўз кучларини ушбу шаҳарда жамлайди.



Марғилон яқинида жамланган ёв тўдалари-ни таъминлаб келаётган мамлакат маблағла-ри тугаб бораётгани ва душман бу жойда узоқ қола олмаслиги сабабли ҳам ёв томонидан ҳу-жум уюштирилиши тўғрисидаги тахмин ало-ҳида аҳамият касб этди.

Аммо экспедициянинг бошланиш вақтида Пўлатхон ва Офтобачи лашкарлари таркиби-даги кўплаб қипчоқлар ва қорақирғизлар ўз уйларига қайтишни хоҳлашига қарамай, ёв йўлбошчилари бизга Икки сув орасида зарба беришни назарда тутишмаётгани эҳтимоли бор эди.

Душманнинг ортимиздан Наманганга бос-тириб кириши мумкиндек туюлаётганди. Ҳу-жум қилиниши мумкинлиги шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисига ҳам маълум бўлган эди. Шунинг учун аввал кўрсатиб ўтил-ган бўлимни таъминлаш бўйича кўрилган чо-ра-тадбирлардан ташқари вазият ойдинлаш-гунга қадар экспедиция отрядининг дастлабки ҳарбий операциялари ортга тез зарба беришга мўлжалланган эди.

Экспедиция отряди совуқ тушишини кутиб, Икки сув орасига жўнаб кетишга тайёрланаёт-ган вақтда бўлимда ва хонликда ишларнинг аҳволи шундай эди. Сафарга отланиш санаси этиб 1875 йил 25 декабрь белгиланди.

25 декабрь куни оқ йўл тилаб қилинган қис-қа ибодатдан сўнг экспедиция отрядининг қўшинлари соат 11 да Капа қишлоғи яқини-даги Норин дарёси орқали ўтадиган кечув то-мон чўзила бошлади. Кейинги кунларда риоя этилган ҳаракатланиш тартиби қуйидагича эди:

Бош қисм 7 та пиёдалар ротасидан, отлиқ ўқчилар дивизионидан, ракета батареяси би-лан 6½ юзлик бўлинмадан, отлиқ батареядан ва кўчма артиллерия взводидан иборат эди.

Кавалерия от қўшилган ва ракета батарея-лари билан олдинда борарди.

Бош қисмдан кейин карвон қуйидаги тар-тибда ҳаракатланарди:

- 1) Бош қисмларнинг қўшин карвонлари ош-хоналарни олдинга ўтказган ҳолда;
- 2) Муҳандислик парки;
- 3) Кўчма лазарет;
- 4) Артиллерия парки;
- 5) Қўшинни ҳимоя қилиш ва арьергард қисмларининг карвонлари.

Бевосита карвон билан сапёрлар команда-си, унинг бошида ҳар бир қисмдан тўрттадан аскар ўз араваларида (бу кишилар бўлинма-ларга уюшган эди) ҳамда карвонни ҳимоя қи-лувчи пиёдалар взводи ва 50 кишилик казак-лар бўлинмаси келар эди.

Карвоннинг ортидан ярим рота, 50 киши-лик казаклар бўлинмаси ва кўчма артиллерия взводидан иборат арьергард борарди.

Отряд шу куни 10 чақирим йўл босди ва Бо-ғишамол қўрғони яқинига жойлашди.

Қўшинлар лашкаргоҳга ёпиқ тўртбурчак шаклида жойлаштирилган эди. Ҳамма қисм-лар қуролларини, араваларини бирин-кетин жойлаштиришди. Чорпоялар ортига ўтовлар ўрнатилди. Лашкаргоҳнинг бундай тартибига бутун сафар давомида амал қилинди.

26 декабрда отряд Капа қишлоғидан кейин Нориннинг иккала ирмоғини кечиб ўтди (пиё-даларнинг бир қисми кавалерия томонидан, яна бир қисми қишлоқдан келтирилган арава-ларда кечувдан олиб ўтилди) ва Чўжа қишло-ғи ортига ўтиб, Қорадарё соҳилида, Балиқчи шаҳри рўпарасида лашкаргоҳга жойлашди. Тўпланган маълумотларга кўра, бундан бир оз вақт олдин Балиқчидан 400 чоғлик одам Марғилонга қочиб кетган эди. Чалайучтепа қишлоғига қадар командирнинг ўзи томони-дан ўтказилган разведкада душман аниқлан-мади. Балиқчи шаҳрига бизнинг ем-хашак тайёрловчиларимиз командалари томонидан ўт қўйилди.

27-санада отряд лашкаргоҳи ўз жойида қолди. Полковник барон Меллер-Закомельс-кий отлиқ ўқчилар, 6 ½ юзлик бўлинма, отга қўшилган иккита тўп ва ракета батареяси би-



лан Қорадарёнинг сўл қирғоғи бўйлаб Балиқчидан Андижон йўли бўйича Сармоқ қишлоғига 17 чақирим масофада командирнинг ўзи томонидан ўтказилган разведка ўтказди. Командирнинг ўзи томонидан ўтказилган разведканинг мақсади ёвни фош этиш ва йўл-йўлакай кейинги пайтда бизни хавотирга солаётган тўдаларга бошпана берган қишлоқларни жазолаш эди. Қандайдир позицияни мудофаа қилишга тайёр турган душманга дуч келинган тақдирда полковник барон Меллер-Закомельскийга ҳал қилувчи жангга киришмаслик буюрилганди.

Полковник барон Меллер-Закомельский отряди Сармоқ қишлоғидан чиқадиган йўлда душманни учратмади.¹ Қайтишда авангардда бораётган ясовул Дубровиннинг 2-Оренбург юзлиги Хўжаобод қишлоғида кучли ўт очиб кутиб олинди. Юзлик тезлик билан отлардан тушиб, қишлоққа кираверишни эгаллаб олди, душман ўқ ёмғирлари остида ҳужумни давом эттирди; шундан кейин у яёв ҳолдаги 1-отлиқ ўқчилар ярим ротаси томонидан қўллаб-қувватланди, улар қишлоқни душмандан батамом тозалашди. Бизга қарши қишлоқ аҳолиси жангга кирган эди: улардан 50 нафарга яқини ҳалок бўлди; биз томондан бир казак яраланди. Полковник барон Меллер-Закомельский отряди бу ва бошқа қишлоқларга ўт қўйиб, йўл-йўлакай чорва ҳайвонларининг катта подасини қўлга киритиб, шу куни кечқурун Чўжа яқинидаги лашкаргоҳга қайтди.

Шундай қилиб, полковник барон Меллер-Закомельский ўтказган командирнинг ўзи томонидан ўтказилган разведка, шунингдек, Намангандаги айғоқчилардан олинган маълумотлар Андижоннинг ўзида бизга асосий зарба беришга тайёргарлик кўрилаётганини кўрсатди. Душманнинг Марғилондан Наманганга

қарши ҳужумга ўтиши эҳтимоли шубҳали бўлиб қолди.

Пўлатхон экспедиция отряди Марғилонга қарши ҳаракатланишидан хавотирда эди ва душман жуда кўтаринки кайфиятда бўладиган кун – диний байрам, 26 декабрь ҳам ўтди. Албатта, Наманган бўлими аҳолиси ташвишли ҳолатда эди, майда тўдалар пайдо бўлди, аммо ташқаридан бўладиган зарбасиз улардан жиддий ҳаракатларни кутиш мумкин эмас эди.

28 декабрь куни экспедиция отряди Пойтуғ – Икки сув орасининг асосий маркази томон ҳаракатланди. Бу жойда қаршилиқ кўрсатилишини кутиш мумкин эди. 22 чақирим йўл босиб ўтилгандан сўнг Ҳаққулобод қишлоғи яқинида отряд лашкаргоҳга жойлашди.

Йўлда учраган қишлоқларга, улардан энг муҳимлари, Ботир тўранинг тўдаларига паноҳ берган Тўда ва Хўжаобод қишлоқларига ҳам ўт қўйилди. Экспедиция бошлангандан буён душманнинг биринчи кичик соқчилар отряди Шўрариқ қишлоғидан кейин аниқланди.

29-санада отряд лашкаргоҳи ўз жойида қолди. Шу куни тўртта колонна тўрт тарафга беш чақиримдан ортиқ бўлмаган масофага қишлоқларни жазолаш учун юборилди. Колонналар ўзига топширилган вазифаларни бажариб бўлгач, лагерга қайтиб келишди. Экспедиция отряди бошлиғи отлиқ ўқчилар дивизиони ва иккита юзлик бўлинма билан Шўрариққа, у ердан Қорадарё кечуви орқали Еттиқашқа қишлоғига, кейин Андижон йўли бўйлаб Тоболди қишлоғига командирнинг ўзи томонидан ўтказилган разведка ўтказди. Бу қишлоқдан командирнинг ўзи томонидан ўтказилган разведка отряди Ўлмас қишлоғи рўпарасидан Қорадарёни кечиб ўтиб, лагерга қайтди. Шўрариқдан Қорадарё томон ҳаракатланиш давомида душманнинг 8 кишидан иборат гуруҳи қўлга олиниб, қиличдан ўтказилди. Бошқа душман учрамади.

¹ Қишлоқларда яшовчилар бу ерда кейинги пайтда дайдиб юрган тўдалар, шунингдек, аҳолининг анча қисми Марғилонга ва асосан Андижонга қочиб кетишганини айтишди.



30 декабрда отряд 11 чақирим йўл босиб, Пойтуғга яқинлашди ва бу қишлоқдан 2 чақирим шимолдаги лашкаргоҳга ўрнашди.¹

Пойтуғ аҳли отрядни кутиб олишга чиққан бўлса-да, Икки сув орасига зарарли таъсир кўрсатгани учун аҳолини жазолаш талаб этиларди. Шу сабабли полковник барон Меллер-Закомельский бошчилигидаги ем-хашак жамғариш учун юборилган отряд томонидан қишлоққа ўт қўйилди.

31-санада отряднинг асосий кучлари ўз жойида қолди. Улардан полковник барон Меллер-Закомельский бошчилигида 2-Туркистон линия батальонининг 1- ва 3-ўқчи роталаридан 1-отлиқ ўқчилар ярим ротаси, 1- , 2- ва 5-Сибирь ҳамда 1½ Еттисув юзлик бўлинмаларидан от қўшилган батарея дивизиони, ракета батареяси взводидан иборат битта колонна (3 та рота, 4½ та юзлик бўлинма, 4 та тўп, 2 та ракета станог) ажратиб олинди. Колоннанинг вазифаси Пойтуғдан юқори тарафга, қипчоқ аҳолисининг асосий ўчоғини ташкил қилувчи ўлка бўйлаб юриш; қорақирғиз қишловларидан, сўнгра муҳим тоғолди қишлоқларидан ўтиш, кейин Офтобачи мадрасаси орқали асосий кучларга қўшилишдан иборат эди. Полковник барон Меллер-Закомельский ўрганиши зарур бўлган жойдаги душман ҳақида шу нарса маълум эдики, бу ерда Тўқмоқ уездилик қочоқ Сувон етакчилигидаги қорақирғизлар тўдаси кезиб юрар эди.² Колоннанинг ҳаракатлари қуйида баён қилинади.

Ўша санада генерал Скобелев томонидан 2 та отлиқ ўқчилар ярим ротаси ва 2 та юзлик бўлинма билан Пойтуғ орқали Андижон томонга рекогносцировка ўтказилди. Майгир қишлоғидан кейин Сарибощдан бошланган

командирнинг ўзи томонидан ўтказилган разведка Қорадарё орқали Мусулмонқул ариғига ча етказилди; Миробод қишлоғи тепалигида душман аниқланди. Пойтуғга қайтиш вақтида ёв ўқ отиб кузатиб қолди. Икки нафар душман соқчиси қўлга олинди.

Ўтказилган рекогносцировка Мусулмонқул ариғига кўприк қуриш зарурлигини кўрсатди. Шу вақтда капитан Церпицкий олиб борган ўлчов ишлари қуйидаги маълумотларни берди: бу ариқнинг эни 6½ саржин, чуқурлиги 3 саржин; сувнинг чуқурлиги 2 саржин, ариқнинг қирғоқлари қарийб тик; оқимнинг тезлиги сониясига 6 ф.гача; туби лойқа, ўта ёпишқоқ. Йўл бўйларида ўсган дарахтлар (терақлар) кўприк қуриш учун материал бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Пойтуғдан Қорадарё томон борадиган йўлда жойлашган Жонобод ва Майгир, шунингдек, Тўрткўл қишлоқларининг аҳолисига ҳар бир ҳовлидан бир тилладан солиқ тўлаш шарти билан омонлик берилди. Бу солиқ аҳоли томонидан икки кун ичида тўланди.

1876 йил 1 январда асосий отряд Пойтуғ яқинидаги лашкаргоҳда қолди. Ем-хашак тайёрловчилар командалари қўшин учун зарур бўлган ҳамма нарсани етказиб туришди.

2 январда экспедиция отрядининг 6 та рота, сапёрлар командаси, 3 та юзлик бўлинма, 1 та от қўшилган ва 1 та пиёда тўплар дивизионлари, ракета батареясининг 6 та станогидан иборат асосий кучлари Пойтуғ яқинидаги лашкаргоҳдан йўлга чиқди. Полковник барон Меллер-Закомельскийнинг 31 декабрда ажралиб чиққан колоннаси, унинг 1 январдаги рапортига кўра, Моси қишлоғидан Чувама қишлоғига ва унга қўшни бўлган Офтобачи мадрасаси қишлоғи томон йўлда бўлган.

Генерал Скобелев Офтобачи мадрасаси қишлоғи камсонли душман томонидан эгаллангани ва ёв қишлоқни ҳимоя қилиш ниятида эканлиги ҳақида маълумот олгач, отряднинг асосий кучларидан – 3-Туркистон ўқчи баталь-

¹ 26 декабрдан 30 декабргача ҳаракатланиш вақтида отряднинг йўлларни тузатиш бўйича олиб борган ишлари Норин қирғоғига тушиш учун мослама ўрнатишдан; ариқлардан ўтиш учун 9 та унча катта бўлмаган кўприкни ва узунлиги 6 саржин келадиган битта кўприкни тузатишдан ҳамда 86 саржин масофадаги йўлни тузатишдан иборат бўлди. Бунинг устига, тупроқ музлаганлиги боис болталар билан ишлашга тўғри келди.

² Кейинроқ Сувон Андижонда отилган.



онидан 2 та рота, 1-1 ва 2-1 Оренбург юзликлари, 3-кўчма артиллерия взводи ва 4 та ракета станогидан иборат колоннани ажратиб, уни отряд штаби бошлиғи полковник Пичугин етакчилигида Пойтуғ яқинидаги лашкаргоҳдан эрталаб соат 8 да Офтобачи мадрасаси қишлоғига у ерда мавжуд бўлиши кутилган душманга қарши полковник барон Меллер-Закомельский колоннаси билан биргаликда ҳаракат қилиш учун юборди.

Генерал Скобелев полковник барон Меллер-Закомельскийга Офтобачи мадрасаси қишлоғи эгаллангандан сўнг бу қишлоқда қўшилган колонналарни лашкаргоҳга жойлаштириб, кейинги куни, 3 январда Сарибош кечуви орқали дарёнинг қирғоғи томонга асосий отрядга қўшилиш учун ҳаракатланиш ҳақида буйруқ берди.

Экспедиция отрядининг асосий кучлари эса 4 та рота, сапёрлар командаси, 1 та юзлик бўлинма, отга қўшилган 4 та тўп ва 2 та ракета станогидан иборат таркибда эрталаб соат 10 да Жонобод ва Майгир қишлоқлари орқали йўлга чиқди; сўнгра отряд Сарибош кечуви орқали Қорадарёдан ўтиб, Мусулмонқул ариғи бўйида, Миробод қишлоғидан бир чақирим, Андижон шаҳрининг энг яқин боғларидан 5 чақирим масофада лашкаргоҳга жойлашди.

Шундай қилиб, экспедиция отрядининг ҳарбий ҳаракатлари Икки сув ораси ўлкасидан Қорадарёнинг сўл соҳилига кўчди ва Андижон шаҳри уларнинг асосий предметига айланди.

Қишки экспедициянинг бу янги даври бошлангани муносабати билан қўшинларимиз томонидан Андижон шаҳрининг эгаллаш муқаррарлигига сабаб бўлган омилларни баён қилиш зарур эди.

Қишки экспедициянинг мақсади Икки сув ораси ўлкасининг курашчан аҳолисини – ғазовот йўлбошчилари маҳрам қирғини давридан буён бизга қарши қўяётган лашкарлар таркибда кўпчиликни ташкил этувчи қипчоқлар ва қорақирғизларни мағлубиятга учратиш эди.

Қўшинларимизнинг қиш мавсумида ушбу қабилаларнинг яшаш марказларига қиладиган ҳаракати уларни сўл қирғоқдан Икки сув орасига ўз оилалари ва мол-мулкларини ҳимоя қилиш учун жалб этишига, бинобарин, бизга уларни батамом бўйсундириш имкониятини беришига умид қилиш мумкин эди. Шу тарзда хонликнинг ҳарбий гуруҳлари ўзининг асосий контингентидан маҳрум бўлди, заифлашди ва Қўқон масаласи тўла ҳал этилгунча бизнинг сарҳадларимизни безовта қилолмайдиган ҳолатга келди. Бироқ отряднинг Икки сув орасида 26 декабрдан 3 январгача ўлканинг бутун минтақасини қамраб олган 9 кунлик ҳаракатлари давомида биз ёв устидан ҳал қилувчи муваффақиятга эриша олмадик, чунки душмanning ўзи деярли йўқ эди. Ҳатто биз етказган моддий зарар ҳам айнан Икки сув орасининг кўчманчи аҳолисига – қипчоқлар ва қорақирғизларга унчалик жиддий таъсир кўрсатмади. Аҳолининг бир қисми олдинроқ Ўзганга, бошқа қисми дарёнинг сўл қирғоғига қочиб кетган эди. Улар, афтидан, олдиндан тузилган режага кўра ўз ерида биз билан тўқнаш келишдан қочиб сўл соҳил йўлбошчилари қўл остига боришди.

Шу тарзда 3 январда бизнинг ҳужумимиз полковник барон Меллер-Закомельский колоннасига қўшилиш билан якунланганда экспедиция ўз олдига қўйилган мақсадга эришмаган бўлур эди. Бундан ташқари, Андижон шаҳрининг хонлик қўшинлари таянчи ва бизга қарши ҳужум ҳаракатларига ўтишнинг бошланғич пункти сифатидаги аҳамияти янада ортиб бораётганди. Унинг аҳолиси русларга қарши довюраклик билан ҳимояланишга қарор қилиб, ўз шаҳрини фаоллик билан мустаҳкамлашди, ўқотар қуроқлар ва жанговар аслаҳалар тайёрлашди; улар бизнинг чегарамизга эпчил сарбозлар батальонини жойлаштиришди (бу сарбозлар кавалериямизнинг 2 декабрь кунги Ўлжабойдаги шиддатли ҳужуми пайтида ёппасига қириб ташланган). Андижонга



хонликнинг ҳамма жойларидан ҳарбийлар ва лашкарлар оқиб келаётганди; қипчоқлар ва қорақирғизларнинг сараланган кучлари ҳам шу ерда жамланган эди.

Олинган маълумотларга кўра, Андижон шаҳридаги ёв кучлари 20 минг қуролланган аҳоли, 5 минг сарбоз ва 12 минг отликдан ташкил топган эди. Бизга қарши жангга киришга тайёрланаётган ушбу оломоннинг бошида Офтобачининг ўзи турарди; бу Андижонга русларга қарши энг ишончли таянч мақомини берарди ҳамда бутун Ўрта Осиёда нигоҳлар унга қаратилган эди.

Отряд 2 январда Олий ҳазратларининг мулозими генерал-майор Скобелев бошчилигида Мусулмонқул ариғига, Миробод қишлоғидан бир чақирим масофада лашкаргоҳ учун танланган жойга етиб келиши билан отряд бошлиғи 5-Оренбург юзлиги билан ушбу қишлоқни катта Андижон йўли бўйлаб командирнинг ўзи томонидан ўтказилган разведка қилиш учун йўлга чиқди. Қишлоққа киргач, у деворлар ортидан туриб, милтиқлардан отилган ўқлар ёмғири билан кутиб олинди, шу ерда хорунжий Бояльский кўкрагидан яраланди; яраланганига қарамай, бу зобит шу заҳотиёқ яёв ҳолдаги казакларни олдинга бошлади ва ёвни беркинган жойларидан қувиб чиқарди.

Отлик душманнинг анчагина катта тўдаси узоқдан кўринганлиги сабабли рекогносцировка ўтказётган отряд битта рота ва отлик батарея взводи билан кучайтирилган ҳолда қишлоққа ҳужумни давом эттириб, у ердан ўқ отиб душманни қувиб юборди. 2 январь куни ўтказилган рекогносцировка лашкаргоҳимизга яқин жойлашган мустаҳкам Миробод қишлоғи хавфли эмаслигини, чунки уни осонгина айланиб ўтиш мумкинлигини, қишлоқдан кейин келадиган ҳудуд очиқ бўлиб, душман бу жойни эгаллаб олмаслигини кўрсатди. Шу вақтнинг ўзида Дўнгқишлоқдаги лашкаргоҳдан Андижоннинг ғарбий чеккасига олиб борадиган йўлдаги Мусулмонқул ариғига капитан

Церпицкий кўприк қуришга киришди. Ариқнинг қарама-қарши қирғоғида уйлар ортига яширинган ва ўша ердан туриб лагерни безовта қилаётган ёв ўқчилари пайдо бўлишини назарда тутиб пиёда қисмларни нариги қирғоққа тез ўтказиш учун капитан Церпицкий аввало пиёдалар учун кўприк барпо этди.

Бу кўприк қуйидаги тарзда барпо этилди: ариқ қирғоғига параллель тарзда бир қатор ходалар тупроққа кўмилди, унинг устидан бошқа йўналишда ариқ қирғоғига чиқиб турадиган ходаларнинг янги қатори ўрнатилди, унинг устига биринчи қатор каби ходаларнинг учинчи қатори жойлаштирилди. Ариқнинг эни шу тарзда $4\frac{1}{2}$ саржингача, яъни харининг узунлиги бўйича қисқартирилганда 4 хари зич жойланди, улар орқали ўқчилар взводи ўтиб, ишларнинг давом эттирилишини таъминлади. Бу кўприк $1\frac{1}{2}$ соатда барпо этилди. Бунда сапёрлар командасининг аскарлари жонбозлик кўрсатишди; хариларни ариқ устига ташлашга уриниш арқонлар узилиб кетаверганлиги сабабли натижа бермагач, унтер-офицер Пережогин ва олти нафар сапёр 15 даража совуқда ариқда сузиб, кийинмасдан, иккита харини олиб ўтишди.

Пиёдалар кўприги қурилгандан сўнг у доимий кўприкка айлантирилди. Қирғоқ устунининг ўзи қолдирилиб, ариқнинг нариги тарафига қирғоқ тўсини ўрнатилди ва анкерлар билан маҳкамланди. Устун ва тўсин устига йўғонлиги 9 дюйм келадиган харилар ётқизилди. Шох-шаббалардан тўшама тайёрланиб, узун тахта билан хариларга маҳкамланди. Шох-шаббалар устига сомонли лой қопланди. Кўприкнинг икки ёнига арқонли тўсиқлар тортилди. Дастлабки кўприкни доимий кўприкка айлантириш $1\frac{1}{4}$ соат вақтни талаб этди.

Шундай қилиб, капитан Церпицкийнинг ўта уддабуронлиги туфайли жуда тез барпо этилган кўприк артиллериянинг ўтишига ҳам бардош берди. Бир тўп аравалардан кўприкни қўриқлаб турадиган пост ташкил қилинди.



Ҳал қилувчи ҳаракатлар палласи бошланаётганини ва вазият соат сайин жиддийлашиб бораётганини эътиборга олиб генерал Скобелев қўшинлар имкон қадар кучли бўлишини хоҳлаб кейинги куни, 3 январда подполковник Андросовни 2-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси, 5-Оренбург юзлиги ва Наманган кўчма взводи билан Наманганга маҳаллий гарнизон таркибидан яна битта пиёдалар ротасини олиб келиш ва стволи оғзидан ўқланадиган битта 4 фунтли тўпни стволида бир шохли ҳайвон шакли бўлган ярим пудли замбаракка алмаштириб келиш учун юборди.

Душманнинг ҳужум қилиш режалари бўлмаганлиги сабабли Наманган гарнизонини битта ротага қисқартириш мумкин эди; ярим пудли замбарак вайрон қилиш қудратига кўра шаҳар бомбардимон қилинган тақдирда жуда фойдали бўларди.

Подполковник Андросовнинг колоннаси жўнаб кетгандан кўп ўтмай, 31-санада ажралиб кетган полковник барон Меллер-Закомельскийнинг колоннаси полковник Пичугиннинг унга бирлашган колоннаси билан бирга бош отрядга келиб қўшилди. Полковник Меллер-Закомельскийнинг отряди 31 декабрь куни Пойтуғ шаҳри яқинидаги лашкаргоҳдан чиқиб, аҳолиси ташлаб кетган Оқ мозор ва Лўғумбек қишлоқлари орқали ўтди. Бу қишлоқларга отряд томонидан ўт кўйилди.

Лўғумбекдан кейин тўрт чақирим масофада отряд қорақирғизларнинг яқинда ташлаб кетилган қишловларини топди. У жойда қолган кексалар ва аёллардан сўралганда охириги қочқинлар қишловни ўша куни эрталаб тарк этишгани ҳамда улар оиласи ва мол-мулклари билан Бурганли тоғ дараси томонга йўл олишгани аниқланди. Полковник барон Меллер-Закомельский отряднинг катта қисмини тўғри йўл билан Избоскан қишлоғига йўллаб, 200 казак ва ракета взводи билан тоғ сўқмоқлари бўйлаб қочқинлар изига тушди. Тез орада ташлаб юборилган буюмлар, қолдириб кетилган

аёллар ва болалар учрай бошлади, кейин эса тўрт чақиримлик масофада бир нечта қуролланган қорақирғизлар қувиб етилди ва улар қиличдан ўтказилди. Қочқинларни бундан буён таъқиб этиш сезиларли натижа бермаслиги боис полковник барон Меллер-Закомельский таъқибни тўхтатди ва бошқа сўқмоққа бурилиб, Избоскан қишлоғига тўғри йўл орқали борган колонна билан бир вақтда яқинлашди.

Полковник барон Меллер-Закомельскийнинг отряди 20 чақирим йўл юриб, Избоскан ва Бўтақора қишлоқлари ўртасида, Майлисой бўйида лашкаргоҳга жойлашди. Шу куни совуқ 14° га етди. Избоскан ва Бўтақора қишлоқларининг аҳолиси ўтган йили сентябрда 1-Еттисув юзлик бўлинмаси атаманини учратиб, тўда билан бирга кечаси унга хоинларча ҳужум қилган ўша кишилар эди. Бундан ташқари, улар ўша юзликдан 3 казакни хоинона ўлдиришганди. Энди улар муносиб жазо олишди.

Кейинги куни, 1 январда полковник барон Меллер-Закомельскийнинг отряди шарққа, Моси қишлоғи тарафга иккита колонна билан йўл олди: пиёдалар, 50 казак, 2 та тўпдан иборат карвон тоғолди ҳудуди бўйлаб, қорақирғизлар ташлаб кетган қишловлар ёнидан ўтадиган энг қисқа йўл бўйича ҳаракатланди; отлик ўқчилар ярим ротаси, 400 казак, 2 та тўп ва ракета взводи эса полковник барон Меллер-Закомельский бошчилигида жанубий, айланма йўл бўйлаб Тақачи қишлоғи ва Избоскандан 14 чақирим масофада жойлашган Чўнгбоғиш қишлоғи орқали ўтиб борди. Йўлда дам олиш учун тўхталган вақтда барон Штакельбергнинг олдинги позицияга ўтказилган 1-Еттисув юзлиги атрофдаги қишлоқлар аҳолисининг қуролланган кишилар кўриқлаб бораётган карвони кетаётганини пайқаб қолди.

Полковник барон Меллер-Закомельский уларнинг ортидан 1-Еттисув юзлигини юборди. Ўзи ҳам бошқа кучлар билан улар ортидан йўлга тушди. Душман карвонига Қораянтоқ ва Хаққулбод қишлоқлари орасида қувиб етил-



ди ва унинг соқчилари қиличдан ўтказилди. Шундан сўнг полковник барон Меллер-Закомельскийнинг кавалерияси Қўқонқишлоқ орқали Ёлғизбоғ томон йўлга тушди. Тилга олинган барча қишлоқларга ўт қўйилди. Отряд Ёлғизбоғдан ариқ тепалигининг музлаган ёнбағридаги юриш қийин бўлган сўқмоқ орқали чиқди. Шу вақтда колонна бошида полковник барон Меллер-Закомельский билан бирга бо-раётган ясовул Десятковнинг 1-Сибирь юзлиги казаклари тўсатдан ўзларидан 500 – 600 қадам олдинда 200 кишилик отликлар тўдасини пайқади, бирмунча олдинда ва сўл томонда яна 3 та тўда кўзга ташланди, душман жами 800 киши бўлиб, 4 та гуруҳга бўлинган эди. Сибирь ярим юзлик бўлинмаси ҳаракатланиш давомида сафланиб, ҳаракатдан тўхтамасдан душман устига бостириб борди, отлик ўқчилар ярим ротаси ва ракета взводи етиб келиши билан ҳужумимиз отларни йўрттириб чопиш билан давом этди. Қолган қисмлар анча орқада қолиб кетди, чунки артиллерия қишлоқдан катта қийинчиликлар билан чиқди.

Ёв шошиб қочиб борарди ва уни қувиб етишнинг имкони бўлмади. Прапоршик Андреевнинг ракета взводи олдинга ўтиб, иккита ракетани муваффақиятли отди, улар душманни тумтарақай қилиб юборди. Полковник барон Меллер-Закомельский ёвни таъқиб қилишни Ёлғизбоғдан 6 чақирим масофада тўхтатди, бу ерда барча қисмлар тўплангандан сўнг Моси қишлоғи томонга қипчоқларнинг қўрғончалари билан қопланган жойлар бўйлаб ҳаракатланди. Уларнинг ҳаммаси ташлаб кетилган бўлиб, ўт қўйилганди; уйларни аҳолининг ўзи ёқиб юборганди.

Кавалерия колоннаси шу куни 55 чақиримдан ортиқ йўл босиб, Моси қишлоғига пиёдалар томонидан барпо қилинган лашкаргоҳга кечки соат 9 да етиб келди. Йўлда учраган тўдага аввал тилга олинган Сувон етакчилик қилаётган эди. Бу тўда тоғлардан чиққан бўлиб, Андижон билан алоқаси йўқ эди.

1 январь бутун қиш мавсумидаги энг совуқ кун бўлди. Совуқ 18° эди.

Кейинги куни, 2 январда полковник барон Меллер-Закомельскийнинг колоннаси Ёлғизбоғ қишлоғи ғарбидаги Чувама қишлоғига, кейин унга қўшни бўлган Офтобачи мадрасаси қишлоғига йўл олди. Ҳеч қаерда душман аниқланмади. Офтобачи мадрасаси қишлоғида полковник барон Меллер-Закомельскийнинг колоннаси, аввал айтиб ўтилганидек, шу куни Пойтуғдан йўлга чиққан полковник Пичугиннинг колоннаси билан учрашди.

Аҳолиси ташлаб кетган Офтобачи мадрасаси қишлоғига, шунингдек, Офтобачининг ҳашаматли уйи ва мадрасасига ўт қўйилди. Бирлашган колонналар полковник барон Меллер-Закомельскийнинг умумий раҳбарлиги остида экспедиция корпуси бошлиғи томонидан йўлланган буйруққа мувофиқ 3 январь куни Мусулмонқул ариғи бўйида, Мирободда жойлашган лашкаргоҳга келиб, асосий отрядга қўшилди.

2 январь куни Миробод қишлоғида ўтказилган рекогносцировка ариқ қирғоғи бўйлаб борадиган йўлнинг ушбу қишлоқдан ўтган қисмидан артиллериянинг ҳаракатланиши имконсизлигини кўрсатгани сабабли 4 январь куни тонг отиши олдидан капитан Церпицкий сапёрлар командаси ва 160 ишчи билан мавжуд йўлни тузатишни ноқулай деб топиб, уйларни бузиб, 50 саржинлик айланма йўл очди. Андижон шаҳрини забт этишга киришишдан олдин унинг атрофидаги жойлар ҳақида ҳам, шаҳарнинг ўзидаги жойлар ҳақида ҳам ҳарбий жиҳатдан сўров маълумотлари тўпланди.

Сентябрь ойидан бошлаб лагеримизда турган, ишонч қозонган андижонлик понсод Орзиқулбек 13 йил илгари (1862 йилда) Алимқул Андижонни қамал қилиб, ўз батареясини шаҳарнинг шарқ тарафидаги Отчиқмас тепалигига жойлаштириб, уни ўққа тутгани, шаҳарга муваффақиятли ҳужум қилгани ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ўша понсоднинг бошқа кўпсонли



кўрсатмалар билан тасдиқланган гапларига кўра, Андижонда, қарийб унинг маркази - Гултепа тепалиги бўлиб, у анча мудофаага ҳукмронлик қиларди; шаҳарнинг шарқий ва жануби-шарқий тарафларидан бу тепаликка олиб борадиган кўчалар ҳам айтилди. Ушбу сўров маълумотлари асосида шаҳар шарқий полосасининг тахминий режаси тузилди, энди олинган маълумотларни шахсан кўриб, текшириб чиқиш керак эди.

4 январь куни бутун кавалерия, отлик ўқчилар, ракета батареяси ва отлик батарея дивизионидан иборат отряд генерал-майор Скобелев бошчилигида шаҳарнинг шимолий ва шарқий чеккаларида рекогносцировка ўтказди. Шаҳарнинг шимолидаги йўл Миробод қишлоғидан чиқиб, Қорадарё ирмоғи, Мусулмонқул ариғи ва Андижонсойдаги ўнта кечув орқали ўтарди. Миробод қишлоғидан кейин учратилган отлик душман ўз ортига ўтишга имкон бериб қўйди. Шаҳарга Андижонсой тарафдан кириш очиқ эди (хужумчи колонналар 1 октябрь куни ўтган йўл); аммо уни яқиндан кўриб чиқиш бу тарафдан шаҳарга киришга тўсиқ бўладиган мустаҳкам истехкомлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни ҳам тасдиқлади.

Рекогносцировка Экин-тикин қишлоғигача давом этди. Мирободдан ўн чақирим масофада йўл Қораёр дараси бўйлаб тикка кўтарилиб борадиган қиялик орқали ўтади. Сўнгра Экин-тикин қишлоғидан кейин Дўнгқишлоқ келади. Шу қишлоқдан кейин йўл Андижонсой водийсига тушади. Ушбу ҳудудда шаҳар боғлар билан деярли беркилиб қолади, йўлнинг шарқий тарафидаги тепаликлардан ҳам кўринмайди.

Андижонсой водийсидан чиққач, Дўнгқишлоқдан кейин йўл яна Отчиқмас деб аталувчи тепаликларга кўтарилади: бу тепаликларнинг энг баланд қисми шаҳар атрофидаги Эскилик қишлоғи яқинига тўғри келади. Бу тепаликларнинг шаҳар устидан ҳукмронлигини ҳал қилувчи деб атаб бўлмаса-да, бироқ

артиллерияга шаҳарни ўққа тутиш учун қулай имконият яратиб берарди. Эскилик ва шаҳар девори эгалланиши билан батарея Шиғовул қабристонига ўтказилиши мумкин эди; бу позиция қулай бўлиб, рекогносцировка пайтида подполковник Обромпальский томонидан таклиф этилди.

Ушбу Отчиқмас тепаликларидан туриб Гултепа баландлигини яққол бўлмаса-да кўриш мумкин эди. Позицияларни рекогносцировка қилиш вақтида Эскилик қишлоғининг ташқи деворини, шунингдек, жануброқда шаҳар деворини ҳам унчалик қаттиқ ҳимоя қилмаётган душман ўт очди.

Капитан Церпицкий ва штабс-капитан Боголюбов бир нечта казаклар ҳамда ўқчилар билан бирга қишлоқни тозалашди; шу вақтда қўшиннинг шаҳар девори томон қилган ҳаракати душманни у ердан кетишга мажбур этди. Бунинг устига, капитан Куропаткин (кейинчалик Туркистон ўлкаси генерал-губернатори – тахр.) хандақни ўлчаб чиқди. Рекогносцировка имкон қадар яширин равишда, бизнинг кучларимизни ва ниятимизни ёвга сездирмайдиган ҳолатда ўтказилди.

Отряд бошлиғининг соқчилари қишлоқни ва деворни жуда тез кўриб чиқишди, душман бунга ҳеч қандай аҳамият бермади. Отряд шу тарзда муҳим маълумотларни қўлга киритиб, ўша йўл билан Мусулмонқул ариғи бўйидаги лагерга қайтиб келди.

5-санада подполковник Андросовнинг колоннаси ҳам ўз зиммасига юкланган вазифани бажариб, лагерга қайтди. Бу колонна Намангандан яна битта ротани (1-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротасини) ва стволи оғзидан ўқланадиган 4 фунтли тўп ўрнига ярим пудли замбаракни келтирди. Мазкур колонна Қорадарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб ўтувчи йўлдан бора туриб душман гуруҳлари билан отишмалар олиб борди. Шўрариқ қишлоғи яқинида бошланган отишмалар Тўда қишлоғигача давом этди. Чўжага етиб келинган, подполков-



ник Андросов колоннадан 5-Оренбург юзлиги-ни Наманганга юборди; бу юзлик битта Наманган ротаси ва замбарак билан Чўжа яқинидаги лашкаргоҳда уларни кутаётган 2-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси билан 4 январь куни соат 12 да бирлашди. Қайтиш йўлида подполковник Андросовнинг ротаси душманга дуч келмади.

Жойнинг барча шарт-шароитлари йиғиндисини баҳолаш учун Андижон шаҳрининг ғарбий ва жанубий чеккалари билан ҳам танишиш зарур эди. Олий ҳазратлари мулозими генерал-майор Скобелев ўша таркибдаги отряд билан 6 январь куни ўтказган рекогносцировканинг мақсади шу эди (5 январь куни бой берилди, чунки шу куни тушган қалин туман рекогносцировка ўтказишга имкон бермади).

Отряд лагердан чиқиб, Дўнгқишлоқ (жанубий) ва Андижон шаҳридан далалар ҳамда боғлар билан ажратилган бир қатор қишлоқлар орқали йўлга тушди. Босиб ўтиладиган йўл текис ва пастқам эди. Янгичек яқинида олдинда бораётган йигитларимиз душманнинг тўрт кишилиқ соқчилар гуруҳини қўлга олишди. 14 чақирим йўл босилгач, Кўпак-маргал қўрғони яқинида йигитларимиз кутилмаганда ёвнинг кучли соқчилар гуруҳига дуч келишди, унга ҳужум қилиб, бир нечтасини қиличдан ўтказишди; аммо шундан кейин Қобил қўрғони ортидан душман отличларининг катта тўдаси чиқиб келди.

Айғоқчилар душман бизнинг унча катта бўлмаган кавалерия қисмлари билан рекогносцировка ўтказиш усулимизни пайқаб, шундай ҳолатлардан бирида бизга катта куч билан тўсатдан ҳужум қилиш нияти борлигини бир неча марта хабар қилишган эди.

Душман отличлари катта куч билан қиличларини яланғочлаган ҳолда пайдо бўлиши анча ёмон оқибатга олиб келарди, бу оломон тўппа-тўғри бизнинг тўпларимиз қаршисидан чиқишди, артиллериядан олдинда бораётган 5-Оренбург юзлиги бу вақтда бирмунча узоқ-

лашиб кетган бўлиб, ўз ҳаракатдаги сафининг сўл қаноти билан ёвга қараганди.

Аммо 5-юзлик тезлик билан жанговар ҳолатда сўл томонга юзланиб, бу ҳаракати билан душманни тўхташга мажбур этди. Шу вақтда тўпларимиз сочма гранаталар билан ўт очди. Ёв ортга қайтди. Отрядимизнинг тезда етиб келган бошқа кучлари сўл тарафда жанговар тартибда жойлашди, сочма гранаталарнинг таъсири муваффақиятли бўлди, душман шаҳар боғлари томонга чекинди. Ғанимлар сони кўп (6 минг кишигача) бўлишига қарамай, ҳаракатларимизнинг мақсадига мувофиқ равишда у билан жангга киришмасликка қарор қилинди. Чунки жангга киришиш ҳал қилувчи натижалар бермасди ёки кавалериямизни Андижоннинг ўзига жалб қилиши мумкин эди, бу эса отряд бошлиғининг режаларига кирмасди. Шу боисдан ёвнинг чекинганига, шунингдек, унинг бошқа бир тўдаси олисда шаҳардан чиқиб кетаётганига эътибор қаратмай, генерал Скобелев томонидан отряд олдинги йўналиш бўйича Афғон боғи тарафга ҳаракатлантирилди.

Ёв бизни безовта қилмади. Афғон боғи олдидаги жойни кучли сув босган бўлиб, артиллериянинг ҳаракатланишига анча қийинчилик туғдирарди. Насриддинхон боғи яқинидаги Афғон боғида отрядга қисқа дам берилди.

Кейин ҳаракат давом эттирилди. Кавалериямиз Андижоннинг жануби-шарқ тарафига чиққанда Угр жарлигидан сўнг ёв шаҳар деворларидан туриб ўт очди. Разведкамиз йўли шаҳарга яқинлашиб борди, шу билан бирга, ёв томонидан ўқ отиш янада кучайди.

Отрядимиз Жевачи дарахтзоридан Қўшқайрағоч қишлоғининг шарқ тарафига ўтиб борди, йўл давомида душман уни ўқ отиб кузатиб турди, аммо унга бирор марта ҳам ўқ отиб жавоб қайтарилмади. 6-санада Қўшқайрағочдан бошланган рекогносцировка 4-санада ўтказилган рекогносцировка билан бирлаштирилди ва Андижон шаҳри теварагидаги 55 чақирим



масофани ойдинлаштирди (биринчи рекогносцировканинг йўли бир йўналиш бўйича 22 чақирим, иккинчи рекогносцировканинг йўли 33 чақирим).

Қўшқайрағоч ва Эскилик ўртасидаги шаҳар девори бу сафар бизга доим ўқ отиб турган душман билан бутунлай банд этилган эди. Отряд бу гал ҳам Отчиқмасдаги позициялар ўзи учун нечоғлик муҳим эканлигини ёвга сездирмади. Отряднинг артиллерияси ва кавалериянинг катта қисми ҳаракатларимизнинг аҳамиятини камайтириш мақсадида душмандан яширилди.

Рекогносцировка отряди 4 январь куни босиб ўтилган йўл бўйлаб ўз лашкаргоҳига қайтаётганида душман уни Дўнгқишлоқдаги қияликкача кузатиб борди; аммо флигель-адъютант ротмистр барон Меллер-Закомельский бошчилигида арьергардда бораётган отлик ўқчилар уни анча олис масофада ушлаб туришди. Душманнинг бошқа гуруҳи Андижондан чиқиб, Дўнгқишлоқдан кейин келадиган йўл яқинидаги боғларни эгаллади. Бироқ ёв анча кўп ўқлар отган бўлса-да, қўшинларимизга зиён етмади ва отряд талафотларсиз Миробод ортида жойлашган лашкаргоҳга кеч соат 8 да қайтди.

6 январь кунги рекогносцировка Отчиқмас тепаликлари артиллерия учун позиция сифатида ҳам, шаҳардаги Гултепа томон ҳаракатланиш учун бошланғич нуқта сифатида ҳам ҳақиқатан муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги хулосага олиб келди. Шу боисдан отряд лагерини Отчиқмасга кўчиришга қарор қилинди. Отчиқмас томонга ҳаракатланиш учун шаҳарнинг шимолий чеккасидан ўтадиган йўл танланди. Бу йўлнинг анча масофаси ушбу ҳудудга ҳукмронлик қилаётган ва ёв томонидан эгалланиши мумкин бўлган тепаликлар яқинидан ўтишига қарамай, у қисқа ва яхши эди.

Мусулмонқул ариғи яқинидаги лашкаргоҳда турилган 5 кунлик вақт давомида отряд

учун ем-хашаклар илгари аҳолисига омонлик берилган ўнг соҳилдаги қишлоқлар томонидан етказиб турилди, уларнинг бир қисми ем-хашак жамғарувчилар томонидан олиб келинди. Гўшт учун мўлжалланган чорва ҳайвонлари қўшинлар томонидан илгари захира қилинган эди. 7 январь куни эрталаб соат 9 да экспедиция отряди Мусулмонқул ариғи яқинидаги лашкаргоҳдан йўлга чиқиб, Отчиқмас тарафга ҳаракатланди. Олдинда флигель-адъютант ротмистр барон Меллер-Закомельский бошчилигида отлик ўқчилар дивизионидан, 2-Оренбург ва 1-Сибирь юзликларидан, ракета батареясидан ҳамда отга қўшилган иккита тўпдан иборат таркибдаги авангард борарди. Отряд бошлиғи ҳам ҳозир бўлган авангарднинг ортидан полковник барон Меллер-Закомельский бошчилигида отряднинг асосий кучлари келарди. Қисмлар ўртасида карвон аравалари 50 тадан бўлинган ҳолда ҳаракатланарди. Бундай тартиб қанотлар бўйича қулай ҳаракатланишимизни таъминлаши зарур эди. Лекин Андижон боғлари чегарасидаги тепаликларга жойлашган душман сафаримизни безовта қилмади.

Авангарднинг Дўнгқишлоқ томон қилган тезкор ҳаракатлари уни душман томонидан эгалланишининг олдини олди. Ёв асосан қўрғонча атрофида жамланиб, авангардни Отчиқмас тепаликларидан ўқ отиб кутиб олди. Флигель-адъютант Меллер-Закомельский авангардининг ҳужуми отряд лашкаргоҳи учун танланган тепаликларни душмандан тозалади; аммо ёв Дўнгқишлоқдан ўтиб бораётган асосий кучларга ўқ отишда давом этди, бу ерда 2-Туркистон линия батальонининг штабс-капитани Садирев бошидан яраланди.

Эскилик қишлоғига йўналтирилган рекогносцировка душман ортига хавф солиб, уни қўрғонни бўшатишга мажбур этди. Бу рекогносцировка Эскилик ва шаҳар девори ёв томонидан аввалгидан кўра кучлироқ банд этилганини аниқлади.



Шаҳар тарафдан эшитилган карнай-сурнай, ноғоралар садолари ва мусиқа унда ҳукмрон бўлган кўтаринкиликдан ҳамда шаҳарнинг қарши зарбага тайёрлигидан дарак берарди. Вагенбург олдида қолдирилган унча катта бўлмаган қўриқловчи бўлинма учун душман томонидан шаҳарда жанглар бораётган пайтда уюштирилиши мумкин бўлган суиқасдларга қарши анча қулай шароит яратиш мақсадида отряд бошлиғи лагерни Отчиқмас тепаликларининг ўзига жойлаштиришга қарор қилди. Шу орада асосий кучларнинг бош қисми етиб келди. Асосий кучлар пастқам водий бўйлаб кўплаб кечувлар орқали ҳаракатланган пайтда одамлар соғлиғини сақлаш мақсадида¹ пиёдаларни кечувлардан араваларда олиб ўтиш кўзда тутилган эди. Аммо ушбу усулнинг ўта секинлигини, бўш аравалар сони чекланганини инobatга олиб капитан Церпицкий ўнта кечувга пиёдалар ўтадиган кўчма кўприклар ўрнатди. Бунинг учун кечувнинг кенлигига мувофиқ равишда аравалар бир-бирига зич жойлаштирилиб, маҳкам боғланди; кейин энг олдиндаги аравага отлар қўшилиб, бу кўприк кечувга ўрнатилди. Ушбу мослама асосий кучлар ҳаракатини анча тезлаштирди.

Андижонсой водийсидан Отчиқмас тепаликларига кўтарилиш анча тик бўлиб, бундан ташқари, муз қобиқ билан қопланган эди. Дастлабки икки тўп одамлар томонидан жуда қаттиқ зўр беришлар эвазига тепаликка олиб чиқилди, шундан сўнг капитан Церпицкий раҳбарлигида бу кўтаришлар бирмунча тузатилди (музлаб қолган юза тозаланиб, жўяклар тортилди).

Шунга қарамай, Отчиқмасга артиллерияни, айниқса, карвон араваларини олиб чиқиш катта қийинчиликлар туғдирди, отряд одамларининг зўр бериб ишлаши туфайли бу ишлар (карвон учун) тунги соат 2 да якунланди.

Шундай қилиб, 7-санага кучли зўриқишлар билан ўтилди.

Отряд лашкаргоҳи имкон қадар зич жойлаштирилди. Душман ҳали ҳужум фронтини пайқамаганини, Андижонсой (1 октябрь кунги йўл) ва Афғон боғи тарафлардан бўладиган ҳаракатлардан хавотирланаётганини инobatга олиб; шу боисдан ҳаракатларнинг кутилмаганлиги ва тезлиги билан муваффақиятга эришиш имкониятларини ошириш, бу билан энг кам йўқотишлар эвазига энг кўп натижаларга эришиш ниятида; шунча кўп меҳнат ва йўқотишлардан кейин душманни кўрган отряднинг руҳияти кўтаринкилигини назарда тутиб, қўшинлар чарчаганлигига қарамасдан, отряд бошлиғи келаси кунини Андижонни эгаллашга қарор қилди. Аммо кўзланган мақсадга қон тўкмасдан эришишнинг ҳамма воситаларини синаб кўриш ва аскарларимизнинг бебаҳо қонини асраб-авайлаш мақсадида ўша кунини илгари асир олинган икки кишини Андижон аҳолисини таслим бўлишга кўндириш учун шаҳарга юборди. Бу уриниш натижа бермади; юборилган икки кишидан бири бошқа кунни Эскилик яқинидаги шаҳар девори олдида чавақланган ҳолда топилди. Бизнинг лагеримиздан атиги 700 саржин узоқда бўлган ёв шаҳрида тун ярмидан оғандагина ҳаракатлар тинди. Ноғоралар садоси ва карнай-сурнай овози эртаси кунни тонг-саҳардан янграй бошлади.

Андижонни забт этиш режаси қуйидагилардан иборат эди:

Отряднинг бутун артиллерияси Отчиқмас тепаликларига ўзи учун белгиланган позициялардан туриб Эскиликка ва бу қишлоқ ортидаги шаҳар деворига штурмни тайёрлаши керак эди. Ёвнинг ушбу олдинги позициялари эгаллангач, артиллерия Бобо Саъдиддин қабристонига ўтиб, шаҳарни ўққа тутиши, асосий зарбани Гултепа, бозор ва ўрдага йўналтириши зарур эди. Атака 370 та граната билан тайёрланганда 4 та ҳужумчи колонна Гултепа тепалигида туташадиган кўчалар бўйлаб бир вақтнинг ўзига ҳаракатланиши лозим эди.

¹ Шу кунни совуқ 6 даража эди.



Гултепа эгалланиши билан жанг тугамаслигини инобатга олиб тепаликка битта батареяни жойлаштириш, душман кўп тўпланган жойларда 600 та снаряд билан шаҳарни бутунлай яксон қилиш кўзда тутилган эди.

Бундан кейинги ҳаракатлар юзага келган вазиятдан келиб чиқиб белгиланарди. Артиллериямиз юқорида кўрсатилган сарфлар қилинганда 400 та снаряд билан қолар эди. Штурм вақтида Вагенбург лашкаргоҳда қолиши керак эди. Ушбу ғояга мувофиқ равишда 8 январь куни қуйидаги диспозиция берилди.

Экспедиция отрядининг 1876 йил 8 январдаги

ДИСПОЗИЦИЯСИ

Эртага, 8 январь куни Андижон шаҳри штурм билан эгалланиши мумкин. Бунинг учун қуйидаги ҳужумчи колонналар белгиланади:

1-колонна, флигель-адъютант, гвардиячи ротмистр барон Меллер-Закомельский бошчилигида: сапёрлар командаси, ўқчилар ва 2-Туркистон линия батальонининг 1-роталари, отлик ўқчилар дивизиони яёв ҳолда ҳамда от қўшилган батареянинг битта тўпи (сапёрлар командаси, 2 та рота, отлик ўқчилар дивизиони, 1 та тўп).

2-колонна, 1-Туркистон ўқчи батальони капитани Ионов бошчилигида: 1-Туркистон ўқчи батальонининг 1-ротаси, 3 та Оренбург юзлик бўлинмаси яёв ҳолда ва ракета взводи (1 та рота, 3 та юзлик, 2 та станок).

3-колонна, бош штаб бошлиғи полковник Пичугин бошчилигида: 3-Туркистон ўқчи батальонининг 1- ва 2- роталари, от қўшилган батарея тўпи (2 та рота, 1 та тўп).

Ушбу уч колоннанинг умумий раҳбари этиб отряд бошлиғининг ёрдамчиси полковник барон Меллер-Закомельский тайинланади.

Резервдаги колонна, 2-Туркистон ўқчи батальонининг командири подполковник Андреев бошчилигида: 2-Туркистон линия батальонининг 3-ротаси, 2-Туркистон ўқчи батальони-

нинг 2- ва 3-роталари, 1½ Еттисув юзлик бўлинмаси яёв ҳолда, от қўшилган батареянинг 6 та тўпи ва кўчма взводнинг 3 та тўпи (4 та рота, 1½ юзлик ва 9 та тўп). От қўшилган батареяларнинг тўпларига пиёдалар хизмат кўрсатиши зарур; ҳамма тўпларга фақат биттадан қўш от қўшилган бўлиши керак.

Вагенбург ва лагерь ҳимоясида, 2-Туркистон ўқчи батальони майори Ранау бошчилигида 1-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси, Сибирь казаклар юзлиги, Наманган кўчма взводнинг нарезкали тўпи ва ракета батареясининг 3 та взводи (1 та рота, 3 та юзлик, 1 та тўп, 6 та ракета станогини).

Артиллерия лагердан позицияга чиқаётган пайтда барча ҳужумчи колонналар лагерь олдида сафлансин ва буйруқни кутсин.

Штурм вақтида барча колонналарга йиғилиш пункти этиб шаҳардаги Гултепа баландлиги белгилансин. Унга етиб боргач, колонна бошлиқлари қўшни колонналар билан алоқага чиқсин. Артиллерияни у эгаллаган позицияда ҳимоя қилиш учун: резервдаги колонна таркибидан 2-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси ва 1½ Еттисув юзлик бўлинмаси; Вагенбург ҳимояси таркибидан 1-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси тайинлансин.

Ҳужумчи колонналарда қуйидаги асбоблар бўлиши керак:

1) окоп кавлайдиган белкурак, таранлар, 5 аршин узунликдаги ҳужум нарвонлари, ўт олдириш материаллари (машғалалар ва гугуртлар); резервдаги колоннада эса юқоридагилардан ташқари чекланган ҳажмдаги муҳандислик парки;

2) бир нафардан шифокор ва яраланганлар учун иккитадан арава.

Ҳужумчи колонналарнинг жаноб бошлиқларини Гултепа эгалланиши билан жанг якунланганига умид қилмаслик ҳақида огоҳлантираман, шу боисдан ушбу пункт эгалланиши билан қўшни колонналар билан алоқа боғлаб, уйларда мудофаа позицияларини эгаллашни,



душман ўқидан одамларни яширишни буюр- ман. Гултепани биринчи бўлиб эгаллаган ко- лонна унда артиллерия учун батарея ҳозирла- ши лозим.

Жаноб бошлиқлар эътиборини қуйидаги- ларга қаратаман:

Шаҳарнинг асосий кўчалари бўйлаб барри- кадалар ўрнатилган, ён кўчалар деворлар би- лан тўсилиб, уларда туйнуклар очилган.

Кўчалар бўйлаб, уйлар ва ҳовлилар ораси- дан кўп жойларда йўлаклар очилган. Қаер- даки имконият бўлса, атрофдаги деворлар ва дарвозаларни бузишни тавсия этаман.

Ҳар бир колоннанинг охириги бўлинмалари уйларга обдан ўт қўйиши керак.

Бош штаб зобитлари колонналарнинг ку- затувчилари этиб тайинланади: гвардиячи штабс-капитан Боголюбов биринчи колоннага, капитан Куропаткин резервдаги колоннага.

Мен резервдаги колоннада бўламан.

Наманган ҳаракатдаги отряди бошлиғи, Олий

ҳазратлари мулозими генерал-майор Скобе- лев.

Ҳужумга ўтилишидан аввалги кечада ка- питан Церпицкий юз нафар ишчи ҳисобига кучайтирилган сапёрлар командаси билан Дўнғқишлоққа бориб, у ерда тўпланган мате- риаллар билан 4 та ҳужум нарвони (узунлиги 12 ф., эни $3\frac{3}{4}$ ф., оғирлиги 4 пуд), 8 та таран (оғирлиги 8 пуддан) ва 120 та шох-шабба боғ- лами (узунлиги 15 ф., диаметри 15 д.) тайёр- лади.

Капитан Церпицкийнинг охириги фармойи- шига биноан ҳар бир ҳужумчи колонна 20 та болта, 10 та кетмон, 1 та нарвон, 2 та таран ва 25 боғлам шох-шабба билан таъминланди. Бун- дан ташқари, диспозицияга мувофиқ катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилганда фойда- ланиш учун резервдаги колоннага 30 та болта, 60 та кетмон, 10 та чўкич, 2 та парма, 4 фунт мих, 10 фунт шпиль, 5 та искана, 400 та қоп бе- рилди.

8 январь куни эрталаб соат 8 да саф торт- ган қўшинлар олдида қисқа ибодат қилинди, кейин эрталабки соат $8\frac{1}{2}$ да отряднинг 12 та тўпдан иборат бутун артиллерияси подпол- ковник Юбрмпальский бошчилигида лагер- дан бир чақирим, Эскилик қишлоғидан ярим чақирим масофадаги позицияга жўнаб кетди. Шу билан бирга, артиллериянинг ҳимояси- ни ташкил қилган қисмлардан, 1-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси ҳамда Еттисув юзлигининг ярим ротасидан иборат таркибда ҳужумчи колонна ташкил қилинди. Еттисув казаклари қўшини ясовули барон Штакель- берг бошлиқ этиб тайинланган ушбу колонна зиммасига Эскилик қишлоғини ва шаҳар де- ворининг унга туташ участкасини эгаллаш вазифаси юклатилди.

Диспозиция бўйича белгиланган ҳужумчи колонналар эса унга мувофиқ артиллерия ор- тида резерв тартибида душман отган ўқлар етмайдиган жойда саф тортди. Ҳамма тўплар билан бараварига 5 дақиқа ораликда уч марта ўқ отиш умумий ҳужумнинг бошланиши учун сигнал сифатида белгиланди.

Эрталаб соат $9\frac{1}{2}$ да тўплардан қисқа муддат давомида ўқлар отилгандан сўнг ясовул барон Штакельбергнинг колоннаси ҳужумга ўтди, олдинги сафларда Еттисув юзлиги ва ясовул Мариуцанинг ярим юзлиги, уларнинг ортидан 1-Туркистон ўқчи батальонининг штабс-капи- тан Фёдоров бошчилигидаги 3-ротаси жангга кирди.

Эскилик қишлоғини ва шаҳар деворини эгаллаб турган душман бизнинг артиллерия- миз зарбаларига жавоб қайтармаса-да, лекин уларга дош берди.

Қишлоқ ва девор ёв томонидан эгаллан- маган деб ўйлаш мумкин эди; аммо ҳужумчи колонна Эскиликка 300 қадам яқинлашганда қишлоқдан, айниқса, шаҳар деворидан унга қарата фальконет (кичик калибрли қадимий тўп)лардан ва милтиқлардан кучли ўт очилди.



Олдинда ўз зобитлари бошлаб борган колонна илдам чопганча ҳужумга ташланиб, Эскилик қишлоғидан душманни тез қувиб чиқарди ва унга катта талафот етказди. Бунда колоннани отряд бошлиғининг яёв ҳолатдаги соқчилари қўллаб-қувватлади.

Ясовул барон Штакельберг колоннани қишлоқда тўхтатмасдан, уни шаҳар деворига бошлаб борди. Қишлоқдан деворга олиб борадиган чиқиш йўлаги ундан 80 қадамча масофада жойлашган бўлиб, бир ярим саржинлик девор бу ерда четлари деярли тик бўлган иккита кенг ва чуқур хандақ билан кучайтирилган эди. Ясовул барон Штакельберг биринчи рекогносцировка натижаларидан бу хандақлар қишлоқдан чиқаверишда ўнг томондан 80 қадам нарида тугашини ва шу жойда девор анча пастлигини била туриб ўзига ишониб топширилган колоннани қишлоқдан олиб чиққач, уни қишлоқдан чиқиш жойини эгаллаган ясовул Мариуца бошчилигидаги Еттисув ярим юзлиги ҳимоясида сўл тарафга, шаҳар девори бўйлаб бошлаб борди.

Душман ўзи жойлашган жой ёпиқлигидан фойдаланиб ўқ отишни янада кучайтирди, ҳужумчи колоннага энг яқин масофадан ўқ отиб турди.

Бироқ бу ўқлар 1-Туркистон ўқчи батальонининг рота командири, штабс-капитан Фёдоров бошчилигидаги 3-ротасининг қанот бўйлаб ҳаракатини тўхтатолмади. Рота хандақлар тугайдиган жойга чошиб бориб, деворни шиддат билан эгаллади, ўз навбатида, ёвнинг қанотига ва орқа тарафига зарба бериб, уни ўлдирилганларни ташлаб қочишга мажбур қилди. Айни шу вақтда ясовул барон Штакельберг бошчилигидаги Еттисув ярим юзлиги ҳам девордан ўтди.

Юк юкланадиган 1 та тўп, кўп миқдордаги ўқотар ва совуқ қурооллар, туғ, 20 пудча порох ва 100 бошга яқин от бу ҳужумда қўлга киритилган ўлжалар эди.

Девор забт этилиши биланоқ ясовул барон Штакельберг Шиғовул ота қабристонини эгал-

лади, бунинг учун 1-Туркистон ўқчи батальонининг 3-1 ротаси ҳамда Еттисув юзлигининг ярим ротаси аскарларини ярим взводдан шаҳар деворига ёйиб чиқди. Ўз колоннасининг қолган кучларини учта жойда резерв сифатида яширинча жойлаштирди, бу билан артиллерия шаҳар деворидан ярим чақирим масофадаги иккинчи позицияга кўчиб ўтиши учун имконият яратди.

Ясовул барон Штакельберг колоннаси ордидан Шиғовул ота қабристонига етиб келган генерал-майор Скобелев қуйидагиларни буюрди: 1) бош штаб бошлиғи полковник Пичугиннинг колоннаси ўзи ҳаракатланиши зарур бўлган Тахтақўприк кўчасига кираверишни эгалласин: бу колоннанинг ишчилар командаси колонна ва артиллерия учун дарвозалар яқинидаги йўлни тозаласин; 2) бош штабга бириктирилган капитан Куропаткин резервдаги колонна таркибидан 1-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротасини олсин ва 3) уни паркдан олинган белкураклар билан таъминлаб, резервдаги колонна ўтиши учун Бобо Саъдиддин кўчасига кираверишдаги йўлни тозаласин.

Бу вақтда артиллерия иккинчи позициядан туриб Гултепага, ўрда ва бозор йўналишлари бўйича тўхтовсиз ўқ очар эди. Отчиқмас тепаликларидан шаҳарда ва боғларда ҳаракат бошланиб, Андижонсой томондан қалин ёв тўдаларининг Шиғовул ота қабристони томонга секин ёйилаётгани пайқалганда гвардиячи капитан Ермолов олти тўпдан уларга қарата ўт очиб душман оломонини тўла саросимага солиб қўйди.

Диспозицияга мувофиқ Оренбург отлиқ батареясининг битта тўпи биринчи ҳужумчи колонна таркибига ўтганди.

Учинчи ҳужумчи колоннанинг прапоршик Желябужский бошчилигидаги 50 нафар ишчилар командаси бизнинг Шиғовул қабристонидан ушланиб қолганимиздан руҳланган ва энг яқин уйларда пайдо бўлган душман ўқлари остида хандақни тўлдиришни бошлади. Бу



хандақ Тахтакўприк йўлига киришдаги шаҳар олд деворининг рўпарасида жойлашган бўлиб, унча кенг бўлмаса-да, анча чуқур эди.

Генерал-майор Скобелевнинг буйруғига кўра полковник Пичугиннинг учинчи ҳужумчи колоннаси ишчиларни тез-тез алмаштириб туриш ва бу билан ишни жадаллаштириш учун уларга яқинроқ сурилди. Бу билан колонна девор орқали отилаётган ўқлардан яширинди. Хандақ энига 2 саржин ҳажмида кўмилганда артиллерия ўзининг иккинчи позициясидан шу ерга олиб келинди ва 3-Туркистон ўқчи батальонининг 1-ротаси 11 та тўпни қўлларда кўтариб Шиғовул ота қабристонига позицияга олиб чиқди.

Ушбу позициядаги тепалик иккинчи позициядагидан кўра паст бўлса-да, у шаҳарга 330 саржин яқинроқ эди, бундан артиллерия фойда кўрди.

Мана шу учинчи позициядан артиллерия ҳужумга тайёргарликни ниҳоясига етказди. У Шиғовул ота қабристони теварагидаги уйларни эгаллаган душманнинг тўхтовсиз отиб турган ўқлари остида ҳаракатланди; подполковник Обромпальский шаҳарнинг муҳим пунктларини ўққа тутиш ўзининг асосий вазифаси эканлигини назарда тутиб тўпларнинг ўт очиш йўналишини фақат ора-сира яқиндаги душманга қарши қаратиш ҳақида буйруқ бериб турди.

Бу орада Куропаткин ўзига берилган топшириқни бажариб, 1-Туркистон ўқчи батальонининг поручик Топчевский бошчилигидаги 2-ротасини Қўшқайроғоч қишлоғининг шарқига, Бобо Саъдиддин кўчаси бошланадиган Жевачи дарахтзорига етаклади. Бу кўчадан ҳужум пайтида резервдаги колонна ўтиши керак эди.

Рота борадиган йўл шаҳар девори ёнидан ўтган бўлиб, девор ортидан душман ротага қарата онда-сонда ўқ узиб турди.

1-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси душман ўқларига жавоб қайтармасдан, шаҳар

девори томонидан бир қатор бўлиб тизилиб беркинган ҳолда ўз йўлида давом этди. Бобо Саъдиддин кўчасига кираверишдан 120 саржин масофада рота деворга 100 саржин яқинлашди ва девор ёнидан тез ҳаракатланди. Бу сафар рота девор ортидан ҳамма қурооллардан бараварига отилган ўқлар билан кутиб олинди. Бобо Саъдиддин кўчасига киришда чуқур хандақ қавланган эди, дарвозалар беркитилганди, Хўтан ариқ кўприги бузиб ташланган эди. Шу билан бирга, Бобо Саъдиддин кўчасига кираверишда сўл тарафда жойлашган уйлар ёв томонидан эгалланган бўлиб, улардан кучли ўқ отиб туриларди. Капитан Куропаткин ротани девор орқасидаги ўқлар етмайдиган ерга жойлаштириб, олдиндан ярим взвод аскарлар билан бу уйларни эгаллади, Қашқар қишлоқ дарвозасига олиб борадиган йўл бўйлаб 300 қадам юриб, шу ерда кучли пост қолдирди. Бу пост тўсиқ орқасига беркиниб, бу тарафдан ишларимизга халақит бермоқчи бўлган душманнинг ҳар қандай ҳамласини қайтара оларди.

Капитан Куропаткин бу маррани қўлга киритиш билан шаҳар деворини ҳам эгаллади. Рота командири, поручик Топчевский деворнинг кичикроқ қисмини таранлар ва чўкишлар воситасида йиқитди ва 2-ротанинг ярим взводи билан ундан ўтди.

Девор ортидан Хўжатаги қабристони эгаллаган кенг майдон очилди, Бобо Саъдиддин кўчаси унинг ўртасидан ўтган эди. Девордан 450 қадам масофада майдон шаҳар иморатлари билан туташганди, кўчага кириш жойи катта уюмлар билан тўсиб ташланган эди.

Девордан чекинган ёв қабристонга ўрнашиб олишга уриниб кўрди, лекин ўқчилар томонидан Бобо Саъдиддин кўчасининг ичкарасига қувиб юборилди. Девор эгалланиши билан капитан Куропаткин шу заҳотиёқ унинг бир қисмини бузишга ҳамда Хўтана ариқ орқали ва қалъа хандағи устига иккита кўприк қуришга киришди: чунки хандақни



шунчаки тўлдириш жуда секин бажариладиган иш эди.

Ариқда харилар қолганди, фақат қалъа хандағи устига эни 12 ф. келадиган тўшама тайёрлаш керак эди; шу жойнинг ўзидан кесиб олинган дарахтлардан тўсинлар, харилар ва тўшама ҳозирланди. Бу орада ўқчилар деворни эгаллагандан сўнг олдинга бормаганидан ҳамда девор ёнига қатор тизилиб, бу ерда бажаралаётган ишларни ҳимоя қилиб турганидан руҳланган душман яна аста-секин яқинлашиб, олдинда ётган тўсиқлар орқасидан ва унга туташ уйлاردан ўқ ота бошлади. Бу ўқлар девор ёнида ғуж бўлиб ишлаётган ишчиларга зарар етказиши мумкин эди, шунинг учун капитан Куропаткин тўсиқни эгаллашга қарор қилди ва буни амалга оширди. Ёв ўлдирилган бир нечта одамни қолдириб қочди, тўсиқ қисмларга бўлиб ташланди, 1-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси ўқчилари ўрнига бу ерда бажарилаётган ишлар шаҳар тарафдан резервдаги ҳужумчи колонна бошлиғи подполковник Андросов юборган 2-Туркистон ўқчи батальонининг штабс-капитан Киркин бошчилигидаги 3-ротаси взводи томонидан ҳимоя қилинди.

Подполковник Андросовнинг колоннаси артиллерия ўзининг учинчи позициясига кўчиб ўтгандан кейин артиллериянинг иккинчи позициясига бориб жойлашди; сўнгра 2-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротасини олдинга юбориб, Бобо Саъиддин кўчаси томон ҳаракатланди, бу ерда подполковник Андросов отряд бошлиғининг келишини кутиб ўзига топширилган колоннани (артиллерияни ҳимоя қилиб турган ротадан ташқари) Хўжатака қабристонига сафлади.

Соат 12 да, умумий ҳужумга ўтиш учун сигнал бўлиб хизмат қиладиган залплар (ҳамма қуроллардан бараварига ўқ отиш) бошланган вақтда кўчага кираверишдаги шаҳар девори бузиб ташланган ва иккала кўприк ҳам қуриб битказилган эди.

Артиллерия ҳар бир позициядан 500 тагача снаряд отиб ва келишилган сигнални бериб, 3-Туркистон ўқчи батальонининг 1-ротаси аскарлари томонидан Шиғовул ота қабристонидан олиб кетилди. Диспозицияга мувофиқ учинчи ҳужумчи колонна таркибига ҳамда вагенбургни ҳимоя қилувчи бўлинма таркибига биттадан тўп ажратилди. Сўнгра артиллерия 2-Туркистон ўқчи батальонининг ҳимоясида резервдаги колоннага қўшилиш учун ҳаракатланди. 1-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси вагенбургга қайтди.

Артиллерия иккинчи позициядан ўқ отиб турган вақтда ҳужумчи колонналар бошлиғи полковник барон Меллер-Закомельский бево-сита биринчи ва иккинчи колонналарда бўлиб, уларни шаҳарнинг жануби-шарқий чеккасига бошлади, чунки бу колонналар шаҳар деворигача энг катта масофани босиб ўтиши керак эди.

Шаҳардан ташқаридаги боғлар бошланган жойда, Оқғўр кўчасига муюлишда полковник барон Меллер-Закомельский капитан Ионов бошчилигидаги иккинчи колоннани шу кўча бўйлаб йўллади; ўзи эса флигель-адъютант барон Меллер-Закомельский бошчилигидаги биринчи колонна билан Яланғочқўрғон кўчаси бўйлаб шаҳарга Қашқарқишлоқ дарвозаси томонга юрди.

Биринчи колонна олдида 200 саржин масофада шаҳар девори кўринганда артиллериянинг гумбур-гумбури ҳали давом этаётганди. Колонна флигель-адъютант барон Меллер-Закомельский буйруғига кўра йўлдан чапга бурилиб, душман ўқларидан боғ девори ортига яширинган ҳолда далада резерв тартибда тўхтаб, ҳужум учун шартли сигнални кутиб турди. Ҳамма тўплардан учинчи марта бараварига ўқ отилганидан сўнг колонна қуйидаги тартибда ҳаракатга келди:

2-Туркистон линия батальонининг прапоршик Хомичевский бошчилигидаги 2-ротаси ўқчиларининг ярим взводи. Ушбу ярим взводда



ҳужумчи колоннанинг йўлбошловчиси, гвардиячи штабс-капитан Боголюбов ва сапёрлар ротасининг капитани Церпицкий бор эди.

Ўқчи ротанинг қолган ярим взводлари, уларнинг олдинги қаторида барча ҳужумчи колонналарнинг бошлиғи полковник барон Меллер-Закомельский ва 1-ҳужумчи колоннанинг бошлиғи флигель-адъютант барон Меллер-Закомельский боришарди.

Кейин сапёрлар командаси, яёв ҳолдаги отлиқ ўқчиларнинг 1/2 ротаси, битта тўп, яёв ҳолдаги отлиқ ўқчиларнинг 1/2 ротаси, яраланганлар учун арава ва 2-Туркистон линия батальонининг 1-ротаси.

Баландлиги 5 аршин келадиган шаҳар девори бир оз кўришиб турган дарвозаси турли нарсалар билан тўсиб ташланганди. Девор гўё ёв томонидан эгалланмагандек эди. Аммо унга 300 кадам қолганда деворнинг кўплаб туйнукларидан ва уюмлар ортидан фальконет (кичик калибрли қадимий тўп)лардан ва милтиқлардан кучли ўт очилди. Колонна ўқ отмасдан олдинга бир текис ҳаракатланди; деворгача 200 кадамча қолганда полковник барон Меллер-Закомельский ҳужумга ўтишга сигнал берди.

Колонна «ура» садолари остида чошиб деворни штурм қилишга ташланди. Капитан Церпицкий, штабс-капитан Боголюбов ва прапоршик Хомичевский олдинги сафларда боришарди.

Душман тинимсиз ўқ ёғдириб турди.

Деворга чошиб борган колоннанинг бир қисми дарвозани тўсиб турган анча катта уюмни бўлақларга ажрата бошлади, бошқа қисми дарвозанинг сўл тарафида ёриқ ҳосил қилишга киришди, ўқчи ротанинг ярим взводи девордан ҳужум нарвони орқали ўтди. Девордан биринчи бўлиб гвардиячи штабс-капитан Боголюбов ошиб ўтди.

Девордан кейин хандақ кавланган эди, ундан сўнг Яланғочқўрғон кўчаси яна мустаҳкам ғов билан тўсилганди, унинг ортидан душман ўқ отаётганди. Ўқчи ротанинг штабс-капитан

Боголюбов ва прапоршик Хомичевский етакчилигидаги 4-1 ярим взводи ўша заҳоти ушбу ғовга ташланиб, унинг ортидан душманни милтиқ найзалари билан қувиб чиқарди.

Шу билан бирга, ҳужумчи колонна бошлиғи ротмистр барон Меллер-Закомельский 2-линия батальони ярим взводи қўллаб-қувватлаб турган отлиқ ўқчиларнинг ярим взводини деворда, дарвозанинг сўл тарафида ҳосил қилинган ёриққа йўллади. 1-ҳужумчи колоннанинг бошлиғи артиллерия ўтиши учун йўл очиш зарурлиги туфайли ҳужумни тўхтатди. Капитан Церпицкий ибратли уддабуронлик билан душман ўқлари остида қисқа муддатда хандақ устига эни 14 футлик кўприк қурди. Харилар ҳам (6 та), тўшама ҳам дарвоза олдидаги ғовдан олинган ходалар ва шох-шаббалардан тайёрланди, улар шаҳар тарафдан имкон қадар тез ташиб борилди.

Флигель-адъютант барон Меллер-Закомельский ҳужумчи колоннани иккинчи ғов орқасига тўплаб, уни яна шу тартибда олдинга бошлади.

2-линия батальонининг ўқчилари кўча бўйлаб ҳужум қилиш билан бирга уйларга кириб, уларга яширинган душманга найзалар санчишди. Ротмистр барон Меллер-Закомельский кўча бўйидаги уйларда душман томонидан ҳосил қилинган йўлақларга отлиқ ўқчиларни ярим взводдан йўллади. Бу билан колоннанинг ён тарафдан отиладиган ўқлардан талафотсиз ўтишини таъминлади. Аммо душманнинг катта қисми ўз отларини ҳам қолдириб қочиб борарди.

1-ҳужумчи колонна ўз йўлида яна тўртта ғовга дуч келди. Улар араваларнинг, деворлар орасига кўндаланг қўйилган ходаларнинг турли қисмларидан иборат эди. Ходалар ўртасига туйнукли эшиклар ўрнатилганди. Аммо шаҳар деворида ва иккинчи ғовда енгилган душманнинг қаршилиги энди суст эди.

1-ҳужумчи колонна девордан 3/4 чақирим ўтгач, ўнгроқда бораётган капитан Ионовнинг



2-ҳужумчи колоннаси билан алоқа боғлади. Шаҳар деворидан $\frac{1}{4}$ чақирим ўтгач, биринчи колоннага Гултепа баландлиги кўринди. Бу баландлик унга энг қисқа йўл билан борган капитан Ионовнинг 2-ҳужумчи колоннаси томонидан эгалланди. Аввал айтилганидек, 1-ҳужумчи колоннадан Оқгўр кўчасига бурилишда ажралган капитан Ионов ўзига топширилган колонна билан шаҳар деворига 600 қадам яқинлашиб, колоннани тўхтатди ва маҳаллий предметлар ортига яширди. Шаҳар деворига қадар бўлган йўл унинг бўйига қурилган уйлар ва 400 қадам чамасида ағдарилган дарахтлар билан тўсилгани кўриниб турарди. Умумий ҳужумга ўтиш бўйича сигнал берилгандан сўнг капитан Ионов колоннани қуйидаги тартибда олдинга бошлади: подпоручик Вонгородский етакчилигидаги ярим взвод, капитан Ионов ҳам шу сафда эди; бу ярим взводнинг ўнг ва сўл тарафларида поручик Ржепецкий ва прапорщик Соловьев етакчилигидаги ярим взводлар. Улар асосий ярим взвод билан бир хил тепаликда уйлар олдидаги ён йўлаклар бўйлаб ҳаракатланиши керак эди.

Охириги ярим взводдан кейин яна битта ярим взвод, сўнгра прапорщик Андреев етакчилигидаги ракета взводи ва ниҳоят яёв ҳолдаги Оренбург юзлиги; улар 1-, 2- ва 5-сон тартиб бўйича ҳаракатланишди.

Колоннанинг бош қисми йўл четларида ўсган тераклар кесилиб, лекин илдизидан ажратилмаган ҳолда барпо қилинган ва хандақ устига ташланган жойга етиб бориши биланоқ ёв девордан ва ғов ортидан кучли ўт очди. Капитан Ионов колоннанинг бош қисмини хандақ устидан олиб ўтиб, шаҳар деворига ўтиш йўлини тўсиб турган ғовларни тез забт этди. Айни шу вақтда поручик Ржепецкий ва прапорщик Соловьев ўз ярим взводлари билан деворга ўнг ва сўл тарафлардан ҳужум қилишди; улар ёв ўқлари остида қўшни уйлардан олинган нарвонлар билан деворни тезда эгаллашди. Ўқлардан ва найзалардан шикаст еган душман

девордан иккинчи ғов ортига қочди. Бу ғов Оқгўр кўчасини 200 қадамлик масофада тўсиб турганди.

Капитан Ионов ташқи тўсиқни шу тарзда забт этиб, олдинда бораётган подпоручик Вонгородский ва прапорщик Андреевга 1-Туркистон ўқчи батальонининг 1-ротаси иккинчи ярим взводи ва ракета взводининг бир нечта аскарлари билан иккинчи ғовни эгаллашни ҳамда у билан ҳимояланган ҳолда колоннанинг қолган кучлари етиб келишини кутишни буюрди.

Шу билан бирга, капитан Ионов ясовуллар Мелянин ва Авдеевга яқин уйларни уларда яширинган душмандан тозалашни буюрди. Иккинчи ғов ўша заҳотиёқ эгалланди, ён тарафлардаги ярим взводлар томонидан қўллаб-қувватланган Оренбург казаклари эса иккинчи ғовгача бўлган уйларда яширинган душманни қириб ташлашди. Капитан Ионов бутун колоннани иккинчи ғовгача олиб бориб, босиб ўтилган ҳудуддаги ҳамма нарсани ёқиб юборди ва колоннани бундан кейин ҳам шу тартибда бошқариб борди. 350 қадамча масофа деярили ўқ отмай босиб ўтилди, бироқ колонна кўча муюлишидан бурилиши биланоқ учинчи ғов орқасидан ва бир бурчи кўчага чиққан масжиддан кучли ўт очиб кутиб олинди. Шунда капитан Ионов ўзига топширилган колоннани ғовни эгаллашга бошлади ва уни эгаллади, унинг ҳимоячиларининг бир қисми найза санчиб ўлдирилди; бу вақтда ясовул Дубровин 2-Оренбург юзлиги казаклари билан масжидга бостириб кириб, у ердаги душманнинг бир қисмини қириб ташлади, қолган қисмини қувиб юборди. Масжиддан қочиб чиққанлар прапорщик Соловьевнинг ярим взводига рўбарў келишди. Ярим взвод уларнинг мағлубиятини ниҳоясига етказди.

2-ҳужумчи колоннанинг кейинги ҳаракати 400 қадам масофада қаршиликка учрамади; тўртинчи ғов ортида душман колоннани ўқлар отиб кутиб олди, аммо ҳужумга дош беролмас-



дан қочди. Шу билан бирга, ёв кўчани 400 қадам масофада кесиб ўтган Хўтанариқ бўйидаги уйларга жойлашиб, кўприкка чиқиш йўлини ўққа тутди; унинг бир қисми эса кўприкни бузиш билан машғул бўлди. Капитан Ионов олдинда бошлаб бораётган колонна тўртинчи ғов олдида тўхтамасдан, шиддатли ҳужум билан кўприкни эгаллаб, Бобо Саъдиддин кўчасига чиқди. Шу ерда, Гултепа кўчасига муюлишда колонна туйнуклардан бараварига отилган ўқлар билан қарши олинди ва бу вақтда ёв Гултепадан ҳам ўқлар ёғдирди. Капитан Ионов тўхтамасдан ушбу ҳужумнинг охириги пункти сари ҳаракатланди. Прапоршик Андреев иккинчи ярим взвод ўқчилари билан Гултепага биринчи бўлиб чиқиб, уларни тепаликка туташ уйлардан кучли ўқ ёғдираётган душман томонга ёйиб юборди. Шундан сўнг Гултепа бутун 2-ҳужумчи колонна томонидан ҳам эгалланди.

Бир неча дақиқадан кейин Яланғочқўрғон кўчасидан Гултепага 1-ҳужумчи колоннанинг олдинги бўлинмалари, шундан сўнг Бобо Саъдиддин кўчаси бўйлаб резервдаги ҳужумчи колоннанинг бош қисми чиқиб келди. 1-колонна бошлиғи ротмистр барон Меллер-Закомельский шу заҳотиёқ 2-линия батальонининг 1-ротасини Гултепага ёйиб юборилган ўқчилар билан бир вақтда ўқ отишда давом этаётган душмандан тепаликка яқин жойларни тозалаш учун баландликнинг сўл тарафига йўллади. Ушбу ҳаракат билан Гултепадаги жанг тугади.

Гултепага етиб келган ҳамда ҳали 3-ва резервдаги колонналардаги аҳвол ҳақида маълумотга эга бўлмаган полковник барон Меллер-Закомельский штабс-капитан Боголюбовга 1-ва 2-ҳужумчи колонналарнинг қисмларини уйларнинг ҳовлиларига, баландликнинг қуйи қисмига, унинг шимол, ғарб ва жануб тарафларига жойлаштиришни буюрди. Ҳовлиларга жойлашган қисмлар ўша заҳоти ички деворлардан йўлаклар очиб, ўзаро алоқага киришишди; душман томонга қарата эса уйларнинг томларига, қўл остида мавжуд бўлган

материаллардан тайёрланган ғовлар орқасига яширинган ўқчилар сафи жойлаштирилди. Гултепа қўлга киритилиши биланоқ капитан Церпицкий батареяни жойлаштириш бўйича буйруқ олди.

Гултепа эгалланган вақтда бу пункт эски уйлардан иборат бир тепалик бўлиб, унинг энг юқорисида масжид мавжуд эди. Капитан Церпицкий тўпларни томларга ўрнатиш ўта ишончсиз бўлишини аниқлагач, олдиндан шарқ ва шимол тарафларга қаратиб қурилган уйларни бузишга киришди. Кейин гувалалардан, жўхори пояларидан ва ходалардан баландлиги 3 ф. келадиган бруствер ҳосил қилиб, уйма майдончадан отиш учун дастлабки тўпларни унга жойлаштирди.

1-ва 2-колонналар қўшинлари ўзлари эгаллаган позицияда мустаҳкам ўрнашаётган пайтда Гултепага Олий ҳазратлари мулозими генерал-майор Скобелев резервдаги колонна қўшинлари билан етиб келди ва бу ерда тўпланган қўшинлар томонидан «ура» садолари остида қарши олинди.

Резервдаги колонна захира тартибида турган Хўжатака қабристонига отряд бошлиғи етиб келиши билан ҳамма тўплардан бараварига учинчи марта ўқ отилгандан сўнг колонна бошлиғи подполковник Андросов уни Бобо Саъдиддин кўчаси бўйлаб қуйидаги тартибда ҳаракатга келтирди: 1-Туркистон ўқчи батальонининг бошида генерал-майор Скобелев, колонна кузатувчиси капитан Куропаткин, генерал Скобелев хизматида бўлган ясовул Байтоков, штабс-капитан Маслов, подпоручик Коритов ва рота командири поручик Топчевский ҳозир бўлган 2-ротаси. Сўнгра 2-линия батальонининг 3-ротаси байроқ билан, кейин 2-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси, артиллерия (9 та тўп) ва 2-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси. Қўшинлар шу тартибда байроқларни ёйган ва мусиқа садолари остида майдондан кўчага кираверишдан 400 қадамча беридаги ғовга яқинлашишди. Бу



ерда колонна бирмунча вақт тўхтаб туриши керак эди.

Қўшинларнинг бир жойда тўпланиб қолишининг олдини олиш, бундан ташқари, бошқа колонналарни тезроқ қўллаб-қувватлаш мақсадида генерал-майор Скобелев 1-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси, 2-Туркистон линия батальонининг 3-ротаси ҳамда битта тўп билан олдинга интилди. Подполковник Андросовга қолган қўшинлар билан ½ соатдан сўнг ортидан боришни ва ўтилган ҳудуддаги барча уйларга ўт қўйишни буюрди. Резервдаги колоннанинг олдинги қисми ўз ҳаракати давомида яна уйларнинг туйнукларини эгаллаган ёв ўқларига дуч келди. Аммо колонна душманни ҳаракат давомида бартараф этиб, тўхтамасдан олдинга интилди ва Хўтанариқ олдидаги учинчи ғовни ҳамда ундан кейинги 150 қадам масофани жанг билан қўлга киритди. Ушбу ғовдан кейин 1-Туркистон ўқчи батальонининг олдинги сафларида бораётган аскарлар ҳамда улар билан бирга бўлган генерал Скобелев ва юқорида тилга олинган зобитлар ушбу гуруҳ камсонли эканлигидан фойдаланиб қарши зарба беришга қарор қилган Бобо Саъдиддин кўчаси ҳимоячилари отаётган ўқларнинг ўзларига қаратилишига сабаб бўлишди. Аммо тез орада Оқгўр кўчасидан 2-ҳужумчи колоннанинг олдинги қисмлари чиқиб кела бошлади. Унинг кўриниши 1-Туркистон ўқчи батальони 3-ротаси олдинги қисмларининг шиддатли ҳужуми билан бирга Бобо Саъдиддин кўчасидаги жангга нуқта қўйди.

Генерал-майор Скобелев Гултепага келиб, ушбу пунктни мустаҳкамлаш бўйича бошланган ишларни давом эттиришни, қўшинларни позицияларга жойлаштиришни буюрди ва полковник Пичугиннинг 3-ҳужумчи колоннаси етиб келишини кутиб турди. Ушбу колоннанинг ҳужуми Тахтакўприк кўчасига киришни тўсиб турган ғовни жанг билан эгаллашдан бошланди. Рота (3-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси)нинг олдинги сафларида унинг

командири штабс-капитан Эвертс ва подпоручик Журавлёв боришарди; полковник Пичугин колоннани тўхтатмасдан, иккинчи ғов томон бошлади, 400 қадамча юргач, қуроллардан бараварига отилган ўқларга дуч келди, аммо ғовни тезда эгаллади. Шу ерда полковник Пичугин ҳаракатни тўхтатиб, 3-Туркистон ўқчи батальонининг Шиғовул ота қабристонидан артиллерияни ташиб келгани учун кечиккан 1-ротаси колоннага келиб қўшилишини кутди. Ротада колонна таркибига қўшилган битта тўп ҳам келаётган эди. Тўхталишдан фойдаланиб 3-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси деворларни бузиб, ўз ортида қолаётган уйларга ўт қўйди. Ҳамма қисмлар етиб келганидан сўнг колонна олдинга интилди, уйларга яширинган ҳолда онда-сонда ўқ отаётган душман йўл-йўлакай қириб ташланди. Мадраса олдида ёв колоннани тўхтатишга уриниб кўрди. Мадрасанинг, шунингдек, унга туташ уйларнинг томларини эгаллаган душман ўқчилари кучли ўқ ёғдириб туришди. Бироқ 3-Туркистон ўқчи батальони 2-ротасининг ҳал қилувчи ҳужуми уларни қочишга мажбур этди. Олдинга ҳаракат қилиш билан бирга колоннанинг ортда бораётган қисмлари уйларга ўт қўйиб, бир қисмини эса бузиб борарди. 3-ҳужумчи колонна шу тарзда ҳужум қилиб, бошқа қўшинлар томонидан эгалланган Гултепага соат 1 га яқин етиб келди.

Ҳамма колонналар ҳужумнинг охириги пунктида жамланганидан сўнг душман бозорда ва ўрдага олиб борадиган йўлда анча кўп йиғилганини эътиборга олиб генерал-майор Скобелев 2-Туркистон ўқчи батальонининг 2- ва 3-роталари ҳамда битта тўп билан шу йўналиш бўйича отланди. Полковник Пичугинни 3-Туркистон ўқчи батальонининг иккала ротаси билан 2-Туркистон ўқчи батальонининг роталари йўлидан ўнгроқдаги йўлак бўйлаб бозорга йўллади. Бозор майдонида отлик ва пиёда душманларнинг қалин оммаси тўплаган эди; штабс-капитан Киркиннинг 3-ротаси



жуда яқин масофадан берган зарбадан катта талафот кўрган душман қочиб нажот топишга интилди.

Генерал Скобелев бошчилигида ўрда томон ҳужум қилиб бораётган колонна бозор дўконларини тўлдирган кўпсонли ёвни қириб борди. Душман ўрдани аллақачон ташлаб кетган эди.

Полковник Пичугиннинг колоннаси ҳам ўз йўлида учраган отлиқ ва пиёда душманга якуний зарба бериб, бозор олдидаги мадрасани эгаллади. Гултепага қайтиш йўлида бозорга ва уйларга ўт қўйилди.

Иккала колонна Гултепага қайтиб келгунга қадар батарея тайёр бўлди. Тўпларнинг энг кўп қисми (6 та, шу жумладан, 1/2 пудли замбарак) шимолга, бозор ва ўрдага қарши йўналтирилган эди; тўплар уйма майдончадан отишга мослаштирилганди. Шаҳарнинг шарқий қисмини ўққа тутиш учун амбразура орқали отишга мўлжалланган битта тўп; жанубий қисмини ўққа тутиш учун уйма майдончадан отадиган учта тўп қўйилганди; шаҳарнинг ғарбий тарафини амбразура орқали битта тўп ўққа тутиши мумкин эди. Тўпларни батареяга олиб кириш учун иккита аппарель барпо этилди.

Генерал-майор Скобелев кўп кишилиқ шаҳарда ҳали жангни давом эттиришга қодир ёв тўдалари бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб унга узил-кесил қирғин солиш мақсадида артиллерия бошлиғи подполковник Обромпальскийга шаҳарни бомбардимон қилишни қайта бошлашни буюрди. Тушдан кейин соат 3 га яқин бошланган асосан бозорга, иккала ўрдага, Шаҳрихон ва Асака йўлларига ҳамма тўплардан тўхтовсиз ўт очиш эртаси куни тонггача давом этди. Аммо кечга томон биз Андижонни тўла-тўқис забт этганимиз ва бундан буён бирон-бир жиддий қаршилиққа дуч келмаслигимиз аён бўлиб қолди.

Андижон шаҳрида жанглар борган пайтда ёв отлиқлари бизнинг вагенбургга ҳужум қилишга уриниб кўрди. Соат 12 да бир ярим минг кишилиқ отлиқлар гуруҳи шаҳар боғларидан

чиқиб, лагеримизнинг ўнг тарафига қарши йўналди. Аммо бу гуруҳ 2-Туркистон ўқчи батальонининг иккала ротасидан қолдирилган ўқчилар томонидан қайтарилди, ҳозиргина учинчи артиллерия позициясидан қайтиб келган 4 фунтли тўп ўқлари остида қолди. Бир соатдан сўнг шаҳар боғларидан 3 мингга яқин ёв отлиқлари чиқиб, вагенбургнинг ўнг тарафига ҳужум қилди. Хавф туғилган тарафни ҳимоя қилиш учун майор Ранау буйруғи билан 1- ва 5-Сибирь юзликлари, 2-Туркистон ўқчи батальонининг 30 ўқчисидан иборат аскарларнинг ҳимоя қатори юзага келтирилди; бу қисмлар ортидан 1-Туркистон ўқчи батальони 3-ротасининг ярим взводи резервга жойланди. Ҳимоя қаторимизнинг аниқ мўлжалга отилган ўқлари ёвни Андижон боғларига яширинишга мажбур этди. Душманнинг вагенбургга қарши қилган уриниши шу билан якун топди.

Шаҳарни забт этиш вақтида қилган ҳаракатларимизнинг юқорида келтирилган тавсифи ва уни шаҳарни ҳимоя қилган кишилар кўрсатмалари билан таққослашлардан кўринадик, Андижондаги муваффақиятимизнинг катта қисмини артиллерия воситасида берилган зарбалар ҳисобига ёзиш зарур, чунки у ўзига хос тарзда ривожлантирилди. Артиллерия умумий ҳужумга ўтилишидан олдин душманга катта талафотлар етказди; асосийси, унинг сафларини кучли руҳий ларзага солди.

Бунинг оқибатида ёв оммаси астойдил ҳимояланиш қатъиятидан қарийб ёппасига ваҳимага тушди, бизнинг колонналаримиз шаҳар томон ҳаракатланаётган вақтда ундан қочиб кетишга улгурмаган бўлишига қарамай, бирон-бир пунктда жиддий қаршилиқ кўрсатишга қодир эмас эди.

Биз ғалабага аҳамиятсиз талафотлар эвазига эришдик: 4 ва 7 январда яраланган икки зобит (хорунжий Бояльский ва штабс-капитан Садирев)дан ташқари ҳужум куни биз ҳалок бўлган икки аскарни, яраланган олти аскар ва бир йигитни бой бердик.



Андижонда ёв тўлиқ мағлубиятга учради; шаҳар эгаллангандан сўнг, қисқа муддатда тўпланган маълумотларга кўра, душман бизнинг Андижонсой тарафдан (шимолдан) ҳужум қилишимизни кутган ва ўзининг асосий кучларини, шу жумладан, 25 минггача сарбозларни ва сипоҳийларни шу жойга тўплаган: шаҳар унинг яқинидаги қишлоқларнинг аҳолиси билан тўлиб-тошган эди, улар ўз оилалари билан кўчиб келиб, ҳовлиларга, масжидларга ва бошқаларга жойлашганди.

Отчикмас баландлигидан бомбардировка бошланган вақтда қуролланган аҳоли Эскилик томон чопиб келди; асосий омма ҳам сой тарафдан, шунингдек, Афғон боғи тарафдан шу жойга интилди; биз отган гранаталар ёв сафларида даҳшатли бўшлиқлар вужудга келтирди ва уни тўлиқ саросимага солиб қўйди. От чоптириб юрган отликлар бизнинг сўл тарафдан ҳужум қилганимиз, кейин бизни шаҳарнинг ғарбий тарафида кўришгани ҳақида тарқатган ёлғон хабарлар саросимани янада кучайтирди. Ниҳоят колонналаримиз шарқ тарафдан тўртта йўл бўйлаб ҳаракатланган пайтда душман қуршовга тушиб қолишдан қўрқиб Асака йўли бўйлаб қочди. Биринчи бўлиб шаҳарга ёт бўлган келгиндилардан иборат сипоҳийлар ва сарбозлар қочишди. Ғазабланган аҳоли уларни калтаклай бошлади; Асакага чиқиш йўли маҳкам беркитилганди, хандақлар устидаги иккита кўприк икки тарафдан бузиб ташланган эди. Ушбу ҳолат саросимани ва ур-йиқитларни ниҳоятда кучайтириб юборди.

Ўз совуққонлигини сақлаб қола олганлар денгиздек жунбишга келаётган бу оломон орасидан қилич билан ўзларига йўл очишга уринишган. Гултепадан бу йўналишга отган гранаталаримиз ваҳимани ниҳоясига етказган. Аммо 8-санада қўшинларимиз Асака йўлига чиқишмагани боис қочоқлар сафлари анча сийраклашган ҳолда тунга яқин шаҳардан чиқиб кетишган. Қишнинг қаҳратон тунида йўлда қолганлар янги фалокатдан шикаст топишган.

Душман кўрган зарарнинг умумий миқдорини ўша куни ва ундан кейинги кунларда ҳатто тахминан аниқлашнинг ҳам имкони бўлмади, ҳар ҳолда, у жуда катта эди: оқсоқолларнинг кўрсатмаларига кўра, кўплаб оилалар бузиб юборилган уйлар остида қолган, ўзлари яширинган чуқурларга қўйилган ўтдан нобуд бўлишганди.

Кейинги куни, 9 январда тўртта колонна шаҳарга жой билан танишиш, шунингдек, емхашак жамғариш мақсадида йўлга чиқди.

Вагенбургдан келган учта Сибирь юзлиги ва от қўшилган ракета взводидан иборат анча кучли колонна отряд бошлиғи томонидан Асака йўлига юборилди. Лекин бирорта ҳам колонна энди қаршиликка дуч келмади.

Аммо ҳали ҳам шаҳар аҳолиси келиб, итоаткорлигини изҳор этмаганлиги боис 9-санада, кечқурун шаҳарни ўққа тутиш қайта бошланиб, эртаси куни тонггача давом этди. Бунга қадар Гултепада зич жойлашган отряд қўшинлари 10 январда анча кенг ҳудудга жойлашиб, карвонни ўзига қўшиб олишди. Кейинги куни полковник барон Меллер-Закомельский колонна таркибига кирган қисмлардан ташқари барча бўлинмалар қуйидаги тартибда жойлаштирилди:

Ўрдада: отряд штаби, сапёрлар командаси, 1-Туркистон ўқчи батальонининг 1- ва 2-роталари, 2-Туркистон линия батальонининг 1- ва ўқчи роталари, отлик ўқчилар дивизиони, 5-Оренбург, 1- ва 5-Сибирь ҳамда 1-Еттисув юзликлари, ракета батареяси (4 та рота, 1 та дивизион, 4 та юзлик, 8 та станок).

Гултепада: 3-Туркистон ўқчи батальонининг 1- ва 2-роталари, Еттисув ярим юзлиги, от қўшилган батарея взводи, 2 та кўчма взвод, вагенбург аравалари (2 та рота, ярим юзлик, 6 та тўп). Ушбу қўшинлар бош штаб бошлиғи полковник Пичугин қўл остига ўтди; отряд штаби бошлиғи лавозимида уни вақтинча капитан Куропаткин алмаштириб турадиган бўлди. 2-Туркистон ўқчи батальонининг 2- ва 3-рота-



лари, 2-Оренбург юзлиги ҳамда от қўшилган батарея дивизиони Гултепадан ўрдага олиб бо-
радиган кўчадаги мадрасага жойлаштирилди.

Шаҳар комендантлари этиб 2-Туркистон ўқчи батальонидан майор Ранау тайинланди.

11 январь куни 2-Туркистон линия батальонининг 3-ротасидан, 1-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротасидан, 1-1 Оренбург ва 2-Сибирь юзликларидан ҳамда от қўшилган батарея взводидан иборат колонна (2 та рота, 2 та юзлик, 2 та тўп) полковник барон Меллер-Закомельский бошчилигида Наманганга йўлланди. Бу колонна Наманганга етиб боргач, бўлим ихтиёрида бўлган барча қўшинлар устидан қўмондонликни қўлга олиб, жойлардаги ишлар билан танишиши, сўнгра Андижонга қайтиб, экспедиция отрядига артиллерия парки ва интендант транспортини етказиб келиши керак эди.

Андижон аҳолиси 10 январдан ўз шаҳрига қайта бошлади. Шаҳардаги турмушни бирдан нормал ҳолатга келтириш мумкин эмаслигига қарамасдан, аҳоли 11-санадан отряднинг эҳтиёжларини қондирадиган миқдорда ун, чорва ҳайвонлари, жўхори, беда ва ўтин етказиб бериб турди; Андижонда қўшинлар таъминоти реквизиция усулида йўлга қўйилган бутун вақт давомида ушбу предметларни етказиб беришда ҳеч қандай тўхталишлар бўлмади. 11-санадан Андижонга юкланган контрибуцияни тўлаш бошланди.

Бу орада хонликда ҳам, шаҳарнинг ўзида ҳам душман унсурлар тўла бостирилмаган бир пайтда Андижонни унча катта бўлмаган қўшин билан қолдириш зарурати туғилиши мумкинлигини ва ноқулай вазиятлар юзага келганда Андижоннинг ўзида жанглари қайтадан бошлаш эҳтимолини инобатга олиб отряд бошлиғи шаҳарда мустаҳкам таянч пунктини яратишга алоҳида эътибор берди. Гултепа бунинг учун энг қулай жой эди.

Гултепани мустаҳкамлаш ишлари у эгаллангандан кейинги иккинчи кунгиде бўшлан-

ди. 9-санада отишга халақит бераётган 200 туп дарахт кесилди, 11-санадан қуйидаги ишларни бажаришга киришилди: 1) тепаликнинг ўзида 6 та тўпдан иборат батареяни 7 фунт баландликдаги бруствер билан катта отиш бурчагига эга бўлган амбразура орқали отиш учун жойлаштириш; 2) милтиқлар билан ҳимояланишга мослашган мудофаа линиясини барпо этиш; 3) марказдан камида 60 саржин масофадаги эспланадани тозалаш; 4) мудофаа чизигининг ичкарасида жойлашган ҳовузни тозалаш. Ишларни амалга оширувчи капитан Церпицкий олдида тадбирларни тез бажариш шарти қўйилганлиги сабабли мудофаа чизигини тупроқ уюмларидан ёки гувалалардан ҳосил қилишнинг имконияти йўқлиги боис у маҳаллий деворларни милтиқлар ёрдамида ҳимояланиш учун мослаштирди ва уларни табиий тўсиқлар билан туташтирди. Гултепани мустаҳкамлаш ишларига сапёрлар командасидан ташқари ҳар куни қўшинлардан 500 нафаргача ишчи жалб этилди; ишлар 15 январга қарийб якунланди.

Биз Андижонни забт этган вақтдан буён душман ҳақида қуйидаги маълумотлар олинди: Пўлатхон Марғилонда қийинчилик билан ўз мавқеини тутиб тургани, унинг аҳолиси Пўлатхоннинг бу ерда туриши Марғилонни Андижоннинг қисматига дучор этишидан хавотирланишар эди. Офтобачи 12 мингга яқин ўз лашкари билан Қува қишлоғида¹ лагерь қурганди. У ўз одамларини қийинчилик билан ушлаб турар, чунки яқинда бўлган қирғиндан таъсирланган кишилар уйларига тарқаб кетишга мойил эдилар. Асака шаҳри аҳолиси эса биз Андижонни эгаллаган куннинг эртасигаёқ уни тарк эта бошлади.

Хонлик устидан ўрнатилган ҳокимият ғазовот йўлбошчилари қўлидан ўз-ўзидан чиқиб кетаётган шундай бир вазиятда улар ноилоҳликдан бирон-бир ҳаракат қилиш ҳақида қарорга келишини кутиш мумкин эди; ҳақиқа-

¹ Асака шаҳри ва Ниёзботирдан кейин келадиган қишлоқ.



тан ҳам 16 январда Офтобачи ўз кучларининг бир қисми билан Асакага келгани ҳақида хабар олинди.

Афғон боғи атрофида отлиқлар тўдаси пайдо бўлгани ҳақидаги хабарга асосланиб 13 январда отряд бошлиғи отлиқ ўқчилар, иккита юзлик ва от қўшилган иккита тўп билан Асака йўлида рекогносцировка ўтказди. Ҳақиқатан ҳам бу қишлоқда ёвнинг кучли соқчилар гуруҳи деярли ғафлатда қолдирилди. Икки киши ўз жойида сўйилди, саккиз нафари Асака йўлида қувиб етилиб, қиличдан ўтказилди.

18 январь куни эрталабги хабарларга кўра душман ҳақидаги ахборот анча аниқ ва қўрқинчли характерга эга эди. Айғоқчилар Офтобачи 15 минг кишилиқ лашкари билан Асакадан Андижонга олиб борадиган йўлда, шаҳардан 10 чақиримча масофада турганлиги ҳақида хабар етказишди.

У шаҳарда қўзғолонни тайёрлаб, Андижон аҳолисига улар исён кўтарганда улар билан бир вақтда бизга ташқаридан ҳужум қилишга ваъда берганди. Албатта, аҳолининг исёни жиддий кўлам касб этишини тасаввур қилиш мумкин эмас эди, лекин ўз нуфузимизни кўзлаб қўзғолоннинг олдини олиш зарур эди. Бу орада маҳаллий аҳолига хос бўлган енгилтаклик билан норозилик аломатлари пайдо бўла бошлади: (контрибуция ҳисобига) ҳар куни топширилаётган сумма миқдори камайди, аҳолининг шаҳарга қайтиши тўхтаб қолди, аксинча, шаҳарни тарк этиш ҳоллари учради ва ҳ.к.

Бундан буён бизнинг ҳеч қандай ҳаракат қилмай туришимиз, эҳтимол, ёв тўдаларини шаҳарнинг ўзига ҳам жалб этиши мумкин эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу кўча жанглари қайтадан бошланишига олиб келарди. Шу боисдан генерал-майор Скобелев ёвга юзма-юз боришга қарор қилди.

Аммо шаҳардаги оддий бесаранжомликнинг қуролли қўзғолонга айланиши учун ҳеч қандай имконият қолдирмаслик зарурияти отряд бошлиғини шаҳарда пиёдаларнинг унча

катта бўлмаган қисмини ва отряд артиллериясини қолдиришга ундади.

18 январь куни эрталаб 9¹/₂ да генерал-майор Скобелев Андижондан сапёрлар командасидан, 1-Туркистон ўқчи батальонининг 1-ротасидан, 2-Туркистон линия батальонининг ўқчилар ротасидан, 2-1 ва 5-Оренбург, 1- ва 5-Сибирь ҳамда 1/2 Еттисув юзликларидан, ракета батареяси ва от қўшилган батарея дивизиони (2 та рота, отлиқ-ўқчи дивизия, 5¹/₂ юзлик, 4 та тўп, 8 та ракета қурилмаси)дан иборат отряд билан Асака йўлига чиқди.

Отрядимиз душманни тахмин қилинганидан кўра олисроқда қарши олди. Ёвнинг йигитларимиз томонидан қувиб етиб қиличдан ўтказилган дастлабки соқчилар гуруҳи Андижонда 12 чақирим масофада эди. Бундан кўп ўтмай Мўғулгузар қўрғони ортидан, йўлнинг ўнг тарафида, Эшонқўрғон қишлоғи яқинида 300 кишига яқин отлиқлар кўринди. Биздан ўтиб бўлмас ариқ ажратиб турган гуруҳ қарийб 400 саржин масофада саф тортиб турди. Аммо ноаниқ отилган бир нечта граната ёвни боғлар ортига яширинишга мажбур этди, ўзи билан бир нечта ўлдирилганларни ҳам олиб кетди. Шу вақтда Асака тарафдан ёв отлиқларининг анча катта гуруҳи кўзга ташланди.

Бундан буён ҳужум қилиш душман томонидан мудофаага тайёрлаб қўйилгани эҳтимолга яқин бўлган Асакани эгаллаш заруратини юзага келтириши аниқ бўлса-да, бироқ ёв биздан сон жиҳатидан қанчалик устун бўлишига қарамай, бизнинг ҳужумга ўтишга доим тайёрлигимиз душман устидан кучли маънавий устунлик беришини инobatга олиб генерал-майор Скобелев камсонли отряд билан олдинга интилди. Шу билан бирга, ўша заҳоти Андижонда қолган қўшинлар бошлиғи полковник Пичугинга 2-Туркистон ўқчи батальонининг иккала ротасини полковник Андросов етакчилигида Асакага зудлик билан жўнатиш ҳақида буйруқ йўлланди. Ҳужум қилаётган отряд таркибида бўлган капитан Ионов бошчилигида-



ги 1-Туркистон ўқчи батальонининг 1-ротаси ва 2-Туркистон линия батальонининг ўқчилар ротаси от қўшилган тўплар взводи билан кавалериямиз илдам ҳаракат қилган вақтда ундан анча орқада қолишди.

Асакага ҳужум қилган чоғимизда душман чекиниб, боғлар ортига яширинди. Отряд кавалерияси Занкан қишлоғидан ўтиб, унинг олдинги сафларида бораётган отлик ўқчилар шаҳарнинг Шаҳрихонсойдаги кўприкка олиб борадиган кўчасига кирди. Асака асосан шу сойнинг сўл қирғоғида жойлашган.

Яқин атрофда тезоқар Шаҳрихонсойдан олиб ўтадиган кечув йўқлиги аниқ бўлгани сабабли кўприк бутми ёки душман томонидан бузиб ташланганми деган масала биринчи даражали аҳамият касб этди; шунинг учун шаҳарга яқинлашиб, кўприкни кўриб келиш учун йигитлар юборилди. Тез орада ўқ овозлари эшитилди, шундан сўнг йигитлар от чоптириб келиб, кўприк бузиб ташлангани ва унга олиб борадиган йўл душман томонидан кучли ўққа тутилаётгани ҳақида хабар беришди; аммо йигитлар катта кўприкнинг харилари сақланиб қолганми ёки улар ўз жойида йўқми деган саволга жавоб бера олишмади.

Вазиятни имкон қадар тўғри баҳолаш мақсадида отряд бошлиғи яёв ҳолдаги отлик ўқчилар билан кўприк томон отланди. Соининг ўнг қирғоғидаги шаҳар мавзеси мутлақо бўм-бўш эди; сўл соҳилдаги тик тепаликларда, ўрдада отлик душман кўзга ташланди. Кўприкка олиб борадиган кўча шимолдан жанубга томон йўналиб, кейин ўнгга (ғарбга) бурилган ва сўлга, кўприк тарафга тўғри бурчак остида бурилган эди. Йўл бурилишидан ҳосил бўлган бурчакдан кўприккача тўғри чизиқ бўйлаб 70 қадам масофа бўлиб, кўчанинг кенглиги ўн қадамни ташкил этарди; айнан шу жой соининг сўл қирғоғида барпо этилган ғов ортидан кучли ўққа тутилаётган эди.

Агар кўприкнинг харилари ўз жойида қолган бўлса, бунинг устига, улар сирпанчиқ ва

сой бу жойда одам бўйидан чуқурроқ бўлса, ёвнинг ушбу позициясига ҳужум қилиш бизга катта талафот келтириши мумкинлигини; шу аснода душман чекиниш учун кенг имкониятга эга бўлишини, бинобарин, унинг мағлубияти ўзи учун сезиларли бўлмаслигини инобатга олиб; ёв позициясига яқинлашилганда харилар йўқ қилингани аниқланса, бу мулоҳазалар биз учун салбий аҳамият касб этишини назарда тутиб отряд бошлиғи ёвни унинг ўнг қанотидан айланиб ўтиб, Асакага уни шарқдан ўраб турган тепаликлардан ҳужум қилиш ҳақида хулосага келди.

Отряд Занкан қишлоғига бурилиб, ундан шарққа, капитан Куропаткин артиллерия учун танлаган позицияга келди.

Ёв Асаканинг шарқ тарафидаги тепаликларни, шунингдек, бирмунча қуйида жойлашган ўрдани отликларнинг қалин тўдалари билан эгаллаб турарди. Артиллерия дастлаб иккита, отряднинг пиёда қисмлари, шу жумладан, тўртта тўп етиб келгандан сўнг жами олтитта тўпдан капитан Ермолов бошчилигида 600 – 700 саржин масофадан тепаликларни ва ўрдани эгаллаб турган душманга ва кўприкка қарата гранаталар билан ўт очди. Тўпларимизнинг ноқулай позициядан бўлса-да муваффақиятли ўт очиши душманни ўз кучларини ёйиб юборишга ва янада орқароққа чекинишга мажбур этди. Шу вақтда йигитларимиз позициямиздан икки чақирим нарида Шаҳрихонсой кечувини топишди; янада яқинроқ жойдан кечув топиш борасидаги уришилар кутилган натижани бермади.

Кечув томонга олдинда отлик ўқчилар дивизиони, унинг ортидан от қўшилган артиллерия дивизиони, сўнгра кавалерия боргани ҳолда айланма ҳаракат қилинди. Манёврнинг муваффақияти унинг нечоғлик тез бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқлиги боис капитан Ионовнинг роталари колонна ортида қолдирилган эди...

Колонна сойдан ўтиб, дарё бўйлаб паст тарафга, Дамха қўрғони кўтармасига йўнал-



ди, бунинг устига, отлик ўқчилар дивизиони отдан тушиб, яёв бораётганди. Бу ҳаракат Шаҳрихонсойнинг баланд қирғоғини ташкил этадиган тепаликлар чўққисининг қалин тизмасини эгаллаган душман ёғдираётган кучли ўқ ёмғири остида бажарилди. Аммо отрядимиз ёв тўхтовсиз отаётган ўқларга деярли жавоб қайтармай, тез юриб кечувдан қарийб бир чақирим масофада жойлашган ўр томонга ҳаракатланди. Отлик ўқчилар ўрга етиб, флигель-адъютант ротмистр барон Меллер-Закомельский етакчилигида тепаликларга ҳужум қилишди, тик йўл бўйлаб ясситоғ устига чиқиб, Дамха қўрғонини эгаллашди. Ясситоғ бу Асака адири бўлиб, Асакадан ва Марғилон йўлидан шарқда жойлашган. Бу адирлик бизга қарши фронтдан ва сўл қанотдан ҳужумга ўтган бир талай ёв отликлари томонидан эгалланган эди. Текис сафланган бир талай ёвнинг отлик ўқчилар дивизиони сўл қаноти туташган қўрғонга ҳужум қилишга уриниши 200 қадамча масофадан ҳамма қуроллардан бараварига ўт очиш билан қайтарилди.

Отлик ўқчилар душман гуруҳларининг босимини тўхтатиб турган бир вақтда артиллериямиз ниҳоятда зўр бериб қилинган ҳаракатлар билан яёв ҳолдаги казаклар кўмагида ясситоққа чиқиб борди. Тўртта тўпимиз ўқ ота бошлаши билан ёв анча масофага чекинди; шу вақтда адирликка кавалериямиз тўлиқ чиқиб борди ва отряд бошлиғи пиёдаларни кутиб ўтирмай кавалерия билан ҳал қилувчи ҳужумга ўтди.

Шу пайтда аҳолиси аллақачон ташлаб кетган Асака бизнинг айланма ҳаракатимиз туфайли душман томонидан бўшатиб қўйилгани аён бўлди; буни беш ой қўқонликлар қўлида асирликда бўлган, шаҳардан биз томонга қочиб келган савдогарнинг приказчиги ҳам тасдиқлади. Шундай қилиб, кутилаётган ўрдага ҳужум қилиш ўрнига биз дала шароитида жанг қилишимиз керак эди.

Кавалериямизнинг жанговар тартиби қуйидагича эди: унинг биринчи линиясини 5-Оренбург юзлиги (ўнг қанотда), отлик батарея взводи, 2-Оренбург юзлиги ва 1½ Еттисув юзлиги (заиф таркибда) ташкил этганди; иккинчи линияда ўнг қанот ортида 1-Сибирь юзлиги; хавф остидаги сўл қанот ортида ракета батареяси ва 5-Сибирь юзлиги взвод колонналарида жойлашишганди. Иккинчи линия марказида артиллериянинг бевосита ҳимоясини ташкил этган отлик ўқчилар дивизиони борарди. Линиялар ўртасидаги масофа қарийб 200 қадам эди.

Майдон қалин қор билан қопланганига қарамай, ҳужум отларни бир текис йўрттириб чопган вазиятда, сафлар текислигига, интервалга ва белгили ораликқа қатъий риоя қилган ҳолда олиб борилди. Пиёдаларнинг иккала ротаси артиллерия взводи билан умумий резервни ташкил этган ҳолда олдинга ҳаракатланди.

Кавалериямиз Марғилон йўли бўйлаб кетиб бораётган асосий ёв тўдаларига қарши ҳужум қилган вақтда душман бизнинг сўл қанотимизга қарши ҳаракатини қайтадан бошлашга уринди, унга қалин омма ҳайқириқлар билан ёпирилди. Аммо отряд бошлиғи Асакани ташлаб Марғилон йўлига чиқиши керак бўлган ёв пиёдасини қувиб етишга умид қилиб биринчи ва иккинчи линияларнинг фақат сўл қанотдаги юзликларининг фронтини сўлга ўзгартиришни, бу вақтда қолган кучларнинг Марғилон йўли бўйлаб ҳужумини тўхтатиб туришни буюрди. Душман томонидан айланиб келган Еттисув ва 5-1 Сибирь юзликларининг текис ҳаракати ёвни чекинишга мажбур этди, куч жиҳатдан жуда катта устунлигига қарамай, у ҳужумини қиличбозликкача олиб боришга ботинмади. Шунда отряд бошлиғи юқорида кўрсатилган мақсадни кўзда тутиб рўпарадан ҳужумни давом эттирди. Шаҳарнинг охириги боғлари орқасида, ўрдан 3½ чақирим масофада, ўнг қанотимиз қаршисида, ундан 400 қадам нарида тўсатдан милтиқлар билан қуролланган, кўпчилиги найза тутган 800 сарбоздан



иборат қалин колонна намоён бўлди; ҳужуми-мизни кўриб тўхтаб қолди ва ўт очди.

Олий ҳазратлари мулозими генерал-майор Скобелев кавалериянинг шижоатини кўриб, ёвни ўққа тутиб ўтирмасдан, унга қарши ҳужумга ўтишга қарор қилди. Ясовул Авдеевнинг 5-Оренбург юзлиги энг яқин қисм ва соқчи бўлинма сифатида шахсан отряд бошлиғи томонидан ҳужумга бошлаб кирилди; ушбу шиддатли ҳужумни ўша заҳоти ясовул Штакельбергнинг 1½ Еттисув юзлиги, ундан сўнг ясовул Десятовнинг 1-Сибирь юзлиги қўллаб-қувватлади.

Жуда оғир қўл жангидан сўнг ёв қиличдан ўтказилди; унинг унча катта бўлмаган қисми боғлар ва ариқлар яқинлигидан фойдаланиб қочиб қолди. Қочганларни таъқиб қилиш Ниёзботир қишлоғида, душман пиёдаси тўсатдан дуч келган жойдан тўрт чақирим масофадан уларнинг қириб ташланиши билан тугади. Ёв тўдалари тўла чекиниб бораётганди ва ўзлари учраган янги мағлубиятни узоқ-узоқларга тарқатиши керак эди.

Ушбу ажойиб ютуқ атиги тўққиз аскар ва бир йигит яраланиши эвазига қўлга киритилди. Душман тарафдан камида 400 киши ўлдирилди; аммо Асакадаги ишнинг маънавий оқибатлари анча муҳим бўлиб чиқди.

Тушдан кейинги соат 5 да кавалерия Ниёзботирдан Асакага бурилди; йўлда у пиёда қўшин билан бирлашди ва отрядимиз шаҳарни ўқ отмай эгаллади. Қайтиш йўлида ёв аскарларининг жасадлари билан тўлган майдон бизга душманнинг талафоти жуда катта бўлганини кўрсатиб турарди.

Отрядни тунаш учун жойлаштиришда, кўприк олдида биз душман билан учрашимиз учун тайёрланган позицияни кўздан кечириш вақтида Шаҳрихонсойнинг асосий ирмоғи устига ўрнатилган харилар йўқ қилинган ва яқин орада кечув йўқлиги аниқланди. Гранаталаримиз туфайли қонга бўялган ғов йўғон ходалардан иборат эди. Ушбу

ҳолатлар айланиб ўтиш тўғри бўлганини кўрсатиб турарди.

Бу вақтда Андижондан подполковник Андросов бошчилигидаги пиёда қўшин (иккита рота иккита тўп билан) етиб келгани сабабли капитан Церпицкий сойдаги собиқ кўприк ўрнида бир-бирига зич жойлаштирилган тўртта ходадан пиёдалар учун кўприк барпо қилди. Бир соат мобайнида барпо қилинган бу кўприкдан 2-Туркистон ўқчи батальонининг иккала ротаси бешикаст ўтди. Подполковник Андросов колоннасининг отга қўшилган тўплари ярим юзлик бўлинма ҳимоясида кўприкдан бир ярим чақирим қўйироқдаги кечувга йўналтирилди. Аммо сойдаги кечувдан ўтиш вақтида тупроқнинг ёпишқоқлиги туфайли битта тўп ботиб қолди. Капитан Церпицкийнинг кўрсатмаси билан сапёрлар саккиз даражали совуқда сувга тушиб, тўпни кавлаб чиқаришди; бундан ташқари, қулай кўтарма ишлаб чиқишди. Ушбу тўхталиш туфайли отлик артиллерия взводи ўрдага жойлашган бошқа қўшинларга тунги соат 11 га яқин келиб қўшилди.

19 январь куни отряд бошлиғи кавалерия ва отлик ўқчилар билан Ниёзботир қишлоғидан Янгичек қишлоғига олиб борадиган йўлнинг ўртасигача (Асакадан қарийб тўққиз чақирим) рекогносцировка ўтказди. Душман олисдан, Янгичек ортидан кўриниб турарди; у жангга кирмаслиги яққол сезилиб тургани учун отряд Асакага, у ердан пиёда қўшин билан Андижонга қайтди. Асакада отрядни Шаҳрихон ва унинг атрофидаги қишлоқлардан итоаткорлигини изҳор этиш ҳамда бизга хизмат қилишга тайёрлигини билдириш учун келган вакиллар кутиб олишди.

20 январда полковник барон Меллер-Закомельскийнинг 2-Туркистон линия батальонининг 4-ротасидан, 1-Туркистон ўқчи батальонининг 4-ротасидан, 1-Оренбург ва 2-Сибирь юзликларидан, отлик батарея взводидан, артиллерия паркидан ва интендант транспор-



тидан иборат колоннаси Намангандан Андижонга етиб келди. Полковник барон Меллер-Закомельскийнинг колоннаси 11 январь куни Андижондан йўлга чиқиб, шу куни йўллардаги лойгарчилик туфайли Чинободгача етиб келган, 12 январда ўз ҳаракатини Балиқчи орқали давом эттирган. Ушбу шаҳарда полковник барон Меллер-Закомельский бир муддат илгари 400 кишилик гуруҳ ўша ерда бўлгани, колонна яқинлашаётган чоғда Шаҳрихонга жўнаб кетгани ҳақида хабар топган.

Қорадарёнинг нариги қирғоғига ўтиб, Чўжа қишлоғини ортда қолдиргач, Капа қишлоғи яқинида душманнинг каттагина отлиқ гуруҳи кўзга ташланган. Полковник барон Меллер-Закомельский иккита юзлик ва иккита тўп билан олдинга от чоптириб борган, Капа қишлоғи орқали ўтиб, ёвни қувиб етолмаган. Шу вақтда орқадан отишма овози эшитилган. Полковник барон Меллер-Закомельский энди Норин бўйига отни йўрттириб чопиб келиб, қарийб 800 кишидан иборат тўртта оқ белгили гуруҳ дарёда сув кўпайгани ва муз кўчгани туфайли Нориндан ўтиш қийин бўлгани боис тўхтаб турган араваларнинг охириги қисмини сиқиб келаётганини кўрган. Хорунжий Епанешников взводи тўпларидан отилган ўқлар душманни тарқалиб кетишга мажбур қилган.

Айни шу вақтда сўл томондан Капа боғларидан кичик калибрли қадимий тўпдан ўқ отилган ва қарнай овози эшитилган бўлса-да, жойнинг ўта ўнқир-чўнқирлиги ва ёвнинг олисдалиги туфайли унга ҳужум қилиш беҳуда бўларди. Шу боис полковник барон Меллер-Закомельский ўзига ишониб топширилган колоннани тўғри йўл билан Наманганга бошлаган ва шаҳарга тушдан кейин соат бешда етиб келган. Ёвнинг айрим чавандозлари колонна ортидан бирмунча вақт кузатиб, олис масофадан ўқ отиб боришган. Полковник барон Меллер-Закомельскийга дуч келган гуруҳ Исфандиёр йўлбошчилигида бўлиб, 12-санада Капа қишлоғига Тўрақўрғон тарафдан келган.

15 январь куни Чуст участкаси бошлиғи душманнинг анча катта гуруҳи Сирдарёнинг сўл қирғоғидан, Тўда ва Санг яқинидан Чуст томон йўл олгани ҳақида маълумот етказган. Бу хабарни олиши биланоқ полковник барон Меллер-Закомельский 2-Туркистон линия батальонининг 4-ротаси (араваларда), 1-Оренбург ва 2-Сибирь юзликлари ҳамда от қўшилган тўплар взводи билан Чустга отланган. 16-санада полковник барон Меллер-Закомельский иккита юзлик ва от қўшилган иккита тўп билан Чустдан Тўдага жўнаган, шу билан бирга, битта рота ва битта тўпни майор Скарятин бошчилигида Санг томонга, битта рота ва битта тўпни подполковник Гарновский бошчилигида Намангандан Асакага юборган.

Колонналарнинг битта умумий марказга эга бўлган бундай ҳаракати гуруҳни қуршаб олиши ва уни дарёдан узиб қўйиши керак эди. Аммо колонналарнинг бирортаси ҳам, шу жумладан, 16 январда Попдан Сангга етиб келган Оқжар отрядининг битта рота ва битта тўпдан иборат колоннаси ҳам душманни учратмаган.

17 январь куни кечқурун полковник барон Меллер-Закомельский генерал-майор Скобелев кутаётган ошиғич мактубни олиб, ўша заҳоти Чустдан Наманганга тегишли фармоёшни йўллаган ва 18 январда Туркистон линия батальонининг 4-ротаси, иккала юзлик ва от қўшилган тўплар взводи билан Наманганга етиб келган. 19 январь куни полковник барон Меллер-Закомельский отряд ва карвон билан Намангандан чиқиб, Балиқчи томон йўл олган. Нориннинг иккала ирмоғидан ўтиш бу сафар жуда катта қийинчилик туғдирган. Ўтиш вақтида муз кўчкиси отдан йиқитган казак ва арава билан чуқур жойга сув оқизиб кетган уч ўқчи катта хатарга дуч келишган. Казакни сувга ўзини дадил отган қирғиз қутқарган; ўқчилар эса уларни қутқариш учун шахсан ўзи сувга тушган рота командири, штабс-капитан Калитиннинг куч-ғайрати туфайли қирғоққа олиб чиқилган.



20 январь куни, юқорида айтилганидек, полковник барон Меллер-Закомельскийнинг колоннаси қайтиш йўлида ҳеч қаерда ёвни учратмасдан Андижонга етиб келди. Шу аснода Асака яқинидаги мағлубиятдан сўнг Абдурахмон офтобачи Андижон қирғини туфайли хонликни қамраб олган кайфиятга берилиб, ўзининг бизга қарши уруш қилишга ожизлигини англаб, уни тўхтатиш ҳақида биз билан музокараларга киришди. Бу масала бўйича ёзишмалардан сўнг, 24 январь куни экспедиция отряди бошлиғи билан Абдурахмон офтобачининг учрашуви бўлиб ўтди. Ёзишмаларда Офтобачига Подшо Император олий ҳазратларининг раҳм-шафқатига умид қилиш ҳақида маслаҳат берилган эди.

Шу куни генерал-майор Скобелев бутун кавалерия, отлик ўқчилар ва отлик артиллерия взводи билан Шаҳрихон йўли бўйлаб белгиланган жойга, Андижондан саккиз чақирим масофада жойлашган Иду қишлоғига отланди. Қишлоққа бир чақирим қолганда отряд бошлиғи колоннани тўхтатиб, полковник барон Меллер-Закомельский ва тўрт шахс ҳамроҳлигида 80 қадамча олдинга юрди. Шу куни сараланган 50 казак билан кучайтирилган штабс-капитан Боголюбов бошчилигидаги соқчилар гуруҳи колоннанинг олдинги қисмида бўлиб, заррача ишора билан қиличбозликка киришишга тайёр турарди. Соқчилар гуруҳидан кейин бутун кавалерия жангга киришиши мумкин эди. Шу тарзда отряд қўқонликлар томонидан аҳдга хиёнат қилиниши мумкинлигига, шунингдек, Абдурахмон офтобачини куч билан қўлга олиш заруратига тайёргарлик кўрганди. Кўп ўтмай қишлоқдан Абдурахмон офтобачи ўзига яқин 26 киши билан чиқиб келди. Унинг ҳамроҳлари орасида Ботир тўра ҳам бор эди. Офтобачи отряд бошлиғига яқинлашганда ўзаро саломлашувдан сўнг иккаласи ҳам отдан тушишди; бизнинг соқчилар гуруҳи яқинроқ сурилди ва Офтобачи ҳеч қандай зўравонликсиз амалда асирга айланди. Бир неча оғиз

сўзлашувдан сўнг Офтобачи, унинг барча ҳамроҳлари, шунингдек, қишлоқдаги учрашувда у билан бўлган 400 йигит отряд билан бирга Андижонга йўл олишди. Абдурахмон офтобачида ва унинг яқинларида қуроллар қолдирилди, йигитлар эса ўрдага етиб келиши билан қуролсизлантирилди. Бизга насиб қилган қиличлар отлик ўқчилар дивизиони қурол-аслаҳаларига қўшилди.

Абдурахмон офтобачининг таслим бўлиши беш ойлик кампания давомида хонлик қандай аҳволга олиб келинганини кўрсатиб турарди: у бизга қарши кураша олмаслигини ва буни бутунлай истамаслигини яққол намоён этди. Кўпсонли қипчоқлар контингенти ўз йўлбошчисининг итоаткорлигини ва унинг амрини қабул қилиб, тинч машғулотлар билан машғул бўлиш учун уйларига тарқаб кета бошлади... Абдурахмон офтобачи таслим бўлганидан сўнг Пўлатхон ўзининг қорақирғизлар тўдаси билан ўша заҳоти Марғилонни ташлаб кетиши зарур эди. Хонликнинг ғарбий минтақасида бизнинг ғалабамиздан олинган таассуротлар Кўқонда Насриддиннинг хон деб эътироф этилишида намоён бўлди; бир сўз билан айтганда, биз қандай тартибни кўрсатсак, ўтроқ аҳоли ўшани тан олишга тайёр эди.

Хонликда бизга қарши бўлган Пўлатхоннинг қароқчилар тўдасигина қолганди; аммо у қорақирғизларнинг бутун қабиласини ўз сафида деб ҳисобламасди; бу қабиланинг кўп-кўп понсодлари бизнинг ҳузуримизда бўлиб, Пўлатхонни тинчлантиришга кўмаклашишга тайёрликларини билдиришди. Пўлатхон Абдурахмон офтобачи таслим бўлгани ҳақидаги хабарни олгач, бир қатор ёвузликларни амалга оширди: ўз қўлида тутқунликда бўлган саккиз рус кишисини, Офтобачининг уч укасини ва унинг келинини сўйди, сўнгра ўз яқинлари ва унга содиқ қолган охириги қўшин билан Учқўрғонга, Қоратегин томонга қочди. Пўлатхоннинг тўдаси бирон-бир жиддий ҳарбий аҳамиятга эга эмас эди. Шундай қилиб, хонликда



бизга қарши чиқадиган душман куч энди йўқ эди.

Шунга қарамай, бутун хонлик жуда ноаниқ ҳолатда бўлиб, зудлик билан тартибга солишни талаб этарди. Ҳар куни шаҳарлар ва олиси қишлоқлардан итоаткорликни изҳор этиш учун вакиллар келиб турарди; бутун хонлик учун умумий бўлган ҳокимият йўқ эди; Ўрта Осиё шаҳарларининг ўз-ўзини бошқаришга мутлақо қодирлигига қарамай, бундай тартиб ортиқ давом этиши мумкин эмасди; у осонгина анархияга айланиб кетиши мумкин эди. Хонлик ўз вакиллари қиёфасида ўз тақдирининг тартибга солинишини сўраётганди. Ўша вақтда Қўқонда ўрнатилишга яқин турган Насриддин ҳокимияти хонликнинг шарқий минтақасида бизнинг кўмагимизсиз барпо этилиши даргумон эди; ҳар ҳолда, унинг ҳукумати тартиб ўрнатилишини ҳам, бизнинг манфаатларимизни ҳам таъминлай олмасди.

Шундай вазиятда ва бундан кейинги йўриқномаларни кутиб экспедиция отряди бошлиғи отлик ўқчиларнинг битта ярим ротаси ва Еттисув юзлиги ҳамроҳлигида телеграф орқали бериладиган буйруқни олиш учун Хўжандга яқинроқ бўлиш ниятида 26 январь куни Андижондан Наманганга етиб келди.

Генерал-майор Скобелев Андижондан жўнаб кета туриб отрядга раҳбарликни полковник барон Меллер-Закомельскийга топширди. У қолдирган йўриқномада Пўлатхоннинг ҳаракатлари ҳақида ижобий хабарлар олинган тақдирда авангардни Асакага юбориш тақлиф этилганди.

Полковник барон Меллер-Закомельский ўша 26 январь куниниёқ Пўлатхон Марғилонда артиллериянинг катта қисмини қолдириб кетгани ҳақида маълумот олиб, уни Марғилонга бормаи туриб ҳам қўлга киритишга умид қилиб 27 январь куни тонгда 2-Туркистон линия батальонининг 4-ротасидан, 1-Туркистон ўқчи батальонининг 4-ротасидан (иккала рота капитан Ионов қўмондонлиги остида), 2-отлик

ўқчилар ярим ротаси, 1-, 2- ва 5-Сибирь юзликлари, 2-Еттисув ярим юзлиги, ракета батареясининг 6 та станогии ва отлик батарея дивизиони (2 та рота, отликлар ярим ротаси, 6½ юзлик, 4 та тўп, 6 та ракета станогии)дан иборат таркибдаги отрядни флигель-адъютант ротмистр барон Меллер-Закомельский бошчилигида Асакага йўллади.

Бу отряд икки эшелонда – биринчисида бутун кавалерия, ракета батареяси ва артиллерия, иккинчисида пиёдалар Асака томон ҳаракатланди. У ердан отряд бошлиғининг буйруғига кўра ясовул Байтоков отряд таркибида келётган жами 150 йигитни Марғилонга Пўлатхоннинг артиллерияси, қуроллари ва мулкни топшириш талаби билан юборди. Улар билан шаҳарнинг нуфузли кишиларига йўлланган хатда бизнинг талабимиз бажарилмаган тақдирда отряд Марғилон томонга ҳаракатланиши айтилиб таҳдид қилинган эди. Бу таҳдидни мустаҳкамлаш ва тасдиқлаш мақсадида барон Меллер-Закомельский ўзига топширилган отряднинг кавалерияси ва артиллерияси билан Асакадан Марғилон йўлига чиқди. Пиёдалар эшелони Асакада қолиш ҳақида буйруқ олиб, ўрдага жойлашди.

Ниёзботир қишлоғидан ўтилгач (Асакадан 10 чақирим масофада), отряднинг мақсади ва ҳаракат йўналишини ўзгартириб юборган муҳим хабар олинди. Отрядга келган марғилонлик икки киши Пўлатхон 5 минг отлик, 700 сарбоз, 5 тўп ва ўзининг бутун мулки билан Учқўрғон томонга жўнаб кетгани, ўша ерда тунаш учун жойлашгани ҳақида хабар келтиришди. Сўраб тўпланган маълумотларга кўра, хабар олинган жойдан Учқўрғонгача бўлган масофа яхши арава йўли бўйлаб 40 – 50 чақирим келарди. Флигель-адъютант ротмистр барон Меллер-Закомельский Пўлатхонга шу кечанинги ўзида беҳосдан ҳужум уюштириш ҳақида қарор қабул қилди.

Кавалериянинг ажойиб кайфияти ҳамда давомли ҳарбий ҳаракатлар туфайли унда ва



отлиқ артиллерияда шаклланган ўта ҳаракатчанлик жанг олдидан бундай қаттиқ ҳаракат қилиш учун тўла асос берарди. Бу жангнинг натижалари ўта аҳамиятли бўлиши мумкин эди.

Ротмистр барон Меллер-Закомельский отрядни отларни гоҳ йўрғалатган, гоҳ бошқача чоптирган ҳолда бошлаб борди; йўл бўйидаги жойлар взвод бўйича, баъзи жойларда ҳар сафда эллик кишидан бўлиб ҳаракатланишга имкон берарди. Ҳаракат давомида тартибга қатъий амал қилинди. Асакадан 25 чақирим юрилгач, йўл унча тик бўлмаган, аммо узун ўр бўйлаб борди ва артиллерия юриши қийин бўлиб қолди.

Барон Меллер-Закомельский режалаштирилаётган бехосдан қилинадиган ҳужумнинг муваффақияти учун вақтдан ютиш ҳамма нарсадан муҳимлигини назарда тутиб отлиқ ўқчилар, 1- ва 2-Оренбург, 2-Сибирь юзликлари, Еттисув ярим юзлиги ва ракета батареяси (отлиқлар ярим ротаси, 3½ юзлик ва 6 та ракета станогини) билан олдинга интилди; артиллерия эса қолган учта юзлик бўлинма ҳимоясида, қўшин старшинаси Герасимов бошчилигида авангард ортидан имкон қадар тез етиб бориши керак эди.

Ниёзботирдан кейин 25 чақирим масофада йўл яқинида бирорта ҳам тураржой учрамади. Кейинроқ йўлнинг икки тарафида қўрғончалар кўзга ташлана бошлади. Отряд қоронғи тушганидан фойдаланиб улар ёнидан имкон қадар шовқинсиз ўтишга интилди ва уни пайқашмади. Асакадан 40 чақиримча йўл юрилгач, отрядга 20 дақиқа тўхтаб дам олишга ижозат берилди. Шундан кейин отларни эҳтиётлаш мақсадида 3 чақиримча масофа яёв босиб ўтилди. Танаффус вақтида Ниёзботирдан олдинга юборилган айғоқчи Пўлатхон ўзининг тўдаси ва артиллерияси билан ҳақиқатан Учқўрғонда жойлашгани, бизнинг яқинлашаётганимиздан беҳабарлиги ҳақидаги маълумот билан қайтди. Сусткашлик қилиш

мумкин эмасди, отряд бундан буён тўхтамасдан йўл юриб борди. Авангард ва қўшин старшинаси Герасимовнинг эшелони ўртасида алоқа боғлаб турган йигитлар артиллерия яқин жойдалиги ҳамда тўхтамасдан йўл босаётгани ҳақида хабар келтиришди.

Авангард бошида бораётган юзлик бўлинма (ясовул Меляниннинг 1-Оренбург юзлиги) Учқўрғонга етиб боргач, жойнинг қулайлигидан фойдаланиб ёнма-ён тизилди ва шу вақтда Учқўрғондан 2 чақиримча олдинда, унинг шимол тарафида 300 нафар отлиқлар гуруҳи кўзга ташланди. Шунда 1-Оренбург юзлиги гуруҳни қишлоқдан кесиб қўядиган қилиб йўналтирилди. Бунинг уддасидан чиқилди; гуруҳ юзлик бўлинма яқинлаша бошлаганда тезда Марғилон томонга чекинди, юзлик эса яна йўлга чиқиб, колоннанинг олдинги қисмини эгаллади.

Бир неча юз ҳовлилардан иборат Учқўрғон қишлоғи Учқўрғонсой тоғ ирмоғининг чуқур жарлигида жойлашган. Қишлоқ шимолдан жанубга иморатларнинг ингичка қатори бўйлаб икки чақирим масофага чўзилган; унинг охиридаги теварак-атроф яққол кўриниб турадиган тепаликда мустаҳкамланган ўрда бўлиб, мишмишларга кўра, Пўлатхон ўша ерда эди.

Жой Учқўрғонга ҳеч кимга билдирмасдан яқинлашишга имкон берди. Мўъжазгина Кичкина қишлоқдан бошланган йўл кичик дарё (сой)нинг тик қиялигига бориб тақаларди, қишлоқ шу сой бўйида жойлашганди. Отряд шу куни 90 чақиримга яқин йўл босган бўлса-да, бироқ флигель-адъютант Меллер-Закомельский бехосдан қилинадиган ҳужумнинг барча афзалликларидан фойдаланиш ниятида ёвга қарши зудлик билан ҳужумга ўтишга қарор қилди.

Қишлоққа ҳужумга ўтиш учун қўйидаги фармойишлар берилди: 1) прапоршик Курцевнинг отлиқ ўқчилар ярим ротаси, ясовул Десятовнинг 1-Сибирь юзлиги отдан тушиб, яёв ҳо-



лида бош штабга бириктирилган капитан Куропаткин бошчилигидаги ҳужумчи колоннани ташкил этишди, бу колонна қишлоқ ва ўрдани қўлга киритиши керак эди; 2) ясовул Меляниннинг 1-Оренбург юзлиги ва ясовул Мариуцанинг Еттисув юзлиги сўл тарафга, душманни айланиб ўтиб, у чекинадиган Қоратегинга олиб борадиган, юklar ташиладиган йўлга юборилди; 3) 2-Оренбург юзлиги, ракета батареяси ва отдан тушиб, яёв ҳолига келган қисмларнинг отларига қараб турувчи аскарлар шахсан флигель-адъютант Меллер-Закомельский бошчилигида Кичкина қишлоқдан олиб келган йўлдаги позицияда қолишди. Бу ердан Марғилон йўли тарафга ҳам, шунингдек, ёв чекинадиган асосий йўл – Қоратегин арава йўли тарафга ҳам ҳаракатланиш мумкин эди.

Кечки соат 10 да ҳужумчи колонна – олдинда ўқчилар ярим ротаси, унинг ортидан 1-Сибирь юзлиги – жарликдан пастга тушиб, ўрда томон илдам ҳаракатланди. Ўрдагача 1½ чақиримча масофани босиб ўтиш керак эди. Жимжитлик чўккан қишлоқда турли томонларга от чоптириб бораётган отлиқлар кўзга ташланарди; капитан Куропаткиннинг буйруғига кўра колонна якка-ёлғиз отлиқларга қарата ўқ отмасдан, у ер-бу ерда уйлардан ва деворлар ортидан отилиб қолаётган ўқларга жавоб қайтармасдан, тўла жимжитликда ҳаракатланарди.

Аммо кўп ўтмай қоронғилик туфайли кўчанинг бурилиш жойларида ҳужумчи колоннага отлиқ ва пиёда душманнинг қалин тўдалари дуч кела бошлади. Бир неча қадам масофадан барча қуроллардан бараварига отилаётган ўқлар душманни улоқтириб ташлар, унинг ўрнида бир тўда жасадлар қоларди. Айримлар колонна орасидан ёриб ўтишга уриниб кўришди, аммо улар милтиқ найзаларига дуч келиб қулашди. Ёвнинг катта гуруҳи сой бўйлаб ёриб ўтиш мақсадида икки марта ташланди, лекин ўқчиларимиз отган ўқлар билан у улоқтириб ташланди.

Аммо тез орада душманнинг анча катта қисми беҳосдан қилинган ҳужумдан ўзини ўнглаб олиб, бир қисми ўрдани ҳимоя қилишга, бошқа қисми сойнинг қарама-қарши қирғоғига ташланди, ўша қирғоқдан ҳужумчи колоннага қарата кучли ўқ отишди; аммо бу ўқлар бутунлай қоронғиликда отилгани учун ўта бесамар эди. Учқўрғон ўрдаси сойнинг қарама-қарши соҳилида, шу ерда ёй ясайдиган сойга тик жарлик билан тушадиган катта баландликда жойлашган. Баландликнинг остига узун кўприк олиб боради, кейин йўл спиралсимон буралиб кўтарилади.

Ўрда иккита алоҳида-алоҳида қисмдан иборат эди: биринчисида хон, унинг аъёнлари ва мулки; иккинчисида бешта тўпдан иборат батарея ва сарбозлар саройи жойлашганди. Батарея тўртбурчак майдончада жойлашган бўлиб, бутун қишлоқ устидан ҳукмронлик қиларди. Унинг бир юзаси сарбозлар саройига туташган, икки юзаси бўйлаб тўплар жойлаштирилган, тўртинчи юзаси эса аравалар билан тўсилганди.

Колонна қаршилиқ кўрсатаётганларни улоқтириб ва найзалар санчиб қочаётган ёв ортидан кўприкдан ўтди ҳамда ўрда дарвозаларига бостириб кирди. Ўрданинг биринчи қисмидаги саросимали қўрқув чангалида қолган ҳимоячилар жиддий қаршилиқ қилишолмади. Қочишга улгурмаганларнинг ҳаммаси чавақланди.

Капитан Куропаткин ўрданинг ушбу саройида прапоршик Кудрявцев бошчилигидаги отлиқ ўқчиларни қолдириб ўзи бир нечта ўқчилар ва Десятонинг Сибирь юзлиги казаклари билан ўрданинг иккинчи саройига бостириб кирди, ғов устидан биринчи бўлиб ошиб ўтиб, батарея томон интилди. Батарея ҳимоячилари қаттиқ олишувдан сўнг ўз тўплари олдида чавақлаб ташланди.

Ҳужумчи колонна қишлоққа тушгандан кейин ўн дақиқа ўтгач орқадан келаётган қўшин старшинаси Герасимов бошчилигидаги эше-



лон етиб келди. Артиллерия Учқўрғондан Марғилонга олиб борадиган йўлни ўққа тутиш учун қишлоқ устидаги жарлик тепасидан позиция эгаллади. 2-Оренбург ва 2-Сибирь юзликлари флигель-адъютант барон Меллер-Закомельский буйруғига мувофиқ ҳужумчи колоннани қўллаб-қувватлаши керак эди, 5-Оренбург ва 5-Сибирь юзликлари ўнг флангда қамарсимон шаклда жойлаштирилди. Тез орада қишлоқдан ёвнинг катта тўдалари Марғилонга олиб борадиган йўлда турнақатор бўлиб ҳаракатлана бошлади.

Уларга қарата яқин масофадан отилган ўқлар ёвни ортга чекинишга мажбур этди; шундан сўнг 5-Оренбург ва 5-Сибирь юзликлари душманга ҳужум қилишиб, уларнинг мағлубиятини ниҳоясига етказишди. Шу вақтда душман Қоратегин арава йўлига ёриб ўтишга уриниб кўрди, аммо унга ҳужум уюштирилди ҳамда ясовул Меляниннинг 1-Оренбург юзлиги ва ясовул Мариуцанинг Еттисув ярим юзлиги томонидан кўпчилиги чавақланди.

Ротмистр барон Меллер-Закомельский қоронғида ва отлар ўта ҳориган бир вазиятда кичик гуруҳларга бўлиниб кетган ёвни таъқиб қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, жангни тўхтатди ва отряднинг барча қисмларини қишлоқ орқали ўрдага олиб ўтди. Бутун отряд тунаш учун ўрдага жойлашди.

5 та мис тўп, 100 та кичик калибрли қадимий тўп, Пўлатхон ва унинг ноиб Абдулмўминнинг туғлари, кўп миқдорда турли-туман қурооллар, порох ва снарядлар, 20 та ноғора, 4 та карнай, 189 бош туя билан Пўлатхоннинг бутун мулки ушбу шарафли ишнинг ўлжалари эди.

Душманнинг талафоти жуда катта эди: унинг ўрдани ҳимоя қилаётган пиёда аскарларининг деярли барчаси ҳалок бўлди; кавалериясининг бир қисми йўл қилинди, бошқа қисми тўзитиб юборилди. Пўлатхон ўнта одами билан аранг қочиб улгурди.

Бехосдан ҳужум қилингани, қоронғилик ва ҳаракатлар тез амалга оширилгани туфайли

бизнинг талафотимиз 4 аскар ва 2 йигит яраланиши, 5 аскар контузия бўлиши билан чекланди.

Кейинги куни, 28 январда флигель-адъютант ротмистр барон Меллер-Закомельскийнинг отряди яқинда қўлга киритилган ҳамма нарсаларни ўзи билан олган ҳолда эрталаб соат 10 да Учқўрғондан йўлга чиқиб, кечкурун соат 11 да Асакага етиб келди. Бу ерда уни капитан Ионовнинг иккита ротаси кутиб турарди.

29 январь куни эрталаб Марғилондан 15 та тўп ва битта мортир (қисқа стволли тўп) етказиб келинди. Марғилон аҳолисига жуда тез етиб борган Учқўрғон иши ҳақидаги хабар уларни артиллерияни топширишга ундаган эди. Полковник барон Меллер-Закомельскийдан олинган буйруққа мувофиқ ротмистр Меллер-Закомельскийнинг отряди ўша 29 январь куниёқ Андижонга қайтиб келди.

Қўқон хонлигида олиб борилган беш ойлик ҳарбий ҳаракатлар шу билан якунланди.

5 февраль куни Олий ҳазратлари мулозими генерал-майор Скобелев Намангандан генерал-адъютант фон Кауфмандан Олий ҳазратларининг Қўқон хонлигини қўшиб олиш ва унинг ўрнида Фарғона областини ташкил этиш тўғрисидаги амру фармони баён этилган телеграмма олди.

Бунинг натижасида ҳаракатдаги отряд қўшинларининг бир қисми Қўқон томон йўлга чиқиши бўйича фармойишлар берилди. Чунки қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида Қўқонни зудлик билан ҳамда тез эгаллаш хон ва Қўқон аҳолиси қарши зарба беришга тайёрланаётгани ҳақида (5 февралда олинган) хабарлар тасдиқлангани сабабли заруратга айланган эди.

Ҳақиқатан ҳам Қўқондек аҳолиси кўп, бунинг устига, бирор марта ҳам бизнинг қуролимиз кучини татиб кўрмаган шаҳарда кўпчилик аҳолининг тинчликсевар кайфиятда эканлигига қарамай, албатта, бизга қарши уруш қилишни хоҳлаётган анча кучли гуруҳ ҳам мавжуд



эди. Насриддин уни тезда ўз атрофига тўплади. Шаҳарда пул ва воситаларнинг сероблиги, ҳарбий хизматчиларнинг кўплиги Насриддинда ва уруш тарафдори бўлган гуруҳда бизга ҳал қилувчи зарба бериш мумкинлигига умид уйғотарди. 4 февралдаёқ курашга тайёргарлик авжига чиқди. Сарбозлар шаклантирилди (улардан 3 минг нафар тўпланди), артиллерия ҳаракатланадиган ҳолатга келтирилди, девор олдидаги, бизни кутишаётган тарафдаги эспланада тозаланди ва ҳ.к. Хонликнинг Шаҳрихон, Марғилон каби шаҳарларига эмиссарлар йўлланиб, улар хон номидан халқни ғазовотга чорлашди.

Мана шу маълумотларга асосланиб 5 февраль куни қўшинларнинг Намангандан, Чуст, Оқжар ва Андижондан Қўқонга тез ҳаракат қилиши бўйича фармойишлар берилди. Экспедиция отряди бошлиғи 5 февраль куни эрталаб соат ўнда 3-Туркистон ўқчи батальонининг 3- ва 4-роталари, отлик ўқчилар ярим ротаси, ясовул Седякиннинг Оренбург юзлиги (3-полкнинг иккинчи юзлиги), 1-Еттисув юзлиги, ракета батареяси взводи ва 3-кўчма артиллерия взводи (бу взвод поручик Шоболов бошчилигида 5 февралдан 6 февралга ўтар кечаси Чустдан йўлга чиқиб, отрядга Гултепа яқинида қўшилди) – 2 та рота, отликлар ярим ротаси, 2 та юзлик, 2 та тўп, 2 та станок – билан отланиб, йўлда тўхтамасдан, қисқагина танаффуслар билан ҳаракатланди. Отряд (Қўқондан 4 чақирим масофада жойлашган) Янгимулла қишлоғига 7 февраль куни соат эрталаб соат 11 да етиб келди, шу тарзда суткасига 80 чақиримдан йўл босди.

Генерал-майор Скобелев ҳали йўлдалигидаёқ Бобойди қишлоғидан Қўқонга хон ҳузурига одам жўнатди. Хон рус қўшинлари Қўқон яқинида эканлиги ҳақидаги хабарни олиб, жуда эсанкираб қолди, лекин, ҳар ҳолда, Янгимулла қишлоғида отрядимизга пешвоз чиқди; шундай қилиб, Насриддинхон энди ўз хоҳлаганича ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум

бўлди, бизга душман бўлган ташкилот бу билан кучли зарбага учради.

Генерал-майор Скобелев ўша заҳотиёқ ўрда ни эгаллади, шайхулисом, қозикалон ва уруш тарафдори бўлган бошқа шахсларни ҳибсга олди, шунингдек, шаҳарда мавжуд бўлган 73 та тўпдан иборат бутун артиллерияни забт этди.

Кечга яқин Андижондан кавалерия етиб келди. Полковник барон Меллер-Закомельский 6 февраль куни тушдан кейин соат бирда кавалерия (1½ отлик ўқчилар ротаси, 1- ва 2-Оренбург, 1- ва 2-Сибирь юзликлари, 6 та станок) билан йўлга чиқиб, 7 февраль куни кечки соат 6 да етиб келди.

Қўшимча кучларнинг етиб келиши Қўқон ишғолини мустаҳкамлади, чунки халқ орасида юрган ғулғулаларни инобатга олганда бунга қадар уни етарли деб ҳисоблаш мумкин эмас эди.

7-Туркистон линия батальони командири подполковник Ефремов қўмондонлиги остидаги Оқжар отряди 7-линия батальонининг иккита ротаси, ясовул Хлебниковнинг Оренбург юзлиги, 1-Туркистон артиллерия бригадаси 2-батареясининг взводи (2 та рота, 1 юзлик, 2 та тўп)дан иборат таркибда 7 февралда Оқжардан чиқиб, 8 февралда Қўқон яқинига етиб келди.

Полковник Пичугиннинг колоннаси Андижондан кавалерия ортидан 2-Туркистон линия батальонининг ўқчилар ротасидан, 2-Туркистон ўқчи батальонининг 2- ва 3-роталари, 3-Туркистон ўқчи батальонининг 1- ва 2-роталари, ясовул Мариуцанинг Еттисув ярим юзлиги (5 та рота, ½ юзлик)дан иборат таркибда йўлга отланиб, Қўқонга 9-санада кундузи соат 11 да келди.

Қўқонни учинчи куни эгаллаб турган отряд шу тарзда кучайтирилганидан кейингина энди шаҳардаги осойишталик бузилмайди деб умид қилиш мумкин эди.

Шундай қилиб, олти ҳафталик қишки сафар янги қон тўкилишининг олдини олган мардонавор юришлар билан якунланди.



Генерал-лейтенант Колпаковскийнинг 15 февралда тантанавор кириб келиши собиқ Қўқон хонлигининг Россия империясига тўла-тўқис абадулабад қўшиб олинишига доир Олий ҳокимият иродаси адо этилганлигининг яқунловчи акти бўлди.

Қишки экспедиция тавсифининг охирида отряднинг сафар давомидаги санитар ҳолати ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Йилнинг ноқулай мавсуми қўшинлар кўпинча кучли зўриқиш билан ҳаракат қилган пайтларда отрядда касалланиш даражасининг ўсиши хавфини туғдирарди. Экспедициянинг энг бошланғич палласида ич терлама билан касалланишнинг тўрт ҳолати гўё юқорида баён этилган хавотирни тасдиқлаган ҳодиса бўлди. Аммо булар якка-ёлғиз учраган ҳолатлар эди; касалликнинг куртаклари Намангандан олиб

чиқилгани, кейин отрядда яшай олмагани ҳақида хулосага келиш мумкин.

Сафар давомида тиббий бўлинмаларда беморлар деярли бўлмади. 18 даражагача борган совуқларга ва талай бўронларга (айниқса, 26 декабрдан 3 январгача бўлган муддатда) қарамай, бирор марта ҳам аъзоларни совуққа олдириш ҳолати учрамади. Казакда куйдирги касаллигининг пайдо бўлиши биргина ҳолат эди (у ҳам тузалиш билан яқунланди). Бу ҳолат аравага қўшиладиган маҳаллий ва бошқа отларни отряд отларидан қатъий ажратиш чораларини кўришга ундади. Шу тарзда йилнинг мавсумига мос ўтовлар, отряднинг иссиқ кийимлар билан таъминлангани, бевосита бошлиқларнинг доимий назорати остида кўп миқдорда гўштли таомлар тайёрлаб берилгани отряднинг санитария ҳолатига яхши таъсир қилди.

Мазкур ҳужжатлар юқорида номлари келтирилган Андижон тарихига оид иккита ҳужжат ва материаллар китоби асосида М.Худоёров томонидан тайёрланган.



«ДАРХОН» ГАЗЕТАСИ: СОВЕТЛАРНИНГ «БОСМАЧИЛИК»КА ҚАРШИ «ТИНЧЛИК» ЙЎЛИДАГИ КУРАШИ

Р.Шамсутдинов, Ш.Қаҳҳоров

Шўроларнинг тинчига рахна солиб турган ва ўтган аср 20-йилларида босмачилик ҳаракатининг қайноқ минтақасига айланган Фарғона музофотида мустамлакачи унсурлар томонидан олиб борилган кампанияларни оммавий-публицистик усул билан ва тарғибот-ташвиқот мақсадида ёритиб турган, таҳрир ҳайъатида шоир Чўлпон ҳам бўлган «Дархон» газетасининг навбатдаги сонларига тўхталамиз.¹ «Дархон»нинг 6- ва 7-сонларида ҳам бош мавзу 1923 йил ёз ойларида советларнинг инқилоб-ҳарб қўмитаси Фарғона водийсида олиб борган кенг кўламдаги ҳарбий, сиёсий, мафкуравий ва тарғибот-ташвиқот ишларини ёритиш бўлган. Хабарларни ўқир эканмиз, босмачилик ҳаракати ушбу вақтга келиб ўзининг мазмуний поёнига етиб келганини кўраемиз. Бир пайтлар мингларча жангчи йигитлари бўлган Аҳмад полвон, Қозоқбой, Юсуфжон Маҳдум каби катта кўрбошиларнинг ҳам атиги бир неча ўн киши билан қолгани, қамишзор-тўқайлар орасида ёввойи ҳайвонлардек гангиб юргани ва дами бўғозига келгани айтилади. Бундан ташқари, Андижон атрофида фаолият юритган Мирзо тоға, Умарали, Ҳамдам полвон, Қорабой, Чўмбой, Рустам, Ниёз кўрбошилар ҳақида, уларнинг ҳам йигитларидан айрилиб, ҳукуматдан қочиб-беркиниб

юрганлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жумладан, «Дархон»нинг 7-сонидан Мирзо тоға исми кўрбоши ва унинг қўлга олиниши, ишда Суннатилла Хўжаев деган кимса «жонбозлик» кўрсатгани учун особий отдел томонидан от билан тақдирлангани ҳақида алоҳида мақолада ўқиймиз. Умуман, «Дархон» газетасини Андижон шаҳар ва уезд инқилоб-ҳарб шўроси ҳамда инқилоб қўмитасининг фикр тарқатувчиси эканини ҳисобга олсак, ундаги мақола ва материалларнинг мазмун-моҳияти газетхонлар наздида «шафқатсиз душман» ва «муруватпеша дўстлар» қиёфасини шакллантиришга қаратилганига гувоҳ бўламиз. Маҳаллий амалдорларнинг кирдикорларини фош этган мақолалардан бири газетанинг 6-сонидан Асаканинг Оқбўйра қишлоғидан бўлган ва унинг ишларини фактлар билан ёритган «лой сувда балиқ тутушқа ўрганган, порахўр, юртни эзгучи, ярмас» бир амин ва имом бўлган шахс ҳақидаги материалдир. Бундан ташқари, айна саҳифада вазият қил устида турган вақтда советларнинг ўз кадрларини ҳам аёвсиз жазолаганини кўраемиз: Туркистон марказ қидирув бўлимининг бошлиқ муовинлари бўлган Самсон ва Соколовскийлар «бир неча хиёнат қилишда» айбланиб қамоққа олингани келтирилган. Газетанинг 7-сонидан «Бемаза бошлук» сарлавҳали мақолада Асака «мелиса» бошлиғи бўлган Ниёзов деган кимса сиёсий жиҳатдан қаттиқ танқид

¹ «Дархон» газетасининг олдинги сонлари билан танишиш учун «Водийнома» журналининг 2021 йил №4(23), 2022 йил №2(25), 2022 йил №3(26) сонларига қаранг.



остига олинган. Бу каби бошбошдоқликларга советларнинг позицияси газетанинг 7-сон 4-бетида қўйидагича келтирилган: «Дуруст, бизнинг орамизда, хоҳ осўбий отдел одамларидан бўлсун ва хоҳ бошқа маҳкама одамларидан бўлсун, бузуқ кишилар, шубҳасиз, бор. Улар босмачилик билан кураш ва бошқа фойдалиқ ишлар тўғрисида кўрган чораларимизга халал бериб келганлар. Ҳукумат бундай муттаҳамларга қарши қаттиғ кураш эълон қилган».

Газетанинг 7-сонидagi «Жазо маҳкамаларида» сарлавҳали мақола ҳам ўқувчилар эътиборини тортади. Унда инқилоб-ҳарб жазо маҳкамаларининг, яъни ҳарбий трибуналларнинг қўлга олинган ҳамда бевосита босмачилик фаолиятини олиб борган ёхуд уларга ёрдам берган шахслар устидан чиқарилган ҳукмлари баён этилади.

«Дархон»нинг мазкур сонларида маориф, таълим, санъат ва хориж хабарларига оид материаллар ҳам берилган. Шунингдек, ушбу сонларда газета мухбирлари тайёрлаётган материалларга қўйилган таҳририятнинг қаттиқ талаблари билан танишамиз. Масалан:

1. «Хаста»га: (мухбирнинг тахаллуси) «Дард қўзғалди»ни боса олмаймиз. Фалсафага кўпрак берилгансиз. Мундан сўнг қисқа-қисқа, жонли нарсалар ёзиб турушингизни сўраймиз. 2. Жингқарчага: Шеърингизни «Дархон»да боса олмаймиз. Бошқа газеталарга юбориб қаранг. 3. Ўртоқ Тостонбекифга: Икки мақолангизни боса олмадиқ, негаким янги гап йўқ. Мундан сўнг воқеа (факт)ларнинг ўзини калта-калта қилиб ёзиб турушингизни ўтинамиз.

Бизнингча, «Бошқармадан» қўйилган мазкур мезонлар газета ва матбуотчилик фаолиятининг нозик қирраларини яхши билган Абдулҳамид Чўлпоннинг талаб ва ўлчовлари бўлганлиги кундек равшан. Шунингдек, имзосига қараганда 6-сондаги «Қизил чойхоналар тўғрисида» (имзоси – Қ.А.) ва 7-сондаги «Арслонбоб йўлида» (имзоси – Қ.) сарлавҳали мақолалар шоир Чўлпон қаламига мансуб.

«Таълим-тарбия курсларида» номли мақолада эса (муаллифи «Ўқуғучи») ўзбек тилининг мустақиллиги, тараққийси учун ушбу давр маорифчиларининг қанчалик қайғурганларидан воқиф бўламиз: «Тилга мутасадди бўлган Зиё ўртоқ педагогика, метўдикаларни яхши олиб борса ҳам, локин ўзбек сарф-наҳвини татарча олиб борди десак янглишмаган бўлурмиз».

Хулоса қиладиган бўлсак, биз «Дархон» газетаси материалларида даврнинг ижтимоий-сиёсий воқелиги қанчалик объектив тарзда ўз ифодасини топганини баҳолашни мақсад қилиб олмадик. Билъакс, араб графикасига асосланган эски ўзбек ёзувидан беҳабар журналистларни бирламчи манба билан таништириш ниятидамиз. Бундан ташқари, газетанинг ношири ким бўлгани ва унинг мақсади ҳамда газета таҳририятида меҳнат қилган Чўлпон бошлиқ бир қатор маҳаллий мухбирлар жамоаси бўлганига ишора қилдик. Буларнинг бари ўқувчида нисбий бир тасаввур ҳосил бўлсин учун, албатта. «Дархон»даги материалларнинг объективлиги хусусида эса уларни ўша даврнинг бошқа нашрлари ва архив манбалари билан қиёсий текширган ҳолда тарихни ўрганувчи манбашунос ва архившуносларнинг келгуси тадқиқотлари бир хулосага келиши керак бўлади.

ДАРХОН газетаси, 1923 йил 11 июль 6-сон

(3-бет)

БОСМАЧИЛИҚ БИЛАН КУРАШ

(Ўз мухбирларимиздан)

Ўлар вақтда...

2 нчи июлда кундуз соат 3 да Қипчоқ деган қишлоққа машҳур Аҳмад полвон ҳамма йигитларини тўплаган. Барча хотун, бола-чақаларини, қавм-қариндошларини ҳам йиғиб олган.



Йиғинғанларға қараб Аҳмат полвон шу сўзларни айткан:

– Бошимизга шундай ишлар тушуб қолди. Яқинроқ келинлар. Яхши-ёмон гапирган бўлсам, кечиринглар. Мен қанчаларингизни урдим, сўқдим; бир қанчаларингизни ўлдирдим, кесдим, рози бўлунглар!

Кейин йигитларига қараб:

– Йигитлар, энди тўрт кунлик умримиз борми, йўқми. Энди ишнинг мазаси йўқ, бурунги умидларимиз барҳам еди, яхши кунларимиз ўтди, энди келмайтурғанға ўхшайдир... – деган.

Ўзига эргашиб юрганлар билан қучоқлашиб кўрушуб, қишлоқни бирмунча вақт ўлик чиққан ҳавлидек қилған. Йиғи-сиғи тугагандан сўнг йигитларга қараб:

– Полвонлар, энди сизларга жавоб! – деган.

Шундан сўнг йигитлардан 15 таси жавоб олиб кетганлар; ажралиб кетмаганлар эса 15 – 16 киши бўлган.

Шундай қилиб, бир вақтлар минглаб йигитга эга бўлган кучлик Аҳмат полвон 20 та ҳам келмайтурған йигитлари билан бирга ҳар қадамда ўлумини кутуб юрубдур ...

Чапан.

Тинчлик йўлида

7 нчи июлда Бўстон деган қишлоқда (Чўмбой) деган қўрбошининг йигитларидан бири битта отини талаға қўйиб юборған экан. Буни Оқбўйра амини Оқбўйрадаги гарнизўнга билдирди. Гарнизўндан дарров амин ва элликбошилар билан бирга бир неча киши юборилди. Бу кеткан ўртоқлар таладан ҳалиги отни тутуб олиб, Оқбўйрага қайтиб келдилар. Улар Оқбўйрага қайтқандан кейин ҳалиги (Чўмбой) қўрбошининг йигитларидан Ҳакимбой деган бир йигит келиб, бир дона 6 отар, 20 дона ўқ ва 1 от билан таслим бўлди.

Чапан.

Қува тарафда

29 июнь кундуз куни Умарали шалпанг деган қўрбоши билан Ҳамдам понсотлар 21 кишича бўлушуб Ўрабоши деган қишлоқда турған вақтларида бизнинг қизил қўшун билан қизил мелиса фирқалари босуб қолғанлар. Икки орада бир оз отиш бўлуб, натижада босмачилар қочиб кетканлар. Умарали қўрбошининг яқин маҳрами¹ бўлған Араббой деган йигит ўлдирилган, бир неча босмачи йигитлари ярадор бўлған, 1 та бешотар милтиқ, 75 та ўқ қўлга тушкан.

– Қува теварагида Сўфилар қишлоғи билан Тожик қишлоқ орасида қизил қўшун билан мелиса фирқаларига Аҳмат полвон, Қорабой, Умарали ва Ҳамдам полвон деган қўрбошилар 80 ча йигитлари билан йўлуқуб қолғанлар. Орада бир соатча отиш бўлуб, биздан бир киши ўлган; босмачилардан бир неча киши ярадор бўлған, улар қочқанлар.

Хабарчи.

Мирзообод

Мирзообод деган қишлоқда бир қўрбоши бор. Исми Муҳаммаджон. Ёнида икки йигити бор эди. Уларнинг биттаси бой Тожик қишлоғидаги гарнизўнга келиб яроғларини топшурди, ўзи эркин фуқаро бўлуб ишига кетди.

Муҳаммаджон қўрбоши бир йигити билан иккигина киши қолған. Қишлоқ одамлари: «Ярашқил», – деб ёниға борса, «Мени яраш дейдирғанлар кафан ёпиниб келсунлар», – дейдир. Қўшундан, эл-халқдан қочиб кечакундуз қамишлар орасида пашага ем бўлуб юрадир.

Чапан.

Тинчланған ерларда

Ҳозирғача ишламай келган Сағаза бўлуסי ҳозирғи вақтда ишламакга бошлади.

¹ Яқин, ишончли, сирдош одам маъносида.



Асака райўнининг баъзи жойларида очлар учун тўйғазиш маҳаллари (пунктлари) очилди.

АНДИЖОНДА

Вақф шуъбаси

– Андижон таълим-тарбия курсига шу чоқ-қача ҳеч бир ердан бир чақа ёрдам берилмаган эди. Шу кунларда вақф шуъбаси томонидан курсга 13500 сўм ёрдам берилган. Бу иш вақфнинг маориф йўлига сарф этила бошлашида биринчи хайрлик қадамдир.

Олқишлар!

– Уездаги вақф мулкларини ҳисобқа олиб келмак учун вақф шуъбаси томонидан уезга 3 кишилик бир камисия чиқариладир.

Деҳқонларга ёрдам

Андижон инқилоб-ҳарб шўроси Андижон уезидаги камбағал деҳқонларга ёрдам сўраб Туркистон марказ ҳукуматига мурожаат қилган эди. Шу кунларда инқилоб-ҳарб шўросининг аъзоларидан ўртоқ Алихўжаефга Тошкантидаги марказ очлар камисиясидан бир тилиғром олинган. Мазкур тилиғромда Андижон уезининг камбағал деҳқонлари учун Тошкантидан 87 та от юборилганлиги билдириладир.

Кўчма жазо маҳкамалари

Андижон ҳарб-инқилоб шўроси олдида босмачиларга ҳукм қилмоқ учун ҳарб жазо маҳкамасининг 9 ва 10 нчи ҳайъатлари икки бўлак бўлуб ишлаб турадилар.

9 нчи ҳайъатнинг раиси: Остосиф, аъзолари: Саъдуллаеф ҳам Гурбирштейн ўртоқлар.

10 нчи ҳайъатнинг раиси: Исмичўвич, аъзолари: Хўжаеф ҳам Мохуф ўртоқлар.

Қизил чойхоналар тўғрисида

Букун инқилоб бўлганига беш йил тўладир. Ҳар бир киши ўзининг ким даврида яшаб турганлигини яхши тушунди. Устида қандай ҳукумат борлигини яхши англади. Фақат бизнинг Фарғонамизда баъзи кишилар шўро ҳукумати қандай эканлигини, қандай ҳукумат даврида турганлиқларини ҳали ҳам яхши билмайдир. Мана буларни тушиндиргучи кишилар ҳам оздир.

Ҳозирги кунда, айниқса, Фарғонамизда ҳукуматимиз халқнинг эҳтиёжини тушунуб, яхшигина ҳаракат қила бошлади. Бу ҳаракатнинг бошини Андижонда қилди. Халқни ҳукуматга яқинлашдирмоқ тилагида бир неча қизил чойхоналар шаҳарларда ҳам қишлоқларда очилди.

Албатта, бу қизил чойхоналарни халқ чойхоналаридан фарқи жуда каттадир.

Шундай бўла туруб баъзи кишиларимиз ул чойхонанинг эътиборини халқ олдида туширмоқдадилар. Баъзи чойхоналарда халқни ташвиқ, тарғиб қилиш ўрнига ўйун қарталари ўйналадир.

Мана бу ҳол бизнинг қизил чойхонамизнинг шаъни учун жуда ҳақоратдир. Бунинг учун қизил чойхоналарни бошқариб турғучилар яхши аҳамият берсунлар эди дейман. Бўлмасам, эски чойхоналардан фарқи қолмас.

Қ.А.

Бошқармадан

А.Мусаефга: эшонларга назр бермасдан, оч болаларни тўйғазиш тўғрисида ёзган ёзувингиз босилмайдир. Ҳақиқати ҳол сиз айткандек эмас.

«Ан»га: Вақф қароқчилари энди қолмаган бўлса керак. Мақолангиз босилмайдир.

«Хаста»га: «Дард қўзғалди»ни боса олмаймиз. Фалсафага кўпрак берилгансиз. Мундан сўнг қисқа-қисқа, жонли нарсалар ёзиб турушингизни сўраймиз.



Жингқарчаға: Шеърингизни «Дархон»да боса олмаймиз. Бошқа газеталарга юбориб қаранг.

Ўртоқ Тостонбекифга: Икки мақолангизни боса олмадиқ, негаким янги гап йўқ. Мундан сўнг воқеа (факт)ларнинг ўзини калта-калта килиб ёзиб турушингизни ўтинамиз.

Бузрук ўғлига: Нолуғ¹ тўғрисидаги хабарингизни боса олмадиқ. Майда хабарлар ёзиб турсангиз экан.

Ҳақиқатга: «Маориф»ни боса олмадиқ. Маориф ҳаққида воқеа (факт)ларни ёзиб турунг.

(4-бет)

ҚИШЛОҚЛАРДА

(ўз мухбирларимиздан)

Бир амин

Оқбўйра қишлоғи. Бу ҳам Андижон уезида, Асака истансасидан бир неча қадам берида. Кичкинагина бир қишлоқ бўлса ҳам, ўзи эски ва обод бир қишлоқ. Истансадан кўрунуб турадир.

Мана шу жойда олижаноб бир амин бор эканлар. Бу зот аминлик устига имомлик ҳам қиладир. Танишдим. Сурушдирдим. Яхшилаб билиб олдим.

Бу киши лой сувда балиқ тутушқа ўрганган, порахўр, юртни эзгучи, ярамас бир киши экан.

Бир кун гарнизўн бошлуғи олдиға йиғлаб-сиқтаб бир деҳқон келди.

– Ҳа, нима бўлди, деҳқон тоға? – деб сўради бошлуқ.

Деҳқон бошидан ўтканни айтиб берди:

– Тақсир, монови қишлоғимизнинг бир имоми бор. Ўзи ҳам амин. Бир кун мени чақиртириб олиб: «Сен ўрусларга агентлик қиласан. Бизни бегларга қарашмайсан», – деб бир кеча қамаб қўйди. Эртаси куни бир минг сўм пулимни олиб, иннайкен қўйуб юборди, – деди.

Бу бечора гапини эндигина тугатиб эди, яна бир 65 яшар чол келди. Бу ҳам йиғлаб туруб шу гапларни айтди:

¹ Налог – солиқ.

– Мен истансага мандат² олайн деб борган эдим. Йўлда амин учраб қолиб: «Сен менга 900 сўм пул берасан», – деб ушлаб олди. Мен: «Пулим йўқ», – десам, соқолимдан бураб олиб, бетимга 5-6 шапалоқ урди; ёнимда бор пулимни олиб қўюб юборди.

Бу гапларни эшиткандан кейин гарнизўн бошлуғи ул жаноби олийни (аминни) олдириб қамаб қўйди.

Бу кишининг ёмонлиғи, жабр-зулми бутун қишлоқ халқига маълум бўлса ҳам, халқ «Ўрус уч-тўрт кундан кейин кетиб қолади; бало бўлса яна бизнинг бошимизда» деган қўрқиш билан жим юрган экан.

Бечора, эзилган халққа бу сафарги курашнинг жиддийлигини тушунтирмак керак.

Чапан.

Ғалла бекар кетмайдир

Асака талаларида босмачи қўрбошилари учун босмачи йигитлари фойдасига, ўшаларнинг қийин-қистови билан экилган ерлар бор.

Шул ерларни Асака қитъасининг³ уруш бошлиқлари билан рефқўм катталари ҳисобқа олдилар. Ул ерларга бугдой қўб экилган пахта ҳам бор.

Хирмон бўлган ерлардан ҳосилотни йиғиб олиш ишига ҳозир киришилди. Йиғилган ғаллалар ҳаммаси ҳукумат сармосига олиниб, кейин Фарғонанинг оч деҳқонлариға берилса керақдир. Ишқилиб, ғалла бекар кетмайдир.

ЎЛКАМИЗДА

– Маскавга Миллий ишлар кенгашига вакил бўлуб кеткан Хидиралиеф ва Рискулиф ўртоқлар Тошкентка қайтқанлар. Ўртоқ Хидиралиеф бу кунларда Андижонга келадир.

– Туркистон жумҳуриятининг Ҳифзи сиҳат⁴ камисарлиги Амриқонинг «Оро» жамия-

² Ҳужжат.

³ Қитъа – бу ерда туман маъносиди.

⁴ Соғлиқни сақлаш.



тидан 148 килу хин дори олибдир. Дорининг 31 килуси Фарғонага берилган.

– Туркистон марказ қидириш бўлимининг бошлуқ муовинлари бўлган Сомсўн билан Соколўфскийлар қамаққа олинганлар. Унлар хизмат вақтида бир неча хиёнат қилишда айбланадирлар.

Сел зарари

Наманган уезида яқинда бўлган селдан 1000 бош ҳайвон талаф¹ бўлубдур.

ЧЕТДА

Кимда айб?

Пекин. Ушбу хабарда Хитой ҳукумати бошқарувини қўлда сақлаб турган ва муҳолиф ҳаракатларга қарши «Мамлакатни биз идора қиламиз!» деган даъвои илгари сураётган кучларни Хитой халқи қўллаб-қувватламаётгани, бироқ улар сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан хорижий давлатлар ҳимоясида эканликлари баён қилинган.

Шарқ ўлкаларида

Яқин Шарқда Англия мустамлакаларидан бўлган Мўсил шаҳрида инглизларнинг жабрзулмлари кучайиб бораётгани ҳамда чегарадош бўлган Туркиянинг Жанубий Курдистон халқининг ҳам инглизлар томонидан ҳаводан ўққа тутилиши хавфи борлиги ва уларнинг аскарлари оддий халқни талаб қаттиқ зулм ўтказаётгани ҳақида хабар берилган.

Рўмада қонли тўқнашлар

Италияда ишчи-коммунистлардан бўлган бир кишининг ўлдирилиши муносабати билан пойтахт Римда ишчилар ва муҳолифлар ўр-

тасида тўпалон-тўқнашувлар бўлгани ва юзлаб ишчилар қамоққа олингани айтиб ўтилган.

Яна эски ҳаммом

Балчиқа (Бельгия)да ҳукумат кабинети қайта тузилгани, ташқи ишлар вазиридан ташқари барча аъзолар ўз ўрнида қолгани айтилган.

Югословияда

Хабарда Югославия бош вазирга суиқасд уюштирилгани, натижада яралангани баён қилинган.

ПОЕЗЛАРНИНГ ҚАТНАШИ

Тошкент йўли

Пўчта қотори: (4-а/3.)

Андижондан жўнайдир: соат 11 да (кундуз).

Андижонга келадир: соат 8:50 минутда (эрталаб) ҳар кун.

Юк-йўлчи қотори: (№22-а.)

Андижондан жўнайдир: 5:20 минутда (сахар). Душанба, панжшанба, шанба кунлари.

Юк-йўлчи қотори: (№21-а.)

Андижонга келадир: соат 22:44 минутда (10:44 м. кечқурун). Сешанба, жума, якшанба кунлари.

Жалолобод йўли

Пўчта-юк-йўлчи қотори: (№23-д.)

Андижондан жўнайдир: соат 4 да (эрталаб) якшанба, чоршанба, жума кунлари.

Пўчта-юк-йўлчи қотори: (№24-д.)

Андижонга келадир: соат 21:58 минутда (с. 9:58 м. кечқурун) якшанба, чоршанба, жума кунлари.

¹ Нобуд.



ДАРХОН газетаси, 1923 йил 13 июль 7-сон

(1-бет)

Биринчи ой

Илгари куни Трўтский ва Каминев ўртоқларимизнинг буйруқлариға мувофиқ Фарғона босмачиларини қаттиғ сиқмоққа бошлаганимизға бир ой бўлуб ўтди. Бу миддат ичида бизлар 35 кўрбоши, 394 йигит, 200 лаб босмачиларға ёрдам қилғучиларни уларнинг сафидан чиқариб олиб; 193 милтиқ, 111 тўппонча, 40 барданка ва 7000 лаб ўқ қўлга тушурдик.

Мана шундай қилиб бизлар ҳам куч важҳидан ва ҳам асбоб-олат важҳидан босмачиларға хейли оғир моддий адаб бердик.

Ҳозир Андижон уезида ва Марғилон уезининг водий қисмида бўлган босмачилар туруб-тарқалдилар. Бир вақтларда халқ учун жуда ёмон, хавфлик бало бўлган Қозоқбой билан Юсуфжон Махдум гуноҳларига яраша жазодан кўрқуб қамишзор-тўқайлар орасида ёввойи хайвонлардек гангиб юрубдурлар.

Қизил оёқ томонда неча йилдан бери ҳукм суруб келган ва юқоридағи икки кўрбошидан сира қолишмайтурган Аҳмат полвон ҳам бир ҳовуч ўзига қарашлиқ кишилари билан яқин вақтда бир қур тоғ тарафга қочиб чиқиб кеткан эди. Қизил қўшун бориб у ердан ҳам ҳайдагандан кейин энди ҳозир Қува томонда саргардон бўлуб юрубдур.

Андижон-Марғилон атрофидаги босмачилар ўлдуратурган муштимизни ейдилар! Муштнинг оғирлиғини улар ўзлари ҳам сездилар; шунинг учундирким бутун кучларини сарф қилиб ўлим муҳлатини чўзушқа ҳаракат қиладирлар. Ўлим муҳлатини чўзуш уларнинг қўлларидан келарми экан?

Биз айтамиким: йўқ, йўқ, сира келмас. Нимага десангиз, ҳозирғи вақтда босмачиларнинг жон душмани биргина қизил қўшуннинг ўзи эмас. Уларнинг қизил қўшундан қолишмайтурган ёмон ва ғазаблик бир душмани бор-

дирким, у ҳам бўлса тинчликқа ташна бўлган деҳқонлар ва бутун Фарғона халқи.

Деҳқонлар бу босмачилиқ деган бало орқасида қандай оғир ва қийин кунларга қолишларини яхши англадилар. Шунинг учундирким ҳозир қизил қўшун билан қўлга қўл бериб босмачиларға қарши бормоқда ва қаерда бир босмачи кўрсалар, дарров қизил аскарларга ва ҳам ҳукумат маҳкамаларига тутуб, топширмоқдалар.

Андижон-Марғилон тарафидаги деҳқонлар – меҳнатсуяр қишлоқ халқи қизил қўшун ҳимоясида яйраб-яйраб нафас олдилар.

Халқ қизил қўшун билан белгулук бир алоқа боғлаб олди. Босмачилиқ билан кураш зўраймоқда. Биз босмачиларни сиқишда сира бўшашқанимиз йўқ, балки яна ҳам қаттиғроқ сиқиб ётибмиз.

Биз ўзимизнинг қаттиғ ҳаракатларимизни Наманган ва Марғилон уезларининг тоғлиқ қисмида ва Хўқанд уезининг водий қисмида ҳануз кенгайтириб бормоқдамиз.

Бизнинг вазифамиз шу ёз ичида Фарғонанинг ҳама жойидаги босмачиларни йўқ қилмоқ, тугатмақдир. Биз бу вазифани албатта ўрунлатамиз!

Буни қизил қўшуннинг бир ойлик фаолияти исбот қилиб турадир. Буни Андижон ва Марғилон атрофининг тинчлик суйган қишлоқлари исбот қилиб турадирлар. Буни ўз душманларини йўқ қилишда қизил қўшунға кўмак бериб келган барча меҳнатсуяр деҳқонлар исбот қилмоқдалар.

Искандар Тодўрский.

Муҳим кенгаш

Яқинда шаҳримизда Андижон-Марғилон райўнида қўшун орасида ишлагучи сиёсий камисарларнинг мажлиси бўлуб ўтди. Мажлисда бошлаб Андижон-Марғилон райўнида босмачилар билан кураш ишининг муваффақиятлик бир йўлда кетиб борганлиғи англашилди.



Фарғонанинг бошқа ерларидаги босмачилиқ ҳаракатини ҳам тездан йўқотиш лозим эканлиги тўғрисида ҳам гап бўлуб, бунинг учун ҳам манови Аҳмат полвон билан Қозоқбой тўдаларини йўқотмоқ зарурлиги қайд қилинди. Бу вазифани тездан юзага чиқармоқ учун эса қизил қўшуннинг маҳаллий халқ ва ҳукумат билан яқин алоқада бўлмоғи; музофотнинг сиёсий ва иқтисодий ишларини биргаллашиб тараққий қилдирмоқ ва босмачиларни ҳам биргаллашиб топмоқ кераклиги сўзланди.

Мажлис қизил қўшун ва халқ орасида навбатда ишлана турган ишлар тўғрисидаги масъалани қараб, ул тўғрида шу чораларни кўрмакни лозим топди:

Қизил қўшун орасида:

Қизил қўшун орасида сиёсий идрокни ордириш учун кенг режада иш кўрмак керак.

Қизил қўшун ичидаги одамларнинг молини тортиб олиш ва, умуман, тартибсизликларни йўқотиш учун унинг ўз орасида ташвиқот юргизишни давом этдирмак керак; қизил қўшунга миллий масъалани амалий йўллар билан тушундурмак керак; бошлукдан тортиб аскар-гача, тубжой халқга биродарлик кўзи билан қарашни қўшуннинг кўнглига сингдирмак керак. Бу йўлда бўлган муваффақиятларни мустаҳкамлаш керак.

Қишлоқларда юрган қизил қўшуннинг турмишини тузатиш ва уларни яхши ҳаракат қилинган вақтда босмачиларни йўқ қилиш осон эканлигига ишонтириш керак.

Юқорида кўрсатилган ишларни тезлик билан юзага чиқармоқ учун бирдан-бир йўл каммунистлар фирқасининг аъзолари билан ишлашдир. Бунинг учун каммунистлар фирқасининг ташкилотларини яхши йўлга қўйиб, каммунистларнинг ҳар бир ишда бошқаларга нусха бўлушига ҳаракат қилмоқ керак.

Халқ орасида:

Шўро маҳкамаларини яхши йўлга солиш, кучайтириш; маҳкамаларда яхши одамларнинг ўлтурушига эътибор қилиш; Андижон-

нинг эски шаҳарида элликбошилари қайта бошдан сайлаш; бунга ўхшаган ишларда маҳаллий ҳукуматга ёрдам бериш керак.

Сиёсий ташкилотчилар орқали ҳар ерда қизил чойхона ва кечки курслар очиб, булар орқали халқ орасида ташвиқот-тарғибот юргизиш керак.

Одамлар кўб тўпланатурган жойларда (масалан: бозорларда) яхши нотикларнинг иштироки билан йиғинлар яшаш.

Маҳаллий ҳукумат орқали кўпчилик фирқасиз халқнинг кенгашларини чақириб, ундай кенгашларда шўролар ҳукуматининг нима эканлигини, босмачилиқ билан кураш, ер-сув ва солиғ масъалаларини тушунтурмак керак.

Қўшчилар ва касабалар союзлари билан бирга иш қилиб, уларга ёрдам бериш керак.

Қишлоқ халқига қўлдан келган қадар ёрдам қилиб турмоқ учун уларнинг иқтисодий аҳволини билмак лозим. Уларнинг касалларига до-ру-даво бериш, очлари ва камбағал, бева-бечораларига ёрдам бериш керак.

(2-бет)

МИРЗО ТОҒА

Мирзо тоға кўб вақтлардан бери босмачилиқ билан машҳур. Эски ҳукумат вақтида ҳам босмачилиқ билан ушланиб, Сибирга ҳайдалган; ул тарафда бир неча йил юрган. Сўнгра 1917 нчи йилда инқилоб бўлгандан кейин Фарғонага қайтиб келган.

«Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» дегандек, Сибирдан қайтқандан кейин ҳам эски касбига кирди. Орқасига бирмунча йигитларни эргаштириб олиб Андижоннинг Қўштепа, Уйлик томонларини дир-дир қалтираб юрди. Шу жойларда мундан жабр-жафо кўрмаган жуда оз. Қанча кишиларнинг ёстуғини қурутқан бу киши ҳақиқий, чин босмачи эди.

Ул шўролар ҳукуматини ҳам кўб олдаган. 3 мартаба ярашиб кириб, 3 мартасида ҳам қочиб чиқиб кеткан.



Сўнг вақтдаги қатъий курашимиз орқасида унинг йигитлари ҳам бошқа қўрбошиларнинг йигитларидек бир-бир кетин бизга қўшулуб бериб, ул ўзи йигитларидан буткул ажрай ёзиб қолган. Шунда ишнинг оғирлигини билиб: «Энди меним ишим ўнгалмас экан», – деб, ёнида қолган йигитларига ҳам жавоб бериб юбориб, ёлғуз жонини қутқазиш йўлуга кирган.

Бунинг учун эски, йиртиқ-ямоқ бир чопон топиб кийган, бўйнига қовоқ оسقан, белига ўроқ қистирган; дам девона-жинни, дам ўроқчи-деҳқон бўлуб юра берган. Шу йўл билан бирмунча вақт жон сақлаған.

Тутулишидан 20 кунлар илгари бизнинг аскарларга икки мартаба учраған бўлса ҳам, ўзини танитмаған. Масалан: бир мартаба бир боғда, бир мартаба хотунлар билан бирга сабзи ўтаб турған вақтида бизнинг қизил аскарларга йўлуққан. Ўзини жинниликга солиб, гаранг бўлуб кеткан. Ул бундай ҳийлаларга кўб моҳирдир. Шунинг учун уни қишлоқ халқи: «Илми тарёбийни¹ ҳам биладир», – дейдирлар.

Унинг сўнг вақтда қўлга тушуши мана бундай бўлған:

Мирзо тоға Қўштепа элликбошисиға қарашли Уйлиқ райўнида Солиҳбой Юсуфбой ўғлининг боғиға келиб, ул ерда ош буюрған. Бу тўғрида осубий отдел одамлари хабар топиб қолиб, ул боғни қўшун билан ўраб олғанлар. Сўнгра тутуб олмоқ учун одам киргизилған. Осубий отдел одамлари кирган вақтда Мирзо тоғанинг оши энди дастурхонга қўйулған экан. Одам кирганини кўргандан сўнг Мирзо тоға қочқан. Биз тарафдан ўқ узулгандан кейин Мирзо тоға: «Мен ярашайин деб хабар бермак учун одам юборған эдим», – деб жойидан қимирламасдан тўқтаған. Сўнгра уни тутуб олғанлар. Шул вақтда ҳам ёнида ўроғи бўлған экан.

Ҳозир Мирзо тоға қамақдадир. Ул тутулгандан кейин Андижон халқи бир қонхўрдан қу-

тулди. Ул ҳозир беркитиб қўйған қуролларини топиб бериб турадир.

Мирзо тоғани тутуб берган ўртоқ Суннатилла Хўжаефга осубий отдел томонидан бир от ҳадя қилинған.

Ўш уезида маориф ишлари

Бизнинг Ўш уезида маориф ишлари жуда ёмон, самарасиз бир ҳолда давом этадир. Маориф устида турғун кишилар тубжой халқнинг аҳволи руҳиясига яхши тушунмағанлари учун натижа шу чоқғача ҳеч нарса кўринмайдир.

Халқ аҳволига тушунгучи тубжой халқ ёшлари бўлса катта ишлардан бўшамайдир. Бошқа райўнларга қарағанда бизнинг Ўш райўнимиз жуда орқада қолған. Халқға бир кўз билан қарағучилар бўлмағандан кейин ҳолимиз нима бўлсун? Мен тубжой халқ ичида юраги куйган, жони ачишған, дардли зиёли ёшларимизни маориф ишига тортиш керак дейман.

Халқ руҳига тушунуб иш қилғучилар кўб бўлса, маориф ишларининг ривожлануб кетишига шубҳа йўқдир.

А.Аҳмад.

Жазо маҳкамаларида

Инқилоб-ҳарб жазо маҳкамасининг 10 нчи кўчма ҳайъати 1 нчидан 6 нчи июлгача қуйидаги маъйубларнинг² ишларини қараб, тегишлик ҳукмини чиқарди:

– Андижоннинг эски шаҳарига тобеъ Пўс-так маҳаллалик Муҳаммадамин Қовул³ ўғлининг иши қаралиб, Ниёз қўрбоши тўдаси билан борди-келди қилиб, унга ем-беда етказиб берганлиги исбот қилинди. Шунинг учун мазкур Муҳаммадамин 10 йилга қамаққа ҳукм қилиниб, мол-мулки тортиб олинди.

– Андижон Қорабура маҳаллалик Ғофиржон Абдулқодирхўжа ўғлининг иши қаралди.

¹ Шубҳага солиш, иккилантириш.

² Айбланувчи.

³ Қобул бўлса керак.



Бу киши босмачиларнинг милтиғини уйда сақлаш билан айбланар эди. Ишни текшириб кўргандан сўнг маълум бўлдики, мазкур Гофиржоннинг уйига қўйулган милтиқни босмачилар уни кўрқутаб туруб қўйганлар ва ҳам эртаси куни Гофиржон ўзи мазкур милтиқни ўз қўли билан ҳукуматга тошурган экан. Шунинг учун жазо маҳкамаси Гофиржонни оқлади ва ўзини қамақдан чиқариб юборди.

– Ёрбоши бўлусига тобеъ оқёрлик Ҳотамбой Муҳаммадраҳим ўғлининг босмачиларнинг отини боқиш тўғрисидаги иши қаралди. Ҳотамбойнинг бу иши ҳарчанд босмачиларга ёрдам бўлса ҳам, унинг қариб қолганлигини ва ҳам бу ишни ёмон ният билан қилмаганлигини кўзда тутуб жазо маҳкамаси бу кишига енгилрак жазо бермакчи бўлди. Маҳкаманинг ҳукми билан мазкур Ҳотамбой 3 йил қамаққа кесилиб, мол-мулкларни тортиб олинди.

– Андижонда Такавой маҳаллалик Ҳасанбой Ўроқбой ўғлининг Хакан қишлоғидаги Рустам кўрбоши билан шериглик деҳқончилик қилиб, унга ёрдам қилганлиги ва шу тарафда талон билан шуғулланганлиги тўғрисидаги иши қаралди. Гуноҳлар ҳаммаси исбот қилинғандан сўнг мазкур Ҳасанбой 10 йил қамаққа ҳукм қилиниб, мол-мулки тортиб олинди.

– Майгир бўлуси фуқароларидан Зиёиддин мулла Юнус ўғлининг яроғ ушлаб, босмачилик қилиб, юртни талаб юрганлиги тўғрисидаги иши қаралди. Мазкур Зиёиддиннинг юртни талаб, кўб одамнинг молини олганлиги ва бошқа ёмонликлар қилгани исбот қилиниб, отишқа ҳукм қилинди. Ҳукм амалга қўйулган.

– Булоқбоши қишлоғининг фуқароси Нурчабой Отабой ўғлининг 1921 нчи йилда босмачилар билан бирга бўлуб, уларнинг милтиқларини тузатиб юрганлиги, кейин улардан ажралиб кеткан бўлса ҳам, борди-келдисини узмаганлиги тўғрисидаги иши қаралди. Унга қўйулган айблар исбот қилинғандан сўнг ул киши Туркистонга зарарлик топилиб, Туркистон чегарасидан 3 йил бадарға қилмоққа қарор берилди.

Фирқа турмуши: Ёшлар уюшмаси

– Босмачилар ҳаракати орқасида тарқалиб кеткан эски шаҳар ёшлар уюшмаси марказдан келган ишчи ёшларнинг таъсири билан озгина вақт ичида жонланиб кетди. Ҳамма райўнларда ячейкалар очилиб, аъзолар қабул қилина бошлади.

Ҳозирги кунда қабул қилинган аъзоларнинг сони 250 га етди. Бунларнинг ҳаммасига рўйхат коғазлари тарқатилди. Ҳали бизнинг уюшмадан четда турган деҳқон болалари кўб, бунларнинг орасида ҳам иш юргузмак керак бўладир. Бунинг учун режалар чизилди. Ҳар ҳолда, ишқа жиддият билан киришилди. Энди гап ҳукумат маҳкамаларининг, айниқса, маориф шубасининг қилатурган ёрдамида қоладир.

– Эски шаҳар ёш каммунистлар уюшмасининг таклифи бўйунча ўртоқ Роқуф, Иноғомиф ҳам Билолифлар томонидан босмачилар билан кураш, союзлар фойдаси, эски аскарлардан қизил аскарларнинг фирқа ҳам Андижонда босмачилиқнинг олти йиллик касофати деган мавзуларда бир неча ерда лексиялар ўқулди. Ҳар қайсисиға ҳам халқ кўб йиғилди. Лексиялар жуда яхши тингландилар.

Билол.

(3-бет)

БОСМАЧИЛИҚ БИЛАН КУРАШ

(Иштаб хабари) (5 нчидан 10 нчи июлгача)

– Андижон атрофини тўз-тўпаланг қилиб юрган кўрбошилардан Мирзо тоға қўлга олинди.

– Бекобод қишлоғида Қозоқбойнинг кўрбошиларидан Мирзо Раҳим қўлга тушди.

– Қорақалпоқда 3 бешотар, 55 та ўқ қўлга тушурдик.

– Осубий отдел томонидан Қозоқбойнинг мирзоси Мирзо Ҳамдам ушланди.

– Сегазада Чўмбой кўрбошининг бир йигити 1 бешотар, 16 дона ўқ билан топширилди.



– Найнавода 1 барданка, 1 наган қўлга тушди.

Қорасоқол мавзеига яқин бир жойда Юсуфжон Маҳдум тўпи бизнинг фирқаларимизга дўқуниш келди. Босмачилар урушмасдан қочдилар. 2 отлари бизга қолди.

– Хонобод гарнизўнига Овсар деган қўрбоши бир тўппончаси билан келиб топширилди.

– Аҳмат полвон тўпи билан бўлган бир урушда улардан 3 йигит ва 7 от талаф бўлди.

– Худойберди деганнинг 2 йигити ушланди.

Бу ҳам ажал кутади

(Иштаб хабаридан)

Бизнинг гарнизўнларимизга ҳар кун дегундак ҳар ерда босмачи йигитлари таслим бўллуб, ўзининг тинч тирикчилигига кириб кеткан йигитлар жуда кўб.

Ул йигитлардан баъзилари бизникиларга босмачилар ҳолидан қизиқ-қизиқ гапларни айтиб берадилар. Масалан: 6 нчи ўқчи пўлкининг бош маҳкамасига (иштабига) келиб таслим бўлган кишилар машҳур Қозоқбой тўғрисида баъзи нарсалар сўзладилар.

Уларнинг сўзларидан олинган таъсиротни биз бу ерда ёзиб ўтамыз:

Аҳмат полвон, Юсуфжон Маҳдум ва бошқа қўрбошиларга ўхшаб Қозоқбойнинг ҳам дами бўғозиға келган. Қозоқ ҳозирғи курашнинг жиддийлигини англаган, билган. Шунинг учундурким яқинда ўзининг йигитларини олдиға тўплаб олиб, аҳволнинг қийинлиғи тўғрисида бирмунча гап айткандан кейин йигитларига қаратиб ушбу сўзларни сўзлаган:

– Йигитларим, энди иш бир жойға етиб қолди. Энди орангизда мен билан юрушни хоҳламайтурганлар бўлса, уларга рухсат. Мен билан юрушни хоҳлаганларингиз бўлса, майли, юрсун.

Иш, Қозоқ айткандек, бир жойға етиб қолди. Муни Қозоқнинг йигитлари унинг ўзидан ҳам яхши биладилар. Шунинг учун эмасми-

дирким ҳар кун дегундак унинг йигитлари қўшулуб, «хўжайин»ни ёлғуз қолдирадирму?..

Қишлоқ халқи тушунди

Рост, илгарилари халқимиз шўро ҳукумати-ни тушунмас эди. Зотан, унга тушундирғучилар ҳам кўб бўлгани йўқ.

Мана, яқиндағина манови «охирғи кураш» деганимиз бошланди. Кўб эмас, бир ойғина бўлса бўлғандир. Локин натижа зўр, улуғ: қишлоқ халқи ҳақиқатни тушунди; шунинг орқасида тинчликқа қараб тез-тез юруб борамиз.

Андижоннинг ёнида Далварзин бор. Бу ҳам бир қишлоқ. Яқинда бу ерга ёш, зийрак сиёсий ишчилар чиқдилар. Йиғин бўлди, халқ (*матнда узилди*) ...лди. Бизнинг ёш ўртоқлар ёниб-ёниб сўзладилар, тушунтурдилар. Халқ кўб нарсани тушунди, сўнг халқ ҳам савол учун оғиз очди. Бирмунча саволлар берилди, ҳаммасининг мазмуни бир:

– Йигитлар яроғлари билан топширилсалар, ўзларига тегмайсизми?

Бу саволга:

– Йўқ, йўқ! – деб жавоб бердилар.

Эртаси куни, дарҳақиқат, ўшал қишлоқлик Мулла Фузайлиддин деган қўрбоши 5 йигити, 5 та бешотар, 2 та тўппончаси билан ярашиб кирадир.

Шу учун халқнинг биргина тилаги бор:

– Шу қизил қўшун босмачи тугамагунча чиқиб кетмасин!

Зотан, Трўтский билан Коминиф ҳам шундай деганлар!..

Охунжон ўғли.

ШИКОЯТ ҚУТИСИ

Тинглашайлик!

Эски шаҳарда семун иморатнинг қаршисида тубжой халқ учун солина бошланган бир тиётр бор. Тиётрнинг биноси кенг-ковур, ях-



шиғина. Ҳали ички томони ишланиб битмаган бўлса ҳам, яқинда битиб қолиши кутиладир.

Гап унда эмас.

Гап мундаки, тиётр биноси битмаган бўлса ҳам, бир йилдан бери ўшал бинода тиётр-тамошоларимиз оз-кўб бўлуб келади. Манови тинчсизлик чоғларида санъат ишларимиз йўлга тушмаган бўлса, энди мундан сўнг юрт тинчланган сари мундай нарсалар ҳам йўлга қўюлар; яъни труппамиз бўлар, асарлар топи-лар, халқ қизиқар ва ҳоказо.

Лекин у бинода тиётр ўйнамоқ учун энг аб-жақ, энг кўб қўюлган асарлар бўлмаса, янги, дурустгина нарсаларни ўйнаб бўлмайди. Нимага десангиз, ҳеч бир декоратсия йўқ. Мен ўзим кўрдим: бутун декоратсия биргина хона уй ва бир дарахтзордан иборат. Уй деворининг ҳам биргина ёғи 3 хил. Битта пардаси бор, у ҳам, омон бўлсун, шалоқ-шалоқ йир-тилган.

Янги шаҳардаги тиётрда кўбгина декоратсиялар бор. У ердан олмаган ёки ололмаганлар. Ҳатто бир вақт қарз йўли билан бир-икки-та нарса олиб тушган эканлар, дарҳол қайтариб олиб чиқиб кетдилар.

Гаразки, шу тиётрдан ҳам умидимиз бор. Санъатга хизмат, халқга истироҳат жойи бўлур деймиз. Шунинг учун сал тугаллаш керак, сал бойроқ бўлсун деймиз.

Юқори шаҳар ҳам Андижон, қуйи шаҳар ҳам. Шаҳар мулкидан баробар фойдалансалар деймиз!

Ҳақиқатчи.

Бемаза бошлуқ

Асака мелисаида бир бошлуқ бордирким, у ҳам бўлса ўртоқ Ниёзиф. Унинг ўзи ва балки ўзидан кўра кўпроқ унга қарашлиқ мелисалар жумҳуриятнинг умумий ишлари билан эмас, ҳатто Фарғона фрўнти ва музофотига тегишлик масъалалар билан ҳам унча ошно эмасга ўхшайдирлар.

Мана, биз шул масъалаларни мелиса ўртоқларга тушунтурмоқчи бўлдиқ. Унинг учун 30 нчи июнда қизил чойхонага ҳамма бўш мелисаларни чақириб, сиёсат устида суҳбат қилишмоқчи бўлдиқ. «Бўш мелисаларингизни юборинг» деган мурожаатимга ўртоқ Ниёзиф: «Мелисаларимдан бўш кишилар сира йўқ», – деди.

Бу жавобга мен ҳайрон қолдим: «Дарҳақиқат, мелисалар ҳаммаси бандми экан?» – деб, шуни текширгали кўчага чиқдим.

Чиққандан сўнг нималар кўрдинг дейсиз? Мелисаларимиз иккита-учта бўлушиб чойхоналарда ўлтурганлар, баҳузур чой ичишадирлар. Фақат уларнинг ўлтурган чойхоналари қизил чойхона эмас...

Ҳолбуки, қизил чойхонадаги суҳбатга бир киши ҳам келмаган эди. Бундай ҳолларга тегишлик идоралар назар солишқа тегишлар.

М.

Ортуқча сарф

Андижон уези Қўрғонтепа қишлоғининг мўътабар кишиларидан Мирзоқул бўлус дунё-олам пулини сарф қилиб Марғилон шаҳарига катта бир мадраса солдириб ётади.

Мадраса солдириш яхши иш, локин мадраса деган нарса бизнинг Туркистонда керакдан ортар даражада кўб. Сўнгра бизнинг мадрасаларимиз ҳозирги замонда юртга фойдалиқ кишилар етишдириш хоссасидан буткул маҳрум бўлуб қолганлар. Замонимиз ҳозир биздан мактаблар: бошланғич, ўрта ва олий мактаблар сўрайди. Шунинг учун Мирзоқул бўлусқа ўхшаган кишилар теварак-атрофларидаги қишлоқларга бошланғич мактаб бинолари солсалар ҳам ўрта ва олий мактабларда ўқуғучи талабаларимизга моддий ёрдам берсалар қандай яхши бўлур эди.

Б.Қази ўғли.

(4-бет)



ҚИШЛОҚЛАРДА

(Ўз мухбирларимиздан)

Арслонбоб йўлидан

Эски шаҳарнинг чархфалагида анҳорнинг қоқ ўртасига қўюлгон сўричада чой ичиб ўлтурамиз. Жангиррр... жунгуррр... шолдиррр... шулдуррр...

Бу ҳозирги вақтда чойнак ўрнига ишлатиладурған чой идишлардан чиққан довуш. Қаршимиздаги сўричада қишлоқ халқидан эканликлари афтларидан билиниб турған бир-икки киши ўлтурадир. Биз билан қўшни бўлсалар ҳам, бир-биримиз билан таниш эмасмиз. Бизда шулар билан танишмоқ, шуларнинг қаерлик эканликларини билмак, биздан кейин турган жойлари, яшаган қишлоқлари тўғрисида газетага маълумот олмақ ҳаваси қўзғалди. Қандай қилиб бўлса ҳам танишмоқ истар эдик. Қишлоқ халқи, маълумдирким, бетакаллуф бўладир. Биримиз сўрадик:

- Сиз шаҳарлик эмасми?
- Йўқ, биз қишлоқ одами.
- Қайси қишлоқдан?
- Мосидан.
- Бозорқўрғон, Извоскан Мосисиданми?
- Ҳа.

Шунинг билан гаплашиб кета бердик. Уларга берган саволларимизга қарши улардан олган жавобларимиздан шуни англадик. Бозорқўрғон, Моси тарафлар бурунлари тинчсиз эди. Локин узоғ йилдан бери буткул тинчланиб кетган. Босмачи, ўғри деган нарсалар йўқ. Ҳар ким уйида бемалол ёта берадир. От-мол, қўш-ҳўкизлари толаларда очиқ-сочиқ қола берадир. Мусулмонобод...

Бурун мелиса бор эди. Ярми Мосида, Бозорқўрғонда турса, ярми Хўқанд қишлоқда турар эди. Ҳозир ҳаммаси ҳам Хўқанд қишлоқда. Демак, у тарафлар тинч. Экинлар бақадри тоқат экилган. Бурунги йилларнинг бузғунлиги бу йилдаги улов йўқлиги орқасида экин унча кўб

экилмади. Қўлдан келганча экилди. Ҳукумат пахтага ёрдам бергани учун пахта кўпрак экилди. Арслонбоб тинч, йўли ҳам тинчиб кетган. Кўб ерларда гарнизўнлар бор. Арслонбобга бемалол бориб-келмак мумкин. Ҳозир ҳам сайёҳлар кўб борадирлар. Бозорқўрғон, Моси тарафларида янги мактаблар йўқ. Халқ мактабни соғинадир. Бозорқўрғон рефкўми, афти, бу тўғрида ҳаракатсиз ётқанга ўхшайдир. Сўнг вақтдагина мактабга жой топиш ҳаракатига кирилган экан.

Қишлоқи ҳамсухбатларимиз мактаб тўғрисида гапириб туруб мактаб бўлса кошки эди, халқга кўб фойдаси бўлар эди дедилар. Биз ҳам тасдиқ қилдик. Биз ҳам: «Ҳа, энди юртингиз тинчланди, мактаб ҳаракатини қилинлар!» – дедик.

Қ.

Бошқармадан

Нуҳ Жўрабоефга: ёзган мақолангиз узун бўлгани билан бирга фактлар (дастак) йўқ. Дуруст, бизнинг орамизда, хоҳ осўбий отдел одамларидан бўлсун ва хоҳ бошқа маҳкама одамларидан бўлсун, бузуқ кишилар, шубҳасиз, бор. Улар босмачилиқ билан кураш ва бошқа фойдалиқ ишлар тўғрисида кўрган чораларимизга халал бериб келганлар. Ҳукумат бундай муттаҳамларга қарши қаттиғ кураш эълон қилган.

Шунинг учун қай ердаги бир ҳукумат кишиси томонидан бир ёмон иш содир бўлса, тегишли дастаклари билан дарҳол юқори маҳкамаларга ва газетамиз бошқармасига юбормоқ керак.

АНДИЖОНДА

(Бошқармага хатлар)

Таълим-тарбия қурсларида

Андижонда уч ойлиқ таълим-тарбия қурсининг очилганига бир ярим ой бўлди, бу қурсга теваарак-атрофдан халқ ўқитғучилари кўб катта умидлар билан келганлар эди. Натижада ул



умидлар ҳозирғача тугал юзага чиқмай туруб-дур. Мунинг сабаби бизнинг ўзимиздан яхши педагоглар, тажрибалик ўқитғучилар бўлмаганлигидир. Айниқса, энг зўр аҳамиятга эга бўлган тил дарси учун бир киши топилмади.

Бизнинг бу курсга келмакда кўпрак умидимиз ўзбекнинг имлоси, сарф-наҳв ва адабиётининг ҳозирғи кетишини тушунмак эди.

Биз ўзимизнинг имло, сарф-наҳвимизни билмасдан туруб бошланғич мактабларимизда болаларимизни қандай қилиб ўқута оламиз?

Тилга мутасадди бўлган Зиё ўртоқ педагогья, метўдикаларни яхши олиб борса ҳам, локин ўзбек сарф-наҳвини татарча олиб борди десак янлишмаган бўлурмиз.

Энди мундан кейинги умидимиз марказдан келаётқан маориф ходимларидандур.

Ўқуғучи.

Чин ўқуғучилар керак

Андижонда очилган таълим-тарбия курсига Ўшдан 10 ўқуғучи келган эди. Бу ўқуғучи-

ларга бошлиқ қилиниб тажрибалик ўқутғучилардан Гофир Каримий ўртоқ белгуланган ва унинг қўлига харажатлари учун 13 минг сўм пул берилган эди. Бу ақчани ул ўртоқ олиб келиб курс мудирига топширған эди. Қурс мудирини ўқуғучиларнинг баъзи бир харажатлари учун бошлиққа бир минг сўм пул берган. Ул ўртоқ олинған пулнинг ҳисобларини бермасдан Ўшга қочиб кеткан, унинг орқасидан Акбариддин, Ҳасанжон, Дониёр, Ҳайдар Сайидий ўртоқлар ҳам қочқанлар.

Мана ўқуғучиларимизнинг ҳоли! Энди айтатурганим шулки, бизга умидсиз ўқуғучилар сира керак эмас, чин ўқуғучилар керак!

А.Аҳмад.

ПОЕЗЛАРНИНГ ҚАТНАШИ

Поездларнинг қатнаш жадвали «Дархон» газетаси, 1923 йил 11 июль 6-сондаги маълумот билан бир хил.



ЎЗБЕК КИНОСАНОАТИНИНГ АСОСЧИЛАРИДАН БИРИ

А. Махкамов



«Севзапкино» ва Бухоро халқ маорифи назирлигининг бирлашган кино жамияти ташкилотчиси Абдурахим Юсуфзода миллий либосда. Москва, 1924 йил



Худойберган Девонов – илк ўзбек фотографи

ўзаро манфаатли келишувлар ўрнатилган.

Тарихда илк ўзбек фотографи ва кинооператори Худойберган Девонов эканлиги маълумдир. Бироқ, Х.Девонов ҳужжатли ва хроникал фильмларнигина тасвирга олган. Абдурахим Юсуфзода эса 1924 йил 12 апрелда Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Петроград (ҳозирги Санкт-Петербург)да жойлашган Фотография ва кинематография ишлари бўйича Шимоли-

Асли андижонлик тараққийпарвар Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) да, Ўзбекистон ССРда фаолият кўрсатган миллий давлат арбобларидан Абдурахим Юсуфзода 1923 йил 30 августда БХСРнинг СССРдаги мухтор вакили, Москвадаги иқтисодий ваколатхонаси раиси лавозимларига тайинланган.¹ Унинг дипломатик фаолияти даврида Бухоро республикаси иқтисодиётини юксалтириш, шунингдек маориф ва маданият соҳасини ривожлантириш, такомиллаштиришда СССР ҳукумати билан

ғарбий област бошқармаси – “Севзапкино” ташкилоти ўртасида “Бухоро-рус киножамияти” (Бухкино)ни ташкил этиш тўғрисидагм шартномани имзолади.² Бу ҳужжат Ўрта Осиёда миллий кинематографияни ташкил қилиш йўлидаги дастлабки қадам эди. Шу боис уни ўзбек бадиий кинематографиясининг асосчиси деб эътироф этиш мумкин.

Унгача Ўрта Осиёда кинематография соҳасининг аҳволи ачинарли ҳолатда эди. Кинотармоқ ва кинотеатр ташкил қилиш ишлари ўта сустр ривожланган, борлари ҳам якка шахсларга тегишли бўлиб, асосан аҳолининг евро-



Бухкинони ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзолангандан сўнг. Биринчи қаторда чапдан ўнгга М.Ефремов, Юсуфзода, тўртинчиси С.Поссельский – «Севзапкино» хроникаси Москва бўлими мудир, иккинчи қаторда И.Хмельницкий – «Севзапкино»нинг Москва илмий-тарғибот бўлими мудир


палик қисми яшайдиган ҳудудларда жойлашганди. Мавжуд кинотеатрлар ёзги, яъни очиқ осмон остида эди. Уларга кинофильмлар етказиб бериш билан Ўрта Осиёда бирон-бир ташкилот шуғулланмасди ва ҳудудга асосан Са-

¹ Рустамбек Шамсутдинов. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар “Шарк” нашриёти. Тошкент, 2001 йил. 54-бет.

² Д.Намазов, Х.Хасанов, Н.Шукурова. Развитие народного хозяйства и культуры Бухарской области. Тошкент «Фан» нашриёти. 1975 йил. 107-бет.



мара, Боку, Оренбургдаги конторалардан 1917 йилгача бўлган кам сонли хроникал фильмлар олиб келинарди.¹



М.П. Ефремов -1923-1924 йилларда “Севзапкино”нинг ижрочи директори вазифасида

1924 йил 13 февралда Бухоро ҳукумати мустақил кино ишлаб чиқариш соҳасини яратиш бўйича тарихий қарор қабул қилди. Бу вазифани бажариш БХСРнинг СССРдаги мухтор вакили Абдураҳим Юсуфзода зиммасига юклатилди. Биринчи бор Абдураҳим Юсуф-

зода 1924 йил 20 февралда Ленинград шаҳридаги “Севзапкино” дирекциясига ташриф қилган, ташкилот қошидаги кинотеатрда бўлган, бир қанча фильмларни томоша қилган, уларни Бухоро Республикасидаги кинотеатрларга етказиш ва намойиш қилиш бўйича келишиб олинган. Бунга мувофиқ “Севзапкино” дирекцияси Москвадаги бўлимига зудлик билан БХСРни киномахсулотлар билан таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўриш вазифаси юклатилади. Юсуфзода ташкилот аъзоларини Москвадаги Бухоро элчихонасига кино соҳасида ҳамкорлик шартномасини имзолаш учун таклиф қилган.

1924 йил 1 апрелда Юсуфзода бошчилигидаги БХСРнинг Москвадаги элчихонасига Петроград шаҳридаги “Севзапкино” ташкилоти раҳбари Михаил Петрович Ефремов ва бошқа ходимлар ташриф буюрадилар. Юсуфзода Бухоро Республикасини киномахсулотлар билан таъминлагани учун “Севзапкино” ташкилотига ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этади ва яна бир ташаббус билан чиқиб, М.П.Ефремовга Бухорода кино суратга олиш учун экспедиция уюштиришни таклиф қилган. А.Юсуфзода кўшимча равишда “Севзапкино”-

га кинофильмлар суратга олиш ҳамда республика бўйлаб кинопрокат ишларини ташкил қилишда эксклюзив ҳуқуқларни тақдим этган. А. Юсуфзода ва М.Ефремов Бухоро Республикасининг ўзида кино ишлаб чиқариш базасини ташкил қилиш ва шу билан Ўрта Осиё минтақасидаги мутлақо янги соҳа – миллий кинематографияга асос солишга келишиб оладилар.²



Бухоро-рус киножамияти (Бухкино)нинг муҳри

“Севзапкино” ташкилоти Бухоро худудида Шарқ халқларининг бир неча афсонавий асарларини ва ҳудуд тарихини суратга олиш учун киноэкспедиция ташкил қилишга киришади. Киножамият



“Бухкино» томонидан суратга олинган Ўрта Осиёдаги ilk бадий фильм – “Минарет Смерти” (Ўлим минораси) 1924-1925 йй.

ш а к л л а н и ш и биланоқ зудлик билан Бухорога 9 та бадий ва 12 та хроникал фильмлар юборилади. 20 апрелда киноэкспедиция аъзолари Бухорога етиб келади. 1 май куни Бухоро халқига совға сифатида “Бухкино” жамияти томонидан республикадаги барча кинотеатрларда бепул

кинофильмлар намойиши этиш амалга оширилади. Экспедиция Бухоро Республикаси шаҳарларида кўплаб хроникал ва этнографик фильмларни суратга олишга муваффақ бўлади.³

А.Юсуфзода 1924 йил 26 июлда Москвадан Бухоро халқ маорифи нозирлигига хат йўллаб,

¹ История советского кино 1917-1969. В четырех томах. Издательство «Искусство» Москва, 1969 год. 109-бет

² Журнал “Кинонеделя”. 1 апреля 1924 года. №8. Стр 7.

³ ГАРФ-(Государственный архив Российской Федерации) Р-8326-фонд. 2-руйхат, 23-иш, 29-варақ



«Бухоро – Рус кино жамияти» («Бухкино») ташкил этилганини хабар қилади ва унинг баённомасини Бухорога – Халқ Нозирлари Кенгаши раиси Файзулла Хўжаевга жўнатади.¹



БХСРнинг Москвадаги муҳтор вакиллиги (ҳозирда Миср элчихонаси) Кропотинский кўчаси 12-уй. Айнан шу бинода “Бухкино” ташкилотига асос солинган.




Чапдан ўнга: “Ўлим минораси” фильмидаги бош роль ижроچиси Анвар Жамилов, “Бухкино” ташкилоти вакили Олимбек Арабов, “Севзапкино” ташкилотининг Бухородаги вакили Сергей Братолобов.

1924 йил августи охиридан бошлаб “Севзапкино” ташкилотининг БХСР билан биргаликдаги кинобазаси - “Бухкино” расман ўз фаолиятини бошлаб юборган. Ўша йил 6 сентябрида

¹ Р.Т.Шамсутдинов. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар -“Шарқ” нашриёти. Тошкент, 2001 йил. 67-бет.



“Ўлим минораси” фильмидан лавҳа



Комил Ёрматовнинг “Возвращение” (“Кечмишларим”) асари

Бухорога ташкилотнинг вакили С.К.Братолобов ва Москва бўлимининг юрист маслаҳатчиси И.С.Пелевер ташриф буюришиб, бу соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб чиқадилар. Ташкилот аъзолари Бухоро ҳукумати вакиллари ҳузурда бўлишган. Бухоро ҳуку-



мати “Севзапкино” вакилларига ҳозирги кунда республика бўйлаб миллий-ҳудудий чегараланиш ишлари авж олгани ва “Бухкино” бўйича барча вазифалар СССРдаги мухтор вакил А.Юсуфзода зиммасига юкланганлигини маълум қилади. Ҳукумат Юсуфзода ва Ефремовга кино ишларида кўмаклашиш учун ўз вакили Олиббек Арабовни Москва шаҳрига хизмат сафарига юборади. Маориф ишлари халқ комиссарлиги Бухорода олинажак Ўрта Осиёдаги илк бадийий фильмлар: “Ўлим минораси (Минарет смерти)” ва “Гул Сарик” (Гюль-Сарык)нинг сценарийси ҳамда саҳналаштириш режаларини тасдиқлайди. Айнан шу ташрифдан сўнг “Бухкино” киноширкати томонидан Ўзбекистонда кинофильмларни суратга олиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилади. 1925 йил 6 февралда ташкилот “V-Бутунбухоро қурултойи” ва “Ўртоқ М.И.Калинин Ўрта Осиёда” тарихий хроникаларини илк ҳужжатли фильмлар сифатида суратга олган.

V-Бутунбухоро қурултойи яқунланганидан сўнг Бухорода Ўзбекистон ССРни ташкил қилиш бўйича тезкор ташкилий ва амалий ишлар бошланиб кетади. Айни вақтда Файзулла Хўжаев бошлиқ бўлган Бухоро ҳукумати “Бухкино”га катта эътибор беради, узлуксиз моддий ва маънавий кўмак бера бошлайди.

Айни мана шу ишларни гувоҳи бўлган машҳур ўзбек режиссёри Комил Ёрматов ўзининг “Кечмишларим” номли асарида шундай ёзган: “1924 йилнинг 12 апрелида Бухоро халқ жумҳурияти ҳукумати «Севзапкино» (“Шимол-ғарбий кино”) деб номланувчи Ленинград кино ташкилоти билан Бухоро-Русия кино ширкати таъсис этиш тўғрисида шартнома тузди. Шу сана Ўрта Осиёда миллий кинематография вужудга келган расмий кун ҳисобланади. «Бухкино» ўзининг икки йиллик фаолияти мобайнида бир нечта ҳужжатли филмлар ва “Ўлим минораси” номли биринчи тўламетражли ўзбек бадийий филмини ишлаб чиқарган эди.



Вячеслав Казимирович Висковский – “Ўлим минораси” фильмининг режиссёри

Туркистонда миллий кино яратилиши тарихий аҳамиятга эга эканини Бухоро совет ҳукумати яхши тушунар эди...

Яқинда мен “Ўлим минораси” фильми устида олиб борилган ишнинг жуда қизиқарли тафсилотларини билдим. “Бухкино”га ўз улу-

шини қўшиш учун Бухоро ҳукуматида ҳеч қандай маблағ йўқ экан. Лекин барибир, иложи топилибди. Фильмни суратга олиш учун зарур бўлган миллий либослар, адрас ва кимхоб кўрпалар, палаклар, эгар-жабдук, турли-туман қадимги қурол-яроқларни Халқ вазирлари шўроси пай эвазига Бухоро давлат тижорати орқали берибди. Фильмнинг оммавий саҳналарида иштирок этиш учун минглаб одамлар, отлар йиғиб берилибди. Маориф нозирлиги киногоруппани мутахассис маслаҳатчилар билан таъминлабди. Бухоро халқ шўро жумҳуриятининг бошлиғи, юсак маданиятли Файзулла Хўжаев ўзининг шаҳар ташқарисидаги ҳовли-боғини “Бухкино” ширкати ихтиёрига топширган экан. Киногоруппа бу боғда истиқомат қилиб, фильмнинг барча манзарали ва оммавий саҳналарини шу ерда, қалъа девори пойида суратга олган экан. Файзулла Хўжаев қўшган бу “улуш”нинг ўзи ҳам ҳазилакам гап эмас эди...”¹

Тасвирга олиш гуруҳига ҳам ҳукумат томонидан салмоқли ёрдам берилган. Айниқса йирик жанр саҳналари учун минглаб одамларни тўплаб бериш ва уларнинг барчасини кийим-кечак ҳамда қурол-яроғлар билан таъминлаш ишлари тегишли идоралар томонидан узлуксиз йўлга қўйилган. Маориф халқ комиссарлиги ва бошқа нозирликлар эса киногоуруҳ-

¹ Комиль Ёрматов. Кечмишларим. Тошкент, 1984 й. 83-бет



«Ўлим минораси» фильмининг постери

га ўзбек халқининг урф-одатлари, турмуш тарзи, миллий қадриятларини ўргатиш учун етарлича малакали кадрларни тақдим қилган. Фильмни саҳналаштиришда кинорежиссёр В.Висковский, операторлар Ф.Вердиги-Даровский ва С.Беляев, мусаввир А.Уткин, артистлардан В.Баранова, А.Богдановский, Н.Венделин, Н.Джалилов, О.Спирова, И.Таланов, О.Фрелих ва бошқалар иштирок этишган.

Павильон тасвирлари ҳусусан амининг сарой интерьерлари “Бухкино” ва “Севзапкино”га қарашли Ленинграддаги янги кинофабрикада ўрнатилган йирик декорацияларда олиб борилган. Бу ишлар икки мамлакат томонидан улкан маблағларни талаб қилган ва шунда “Бухкино” жамияти Ўрта Осиё республикаларидаги барча кучларни бирлаштириб, улкан кино ишлаб чиқариш базасини яратиш режасини иш-

лаб чиқади. Унга кўра ташкилот томонидан нафақат ўзбек халқига оид, балки бутун Шарқ мамлакатларини “ўрта аср жаҳолатидан озод қилувчи” бадиий кинофильмлар олиш кўзда тутилганди. Аммо маблағ етишмовчилиги туфайли бу режалар охиригача амалга ошмай қолади. Шунга қарамай, Ўрта Осиёда кинога бўлган қизиқиш кун сайин ортиб борарди ва фақатгина “Бухкино” ташкилотининг реал кучи бу талабни қондиришга етарли эмасди. 1925 йил 3 февралда Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси Ички савдо халқ комиссарлиги, “Севзапкино”, “Госкино РСФСР” ҳамкорлигида янги ташкилот – Ўзбек давлат киножамияти вужудга келган.¹ 1925 йил 23 майда эса СССРдаги Ўзбекистон ССР мухтор вакилиги ва “Севзапкино” ўртасида фотография ва кинематография ишлари бўйича Ўзбек-рус акциядорлик жамияти – “Ўзбеккино” ташкил этилади ҳамда “Бухкино” жамияти ҳам бу тузилма таркибига киритилади.² “Севзапкино”да ҳам тез орада қайта ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилади ва киностудия 1925 йил 17 июлидан СССР ХКС томонидан “Ленинградкино (Ленфильм)” га айлантирилди.³



“М.И.Калинин Ўрта Осиёда” ҳужжатли фильмидан лавҳа

¹ Ежегодник советской кинематографии за 1938 год. (авторы-составители В.Вишневский, В.Фефер) Госкиноиздат. Москва, 1939 г. 206-бет

² ГАРФ-(Государственный архив Российской Федерации) Р-8326-фонд, 2-рўйхат, 23-иш, 97-варақ

³ С.Братолобов, “На заре советской кинематографии. Из истории киноорганизаций Петрограда-Ленинграда 1918-1925 годов. “Искусство”. Ленинградское отделение. 1976 г. Стр. 99-101.



Абдурахим Юсуфзода ва М.П.Ефремов бошчилигида атиги 1 йил давом этган икки мамлакат киножамиятлари ўртасидаги сермахсул ҳамкорлик натижасида дастлаб Бухоро, сўнг Ўзбекистонда кинематография соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Қолоқ фото ва кино тармоққа эга Ўзбекистон бу вақт оралиғида ўзи мустақил кино ишлаб чиқарувчи алоҳида кинобазага ҳамда кинофилмларни суратга олиш бўйича катта малакага эга бўлди. Бу малака кейинчалик “Ўзбеккино” жамияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. “Бухкино” ўз фаолияти давомида “Ўрта Осиё бўйлаб”, “Бухоро маданий тикланиш йўлида” номли 2 та хроникал, “Москвадаги Бухоро маориф уйи”, “5-бутунбухоро қурултойи”, “Бухорода октябрнинг 7 йиллиги”, “Бухоро МИҚнинг сўнгги сессияси”, “Шарқий Бухорода темирйўлнинг очилиши”, “М.И.Калинин Ўрта Осиёда”, “1-Ўзбек партия ва совет қурултойи”, “1-Туркман партия ва совет қурултойи” ҳамда Ўрта Осиёдаги илк тўлиқ метражли фильм - “Ўлим минораси” киномахсулотларини яратишга муваффақ бўлди.¹ Абдурахим Юсуфзода Ўзбекистонда мил-

лий киноиндустрия асосчиси сифатида тарихда муҳим ўрин эгаллади.

1937-1938 йилларда содир бўлган мудҳиш “Катта террор” жараёни тараққийпарвар жадид Абдурахим Юсуфзодани ҳам ўз домига тортади. У турли бўҳтон ва ноҳақ айбловлар билан 1936 йил 22 майда Самарқанд шаҳрида қамоққа олинади. Ўзбекистон ССР “НКВД қошидаги Учлик”нинг 1937 йил 14 октябрдаги қарори билан “Ўзбекистондаги аксилинқилобий ташкилотлардаги иштироки ва советларга қарши фаолияти учун” 13 нафар ўзбек фарзанди билан бирга отувга ҳукм қилинади. Ҳукм 1937 йил 25 октябрда ижро этилади. Орадан 28 йил ўтиб, 1965 йил 22 сентябрда ЎзССР Олий судининг жиноят ишлари бўйича суд коллегияси “НКВД қошидаги Учлик”нинг мудҳиш қарорини бекор қилди. Уларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги исботланди. Абдурахим Юсуфзода қонуний йўл билан оқланди.²

¹ ГАРФ-(Государственный архив Российской Федерации) Р-8326-фонд, 2-рўйхат, 23-иш, 106-варақ

² Р.Т.Шамсутдинов. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар - “Шарқ” НМАК. Тошкент, 2001 йил. 71-бет.



ТАРИХЧИЛАР ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИГИНИНГ УФҚЛАРИ

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

К.Балтабаева, М.Худоёров, Д.Ҳомидов

Аввал-азалдан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, диний қарашлари, ҳаёт тарзи, анъаналари умумийлик ва ўзига хосликка эга бўлган, Туркистон, Ўрта Осиё, Марказий Осиё номлари билан машҳури жаҳон бўлган минтақа халқларининг ўзаро қардошлик алоқалари 2016 – 2017 йиллардан тамомилан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистоннинг Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари билан яхши қўшничилик алоқалари, бу давлатлар халқлари билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги тобора янги-янги йўналишларни қамраб олмақда. Шу жиҳатдан олганда Бобур номидаги Андижон давлат университети ҳамда унинг тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи Қозоғистон ва Қирғизистон олий таълим муассасалари, бевосита ушбу мамлакатларнинг бир қатор олимлари билан ўрнатган алоқалар алоҳида эътиборга лойиқ. Буни, аввало, турли даврларда Марказий Осиё ҳудудида рўй берган воқеа-ҳодисалар тарихини ўрганиш, холисона ёритиш, турли йилларда қатағонга тортилган кишиларни аниқлаш, уларнинг тақдирига оид маълумотларни қидириб топиш ва эълон қилиш борасида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар мисолида кўриш мумкин.

Университетнинг Қозоғистон олий таълим муассасалари билан бу борадаги ҳамкорлиги 2017 йил 23 июнда Қозоғистон миллий педаго-

гика университетига «Алаш Ўрда, Туркистон мухторияти: юз йил оша ташланган назар, позиция, хулосалар» мавзуида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман туфайли янги босқичга кўтарилди. Мазкур анжуманда олий таълим муассасасининг профессори, тарих фанлари доктори Р.Шамсутдинов иштирок этиб, Туркистон мухторияти ва унинг большевиклар томонидан қурол кучи билан тугатилиши, Алаш Ўрда ва Туркистон мухторияти тарихининг Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон олимлари томонидан мувофиқлаштирилган тарзда тадқиқ этилиши, Россия ҳамда Ўзбекистондаги турли архивларда сақланаётган ҳужжатларни илмий истеъмолга киритиш зарурлиги хусусида фикрлар билдирди.

Андижон университетининг Қирғизистон олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги 2018 йил 17 майда «Қўқон хонлигининг атоқли давлат арбоби ва саркардаси Амирлашкар Алимқулнинг ҳаёти ва фаолияти (1831 – 1865)» мавзуида ташкил этилган халқаро илмий-амалий конференцияга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш жараёнида янгича мазмун билан бойиди. Бу анжуман профессор Р.Шамсутдиновнинг ташаббуси билан ташкил этилди. Халқаро анжуманда республикамизнинг қатор нуфузли олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари тарихчи олимлари, қирғизистонлик илмий ходимлар 70 га яқин маъруза ва илмий мақолалар билан қатнашдилар.



2018 йил 15 августда Андижонда Қатағон қурбонлари хотираси музейи очилиши билан қатағон мавзуси бўйича қардош Қозоғистон, Қирғизистон олимлари билан илмий ҳамкорлик доираси кенгайди. Жалолобод давлат университетида 2019 йил 5 июлда Амирлашкар Алимқул ҳаёти ва фаолиятига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманни тайёрлаш ва уни ўтказишда АндДУ илмий ходимлари фаол қатнашдилар.

Қозоғистонлик олима Кулгазира Балтабаева 2021 йил 6 октябрда Олмаота шаҳрида «XX асрнинг 20 – 50-йилларида Ўрта Осиё республикалари ҳудудида сиёсий қатағон қилинган қозоқлар» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда АндДУ профессори Р.Шамсутдиновга миннатдорчилик изҳор этиб, у ҳақда шундай деди: «У ўтган асрнинг 20 – 50-йилларидаги тоталитаризм ва сиёсий қатағонларнинг мураккаб муаммоларини назарий ҳал қилишга, ҳужжатлар ва материалларнинг дастлабки тематик тўпламларини нашр этишга, илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга катта ҳисса қўшди. Совет Иттифоқи таркибида бўлган Ўзбекистон ССР ҳудудида қозоқларнинг қатағон қилинишига доир мавзуларни биз Қозоғистонда туриб ўрганишни айнан унинг фундаменталь асарларидан бошладик. Олимнинг Ўзбекистон, Украина, Россия архивларида амалга оширган изланишлари туфайли кўплаб қозоқларнинг исм-шарифлари деярли йўқ жойдан пайдо бўлди». Қайд этиш жоизки, Р.Шамсутдиновнинг китобларида 30 мингдан ортиқ сиёсий қатағонлар қурбонларининг рўйхати мавжуд бўлиб, уларда нафақат ўзбеклар ва қозоқлар, балки тожиклар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар, эроний, афғон, рус, белорус, украин, озарбайжон, немис, арман, яҳудий ва бошқа миллат вакиллари ҳақида ҳам маълумотлар жамланган.

Сўнгги олти йил ичида Андижон университетида олиб борилётган илмий тадқиқотларни, диссертацияларни ҳимоя қилиш жараёни-

рига қўшни мамлакатлар олимларини расмий оппонентлар сифатида жалб этиш амалиёти кенг қўлланилди. Биргина Ўзбекистон тарихи фани йўналиши бўйича сўнгги йилларда университетда тайёрланган докторлик ва номзодлик диссертацияларига Қозоғистондан академик М.Койгелдиев, Қирғизистон профессорларидан Т.Кененсариев, Т.Чороев расмий оппонентлик қилдилар.

Бобур номидаги АндДУ ҳамда Қозоғистоннинг Ч.Ч.Валихонов номи Тарих ва этнология институти ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида меморандум тузилди. Бу ҳужжат туфайли томонлар ўртасидаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Айни пайтда, шу йил 14 сентябрда «XX асрнинг 20 – 50-йилларида Ўрта Осиё республикалари ҳудудида қозоқлар ўртасида амалга оширилган сиёсий қатағонлар» мавзуида Олмаотада, келаси йили «Ўрта Осиё республикаларида қатағон қилинган ўзбекистонликлар ва уларнинг тақдири (1917 – 1991 йиллар)» мавзуида Андижонда ўтказилиши режалаштирилган халқаро илмий-амалий конференцияларга тайёргарлик ишлари биргаликда олиб борилмоқда.

Илмий ҳамкорлик қардош қирғизистонлик тадқиқотчилар билан ҳам олиб борилмоқда. Қирғизистон Республикаси Миллий хавфсизлик давлат комитети томонидан 2021 йили 10 жилдлик **«Книга жертв политических репрессий в КР (1920 – 1953 гг.)»** номи архив материаллари тўплами нашрдан чиқди. Китоб муаллифи – Болот Абдурахманов. Китоб тақдимотида Чингиз Айтматовнинг қатағон қилинган отаси Тўроқул Айтматовнинг қизи Роза Айтматова ва махсус хизмат ходимлари иштирок этдилар. Кўпжилдлик бу ҳужжатлар ва материаллар тўпламида асли ўзбекистонлик, Қирғизистон ҳудудида қатағон қилинган юрдошларимиз номлари ва улар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Улардан айримларини келтирамыз:



1. Абдужабборов Авлиёхўжа – 1867 йили Тошкентда туғилган, ўзбек, диндор, 1937 йил 25 октябрда ҳибсга олинган, 30 декабрда отувга ҳукм қилинган, 1938 йил 12 январда ҳукм ижро этилган, 1989 йил 26 апрелда реабилитация қилинган.

2. Абдужабборов Муборакжон – 1917 йили Андижонда туғилган, ўзбек, ҳибсга олинган вақтда Ўш шаҳрида яшаган, сартарош, 1944 йил 21 июнда советларга қарши фаолият, жосусликда айбланиб ҳибсга олинган, 6 октябрда 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, 1956 йил 30 мартда реабилитация қилинган.

3. Абдуллаев Жўрабой – 1889 йили Марҳамат районида туғилган, ўзбек, 1942 йил 5 ноябрда ҳибсга олинган, 1943 йил 13 апрелда отувга ҳукм қилинган, 1943 йил 29 июлда қамоқда вафот этган, 1943 йил 11 августда жиноий иш тўхтатилган.

4. Абдуллаев Зайнобиддин – 1863 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, батрак, 1940 йил октябрь-ноябрда советларга қарши ташвиқотда айбланиб, 1941 йил 26 майда 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, 1990 йил 17 апрелда реабилитация қилинган.

5. Абдуллаев Турдиоҳун – 1872 йили Наманган шаҳрида туғилган, уйғур, Калинин номидаги колхозда қоровул бўлиб ишлаган, 1938 йил 13 июнда ҳибсга олинган, 1938 йил 13 ноябрда НКВД учлиги отувга ҳукм қилган, 4 декабрда ҳукм ижро этилган, 1990 йил 3 июнда реабилитация қилинган.

6. Абдураимов Зиёвудин – 1912 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, деҳқон, 1944 йил 26 августда советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланиб, 14 декабрда 20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, 1955 йил 23 февралда реабилитация қилинган.

7. Абдураимов Сади – 1914 йили Сталин райони Шаҳрихон қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, 1938 йил 15 ноябрда қамоққа олинган, 1939 йил 23 мартда 5 йил муддатга озодликдан

маҳрум қилинган, 1939 йил 17 июлда ҳукм ўз кучида қолган.

8. Абдурасулов Мадраим – 1861 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, батрак, 1940 йил октябрь-ноябрда советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланиб ҳибсга олинган, 1941 йил 26 майда 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, 1990 йил 17 апрелда реабилитация қилинган.

9. Абдурасулов Юсуфхон – 1867 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, батрак, 1940 йил октябрь-ноябрда советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланиб ҳибсга олинган, 1941 йил 26 майда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, 1990 йил 17 апрелда реабилитация қилинган.

10. Азизов Воҳид – 1895 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, педтехникум ўқитувчиси, 1938 йил 27 апрелда ҳибсга олинган, 14 ноябрда 3 йил муддатга Қозоғистонга сургун қилинган, 1989 йил 26 октябрда реабилитация қилинган.

11. Азимбойхўжаев мулла Иброҳим – 1869 йили Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, ҳибсга олинган вақтда Қирғизистон ССР Жалолобод шаҳрида яшаган, диний хизматчи, 1937 йил 21 октябрда советларга қарши фаолият учун ҳибсга олинган, 1938 йил 21 февралда 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, 1989 йил 26 апрелда реабилитация қилинган.

12. Акбаров Эшонқул – 1887 йили Қўқонда туғилган, тожик, ҳибсга олинган вақтда Қирғизистон ССР Жалолобод районидаги «Ирис» колхозида колхозчи, 1937 йил 9 ноябрда ҳибсга олинган, 2 декабрда отувга ҳукм қилинган, 1989 йил 12 майда реабилитация қилинган.

13. Алибоев Отабой – 1888 йили Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, батрак, 1938 йил 9 февралда қамоққа олинган, 21 февралда ҳукм чиқарилган, 1955 йил 5 мартда реабилитация қилинган.

14. Асанов Эшонхўжа – 1887 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, 1932 йил 9 мартда совет-



ларга қарши фаолияти учун қамоққа олинган, 28 ноябрда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, 1990 йил 20 сентябрда реабилитация қилинган.

15. Аҳмадбекхожиев Аҳмад – 1918 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўшдаги база қоровули, 1948 йил 21 сентябрда қамоққа олинган, 1949 йил 23 апрелда МГБ махсус кенгаши томонидан 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, 1956 йил 5 сентябрда ҳукм бекор қилиниб, озодликка чиқарилган.

16. Аҳмаджонов Неъматулло – 1878 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, этиқдўз, 1941 йил 19 ноябрда советларга қарши ташвиқот олиб боргани учун қамоққа олинган, 1942 йил 29 апрелда 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, сургун қилинган, 1989 йил 25 апрелда реабилитация қилинган.

17. Аҳмадхўжаев Мамахонтўра – 1867 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, мироб, 1937 йил 7 декабрда советларга қарши фаолияти учун қамоққа олинган, 1938 йил 21 февралда 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, 1989 йил 26 апрелда реабилитация қилинган.

18. Аъзамов Ҳожимурод – 1905 йили Тошкент шаҳрида туғилган, педтехникум ўқитувчиси, 1938 йил 27 апрелда ҳибсга олинган, 14 ноябрда 3 йил муддатга Қозоғистонга сургун қилинган, 1989 йил 26 октябрда реабилитация қилинган.

19. Олимқулов Чинмирза – 1905 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, 1937 йил 25 сентябрда советларга қарши ташвиқоти учун ҳибсга олинган, 19 ноябрда ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, 1989 йил 27 апрелда реабилитация қилинган.

20. Олимов Абдулла – 1907 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, «Промартель» устaxonасида ишлаган, 1938 йил 31 мартда қамоққа олинган, 10 ноябрда НКВД училиги отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 4 декабрда ижро этилган. 1989 йил 31 майда реабилитация қилинган.

21. Орзибоев Қодирали – 1896 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, колхоз брига-

дири, 1938 йил 21 сентябрда қамоққа олинган, 1939 йил 2 июнда ҳукм чиқарилган, 1989 йилда реабилитация қилинган.

22. Ортиқов Бобохон – 1912 йили Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўш театри директори, 1937 йил 22 октябрда қамоққа олинган, 1938 йил 21 февралда ҳукм чиқарилган, 1955 йил 5 мартда реабилитация қилинган.

23. Оталиқов Ҳабибулло – 1930 йили Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, завод ишчиси, 1949 йил 13 майда қамоққа олинган, 13 августда 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, 1992 йил 27 мартда реабилитация қилинган.

24. Охунов Исоқ Назарович – 1910 йили Тошлоқ туманида туғилган, ўзбек, Фрунзе шаҳрида милиция ходими, 1937 йил 10 январда қамоққа олинган, 1937 йил 18 майда 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, 1993 йил 14 июлда реабилитация қилинган.

25. Ҳайитохунов Сулаймон – 1888 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, ҳибсга олинган вақтда Қирғизистон ССР Жалолобод шаҳрида яшаган, 1938 йил 17 февралда ҳибсга олинган, 16 ноябрда отувга ҳукм қилинган, 1989 йил 10 июнда реабилитация қилинган.

Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи илмий ҳодимлари Қозоғистондаги Ал-Фаробий номли Миллий университет ходимаси, тарих фанлари номзоди Кулгазира Балтабаева билан ҳам яқиндан илмий ҳамкорлик қилишмоқда. Яқинда К.Н.Балтабаева музейга Узоқ Шарқда қатағон қилинган ўзбекистонликлардан 11 нафарининг рўйхатини тақдим этди. Бу рўйхатни ҳам эълон қиламиз:

1. Ашуров Оқил – 1910 йили Самарқандда туғилган, ўзбек, 1935 йилда ҳибсга олинган, 1937 йил 15 сентябрда НКВДнинг «Дальстрой» («Узоқ Шарқ қурилиши») лагери училиги томонидан РСФСР ЖК 58-моддаси бўйича айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1937 йил 29 октябрда ижро этилган, 1989 йил 28 августда реабилитация қилинган.



2. Мамурадзе Ҳайдар – 1916 йили Тошкентда туғилган, ўзбек, 1934 йилда ҳибсга олинган, 1938 йил 3 февралда РСФСР ЖК 58-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этишда айблаб, отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 7 ижро этилган, 1973 йил 27 июлда реабилитация қилинган.

3. Пўлатов Ҳайдар – 1906 йили Тошкентда туғилган, ўзбек, 1935 йилда ҳибсга олинган, 1938 йил 9 майда НКВДнинг «Дальстрой» лагери ҳузуридаги учлиги аксилинқилобий-исёнчи ташкилот фаолиятида айблаб, отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 14 июнда ижро этилган, 1989 йил 30 июнда реабилитация қилинган.

4. Сувонов Дархон – 1911 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, 1935 йилда ҳибсга олинган, 1938 йил 7 апрелда НКВДнинг «Дальстрой» лагери ҳузуридаги учлиги РСФСР ЖК 58-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этишда айблаб, отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 14 апрелда ижро этилган, 1989 йил 29 майда реабилитация қилинган.

5. Суюнов Парда – 1903 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, 1934 йилда ҳибсга олинган, 1938 йил 5 майда НКВДнинг «Дальстрой» лагери ҳузуридаги учлиги аксилинқилобий зарарқунандаликда айблаб, отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 16 июнда ижро этилган, 1968 йил 3 июнда реабилитация қилинган.

6. Убайдуллаев Шимен – 1908 йили туғилган, ўзбек, 1933 йилда ҳибсга олинган, 1938 йил 5 майда НКВДнинг «Дальстрой» лагери ҳузуридаги учлиги аксилинқилобий исёнчиликда айблаб, отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 5 июнда ижро этилган, 1965 йил 17 майда реабилитация қилинган.

7. Худойбердиев Ёқуб – 1910 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, 1937 йилда ҳибсга

олинган, 1937 йил 15 сентябрда НКВДнинг «Дальстрой» лагери ҳузуридаги учлиги РСФСР ЖК 58-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этишда айблаб, отувга ҳукм қилган, ҳукм 1937 йил 29 октябрда ижро этилган, 1989 йил 28 августда реабилитация қилинган.

8. Шарифов Муҳаммаджон – 1893 йили Бухорода туғилган, ўзбек, 1935 йилда ҳибсга олинган, 1938 йил 3 февралда НКВДнинг «Дальстрой» лагери ҳузуридаги учлиги РСФСР ЖК 58-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этишда айблаб, отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 7 февралда ижро этилган, 1973 йил 6 декабрда реабилитация қилинган.

9. Қиличев Қурбон – 1903 йили Арабхонада туғилган, ўзбек, 1933 йили ҳибсга олинган, 1938 йил 10 апрелда аксилинқилобчилик-троцкийчиликда айбланиб отувга ҳукм қилинган, 28 апрелда ижро этилган, 1989 йил 27 июлда реабилитация қилинган.

10. Ҳайдаров Норқул – 1899 йили туғилган, ўзбек, 1936 йилда ҳибсга олинган, 1938 йил 7 майда НКВДнинг «Дальстрой» лагери ҳузуридаги учлиги аксилинқилобий исёнчилик ташкилоти аъзоси сифатида айблаб, отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 7 майда ижро этилган, 1965 йил 7 июлда реабилитация қилинган.

11. Ҳосил Восил – 1905 йили Тошкентда туғилган, ўзбек, 1930 йилда ҳибсга олинган, 1938 йил 31 мартда НКВДнинг «Дальстрой» лагери ҳузуридаги учлиги аксилинқилобчилик-троцкийчилик фаолиятида айблаб, отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 13 апрелда ижро этилган, 1963 йил 7 январда реабилитация қилинган.